

ЁШЛАК



Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий
Комитети ва
Ўзбекистон ССР
Ёзувчилар
союзининг
органи

(86)
Февраль

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН,
Владимир ЖОНИБЕКОВ,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Ҳамид ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Олим ОТАХОНОВ,
Азим СУЮН,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Нурали ҚОБУЛ,
Абдурашид ҚОДИРОВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ
(бош редактор ўринбосари).

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти



МУАЛЛИФ ЁЗ АСАРИ ҲАҚИДА

Халқимизда «ғат-ғат қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи» деган кинояли гап бор. Назаримда, турғунлик йилларининг биз учун қолдирган аччиқ сабоғи шу бўлдики, бу даврда қўли қадоқ, ақли бутун, руҳи соғлом кирои меҳнаткаш ҳар боб билан таҳқирланиб, нафсию тилига зўр берган олғирлар, ўзини покдомон кўрсатишга устаси фаранг ифлослар эса айшини суриб яшаганини биз бугун равшанроқ тушуниб турибмиз. У даврда иш биладиган бунёдкор халқимизнинг шўри қуриди. Ва, аксинча, гап биладиган муттаҳамлар яйраб-яшнади. Яратувчи билан истеъмолчи ўртасида зиддият пайдо бўлди. Меҳнат роҳат бўлмай қолди. «Текин — танни тоза қилади» деган касларнинг уруғи кўпайди. Яширин «савдо-сотик», яъни порахўрлик илму амал даргоҳларидан ўтиб, нафосат — адабиёт ва санъат оламини ҳам ажабтовур танг аҳволга солиб қўйди. Табиат ато этган ноёб истеъдодлар билан ҳисоблашмай қўйилгач, худди раҳбарлар, сувчилар, чўпонлар, ишчиларнинг сулоалари каби, бастакорлар, ёзувчилар, рассомлар, актёрлар ва бошқа хил ижодкорларнинг ҳам бутун-бутун сулоалари — бадий косиблик пайдо бўлди. Нафосат олами ёш авлод, унинг ижтимоий келиб чиқиши қандайлигидан қатъи назар, ноёб истеъдодлар ҳисобига мунтазам янгиланмади. Даста узун ҳомийлар паноҳида туп қўйиб палак ёзган соясевар, қалами ночор ижодкорлар кўпайгани сари адабиёт ва санъат халқ дардидан тобора узоқлашаверди.

Лекин халқимиз «томчи тошни тешар» дея бежиз айтмаган. Турғунлик тоши тешилиб, ижтимоий адолат тикланаётган бугунги қайта қуриш ва ошкоралик кунларида ўша йилларда чекилган ижодий заҳматларимдан бирини Сиз ҳурматли журналонларнинг ҳукмингизга ҳавола этарканман, умид қиламанки, Фарҳоду Маржондек жигарбандларини қидириб чор тарафга бош уриб юрган ёш бастакор ва мусиқашунос Озод Холқовнинг руҳий ҳолати, аччиқ кечмиш-кечирмишлари Сизни лоқайд қолдирмайди. Асар наинки мусиқа санъатимиз, балки аввало маънавий ҳаётимиз руҳий бисотимизнинг кечаси қиёфаси, қолаверса, бугунги ва эртаси ҳусусида жиддийроқ мушоҳадага ундайди, деган умиддаман.

Майли, азалий касб-коримиз яратиш, қуриш экан, қурайлик. Зарурат бор экан, майли, бузиб қайта қурайлик. Лекин қурирмайлик. Тилда эмас, амалда қурайлик. Муҳими — нимагадир ишонайлик! Одамийлик, ҳалоллик, эзгу туйғулар нафосати, хуллас, жамики руҳий бисотларимизни асраб-авайлаб, уларни ёвуз кучлар таъсирдан ихоталаб яшайлик, дўстлар! Гапнинг индаллоси мана шу!

Мазкур асарнинг шакли ҳусусида ҳам муҳтасар низоҳ керакка ўхшайди. Балки унда шартли воситалар, илмий жумлалар, киноя-қочиримлар, ҳатто очиқ-ошкор баён кучлидир. Эҳтимол, анъанавий қиссанавислигу бадиҳагўйлик билан бугунги наср усуллари қоришиб кетгандир. Балки қиссанинг зоҳирий жиҳатлари кимгадир ўта жўн, кимгадир ўта мураккаб туюлар. Ҳар ҳолда, ҳозирги наср, ҳусусан, қиссачиликда рўй бераётган жараёнларни баҳоли қудрат кузатиб бораётиб бир эски ҳақиқатни чуқурроқ тушунгандай бўлдим: шаклни мазмун белгилайди, яъни мазмун — бирламчи, шакл — иккиламчи. Демокриманки, мен учун муҳими — мазмун, муайян мажозий-фалсафий умумлашмани шу бир томчига жамлаш эди. Бу йўлдаги кўп йиллик изланиш маҳсулларида бири билан танишиб, уни холис баҳолаш Сизга ҳавола, инқилобий давримизнинг диди юксак, таъби нозик ўқувчилари...



Миртемир

Раҳимжон ОТАЕВ

Сурнай Наволари

Қисса



Чимкент областининг Туркистон районида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. «Турмуш, хулқ-атвор, меҳнат эстетикаси», «Осмон тўла юлдузлар» китобларининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Еш ёзувчиларнинг VIII Бутуниттифоқ семинар-кенгашида (1984, Москва) иштирок этган. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар союзида катта адабий маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Яқинда «Еш гвардия» нашриёти ёзувчи ва мунаққиднинг «Қалб дарчаси» номли дастлабки ҳикоялар тўпламини чоп этди.

«Сурнай наволари» — Раҳимжон Отаевнинг илк қиссаси.

Зиёд подачи ўғитларидан: «Нега сизга ишонмаслигим керак, иним? Сиз ҳам одамсиз, икковимизнинг палагимиз битта, ахир! Ёдингизда бўлсинки, иним, одам боласи бир-бирига ишонмай қўйдими, дунёда нақ қиёмат қўпгани шу!»

«Ҳеч бир элни четдан келган ёв энголмайди. Ўзингдан чиққан ёв ёмон».

1

— Гафлат босиб ётаверасизми? Туринг-да энди! — Озод болаларини боғчага олиб чиқаётган Райҳоннинг овозини эшитган, сергак тортиб, хонтахта устидаги соатига чўзилиб қаради: тўққиз! Тамом, ишга кечикади! Камида бирор соатлик йўл бўлса. Кийиниб, ювинишдан ташқари ҳали автобус кутиш ҳам бор. Уф тортиб ўрнидан тураётганида кеча ишхонасида рўй берган можаролар хаёлига беҳос ёпирилиб кирдию тагин ўрнига чўзилди. Алам билан ўйлай бошлади: «Барибир энди беҳуда. Бугун талотўп бошланса керак. Бу талотўпдан омон чиқиш даргумон!» Бирдан хаёли чалғиб кеча оқшом хайрлашар чоғи собиқ раҳбари Мирзаев айтган гаплар ҳам ёдига келди, ирғиб ўрнидан турди. Апил-тапил кийиниб, ишга отлана бошлади.

Озод ишга кечикишни тасаввур этолмайди. Мана, ўн уч йилдан бери ишлайдики, на бирон марта кечиккан, на проғул қилган. Қайсики ишга қўл урмасин, астойдил бажаришга кўниккан. Айрим ҳамкасбларидек, ишга кечроқ бориб, вақтлироқ жуфтак ростлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳатто эртанги ишлари режасини тузиб алламаҳалгача қолиб кетади. Агар кайфияти яхши бўлиб, куй басталаш ёхуд мақола ёзишга уннаб қолса-ку, то тугатмагунича ўрнидан турмайди. Консерваторияни битириб, санъатшунослик институтида, мактабда, Маданият министрлигида ишлади. Мана, уч йилдирки, Бастакорлар союзида ишляпти — ҳамisha шу аҳвол. Ҳозир, бутун ҳаёт-мамоти қил устида турган пайтда-ку, ишдан кечикиш... даҳшат! Тонг-сахарда икки соатгина мизғиб оламан деб, донг қотиб қолибди-я. Бошқа вақтда кечиксаям шу бугун кечикмаслиги керак эди.

У ташвишли ўйлар исканжасида шошилич туфлисини кияркан, эшик ортида калит шикирлади. Озод ҳайрон бўлди. Бирдан эшикни тортди. Бўсағада Райҳон турарди.

— Ҳа, намунча тез?..

Хотини унга ташвишли қаради.

— Ия, ҳалиям уйдამисиз?!

— Кўрмаяпсанми қаердалигимни, мен сендан намунча тез қайтиб кирдинг, деб сўраяпман? — бақириб юборди Озод.

Райҳон остона ҳатлаб, йўлакка — унинг ёнига ўтдида, тезда эшикни беркитди. Сўнг йиғламсираб ҳасрат қила бошлади:

— Фарҳодингизнинг куйдиргани етарли бўлди менга. Нақ ярим йўлда «боғчага ўзимиз чиқамиз, сиз етаклаб оборсангиз чиқмаймиз», деб оёқ тираб туриб олса денг. На тушунтирганга кўнади, на алдаганга...

Ё тавба! Мунча содда, лаллайган бўлмаса бу хотин?! Сал нарсага ловуллаб кетадиган тажангроқ одам эмасми, бу янгиликни эшитиб баттар жиғибийрони чиқди:

— Олти яшар боланинг гапига лаққа ишониб ярим

йўлдан қайтиб келавердингми?! Ахир, боғчага кирмай, бошлари оққан тарафга кетиб қолса нима қиласан?! — У дафъатан шуни бир дақиқа тасаввур қилдию беихтиёр юраги шувиллади. Шаҳд билан буюрди: — Чоп, тез чиқиб қара! Боғчага киришибдими-йўқми, бил! Бу хавотирда ишлаб бўладими энди!

Райҳон бир муддат талмовсираб турди-да, ташқарига йўналди. Озод оёқ кийимини ечмай, ғудранганича тўппа-тўғри ошхонага — ўтган йили газ-сувни айвончага кўчириб, «кенгайтирган» қўлбола кабинетига ўтди. Папкасини ёзув столи устига ташладию курсига ўтириб қолди. Бошини чангаллади. Икки чаккаси лўқиллаб оғрир, кўнгли беҳузур бўлмоқда эди. Ҳаммаси асабдан! Айниқса кейинги пайтларда сал нарсага асабийлаша-верадиган бўлиб қолди. Ортиқча қизишмаслик, ҳаяжонланмаслик керак. Аммо...

Ўзи нималар бўляпти, а? Кейинги уч-тўрт йил ичида ишлари бинойидек юришиб келаётувди-я! Мана, бир хона бўлса ҳам бошпанамиз бор, ширин-шакар болаларимиз бор, ҳазилакам гапми. Бастакорлар союзидек улкан даргоҳга ўрнашдим, энди енг шимариб астойдил ишлайман, ўқиб-ёзаман деб турганимда, ҳали мажлисбозлик, ҳали қоғозбозлик, ҳали янги уй вазвасасию ҳали ўша лаънати Поёновнинг хатлари билан боғлиқ машмашалар... Устига устак, фарзандининг мана бунақа қилиқлари.

Йўқ, ўйлаб қаралса, айб ўғлида эмас, хотинида ҳам эмас, ўзида! Ўзи «қарзандам, ўттиз ёшда кўрган ёлғиз ўғлим», деб уни ҳаддан ташқари эркалатиб юборди. Айтганини хўп деб муҳайё қилаверди. Вақтида мундо-оқ таъзирини бериб қўймади. Мана оқибат! На онасининг айтганини қилади, на унинг! Олти ёшидаки шундай, эртага ким бўлади бу бола?

Озоднинг хаёллари шу ерда узилди. Йўлакда Райҳон кўринди. Унинг юз-кўзларида ваҳима акс этиб турарди.

— Йўқ-ку, — деди хотини худди гуноҳкордай, хижолатли аллозда.

— Нега?

— Билмасам... боғчага киришмабди...

— Нимани биласан ўзи?! — Озоднинг фиғони чиқди. — Тузукроқ қидирмагансан-да, бир зумда ер ютиб кетмагандир! — Шундай дея, қаршисида жовдираб турган Райҳоннинг кўзларида дарғазаб тикилди. Бир хаёли, «Бор-э, ҳаммасига мен танми! Ўзинг йўқотдингми, ўзинг қидириб топ энди! Бир бошимга ишхонадаги ташвишлар ҳам етарли бўляпти», дея қўл силтаб чиқиб кетмоқчи бўлди. Бироқ болалари, ахир не-не кўргиликлардан сўнг тилаб олган болалари қани? Уларни бу ландовурнинг қидириб топишига ишониб бўладими?! Қутилмаганда ёввош тортиб, овозини бир парда пастлатди: — Юр-чи, биргалашиб қараймиз.

Боғча уйларидан нари борса юз қадам. Икки тарафда турнақатор гаражлар саф тортган ярим айлана жинкўчадан ўтилади. Тикка йўл бўлса-ку, тағинам қисқароқ. Икки ярим йил аввал — шу бир хонали кооператив уйга кўчиб келганларида қандай қувонишган эди! Уйнинг ажойиблиги, тагин биринчи қават эканлиги, айниқса, боғчанинг яқинлигини ҳаммага мақтанавериб эслари кетувди. Райҳоннинг ўзи ҳам боғчага тарбиячи бўлиб ишга кирди. Ушанда шунақанги суюндиларки! У ҳар куни эрталаб Фарҳодни етаклаб, Маржонни кўтариб боғчага чиқади: она — ишга, болалар — тарбияга. Кечкурун учовлон биргалашиб қайтиб киради.

Энди, бугунга келиб, шу қўл узатса етгулик жойда бирваракайига кўзларига тўтиё қилиб юрган икки фарзанди йўқолса! Қаёққа йўқолган бўлиши мумкин? Бирон жойда ўйнаб юришганмикин? Кейинги пайтларда

Фарҳоди қилиқлар чиқара бошловди-да ўзи.

Тунов куни (Райҳоннинг гапича) болалари боғчадан кириб, майдончада ўйнаб юришган экан. Кечки овқатларини тайёрлаб, чақиргани чиқса, йўқмиш. Шу орада ишдан қайтиб келган Озод уйга кирмай, у ёққа чопди-бу ёққа чопди, тополмади. Қўшни уйлардан сўраб-суриштиравериб жағи толди. Бир пайт чарчаб-шалвираб ортига қайтса, аллақайси қўшниси Райҳонга ғалати гап етказибди: «Ўғлингиз нон дўкони олдида ўтган-кетганга қўл чўзиб, тиланчилик қиялпти».

Озод ғазабдан жизғанаги чиқиб, бирор қақирим наридаги нон дўкони тарафга югурди. Узоқдан болаларига кўзи тушиб, андак енгил тортиди. Қизиққонлик кўрсин, дарахт панасида туриб кузатди: девордармиён қўшнисининг биринчи синфга қатнайдиган шумгина ўғли Жамол газ-сув олдида, Фарҳод билан Маржон бўлса қўл ушлашганича йўлнинг қоқ ўртасида турнибди. Болалари жимит қўлчаларини олдинга чўзганча ёлворишади: «Амаки, уч тийин беринг!» «Амати... уч тийин». Сўнг «ундирган» чақаларини Жамолга обориб беришади. Жамол... газ-сув ичади. Ортган чақани чўнтакка уради...

Эр-хотин биргалашиб уйлари олдидаги майдончани, гаражлар атрофини, боғча теварагини кезишга тушдилар. Райҳон «балки энди киришгандир» деган хаёлда йўл-йўлакай яна боғчага бош суқиб, ҳамкасбларидан сўраб-суриштирди. Нон магазини ёнига ҳам бориб келди. Уларнинг дараги йўқ эди! Эр-хотин баттар хавотир ола бошлашди: куппа-кундузи, атиги беш дақиқа ичида, юз қадамнинг нари-берисида бирваракайига икки қоракўзи йўқолса-да, уларга нима бўлганини ҳеч ким билмаса! Бунақаси унча-мунча саргузашт фильмларда ҳам бўлавермайди, ахир!

Балки уйга келишгандир, деган умидда ортларига қайтдилар. Иккинчи қават деразасидан уларни кузатиб турган қўшни умидли бир гап айтди. Айтишича, у кеча кечкурун икки болакайни (ҳойнаҳой Фарҳод билан Жамолни) автобус бекатида кўрганмиш. Иккиси бекатдаги ўриндиқда бир нарсани маслаҳатлашишаётган экан.

Райҳон чопқиллаганича Жамолларникига чиқиб кетдию зум ўтмай бўшашибгина қайтиб тушди. Жамолнинг онаси эрталаб ўғлини ўзи мактабга қўйиб келганмиш.

Эр-хотин ўйлашиб-кенгашиб, аразлашиб-аччиқлашиб, ахйири шундай тўхтамга келишди: Озод мактабга боради — Жамолга учрайди. Балки калаванинг учини шу бола топиб берар. Баҳонада ишхонага кўнғироқ қилади. Болаларим йўқолиб қолди, топилиши билан етиб бораман, дейди. Райҳон бўлса, уйдаги чақалоғидан бирров хабар олади-да, қўшнилاردан сўраб-суриштиради. Балки ҳар куни кечки салқинда майдончада ўйнайдиган, боғчага қатнамайдиган болалардан биронтасининг уйда ўтирган бўлиб чиқар.

Эр-хотиннинг ўзга чораси йўқ эди шу топда.

2

Одамзод интилишларининг ниҳояси бормикин сира? Бор бўлса, нега кўпчилик тоза ҳаво, зилол сув, бепоеён кенгликни ортда қолдириб, чироққа талпинган парвонадек, йирик шаҳарларга интилиб яшайди бугун? Нега шундай? Озод-ку, ота васиятига кўра жамики сурнай куйларини нотага кўчираман, миллий чолғуларимиз, аввало сурнай ҳақида каттакон китоб ёзаман, деган орзу сабаб, шу ғала-ғовур шаҳарда яшашга мажбур! Уни бу ерда тутиб турадиган бошқа куч йўқ — етти отаси яшаб ўтган ўша қафтдек теп-текис, ясси-яйдоқ,

эхтимолки, шуниси билан ардоқли юртига кетарди, жон-жон деб кетарди! Бироқ манави қават-қават бинолар ичида шердан ҳадиксираган қуёндек ночор қунишиб-ғужанак бўлиб олган одамларни шаҳарда қандай куч ушлаб турибди экан? Наҳотки ҳаммалари Озодга ўхшаб ҳаётларининг бирдан-бир маъносига айланган орзу учун яшаётган бўлсалар? Янаям қизикроғи, шу уйларда яшаётганлар кимлар, қандай одамлар экан-а? Арслонову поёновларми? Мўмин Шокиров, норқуловларми? Қурбон султонларми? Мусавой ака билан опоқи-ку, бундай «қават»ларда яшамайдилар. Балки ҳаммалари Мирзаев, Эҳсонов ёхуд Жўрабоев тоифасидагилар бўлиб чиқар? Ёинки оқил-хоновлардир? Кошкийди шундай бўлса! Бу «шаҳар — ўзаро туташ кенгликлардан иборат», деган сўз-ку, ахир! Лоақал кейингилари кўпроқмикин? Бу уйларнинг аксариятида арслоновлар, Қурбон султонлар яшаётган бўлиб чиқмасмикин мабодо?!

Ким билади, балки аллақандай мактабда эмас, шу атрофда — ўзаро икки томчи сувдек ўхшаш манави баҳайбат уйларнинг қай биридадир ўтиришгандир болалари? Бироқ... қай бирида, кимларнинг қошида? Уларга олиб борадиган йўл қани?

Озод туғилиб ўсган қишлоқдан ўн қақиримча берида қадимий Ясси шаҳри жойлашган. Аҳмад Ясавий мақбараси — шаҳарнинг қарийб ягона фахри ва кўрки. У ҳар гал юртига борганида ана шу мақбара тепасига чиқиб, чор-атрофни томоша қилади. Мақбара кифтида бутун вужуди қушдек енгил тортади. Сабаби, теп-текис, ясси ерлар эмасми, у ёғи — Қоратоғ, бу ёғи — Сирдарёга туташувчи ажиб бир сайхонлик кўз олдида кафтдагидек намоён бўларди. Озод бу кенгликларни кучгиси, бағрига сингдиргиси келарди. Беҳтиёр кўкси тўлиб, юрак-бағри кенгайиб бораётгандек, руҳан тиниқлашиб, кўнгли ғусса-ғуборлардан фориглашаётгандек туюларди.

Раҳматли отаси Зиёд сурнайчи ана ўша кенгликларнинг чинакам шайдоси эди.

Қишлоқда отасининг исмига тақаб, сурнайчи, ё подачи, деб қақиритарди. Чунки отасининг ўзи ҳаммиша фахрланиб айтганидек, эсини танибдики, икки нарсани қанда қилмаган: пода боққан, сурнай чалган; ҳар куни тонг-саҳарда йўрға эшагини миниб, сурнайини этигининг қўнжигига тиқиб, адирга отланади. Уззукун пода боқади. Подадан қайтгач, оқшом чоғи тўйларда сурнай чалади. Тўғри. Озод отасининг сигирга сурнай чалганини (эшакнинг қулоғига танбур чертганини) ҳеч қачон кўрган эмас. Лекин ҳамюртларининг айтишича, Зиёд подачи «бир умр сурнай чалиб яшаган»миш: кундузи адирда — сигирларга, кечқурун тўйда — одамларга.

Бу гап ростми ё лофми, рост бўлса, сабабми ё оқибатми, ҳар қалай, Озодга шуниси кундек равшанки, отаси ўз умрини сурнайсиз тасаввур қилолмасди. «Сурнай халқимизнинг энг қадимий, энг муқаддас чолғу асбоби, — дея уқтирарди Озодга, — бошқа чолғу асбоблари бунинг олдида ўтаверсин! Ўзинг ўйлаб кўр, сурнайсиз тўй — тўйми? Тўйсиз умр — умрми? Билсанг, сурнайнинг торгина бўғзига бутун дунёни сиғдириш мумкин. Фақатгина бағринг кен бўлиб, астойдил ихлос билан пуфласанг, бас! Ахир, бир гап борки, ҳиндилар сурнай билан илонни аврайдилар, нақ илонни-я!»

Кунлардан бир куни — ўшанда еттинчида ўқирди шекилли — Озод отасига ниҳоятда маъқул гап топиб келди. Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романини ўқир экан, ғалати ривоятга дуч келди. Эмишки, тутқунликда куйиб адо бўлаётган асирларни ҳаётга қайтариш

мақсадида сурнайни дастлаб Форобий кашф этган. Ривоятни ўқиб берган эди, Зиёд сурнайчи севинчдан ўзини йўқотиб кўяёзди.

— Мана, кўрдингми, — деди ёш боладек суюниб, — сурнай нималарга қодир! Сўнг Озодга термулди. — Рост бўлса, шу одам биздан қирқ-эллик қақиримча нарида — Сирдарё бўйида яшаб ўтган экан. Мулла Ёқубнинг айтишича, мусиқа тўғрисида ҳам китоб ёзганмиш. Уша китобни топиб ўқисанг ёмон бўлмасди, ўғлим.

Кейин Озоднинг қўлидаги китобни олиб, варақлади-варақлади-да, ёзувчини алқай кетди: — Бу, барака топгур, Асқад Мухтор деганлари ўта ақлли, билимдон одам эканда-а? Шу-ундоқ кўҳна ривоятларни билар экан-а, қурмағур...

Тўнғич ўғил эмасми, отаси Озодга қайта-қайта насихат қиларди: — Сен ҳам, ўғлим, ҳозирдан сурнайга ихлос қўй. Майли, подамни боқмасанг — боқма, лекин вақти келиб қўлимдан сурнайимни ол. Юртнинг яхши кунларида хизматини қил, олқишини эшит. Ҳали улғайганингда сени ўқишга олиб бораман. Сурнайчиликнинг энг катта мактабига! Ана ўшанда ўқиб-ўқиб, сурнай тўғрисида ка-атта китоб ёзасан...

Эсида, эртароқ ўқийверсин деган отаси Озодни шаҳарга бундан йигирма икки йил муқаддам, у саккизинчи синфни битиргач, олиб келган. Қайсидир музика билим юртига. Озоднинг аниқ-тиниқ эсида қолгани шуки, отаси билим юртининг директори билан хафалашиб қолган.

Билим юртида сурнай курси йўқ экан, буни эшитиб отаси аччиғланган эди: «Ие, қанақаси бўлди, иним? Сурнайсиз бу мактабда қайси куйни ўргатасизлар?»

Ушанда қишлоққа қайтарканлар, отаси жаҳлланар эди: «Шундай катта шаҳарда сурнай мактаби бўлмаса, бу қандай гап, ахир?!» Сўнг Озодни ўзича овутиган бўлди: «Ҳа, майли, мактабингни битираверчи, ўлмасам, ҳали яна олиб келарман!»

Лекин Озодни ўқишга яна олиб келиш отасига насиб қилмади. Орадан бир йил ўтиб... қазо қилди. Озоднинг билгани шу. Ушанда — қишлоққа қайтган куни отасини раис қақириб олиб тоза пўстагини қоқибди: нега жамоа подасини қаровсиз ташлаб кетдинг, фалон — писмадон. Отаси ташлаб кетмаганлиги, ферма мудирига тайинлаганини айтса ҳам раис шаштидан тушмабди. «Нима, олий маълумотли ферма мудирининг ўрнингга пода боқадими?» — дебди. «Ферма мудирини боқса нима қилибди, бор бўлса қоғози бор, шохи йўқдир, — дебди отаси бу гапдан қаттиқ ажабланиб, — қолаверса, бир кун минг кун эмас-ку». «Ҳа, майли, ишингга боравер» — Раис андак юмшабди. Бироқ, чўпон эшикдан чиқар-чиқмас ортидан пўнғиллабди: «Билмадим, ҳамма ўқийверса, подани ким боқар экан!»

Бу гапни эшитиб Зиёд подачи тутатибди. «Мана мен боқаман, — дебди раисга рўпара келганича кўксига мушт уриб, — бироқ эсон бўлсам, ўғлимни албатта ўқитаман!» Раиснинг дами баланд экан, қаёқдаги подачи бетига чопаетганидан ғаши келибди. «Ҳе, менга деса подачиликни йиғиштириб қўйиб, ўзинг ҳам ўқийвер. Сенсиз ҳам амаллармиз бу ёғини». Подачи ҳам дилидаги гапни қайтармабди: «Менам бир кунимни кўрарман. Улиб қолмасман. Бу замонда раис-ку, топилаверади, бироқ...»

Уша куни отаси уйга келдию қутилмаган аҳдини маълум қилди: «нариги қишлоққа кўчамиз!» Оғир-оёқ онаси зорланди: «Кўйинг, отаси, қариндош-

уруғни ташлаб қаёққа борамиз? Қолаверса, раис ҳам бегона эмас, ҳар қалай, ўзимизники». Отаси баттар тутақди: «Ҳэ-э, қариндошчилик қолибдими ҳозир! Узоқ қариндош туғул, туғишган укам бўлсаям, босар-тусарини билмай қолган бу бойваччанинг қўл остида ишламайман энди! Ўзи-ку, отамнинг кўмагида ўқиган ялангоёқ бўламизнинг боласи эди. Энди «мен ўқимишлиман» деб, димоқ-фироқ қилади. Текин кутуртиргандирки, қўйиб берсанг, нақ едирган-ичирган эгасига қараб даъф қилади у даюс! Ҳа-а, дунёнинг ишлари мана шунақа экан. Ҳеч бир элни четдан келган ёв энголмайди. Ўзингдан чиққан ёв ёмон. Ўзингдан чиққан балого қайга борарсан давога, деб бекорга айтмаган ота-боболаримиз». Онаси отасини юпатмоқчи бўлди: «Шу ўжар феълингиз ҳеч қолмади-қолмади-да, отаси. Ҳа, энди, раис бўлгандан кейин, тергайди-да». Отаси қўл силтади: «Ҳэ-э, ўшанинг раислигига... Қани, гапни чувалатмай, кўч-кўронингни йиғиштир! Бизни шу Қорачуққа киндигимиздан боғлаб қўйган бўлсаям агар!..»

Хуллас, эртасига сандиқдаги бор-йўқ пулни бир қийиқчага туғиб, Озод икковлари йўлга чиқдилар. Сафар олдидан отаси онасига тасалли берди: «Кўп куйинаверма, хотин. Юрт айвони сен ўйлаганчалик тор эмас. У ёқдаям подачининг оши ҳалол. — Кейин овоз оҳангини ўзгартириб, вазиятни тушунтирди: — Кеча қизиқ устида бир одам билан келишиб, иморатини кўриб қайтувдим. Бугун биз ўйини сотиб оламиз. У ёқ-бу ёғини тузатиб, бирор ҳафтадан сўнг кўчармиз. Гап шу!»

Йўл-йўлакай ота-болога яна бир бегона киши ҳамроҳ бўлди. Бунга қарангки, ҳамроҳлари — бўлажак қўшнилари Мавлонбой деган киши экан. Учволон икки қишлоқ ўртасидаги қирдан ошиб ўтарканлар, ортларидан Озоднинг тўнғич укаси ҳаллослаганича етиб келди.

— Ҳа, нима гап, тинчликми? — сўради отаси унга ташвишли қараб.

— Ойимнинг... мазалари қочиб қолди. Ушанга... тез қайтаркансиз.

— Оббо! — Отаси эсанкираганича турди-турди-да, ниҳоят янги танишига юзланди.

— Бугунги ишни эртага қолдириш бехосият дейдилар. Сиздан илтимос қилиб қолди, иним Мавлонбой. Манови қийиқчада ўн минг сўм пул. Обориб қўшнингизга берасиз. Ўғлим сиз билан боради, таништирасиз. Майлими? Мен кейинроқ борарман.

Уша куни кенжатай укаси Йўлдош туғилганди. Чақалоқнинг чилласи чиққач, янги уйга кўчиб бордилар. Кунлардан бир куни отаси билан гурунглашиб ўтириб қўшнилари Мавлон ака кулиб деди:

— Очиғини айтсам, қизиқ одам экансиз, Зиёд оға. Учча-мунча эмас, ўн мингга мендай бегонага бериб юборавердингиз-а ўшанда! Еб кетганимда нима қилардингиз?

— Нега сизга ишонмаслигим керак, иним?! Сиз ҳам одамсиз, палагимиз битта, ахир! Ёдингизда бўлсинки, иним, одам боласи бир-бирига ишонмай қўйдими, дунёда нақ қиёмат кўпгани шу! Қолаверса, ўша пуллар аслида меники эмас, ўзингизга ўхшаш одамларники эди. Демак, уни еб кетган одам ўзига ўзи жавр қилади, иним. Минг афсуски, ҳаромдан кўрқмайдиганлар ҳам ҳаётда йўқ эмас экан, начора...

Бу гаплардаги алланечук ҳазин оҳанг, отасининг ич-ичига чўка бошлаган кўзларидаги мунг-изтироб, мана, йигирма бир йилдирки, Озоднинг хотирасида қаттиқ муҳрланиб қолган.

Яна бир манзара унинг мурғак қалбида ўчмас из қол-

дирган: олти яшарлигида — мактабга бориш арафасида — отаси Озод билан тўнғич укасига атаб тўй қилган. Ушанда бир тўй бўлган, бир тўй бўлган, таърифига сўз ожиз. Тумонат одам. Уртада каттакон гулхан ловуллаиди. «Карнайчининг тўйига — карнайчи, сурнайчининг тўйига — сурнайчи келади», деганлари бежиз эмас, шеклли, саккизта сурнайчи, ўшанча чилдирмакаш жўр бўлиб еру осмонни ларзага келтирди. Ўйнамаган одам қолмади. Бир пайт отаси Озодни азот кўтариб, елкасига ўтказди-да, даврага тушди. Бармоқларини қарсиллатиб, шох ташлаб ўйнаб кетди. Чунонам ўйнадики... Озод бўлса, нозик қўлчалари билан отасининг бўйнидан маҳкам кучоқлаганича ваҳима аралаш севинчдан қийқиради.

Энди ўйлаб қараса, отаси ўшанда шунчаки тўй-томоша эмас, тантана қилган экан. Қисматидан миннатдор отанинг дастлабки тантанаси, байрами, намойиши экан ўша тўй! Энди ўйлаб қараса, одам боласи мана шундай ТАНТАНА чоғларидагина ўзининг кумурсқадек изғимаётгани, чинакамига инсоний умр кечираётганини теран ҳис қиларкан.

Бундай ҳиссиётни бошдан кечиришни Озод ҳам орзу қиларди. Орзусининг қачон ушалиши унга қоронғу. Аввало Озод олти яшар якка-ёлғиз ўғлининг тўйини қачон ўтказди? Ҳозир эса... болаларини йўқотиб қўйиб, аллақайси мактаб сари йўртиб кетмоқда. Демак, у юқоридаги лавҳаларни бутун тафсилотлари билан ўйлайдиган аҳволда эмас. Лекин бир нарсаси шак-шубҳа йўқ: тасаввурда бот-бот жонланиб қолувчи бу манзаралар Озоднинг ҳам тотли, ҳам талх хотираси, муқаддас бисоти эди.

Озод мактабга етиб келди. Жамолни топди. Лекин бу шайтонбачча «билмадим», деб кўзини лўқ қилиб тураверди. Озод ичидан зил кетди. Бекорга овора бўлганидан афсусланиб ортига қайтди. «Ишқилиб, болаларим топилган бўлсин-да, қўшнилардан биронтасиникига кирган бўлиб чиқсин», дея орзиққанича уйга қайтиб келди. Кираверишдаги йўлак бошида Райҳон хафа бўлиб турганини кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Эр-хотин бир-бирларига термулганларича жим қолдилар.

Иккисининг нигоҳида бир савол қотган эди: «Энди нима қиламиз?»

Охири Райҳон тилга кирди.

— Адаси, бу ўша... ялмоғизнинг ишимасмикин? Пайт пойлаб юриб-юриб, шу йўл билан қасдини...

Райҳоннинг товушидан гап ким ҳақда кетаётганини дарров тушунди. Тушунди-ю, миясида дафъатан яшин чақнагандек бўлди: наҳотки? Наҳотки шунча йилдан кейин? Йўғ-э! Тўхта! Дарвоқе, ҳов ўшанда нега кўнғироқ қилган эди у аблаҳ? Ҳар қалай, Бастакорлар союзига аъзо бўлгани билан табриклаш мақсадидагина эмасдир? Балки бошқа ниятиям бўлгандир? Бир қалоси бордирки... Демак, вақт ғаниматда нимадир қилиш керак.

— Милицияга хабар беришга тўғри келади, — деди Озод Райҳоннинг нигоҳидан кўзларини олиб қочиб. — Яхшиси, бундай қиламиз: мен автобус айланадиган жойга бориб, телефонда милицияга хабар бераман. Баҳонада шофёру диспетчерларга тайинлаб келаман. Нима деб бўлади, балки автобусда юришгандир. Сен бозорча томонга чоп! Тунов куни эргаштириб борувдинг. Ажаб эмас, шу ёқда юришган бўлса!

«Ажаб эмас» — яхши илинж.

«Ажаб эмас» — қарийб умид бу!

«Ажаб эмас» — анчайин юпанч бўлса-чи?

Озодга илк бор қаттиқ панд берган, панд не, юрагига битмас-йитмас жароҳат муҳрини босган, унинг қарийб уч йиллик қайноқ умрига зомин бўлган одам — биринчи хотини Гулсун эди. Мана, роппа-роса ўн йилдирки, Озод бу одам шамойилидаги иблисга ўзини рўпара қилган шум қисматга минг-минг лаънатлар ўқийди. Ҳали яна кўп йиллар лаънатлашига ҳам имон келтиради. Аммо, барибир, гарданидаги иснод юкидан батамом халос бўлолмас керак. Начора, сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Пушаймондан хатолар тузалса экан. Тузалган тақдирда ҳам, юракдаги доғ-чи, доғ? Уни йўқотиш мумкинми сира?

Энди ўйлаб қараса, ҳамма бало ўшандаёқ — консерваторияни битириб, йўлланма билан санъатшунослик илмий текшириш институтига ишга келган дастлабки кунданоқ бошланган экан.

Баъзан шунақа бўлади: бир одамни учратасиз-да, ташқи қиёфасига қараб, унга астойдил ачинасиз. Қалбингизда раҳм-шафқат ҳисси уйғонади. О, нотанти табиат, шу фарзандингни ҳам бахтдан қисмасанг, уни ўзинг учун оппа-осон, арзимас фазилатдан бебаҳра қилмасанг нетарди, дея афсус чекасиз. Холбуки, ўша одам сизнинг меҳру шафқатингизга, афсус-надоматларингизга муҳтож бўлмайди. Муҳтожлик не, бундай эзгу ҳислар ўша одам учун ҳайф.

...Қабулхонада тиқмачоқдек тўла, бақ-бақалоқ бир қиз ўтиради. Қизнинг икки лунжи, ҳатто икки қавоғи худди ярим палла босволди қовундек қавариб-салқиган, фақатгина тим қора, ғоят нафис камондек қошлар «ҳусн»ини бузиб, тўғрироғи, унда адашиб турганга ўхшарди. Қиз Озодни кўрган заҳоти бесўнақай гавдасига ярашмаган абжирлик билан ўрнidan турди. Фавқулодда бообрў меҳмондек тавозе билан кутиб олди. Директорнинг сўхбатидан ўтиб чиққач, ҳужжатларини расмийлаштирди: буйруқ ёзди, директорга қўл қўйдирди, кадрлар бўлимига етаклаб олиб кирди. Хуллас, кейинчалик ўзи ним ҳазил, ним писанда билан кўп бора айтганидек, Озодни «санъатшунослик институтига ишга қабул қилди».

Уша қиз — Гулсун эди!

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас пахтага жўнаб кетдилар. Автобуста юра-юра, ниҳоят, манзилга етиб келдилар: шундоққина катта йўл ёқасидаги бир баракка жойлашдилар. Институтнинг катта-кичик илмий ходимлари икки қаватли сўри устида узоқ куймаланиб-тимирскиланиб, ахийри кўним топдилар; оқшомга қадар бамайлихотир гурунглашдилар, бир-бирларини меҳмон қилдилар, «пахта сайри»нинг бошланишини нишонладилар. Озод эса, ҳали институтда янги — ҳеч кимни танимайди, қолаверса, табиатан андак камгап — одамовироқ, ҳеч бир даврага қўшилмади. Устки сўрининг энг чеккасидан — шундоққина эшик олдида ўзига теккан жойга чўзилганича тез-тез тамадди қилиб, сўнг газета-журнал варақлаб, хаёл суриб ётаверди.

Пахтазорда ўсиб-улғайган қишлоқ боласи эмасми, эртасига алланечук соғинчу иштиёқ ила теримга тушиб кетди. Орадан бирор соат ўтгач, андак нафас ростлаш учун «хирмони» устига ўтирди. Теварагига бирров кўз ташлади: чор тараф сарғиш-жигар рангдаги чексизлик! Одамлар — гулзорга қўнган қушлар галасига ўхшайди. Кутилмаганда кўнғироқдек жарангдор, бироқ фавқулодда ингичка овоз эшитилди:

— Ҳорманг энди, йигит! — Қараса, икки эгатча нарида Гулсун турибди.

— Ўзингиз ҳорманг!

Қиз андак тараддудлангач, маъноли жилмайди:

— Шундай қилиб, сурнайчиман денг, Озод ака?

— Сурнайчи, — Озод ҳам беихтиёр кулимсиради, — ўзингиз-чи?

— Мен пианисткаман. Исми — Гулсун. Гули ёки Гулочка деяверсангиз ҳам бўлади. Айрим ҳазил-кашларимга ўхшаб, Дуркун десангизам майли, — жисмига ярашиқсиз бир шаддолик, ўйинқароқлик билан бидирлади қиз. Сўнг «яна савол борми?» дегандек, мийиғида кулимсираганича Озодга тикилди.

— Бундан чиқди, битта бўлимдан эканмиз-да? Мен бўлсам, котибасиз деб юрибман.

— Котибанинг ўрнида вақтинча ишлаб турувдим-да!

— Э-э, шунақа денг! — Озод ўрнидан туриб, этагини боғлади. Улар ёнма-ён юриб тера бошладилар. Бир пайт Озод беихтиёр «Их!» деб чап қўлини силкилади. Гулсуннинг қараб турганини сезиб: — Жўнгаракнинг учи кириб кетди. Жисмоний иш қилмай фақат сурнай чалавергандан кейин бармоқларам нозиклашиб кетаркан, — деди.

— Қаранг, қонаяпти, — Гулсун шундай дея йигитнинг қошига келдию унга яп-янги, гулдор рўмолча узатди. — Манови билан боғлаб олинг, тагин газаклаб кетмасин.

— Қўйинг-э! — Озод беписанд қўл силтади. Беихтиёр маъноли кулимсиради. — Бунақада баттар нозиклашиб кетаман-ку!..

Кечқурун ўрнига чўзилганча китоб варақлаб ётган эди, кимдир қақиргандек бўлди. Қараса, эшик олдида Гулсун турибди: бир қўлида — дорию дока, иккинчисидан — транзистор. Озод икки ҳатлаб қизнинг олдига чиқди.

— Келинг, қўлингизни боғлаб қўяй, — деди Гулсун транзисторни йигитга узатар экан. Озод аввалига «Э, қўйинг, керакмас», демоқчи бўлди. Бироқ кўзига жуда куйинчак кўринган бу қизни хафа қилгиси келмади. Транзисторни олиб, қонаган қўлини қиз томонга чўзди. Гулсун ярадор бармоқни ҳафсала билан боғлаб қўйди. Сўнг Озодга юзланди:

— Юринг, қўшиқ эшитмайсизми?

Қимматбаҳо хорижий транзисторни томоша қилиб турган Озод қизнинг бу таклифига бажонидил рози бўлди. Балки ҳар бирида албатта сурнай ҳам иштирок этиши учундир, у ҳиндча куйларга астойдил меҳр қўйган эди. Ҳозир ҳам транзисторнинг мурватини бураб керакли тўлқинни топиб олди ва ҳиндча ашулани баландлатиб қўйди. Сўнг гўё узр сўрагандек:

— Ҳинд куйларини ёқтираман, — деди. — Сиз-чи?

— Менга барибир, — беписандлик билан жавоб берди қиз.

Сутдек ойдин оқшом, биллурдек тиниқ ҳаво ва, айниқса, алладек дилрабо куй сеҳридан сархушланганича жимгина кета бошладилар. Олдинда — тасмадек ялтиллаб ётган охир-адоқсиз йўл. Икки томонда — бепоён пахтазор. Тепада — сон-саноксиз юлдузлар ғужғон ўйнаган тубсиз осмон! Юракларда — ёшликнинг бетакрор сурури, одамнинг қонини гупиртириб, нақ еттинчи осмонга олиб чиқиб кетувчи балоғат нашидаси! Хулласи калом, кенгликлар салтанати... Назарида, Озод ўз тасавурида яратган, кўп йиллар қалбида ардоқлаган илоҳий фароғат оламида кезинмокда эди шу чоғда. Тўғри, ёнида баравар одимлаётган қиз тасавуридаги гўзалга ўхшайвермасди. Аммо... йигит Гулсунга зимдан кўз қирини ташлар экан, энди унда нуқсонлармас (нуқсон қаёқда!), талай фазилатлар кўргандек бўлди. Ойнинг кумушранг сеҳрли-жозиб нур селида қизнинг қадди-қомати унга кундузгидек ёхуд илк бор қабулхонада учратганидек бесўнақай

туялмади. Уртадан сал тўлароқ, дуркунгина қиз! Қачонлардир аллақайси ёзувчининг китобида ўқиган («Қизнинг яхши-ёмони, гўзал-хунуги бўлмайди, ҳаммаси ҳам яхши. Ахир қиз ўз номи билан қиз-да!») гаплар беихтиёр ёдига тушдию ўша ёзувчининг ҳақиқига имон келтирди. Қолаверса, талабалик йилларини нотага китоблар қуршовида ўтказган уятчан, ёввойитабиатроқ бу йигит қиз зоти билан илк бор китобларда ёзилгандек «ошиқона» сайр қилмоқда эди.

Бир пайт Гулсун шахдам қадамлар билан юриб Озодга яқинлашди:

— Келинг, сизга бундан ҳам зўрроғини топиб бераман! — Шундай дея икки кўли билан Озод кўксига қия тутиб турган транзистор томонга чўзилди. Худди йигитнинг кўксига бош қўймоқчидек, транзистор оша рақамларга қадалганича мурватини бурай бошлади. Озоднинг аъзойи баданига титроқ кирди: нақ нигоҳлари остида бир дуркун вужуд қад кўтарган, тим қора сочлар шокила-шокила бўлиб нафис тўлганар, улардан таралаётган ажиб бир муаттар ҳид димоғига келиб урилар, жисми бўйлаб оқаётган қайноқ қон мастона гупиради...

Кейинчалик қанча ўйламасин, нарёғига нима бўлганини Озод тасавурида қайта тиклолмади. Орадан бор-йўғи бир лаҳза ўтдики ё бутун бошли абадиятми, шу алфозда қанча турдилар — билмайди, билолмайди! Фақат шуниси аниқки, сергак тортганида қўллари Гулсуннинг бўлиқ қоматини омбирдай сиқиб турарди! Ноёб транзистор... оёқлари остида унсиз ётарди...

Шу кеча йигит аллаҳақалгача ухлай олмади. Баракнинг очик эшигидан мўралаган тўлин ой ва якка-ягона юлдузга тикилганича изтиробдан ёниб-тўлғониб ётаверди, ётаверди. Нима қилиб қўйди у? Негаям таклифига рози бўла қолди. Бундан ортиқ ўсаллик бўлмас! Қоқ иккига бўлинган транзисторни «ямаган» кўйи довдираб турганлари! Гулсуннинг олдида хижолатдан ўтдек ёниб ҲАММА ҚИЛМИШЛАРИ учун қайта-қайта узр сўраганлари! «Сиз ишонаверинг, транзисторингизни ўзим тузаттириб ё янгисини олиб бераман» эмиш! Қандай тузаттиради? Тузатадиган сиёқи ҳам қолмаган-ку. Қаёқдан топади? Майли, транзисторни-ку, бир амаллаб топар. Лекин, барибир, нима қилиб қўйди у? Гулсуннинг ўзи орзу қилган қиз эмаслиги аниқ-равшан кўриниб турувди-ку? То кўнглимдаги қизни учратмагунча ўткинчи майларга бўйсунмайман деб, юриб-юриб топгани шу бўлдимми? Шу тасқара бўлдимми? Онаси, укалари, дўст-биродарлари, ҳаттоки дуч келган бегона ҳам «Шу бақалоқдан бошқаси қуриб кетибдимми», демайдимми? Демаган тақдирда ҳам, кўнглидан кечирмайдимми? Истеҳзоли қарашларни ҳис қилиб, ҳамича алланечук ҳадик-хавотирда яшаш... осон бўлармикин? Мумкинмикин? Энди нима қилади? Энди нима бўлади?! Қолаверса, ҳали тузукроқ танимай-билмай туриб...

Эртасига нимадандир хавотирда безовта-бесаранжом бўлаверди. Одамларга, айниқса, Гулсунга кўринишдан қўрқиб юрди. Уйлаб ўйига етолмади, ишлаб иши юришмади. Бир этак пахтани зўр-базўр терди-да, овлоқроқ жойга тўшаб, устига мук тушганича ётиб олди. Кун бўйи хаёлида бир савол қуюндек айланаверди: «Энди нима қиламан?»

Тушликдан сўнг ўзи билан бир неча оқ қоғоз олиб чиқди-да, хилват гўшасида ётиб... Гулсунга хат ёзди. Озод учун гўё бундан тўғрироқ, бундан қулайроқ йўл йўқ эди. Кейинчалик ўша машъум хатни ёзганига кўп бор пушаймонлар еди. Хатдаги ҳар бир жумла хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолган. Шундай ўрнашиб қолганки, унинг таъқибидан қочиб қутилиш амри

маҳол. Зеро вақт ўтган сари тобора теранроқ англаб етдики, ўшанда у бегона бир кимсага ўзининг ҳали ҳеч кимга номаълум — дахлсиз дунёси эшигини ланг очиб қўйган эди. Энди очик эшиқдан кириб бориш, бу дунёни остин-устин қилиш бир қадар тадбиркор одам учун мушкул эмас эди. Энг ачинарлиси — бундай содда хатни бугунги кунда мактаб ўқувчиси ҳам ёза-вермаслиги аниқ!

«...Хуллас, Гулсун, синглим! (Сизни «синглим» дейиш тўғри бўлармикан?) Илтимос, ўтиниб сўрайман, кечаги қилмишларим учун иложи бўлса мени кечиринг. Очиғи, қаттиқ пушаймондаман. Менга ишонинг: шахарга боргач, янги транзистор олиб бераман. Лекин ўйлаб-ўйлаб шунга амин бўлдимки, биз тамомила бошқа-бошқа одамлармиз. Мен оддий подачининг тўнғич ўғлиман. Ёшгина-ёшгина укаларим бор... Хуллас, бир-биримизни яқинроқдан танимай турибоқ унутайлик. ОЗОД».

Эртасига эрталаб Гулсун гул-гул ёниб Озоднинг қошига келди.

— Мени бемалол «синглим» деяверинг! — деди ёнидаги эгатга эгилар экан, шўх-хандон. — Бир ойга бўлса ҳам, ҳар қалай, сиздан кичикроқман.

Анчагача жимгина пахта тердилар. Бошқалардан андак узоқлашгач, Гулсун этагини шахд билан ечиб ерга отди-да, устига ўтираркан, аччиқ қулди:

— Вой, Озод ака-ей. Шундай қилиб, «Янги транзистор олиб бераман» денг-а! «Унутайлик» денг-а! — Зум ўтмай жиддий тортиб, худди ўзига ўзи гапираётгандек, алам билан сўзлади: — Хотиржам бўлаверинг, сизнинг этагингизга ёпишиб олмоқчимасман. Бошқа-бошқа одамлар эканимизни ўзим ҳам яхши биламан. Лекин менинг ўз истагимча йўл тутишимни таъқиқламасиз ахир! Очиғи, сизни севаман, сизга меҳрибонлик қилишни истайман, тамом-вассалом! Бироқ, қўрқманг, эвазига ҳеч нима талаб қилмоқчимасман.

Ажабо, бу гапларни эшитиб, Озоднинг кўнгли таскин топгандек бўлди. Қалбида Гулсунга алланечук раҳм-шафқатми, мойиллик уйғонди: ҳа, майли, нима қипти, шуни истар экан, сенга меҳрибонлик қилса — қилибди-да, севса севибди-да! Севма деб бўлмайди-ку. «Эвазига ҳеч нима талаб қилмайман» деб турибди-ку... Озоддаги бу туйғуни (аслида — худбинликини, ожизликини!) фақатгина аёлларга хос зийраклик билан Гулсун ҳам сезди. Афтидан, унга айна шу керак эди...

Ушандан кейин Гулсуннинг Озодга меҳрибонлиги чандон ошиб кетди. Ҳали кийимларини ювиб берган, ҳали шахарга бориб, олий навли сигаретлару совғасаломлар олиб келган... Шаҳарга қайтишгач, бир бўлимда ишламайдиларми, дам уйдан тансиқ таом олиб келиб меҳмон қилган, дам мақоласини оққа кўчириб берган, дам қандайдир кинофильмга «бир жуфтгина» билет олиб келган. «Хоҳланг — мен билан боринг, хоҳланг — ўзингиз, хоҳланг — бошқа биров билан», дея унинг «эркига кенг йўл очиб» қўйган... Аввалига асов отдек юлқиниб, ўзини бегона қизга боқиманда ҳис қилиб, Гулсуннинг турфа таклифу тавсияларини рад этиб, рози бўлган тақдирда руҳан қийналиб, кўнгличанлигидан ғижиниб юрди. Лекин кейинчалик бундай изтироблар, ҳатто, истиҳолаю андишалар барҳам топди: Гулсуннинг навбатдаги меҳрибонлигини муштоқлик билан кутадиган бўлиб қолди. Зеро, у ҳар қанча ҳамиятли, фаҳм-фаросатли бўлмасин, дунёдаги жамики эркаклардан бири эди — аёл меҳрига ташна, меҳрга зор эди.

Хуллас, Озод тагин бирор йил турфа меҳрибонликлар тўлқинида пўкакдек қалқиди. Гарчи аҳён-аҳёнда бўлса ҳам «Нималар бўляпти ўзи? Энди нима қила-



Расмлари Р. Зуфаров ишлаган

ман?» қабилдаги саволлар безовта қилиб, аллақайларга юлқинтириб турса-да, у иккилана-иккилана, охир-оқибат қатъий қарорга келиб тўхтади: «Бир хотин Гулсунчалик бўлар-да! Нима, ҳуснига нон ботириб ермидим?! Менга кераги — меҳр, унга кераги — бахт экан, кел, шу қизни бахтли қилганим бўлсин!».

Бу аҳдини Гулсунга айтган эди, қиз аввалига кескин рад этди. «Йўқ, менга ўзимнинг бахтим эмас, сизнинг бахтингиз керак!» Озоднинг «Шуни тушуниб етдимки, сиз билангина бахтли бўла олар эканман», деганини эшитиб, «Вой, гапингиз ростми?!» дея севинчдан ял-ял ёнганича унга тикилиб қолди. Зум ўтмай кўксига эркаланиб бош қўйган қўйи ҳаяжондан ёниб шивирлади: «Ишонаманки, ажойиб оилавий аккорд бўламиз: сиз — сурнайчи, мен — пианистка, болаларимиз бўлса, бири — найчи, бошқаси — дуторчи, яна бири — ғиж-жакчи... Шундай бўлишига сиз ҳам ишонасизми, Озод ака?»

Ҳа, ҳамма бало шунда эдики, Озод бу гапларга ишонди, астойдил ишонди. Қолган ишлар хамирдан қил суғургандек силлиққина юришиб кетди: Гулсун Озодни бўлғуси қайнонаси билан таништирди. Озод эса, қишлоққа бориб, ойиси билан укаларига аҳволни тушунтирди, аҳдининг тўғрилигини исботлади, хуллас, уларни ҳам ишонтирди. Ойисини олиб келиб, бўлажак қудаси билан таништирди. «Ўзинг учун ўл етим», деганларидек, отасиз келин-куёвлар тараддудларини ўзлари кўрдилар: Гулсун шаҳарнинг нақ марказидан ижарага уй топди, Озод уни гулдор бўёқлар билан ярқиратиб таъмирлади. Гулсун тўйни шаҳардаги катта-конт ресторанлардан бирида ўтказишни маъқул кўрди. Озод унинг чиқимини кўтарди...

Тўғри, ойиси Гулсунни кўриб, дастлаб иккиланди: «зуваласи хомроқ эканми, болам?...» Озод Гулсунни мақташга, тўғрироғи, ўзини оқлашга тутинди: «Сал тўла-роқ, лекин жуда ақлли қиз». Ойиси тараддудланди: «Ҳар ҳалай, шошилмаганинг маъқулроқмиди, ўғлим? Муносиброғи ўзимиздан ҳам топилармиди...» Озод астойдил (энди ўйлаб қараса, гўлларча) ажабланди: «Нимаси сизга ёқмади, оий? Қаранг, қандай ақлли, меҳрибон, тагин соҳамиз ҳам бир бўлса...» Уғлининг раъйини қайтариб ўрганмаган ойиси (ноиложликдан бўлса керак), розилик билдирди: «Ҳа, майли, ўзинг биласан. Яшайдиган — сен, сенга ёқса басдир-да, болам...»

Бундай жузъий дилғашликлардан қатъи назар, тўй кўнгилдагидек ўтди. Ҳатто Озоднинг назарида жуда зўр ўтди: казо-казо санъатшунослар келин-куёв шаънига олқиш айтдилар. Қолаверса шаҳарнинг нақ марказида қўшхона уй, хорижий жиҳозлар, меҳрибон умр йўлдоши... Энди буёғи — манзил яқин. Атиги бир қадам! Шундоққина кўзга кўриниб турибди: уч йил бадалида тўплаган хулосаларни умумлаштириб, юз эллик саҳифани қоралайди, тамом-вассалом!

Бироқ хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Ҳамиша ҳам уйдаги гап кўчага тўғри келавермас экан.

Тўйдан кейин Гулсун ўзгариб қолди. «Асал оий» тугаб, икковлон «эртадан ишга тушамиз», дея тараддудланишаётган кун эди. Ҳаммасига Озоднинг бир оғиз гапи сабаб (ё баҳона) бўлди. Ўша оқшом телевизор кўриб ўтирганларида Озод қўлларини ишқалаганча қатъийлик билан ўзига-ўзи Гулсунга эшиттириб:

— Ана энди, эртадан ишга тушаману сурнай ҳақидаги китобни ёзишга киришаман, — деди.

Гулсун эса кутилмаганда:

— Қўйсангиз-чи, ўша алмисоқдан қолган сурнай-пурнайингизни! — деди Озоднинг гапига жавобан андак энсаси қотиб, — яхшиси, манови рўзғорнинг ташвишини қилмайсизми энди?

— Қанақа ташвиш? — деди Озод эсанкираброк. Ночор кулимсиради. — Энг зарур жиҳозларимиз бор, қолгани аста-секин бутланаверади-да.

— Бу «энг зарур жиҳозлар» осмондан тушмагандир ахир?!

Маълум бўлишича, Гулсун онаси билан маслаҳатлашиб, қимматбаҳо хорижий жиҳознинг деярли барчасини магазиндан қарзга олган экан.

Бу «янгилик»ни эшитиб, Озод дабдурустан довдираб қолди. Асаби чатнагандек бўлди:

— Ие, булар ҳали... қарзми?! Шунақа экан, кўрпага қараб оёқ узатиш керак эди-да! Ахир, шунга келишган эдик-ку?!

— Энди-и, келиннинг тўрт девор ўртасига кириб келавериши қишлоғингизда мумкин бўлса — мумкиндир, бу ерда — уят! — деди Гулсун очиқ-ошкор заҳар-ҳанда билан.

Ўша оқшом келин-куёв анча-мунча баҳслашишди, аразлашишди, охир-оқибат муросага келишди. Узоқ давом этган тортишувдан сўнг бир фикрга келишди: ростдан ҳам, энди сурнайни қўйиб, қарз ташвишини қилиш керакка ўхшайди!

Шу кунийёқ Озод номусдан куйиб кетгудек бўлди. Ана сенга сурнай! Уйлай-уйлай бир қарорда тўхтади: ишдан бўшайди! Лаборантмасми, институтдаги ойлиги ночоргина. Бу ойлик билан қарздан қутулмоқ тугул икки кишилик рўзғорни тебратиш ҳам амримаҳол. Демак, бирон мактабданми, бошқа жойданми қулайроқ иш топади. Консерваторияга абитуриентлар тайёрлайди. Хуллас, мўмайроқ, лекин, минбаъд ҳалол пул топиш, шундай қилиб, қарздан тезроқ қутулиш ҳаракатида бўлади. Нон куйса — куйсин, нағма куймасин, ўзга чора йўқ!

Шунақа бўлди ҳам! Роппа-роса ўн ойда (муддатидан икки ой аввал) зил-қоратош юк янглиғ елкаларидан босиб турган бир неча мингга итқитиб ташлади-да, андак тин олгандек, енгил тортгандек, бало-қазодан ниҳоят, қутулгандек бўлди.

...Озод айқаш-уйқаш қуриб ташланган йирик панелли уйлар оралаб юра-юра икки чақиримча наридаги автобус айланадиган бекатга етиб келди. Диспетчерлар хонасидаги иккита рус аёлга вазиятни тушунтирди. Башарти бирон қувончи хабар бўлса, маълум қилишларини сўраб, ҳар эҳтимолга қарши уй адресини қолдирди. Бирор соатдан кейин яна келишини айтди. Шаҳар милициясига хабар берди. Чиқиб, бекатда турган автобус ҳайдовчиларидан сўраб-суриштирди. Умидвор қилгulik дарак эшитолмагач, эҳтиёт шарт, уларга ҳам тайинлади. Уйига қайтаётиб «болаларни Райҳон бозорчадан топиб келиб учаласи кутиб туришган бўлса-я», деб умид қилди...

4

Ҳа, ўшанда у қарз балосидан қутулиб, енгил тортди. Аммо энди бошқа бир ҳолдан безовта. Атайлаб қилармиди, ё бутун бошли институт тадбирлари биргина шу лаборант жувонга қараб қолганмиди, Гулсуннинг ишхонасидаги ташкилий фаолияти кунба-кун авж олиб борарди: кутилмаганда хотинининг олдида дам аллақайси концертда «аккомпанировать қилиш», дам бир неча кунлик сафарга бориб келиш, дам бошқа шуларга ўхшаш «зарурат» кўндаланг бўлиб қолаверди. Гоҳ Озоднинг хуноби ошар, ғазабдан бўғилгудек бўлар, аммо вақт ўтиши билан чор тарафни ўйлаб, ўзини қо-лоқликда айбларди, замонавийликка чақирарди. Ҳатто Гулсун бўлимларига, афтидан Озоднинг ўрнига келган

аллақандай Кўчқор деган бола ҳақида оғзидан бол томиб гапирганида ҳам кўксининг қайсидир нуқтаси ичидан жизиллаб куйдиргандек бўлди. Лекин бу гал ҳам шайтонга ҳай беришга мажбур эди: совуққон, бепарво бўлиши керак! Ахир, ўзинг пиширган ош-ку бу, ошна, энди айланаб ҳам, ўргилиб ҳам ичаверасан! Қани «ғиринг» деб кўр-чи! Онангни нақ Учқўрғондан кўрсади бу аёл! Демакки, чидам керак, муроса қилишдан ўзга чора йўқ!

Агар Гулсуннинг бундай саъй-ҳаракатларига аввалроқ дуч келганида, эҳтимол Озод ҳеч иккиланмай орани очиқ қилиб кўя қоларди. Аммо бу пайтга келиб, ўзи мусиқадан дарс бераётган ўрта мактаб аҳлининг меҳригиёси бор эканми, унга кўпдан қадрдонлардек сафдошинашта бўлиб қолган эди. Озод учун ягона юпанч, мустаҳкам таянч, бу — фавқуллода аҳил, оқкўнги одамлар даврасида ишлаш ва яна ишлаш эди; уззукун дарс ўтади, китоб варақлайди, куй басталайди, бу куйларни мусиқа хонасидаги хилма-хил чолғу асбобларида ўқувчиларга ижро қилиб беради ва ниҳоят, ўзи тўлқинлиб ижод қилади. Гулсун билан муносабатлари ташқаридан қараганда сип-силлик, аслида эса, кун сайин ич-ичдан емирилиб, нураб бораётгани аниқ эди. Улар ўртасидаги киройи эр-хотинлик ришталарини улашга қодир биргина куч — фарзанд бўлиши мумкин эди. У интизорлик билан ўз зурёдини кутарди. Аммо қанча истамасин, нимагадир... Бироқ, Озод бир нарсага кўникма ҳосил қилган — чидам. Чунки эртадир-кечдир ойнинг ўн беш иёруғ бўлишига астойдил ишонарди. Гарчи энди Гулсунни ўша ўзи айтган «рўзғор ташвишлари», яъни мўмай пул қизиқтиришини англаб етган, агар фарзанд кўришса, бу «ташвиш»лардан халос бўлар эди. Бошқаси булаверади секин-секин. Қолаверса, у энди ёлғиз эмасди: ажойиб ишонаси, меҳрибон, сирдошқадрдон одамлари бор эди. Айниқса, Мусавой ака...

Мусавой ака Хўжабоевни Озод дасталабки кунданоқ жуда ёқтириб қолди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, халқ маорифи аълочиси, моҳир педагог, қарийб ярим асрлик умрини таълим-тарбия ишига бағишлаган бу адабиёт билимдонининг ўта камтар-камсуқумлиги, ҳатто хокисорлиги Озодни ҳамиша ҳайратга солади. Мусавой аканинг шогирдлари орасида кимлар йўқ эди дейсиз! Бир нечта академик, бутун мамлакатга таниқли икки ёзувчи, аллақайси министр, ўнлаб фан докторлари... Ҳамкасблариндан кимдир ҳавас, кимдир ҳасад билан айтишчи, ўзининг тўрт ўғлидан бири — академик, қолганлари — фан доктори. Уқитувчилар кунда мактабнинг каттакон ҳовлисига одам сиғмай кетади. Уша куни Мусавой акага яқин келиб, икки оғиз гаплашиш Озоддан каттароқларга ҳам қийинлашиб қолади. Бу иззат-икром кишида фахр-ифтихор, ҳатто такаббурлик ҳиссини уйғотиши мумкин, албатта.

Аммо Мусавой ака... Навбатдаги байрам тантаналаридан сўнг алланимадан хижолат тортгандек йиманибгина ўқитувчилар хонасига кириб келади. Бейхитёр оёққа қалққан ёшу қари ҳамкасблари билан қўл бериб кўриша бошлайди. Кейин:

— Ҳа, ўғлим, кечаги дабдабалардан кейин менга яқин келишга кўрқвоссизми?— дея хушнуд табассум қилганича бир чеккада одоб сақлаб турган Озод томонга юра бошлайди.— Мендан нега кўрқасиз? Кексалигимни айтмасангиз, сиздек оддий ўқитувчиман-да!

Дарсдан сўнг икковлон синфдан ташқари ўтказиладиган тадбир тараддудини кўрарканлар, Мусавой ака Озоднинг елкасига қўлини қўйганича насиҳатомуз айтади:— Сиз бу қадар тортинчоқ бўлманг-да, ўғлим. Ҳаммамиз ҳам ўзингизга ўхшаш оддий одамлармиз. Кечаги мақтов гапларга эса, ишонманг! Тўғри, бизнинг

ишимиз ўта нозик, заҳматталаб иш. Бироқ мен фавқуллода қаҳрамонлик кўрсатганим йўқ. Болаларнинг келажагига ишониб, ихлос билан ишладим, аввало уларда ўз кучига ишонч уйғотишга ҳаракат қилдим — шу, холос. Аслида, мен эмас, кечаги сиз кўрган шогирдларим қаҳрамон. Ўз кучига астойдил ишонган одам борки — қаҳрамон! Биз, ана шундай қаҳрамонларга борйўғи дастёрмиз, ўғлим.

Озод Мусавой аканинг насиҳатларини жон қулоғи билан тинглар экан, бу жиккаккина, қорамғиз, бир қарашда кўримсиз, аммо бағри кенг одамга ўзини шогирд ва ҳатто ўғил ҳис қила бошларди.

Бировга ўғил тутиниш ўғли-ю, лекин ўзинг ҳам бир ўғилга ота бўлсанг! Нечоғли бахт экан бу? Ушани деб ҳаммасига чидаб яшасанг!..

Шу илҳақ кунларнинг бирида эр-хотин бошлашиб бир жойга бордилар. Бу шундай жой эдики, Озод хижолат; уят, номусдан ғужанак бўлиб борди, ғужанак бўлиб қайтди. Тиббиёт институти ҳовлисигаги бир қаватли уйга ўзини сўка-сўка кирди, сўка-сўка қайтиб чиқди. «Мана, етти пуштинг хаёлига келтирмаган жойларга етиб келдинг, ошна!» дерди ўзига. Шу тахлит юрак ҳовучлаб ичкарига қадам қўйди. Ва... у ердан алами олти бўлиб важоҳатдан пешонасида тер, отилиб чиқди: «Наҳотки, наҳотки врачнинг гаплари рост бўлса?! Во дариғ, нега бу қадар лақма бўлиб яралгансан, ошна?!»

Икковлон алоҳида-алоҳида врач кўригидан ўтиб чиққач, ортага қайтиш тараддудига тушарканлар, Озод Гулсунга «мен ҳозир...» деди-да, хотинини кўриқдан ўтказган қирқ беш ёшлардаги сепкилдор рус аёлининг олдига кириб, йиғлағудек алфозда ёлворди: «Опажон! Очиғини айтинг опажон, фарзандимиз бўладими-йўқми? Фақат тўғриси айтинг!» Аёл унга ажабланиб қаради: «Ие, ҳали билмасдингиз? Наҳотки сизга айтмаган?» «Нимани?»— сўради Озод ҳам қаттиқ таажжубланиб. «Мунча содда бўлмасангиз, укам,— деди аёл унга ачиниб тикиларкан. Сўнг Озоднинг кўз олдида дунёни остин-устин қилиб юборган ўша гапини айтди:— Хотинингиз бундан етти-саккиз йил аввал биринчи ҳомиласини олдирган. Энди она бўлломаса керак...»

Ушанда эр-хотин жимгина уйга қайтарканлар, Озод ўзининг ёрилиб-портлаб кетмаганига ҳали-ҳануз ажабланади. Нега у ёсуманнинг нақ гирибонидан олмади? Нега боши оққан томонга тентираб-улоқиб кетмади? Нега нақ кўксига қуюн чарх уриб турган бўлса-да, ўша аблаҳ билан бошлашиб ижара уйларига қайтиб келди? Одамзод тош-метиндан бино бўлган экан! Ҳаёт деганлари ростдан ҳам чидаганиники экан.

Аммо ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси бор. Ушанда Озоднинг чидами бир кунга, аниқроғи, роппа-роса ўн тўрт соатга етди. Соат олтиларда врач кўригидан чиқдилар. Эртасига эрталаб соат саккизда Гулсунга ёрилди: «Мен ҳаммасини биламан». Гулсун «нимани?» деб сўрамади. Андак жимликдан сўнг оҳистагина ўз таклифини айтди: «Ажралишасак бўлар энди?» Гулсун эътироз билдирмади. Яна андак жимликдан сўнг Озод «сўнгги хизмат-беминнат»ни тавсия қилди: «Ҳар қалай, озми-кўпми бир ёстиққа бош қўйдик. Шундоқ чиқиб кетаверсам — номардлик бўлар. Келинг, манови лашушларни уйларингизга оборишай. Бу ижара уйда битта ўзингиз турмасиз, ахир...»

Хотинини онасининг уйига кўчириб, собиқ «қариндошлари» билан хайр-маъзурни қисқа қилар экан, Гулсуннинг аллақайси дорихонада мудар бўлиб ишлайдиган тоғаси Обидхўжа ака Озодга «донишмандона» гап қилди: «Сиз ютқаздингиз, ука! Энди-и, МАБОДО ЧОҒИНГИЗ КЕЛСА, аввал тағ-туғини сўраб-суриштириб, ўзингиз яхши танийдиган биронта қариндошингизга

уйланинг. Бу — менинг дўстона маслаҳатим.» «Раҳмат! — деди Озод аччиқ кулиб. — Маслаҳатингизга амал қилишга уриниб кўраман. М а б о д о ч оғим келса!»

Ташқарига чиқди, ғала-ғовур шаҳарда бемақсад тентиради, ижара-хонасига қайтди ҳамки, афсус-надоматлар чекиш ўрнига, ажабо, ўзини қушдек енгил ҳис қилди. Назарида балойи азимдан, ниҳоят, халос бўлгандек эди. Ҳатто беихтиёр кулгиси қистади. «Сиз ютқаздингиз» эмиш! Қачондан бери оила деганлари қимор бўлиб қолдики, унда ё ютқазши, ё ютиш мумкин? Ахир турмуш — ўз номи билан турмуш эмасми? Йўқ, Озод билан Гулсун қимор ўйнамади. Икки йилча бирга-бир ёстиққа бош қўйиб ЯШАДИ, тамом-вассалом! Мабодо турмуш — қимор бўлса ҳам, дунёдаги энг одилона қимор экан. Шундай адолатли ўйин эканки, унда ютиш илинжидаги одам ҳаммиша ютқазар экан! Нечоғли мўмай луқмани қўлга киритмасин, барибир, аслида, ютқазар экан!

Мана, саккиз йил бўлибди. Озод Гулсун ҳақида ўйлар экан, ҳар гал шу нарсага яна бир қарра амин бўладики, бу аёл киройи эр-хотиндек бирга яшаш, қўша қариш мақсадида у билан турмуш қурмаган. Бир неча йиллик умрини гаровга қўйиб, тоғаси айтганидек «қалтис ўйин»га қўл урган, унда ютиб чиқиш режасини тузган, холос. Энди ўйлаб қараса, ютуғидан ютқазиги кўпроқ экан! Хўш, Гулсун пайт пойлаб юриб икки фарзандини олиб қочиб, уларга даҳл қилиш билан ўша ютқазик алаmidан чиқмоққа аҳд қилганмикин?! Йўқ, жиддийроқ ўйлаб қаралса, бўлиши мумкин эмас! Гулсун бу ишга ҳеч қачон журъат этолмайди! Одатда мўмай ютуқни қўлга киритган одамнинг янги муваффақиятга эришиш истагига нисбатан ўша ютуқнинг ўзини бой бериб қўймайин деган хавотири ҳаммиша кучлироқ бўлади. Гулсун болаларига даҳл қилолмаса керак. Қолаверса, бу ишдан нима фойда унга? Мабодо Гулсун аламзадалик туфайли болаларига даҳл қилмоқчи бўлса, Озод ҳам энди қўл қовуштириб турмайди. У энди ўн йил аввалги овсар-лақма йигитча эмас! Буни Гулсун тушунади, яхши тушунади. Ахир, чиндан ҳам ақлида! Демак, ўша кунги табрик — янги режа эмас эди. Мутлақ! Аслида у эски режалар учун афсусми-хавотир аломати эди, холос! Сирасини айтганда, Гулсун билан оралари қачонлардан бери очик ахир.

Лекин болалари... балки Райҳон бозорчадан топиб олгандир уларни?..

Озод интиҳосиз ўйлар қуюнида тентирай-тентирай уйига етиб келганида, хотини бешинчи қаватда яшовчи Озод исмли қўшниси билан гаплашиб турар эди. Хотини — пастда, йўлак эшиги олдида нақ осмони-фаллакка кўз тикиб, қўшниси бўлса, бешинчи қаватда майкачан, айвонча раҳига суяниб!

— Ҳа, адаш, топилдими болаларингиз? — деди қўшниси Озодга азбаройи у эшитсин дебми, ё бошқа ниятдами, овозини дол қўйиб. Озод ўз дардини бутун маҳаллага дастурхон қилаётгани учун хижолат тортаркан, базўр шивирлади:

— Йўқ... — Қўшни эшитмай қолиб, яна бақирмасин деган хавотирда қўли билан ҳам «йўқ» ишорасини қилди. Қўшнисининг бефаросатлиги унга алам қилди: «Ҳамдардлик билдирадиган одам са-ал мундоқ пастга тушади-да, бутун маҳаллага жар солавермай! Сен бекор-хўжага текин томоша топилди-да энди». Ҳазаби тилига ҳам кўчди: — Қўшни, гапингиз бўлса, пастга тушиб айта қолинг, — деди баланд овозда. Хотинининг устма-уст саволларига узук-юлуқ жавоб бераркан, ўриндиққа оғир чўкди. Бутун вужуди бўйлаб оғриққа ўхшаш бир нима симиллаб хуруж қилди. Хотинига асабий шивир-

лади: — Шу... болаларга бирон кор-ҳол бўлса, мандан яхшилиқ кутма! Нақ шу қўлларим билан, азбаройи худдо! — Райҳоннинг пиқ-пиқ йиғисига парво қилмай, нигоҳларини бир нуқтага қадади. Беихтиёр хаёли яна қўшнига оғди-да, баттар тутақди: «Ё тавба! Бу одамга нима ёмонлик қилган эдим-а? Нега ҳар кўрганамда ёвдек қарайди? Арпасини хом ўрмаган бўлсам».

Бу одам ҳеч қаерда ишламайдими, нима бало, тўртта қизини эргаштириб уззукун нақ деразалари тагида юргани-юрган. Баъзан машинасини подьезд қошидаги йўлакка тўхтатиб қўяди, дастидан на кўчага чиқиб, на уйга кириб бўлади. Ҳали ювган, ҳали аллақабери ни кавлаштирган... Фарҳод билан Маржон — ўйинқароқ болалар-да, машинага қизиқсиниб яқинлашса, саёқ итдек ҳайдайди, ёхуд улар билан ҳазиллашади: «Адаларингга айтларинг-да, сенларга ҳам шундай машина олиб берсин». Агар ишдан келиб, очик ҳавода андак шабадалаш учун манови ўриндиқда Озод ўтирган бўлса, унга ҳам гўё ҳазиллашади: «Сурнайни қанда қилманг-у, лекин энди битта машина олинг-да сиз ҳам, қўшни! Болаларни ўтқазиб хоҳлаганча сайр қилдирасиз, а?». Озод сир бой бермайди, мийиғида кулимсираганча унинг «оқилона» маслаҳатини маъқуллайди: «Тўғри айтасиз, қўшни, энди шундай қиламиз, шекилли-да ...»

Озоднинг аламли ўйлари шу ерда узилди. Рўпарасида адашининг дароз қомати мана мен деб турарди. Дўрдоқ лаблар сап-сариқ тишларни базўр ёпганча зўрма-зўраки қимтилган. Укки кўзлар масхарали суратда ҳам синовчан боқади. Адаши унсизгина қўл олишиб, ёнига ўтираркан, худди муҳим бир гап айтмоқчидек, унга жиддий қараб сўради:

— Касалхоналардан ҳам суриштирингизми?

Озод сесканиб кетди.

— Нега энди?

— Эҳтиёт шарт-да. — Адаши шундай дея Озоднинг тушига ҳам кирмаган тахминини айта кетди: — Ҳали машинани гаражга қўяётиб кўриб қолдим: шундоққина йўлакда қон — одамнинг қони! Ўзимча гумон қилдим: болаларингиз ўйнаб ўтирган бўлса, кимдир машинасини олиб чиқаётиб, бехос... Балки машинасига ўтқазиб, бирон касалхонага олиб кетдими, дейман-да, а?

Озод ғайришуурий тарзда ўрнидан сапчиб турди. Нақ бўғзига нимадир келиб тиқилгандек бўлди. «Наҳотки? Йўқ-йўқ! Бошқа ҳар нима бўлса бўлсин, лекин буниси!.. Яна нима деб бўлади? Тезда суриштириш керак!» Райҳонга «Сен уйга кириб чақалоққа қара», деди-да, ўзи бундан атиги ўн беш дақиқа аввал қайтиб келган томонга ўқдек отилди.

Бинолар оралаб яна ўша автобус айланмаси, айланма ёқасидаги беш қаватли уйга ёндош мўъжазгина уйча, бу уйчадаги диспетчер аёлларнинг ўрталиғида турган қоп-қора телефон аппарати томонга жон-жаҳди билан югурар экан, энди Озоднинг кўзларига ҳеч нима кўринмасди. У турфа ваҳима-васвасалар гулҳанида ловуллаб ёнаркан, жисми-жонида ягона илтижою тавалло қуюн мисол чарх урарди: «Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да! Майли, эртами-кечми топилар! Бироқ соғ-омон бўлишин-да! Қўшнанин бадгумони нотўғри бўлиб чиқсин-да!»

Лекин... яна ким билади? Райҳон қайтиб чиққунча ордан беш-ўн дақиқа ўтгандир? Юзи тескари бўлсин бундай фалокатнинг, машина одамни босиб, кейин касалхонага олиб кетиши учун атиги бир лаҳза кифоя-да! Қайларадир узала тушиб, қонга беланиб ётган болаларни кўзига кўриниб кетдию юрагини беомон ғижимлаётган оғриқдан «дод» деб юбораёзди. Қаерда экан-а ҳозир унинг жигарбандлари? Жон талвасасида ётишган-

дир балки? Балки «адажон» деб чақиришаётгандир? Ишқилиб, тирик бўлишсин-да!.. Азбаройи даҳшатли ўйлардан чалғиш ниятида ўзини ёзғира кетди: Ул-а! Шу нарсага эрталаб фаҳминг етмади сен каллаварамнинг! Ҳали келганигдаёқ шаҳардаги касалхоналардан сўраб-суриштирсанг бўлмасмиди? Ҳозирги ҳар дақиқа болаларининг тақдирини бир ёқли қилиши мумкин-ку, ахир! Нега шуни билмагандай юравердинг?! То адашинг айтмагунча ўйлаб кўрмадинг?! Шу қадар ҳафтафаҳми-сан?!

5

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли», деганлар.

Ушанда Озод эр билан хотиннинг ажралиши бу қадар осон кўчишини, ажрим қоғозининг бу қадар жўн расмийлаштирилишини кутмаган эди. Белгиланган муддатдан бир кун аввал элик сўм бадални (сўнги бадални!) аллақайси кассага тўлади. Озод ҳам, Гулсун ҳам тайинланган вақтда ЗАГС бюроси олдига етиб келдилар: Озод — бу томондан, Гулсун — у томондан. Жимгина бошлашиб бир хонага кирдилар. Мудира олдидаги қалингина дафтарга имзо чекдилар. Қўлларига битта-биттадан қафтдеккина кўкимтир қоғозни олдилар. Жимгина бошлашиб ташқарига чиқдилар. Унсизгина ажралишдилар: Озод — бу томонга кетди, Гулсун эса — у томонга.

Қўлида — қафтдек қоғоз. Юрак — бўм-бўш. Ижара уй — бўм-бўш. Лекин энди чинакамига Озод! Тамом, ниҳоят ҳамма қийноқлардан халос бўлди! Уша кунни ўт кетган уйдек шип-шийдам чор девор ичида, миллионлаб аҳолиси бор улкан шаҳарда ёлғиз ўзи байрам қилди. Бу — Озоднинг танҳоликдаги биринчи байрами эди!

Эртасидан умрини илмий иш йўлида бағишлашга аҳд қилди. О, мусиқа, деб аталмиш бепеён уммон! Ушанда ўзи учун муқаддас саналмиш бу уммонга чунонам шўнғидики, иложи бўлса, туб-тубига чўкиб кетсаю қайтиб чиқмаса! Мусавой аканинг кенжа ўғли педагогика илмий тадқиқот институтига раҳбар экан. Ўттизинчи йилларда ташкил этилган бу институт — Педагогикадемияга бир пайтлар Қозон университети кутубхонасининг нақ ярми кўчириб келтирилганмиш. Озод институт кутубхонасининг жавонлари орасига бамисоли танда қўйиб ётиб олди. Китоблар, китоблар. Сахтиён муқовали, ипак муқовали, катта-кичик, кўримли-кўримсиз! Юнус Ражабийдан Чайковскийга, Чайковскийдан Моцартга, Моцартдан Сафо Муғаннийга, Сафо Муғаннийдан Дарвиш Али Чангийга, ундан Форобийга! Форобий мусиқасидан — фалсафасига. Форобийдан Арастуга, Арастудан Пифагорга: «Осмон жисмлари ҳам куйлайдилар. Коинотни тутиб турган куч — осмон жисмларининг мусиқавий уйғунлигидир». Куйлаётган юлдузлар! Олам бу қадар мусиқага бой бўлмаса! Ярим қаричлик кўз илғамас тола — чанқовуздан тортиб то Юпитерга қадар жамики жисмларни — барча-барчасини худди моҳир бастакор дейсиз! Бу ёқда дўмбира, дутор, сетор, танбуру уд, у ёқда — гитара, ғижжак, пианоно, саксофон... Нақ ўртада одамзод — закий мусиқашунос. Қалбида — туйғу, қўлида — сурнай! Ўзига ҳам, ёнидаги қавмдошларига ҳам ишончи мустаҳкам. Бутун еру осмон жисмларини худди илон авраётган афсунгардек турфа мақомда ўйнатади...

Кўз олдида намоён бўлган бу хаёлий манзара Озодни шу қадар сархуш этиб қўйдик, энди ўз умрини унинг сеҳридан ҳоли тасаввур этолмасди. Бу жозиб манзарани янада ёрқинроқ тасаввур этиш иштиёқида ҳар кунни дарсларини тугатар-тугатмас кутубхонага ошиқа-

ди. Қайтишда уйга бир даста китоб кўтариб келади. Ярим кечага қадар уларни «эзиб ичади». Ҳордиқ кунларини-ку, қўяверасиз! Ҳар кун аҳвол шу! Юриш-туришлар таркидунё қилган дарвеш монанд. Айрим ҳамкасбларининг истеҳзоли қарашларига парвойи палак.

Бу ҳол сурункасига ярим йил давом этди. Кунлардан бир кун Мусавой ака уни қўлтиқлаганча кабинетига бошлаб кирди. Енига ўтқазиб, синовчан тикилди.

— Тинчликми, ўғлим? Нимагадир кейинги пайтларда ўзгариб қолдингиз. Рангингиз синиққан. Уст-бошингиз ҳам?..

— Тинчлик,— деди Озод ночор илжайиб. Айтмоқчи, эмасди-ю, ўзига отадек азиз бу одам сўраб-суриштиравергач, ниҳоят, ёрилди: сўққабош яшаётганини айтди, кўрган-кечирганларини ҳикоя қилди, эндиги ниятини билдирди.

Мусавой ака узоқ фикрга толди. Уйланиб ўтирди-да, бир пайт Озоднинг елкасига қўлини қўйди:

— Энди-и, бу юриш бўлмайди, ўғлим. Узингизни қўлга олинг. Масалани бир ёқли қилинг: ё тезда қайта уйланинг, ё аспирантурага кириб илмий ишингизни битиринг. Агар бир қарорга келсангиз, унисига ҳам, бунисига ҳам ёрдам бериш қўлимдан келади, ўғлим.

Озод энди уйланмаслигини айтди. Бироқ аспирантура масаласини ўйлаб кўрмоқчи бўлди. Дарҳақиқат, ўша кун ижара уйда танҳо ётиб узоқ ўйлади. Ахийри хулосага келди: гарчи кечроқ бўлса-да, аспирантурага кириш керак. Бироқ педагогика институтига бормайди. Зинҳор-базинҳор санъатшунослик институтига ҳам эмас! (Токи Гулсун ўша ерда экан, бу даргоҳ эшиги Озод учун тақа-тақ берк ахир!) Унинг учун бирдан-бир тўғри йўл — Москвага, Ленинградга, марказий шаҳарлардан бирига бош олиб кетиш! Бу ҳар томонлама маъқул. Биринчидан, эртами-кечми қишлоқда ошкор бўлажак сўққабошлигига боғлиқ кўнгилсизликлардан овлоқ бўлади. Иккинчидан, ёзаётган китобини — илмий ишини тезроқ тугатади. Учунчидан, Педагогика институти кутубхонаси ёхуд Навоий номли кутубхона ҳар қалай, Ленин номидаги Марказий кутубхона эмас-да!

Лекин бунинг иложи бўлармикин? Ниятига эришиш учун нима қилсин? Нажот истаб кимнинг ҳузурига борсин? Уйлаб-уйлаб, ниҳоят, Қоплон Арслоновда тўхтади. Бу одамнинг марказий наشريётлардан бирида чоп этилган рисоласини ўқиган. Ўзи — маданият соҳасида республикадаги энг йирик мутахассислардан бири. Фалсафа фанлари доктори. Ўзбекистон ССР Маданият министри! Фақатгина шу одам Озоднинг мушқулини осон қилиши мумкин. Бу ёғини сўрасангиз, мусиқа ҳам маданият-ку, ахир. Ҳар қалай, Мусавой аканинг кенжа ўғлидан ёрдам сўраб, кейин олдида хижолат чекиб, тили қисқиб бўлиб юргандан шуниси маъқулроқ. Ҳаммасига ўзи, ўз кучи билан эришиши керак! Арслонов бегона бўлса ҳам, ундан садақа сўрамоқчимас-ку, холис ёрдам сўрашга ҳаққи бор-ку.

...Дид билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хонанинг тўрида бутун борлиғидан куч ва салобат ёғилиб турган қирқ беш ёшлардаги норғул бир одам савлат тўкиб ўтирарди. Унг биқинида ҳар хил рангдаги бир неча телефон аппаратлари. Олдида даста-даста қоғоз. Қалин лаблар қатъият билан қимтилган. Нигоҳлар қавариқ кўзойнак оша қоғозлардан бирига қадалган. Бу важоҳат, айниқса, тим қора, қуюқ сочларнинг жингалаклиги беихтиёр Отеллони, янада аниқроғи — Озод бир пайт кўрган мультфильмдаги баланд тахтада кўр тўкиб ўтирган шерни эслатди. «Исми-шарифи ҳам бежизига Қоплон Шералиевич Арслонов бўлмаса керак-да», дея ўзича кулимсиради Озод.

Негадир у Арслоновни бошқачароқ тасаввур қилган

эди. Миллий маданиятлар равнақи хусусидаги ўша салмоқли рисоласини ўқиганида Озоднинг кўз олдига юзлари ҳам, сочлари ҳам оппоқ, нуроний бир сиймо гавдаланганди. Назарида бундай мураккаб назарий рисола ни фақат ўша тасаввурдаги одамгина ёзишга қодирдек эди. Аммо бу...

Озод дадил киришга кирди-ю, суст босиб эшик олдига кўл қовуштирганича туриб қолди. Бутун ҳаёт-мамоти шу одамнинг кўлида турганини ҳис қилишдан бўлса керак, юраги ҳаприқиб, оҳиста томоқ кирди, салом берди. Арслонов эшитавермагач, гарчи хонага кирган бўлса-да, рухсат сўради: «Мумкинми?» Овози титраб, базўр чиқди. Арслонов кўзойнаги оша унга қаради-да, рўпарасидаги ўриндиқлардан бирига ишора қилди. Яна олдидаги қоғозга қадалди. Озод кўрқа-писа келиб, ўриндиққа омонатгина ўтирди. Кўлидагиларни: ҳужжатлари, газета-журналларда эълон қилинган мақолалари, аспирантурага йўлланма сўраб ёзган аризасини Арслонов томонга суриб қўйди. Министр энди нигоҳини у қўйган қоғозларга кўчирди. Бир сидра кўз югуртириб, саҳифаларни варақлай бошлади. Алоҳида тахлам — у яқиндагина ёзиб битирган мақоланинг илк саҳифасига узоқроқ тикилиб қолди: «Сурнай кўйлари ва уларнинг жаҳон мусиқа маданиятида тутган ўрни.» Бошини кўтариб, Озодга синчковлик билан бир қур назар ташлади. Сўнг мақолани ажратиб олди-да, бошқа қоғозларни қайтариб берди. Ниҳоят биттаю битта, аммо тўлиқ гап айтди:

— Ҳафта ўтказиб келинг, ўшанда натижасини айтаман.

Озод миннатдорчилик билдириб, эшикка йўналди. Кейинги ҳафтада... Арслонов уни очик чеҳра билан кутиб олди: кўл бериб кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг креслога ястанганча столга кафтини босди:

— Гап бундай, ука!— деди қатъият билан.— Ҳозирча сиз сўраган аспирантурага имкониятимиз йўқ. Аммо, истасангиз, яхши бир йўли бор: министрликка ишга олишимиз мумкин! Вақти келиб, илмий ишингизга ўзим раҳбарлик қилмоқчиман. Қайтанга шуниси дурус: санъатшунослик эмас, фалсафа фанлари кандидати бўласиз-қўясиз. Хўш, нима дейсиз?

Озод қўлоқларига ишонмай қолди. Нима дейиши мумкин у? «Раҳмат!» дейди. «Наҳотки?!» дейди. «Айни муддао!» дейди. Бошқа нима дерди?! Ахир бундан ортиғини орзу қилишнинг ўзи ношукрлик-ку! Ҳаммадан ҳам бундай таклиф эшитавермайди, ахир! Яна кимсан Арслоновдан-а!

— Раҳмат, Қоплон Шералиевич! Сиз шуни маъқул кўраркансиз, бажонидил ишлайман,— деди суюна-суюна.

— У ҳолда, ариза ёзиб кириг. Уқув-методика кабинетимизга катта методист сифатида ишга оламыз. Қаранг-а! Барчаси кўз очиб юмгунча ҳал бўлди-я! Озод ишлайдиган мактабга министрлик номидан хат тайёрланди. Уни мактаб ўқитувчилигидан министрлининг катта методистлигига ишга ўтказиш расмийлаштирилди. Меҳнат дафтарчасини бугун олиб келса, эртдан — иш!

Иш — ҳузурбахш. Айниқса, кўнглингдаги иш бўлса, кимсан Арслоновдек раҳнамойинг бўлса! Озод енг шимариб ишга киришди: кундузи — министрликда қоғоз қоралайди, кечаси — уйда. Кабинетда машинистка етишмайди. Аммо сўнгги марказдаги ёзув машинкалари — турнақатор! Ёзганини ҳижжалаб бўлсам оққа кўчиради. Ёзади — оққа кўчиради, ёзади — оққа кўчиради. Бундан гаштироқ дилтортар машғулот бормикин сира?!

Роппа-роса тўрт ойдан сўнг илмий ишнинг аниқ

мавзуи, режаси, қисқача мазмуни, манбалар рўйхатию қораламаларини кўтариб министрнинг қабулига кириб борди:

— Қоплон Шералиевич, вақтингиз бўлса, шуларга кўз ташлаб берасизми? Кейин бирон жойда расмийлаштириш керакдир?

Арслонов у узатган қоғозларга кўз югуртирди. Андак хаёлга чўмди. Сўнг алланечук жонланиб, ишчанлик билан гап қотди:

— Расмийлаштириш — қўлимизда. Қочиб кетмайди. Сиз ғайрат қилиб ишнинг ўзини ёзаверинг-чи. Биз учун муҳими — шу!

Озод министрнинг қабулидан чиқди-да, ишга янада қизгинроқ шўнғиди. Ёзишга иштиёқи кучайгандан-кучайди. Қалами юришгандан юришди. Буни қарангки, министрликда зиммасига юкланган вазифалар ҳам айни муддао — қарийб ижодий. Аҳён-аҳёндагина домласига маъруза ё нутқ ёзиб беришини айтмаса, асосий вазифаси — йил давомида яратилаётган мусиқа асарларини ўрганиб бориш, уларни атрофлича таҳлил этувчи яхлит шарҳ тайёрлаш. Бу шарҳлар эса, уйда ёзаётган илмий ишга ҳам асқотади.

У олти ой қоғоздан бош кўтармади. Шундай мук тушиб берилдики, илмий иш бу ёқда турсин, зиммасидаги асосий вазифа — янги мусиқа асарларининг обзори тайёрлаб улгуролмай қолди. Домласининг ҳузурига киролмайди. Арслоновдан эса, нимагадир ҳеч бир сас-садо чиқмайди. Мана, йигирма тўққиз ёшни нақд уриб қўйди. Илмий иши чала ётибди. На бирон жойда расмийлаштирилган, на кандидатлик минимумлари топширилган. Бу ёғини сўрасангиз, на хотин, на бола-чақа, на уй-жой бор. Юриши эса, мана бу.

Министр қабулига ёзилди-да, ишнинг оққа кўчирилган икки бобини қўлтиқлаб тагин ҳузурига кириб борди. Бундан ўзга чора ҳам йўқ эди. Нима қилсин, домласининг юзига оёқ босиб қаерга борсин?

Арслонов бу гал андак таажужланиб қарши олди: — Ўтиборингиз учун, қабул соатлари министрлик ходимларига эмас, ўртоқ Холиқов!

Озод эсанкираб қолди. Шоша-пиша изоҳ берди: — Мен... атиги бир минутга, Қоплон Шералиевич...

бир оғиз гап...

— Нима гап?

Озод Арслоновга илтижоли боқди:

— Бу ёқда вақт ҳам, ёш ҳам ўтиб кетяпти, домла. Шунга... лоақал минимумларни топшириш... Манови ишнинг икки боби...

— Қизик йигит экансиз!— деди Арслонов ижирғаниб.— Ахир мен сизга айтдим-ку, ишингизни тугатинг, у ёғи бир гап бўлар...

Озод қабулхонадан бўшашиб-шалвираб, тарвузи қўлтиғидан тушиб чиқди. Ҳе, падарига лаънат бунақанг ишнинг! Ҳали чет тилидан минимум топширишнинг ўзи бир олам ғалва бўлса керак. Мактабда чет тили ўқимаган. Дарди-дунёси баттар хуфтон бўлди. Ўша куни квартирасига бир аллозда келди. Почта қутисидан газета-журналларни олар экан, орасидаги хатни кўриб, аввалига суюниб кетди: кимсидан! Йўлакда тик турганича хатни очиб, ўқий бошлади: «Болам, омон-эсонмисан? Тани-жонинг соғми? Келин яхши юрибдими? Неваралик бўлмадимми? Бу ёққа келмай қўйдинглар? Биз яхши юрибмиз. Укаларинг ҳам омон-эсон. Энди-и, болам, 1 май куни тўй қилмоқчимиз — Дилшодни уйлантирмоқчимиз. Келин билан эртароқ етиб келинглар!»

Хатни ўқир экан, Озоднинг бутун вужуди жимирлаб кетди. Нақ бўғзига нимадир тиқилди. Лоақал йиғлай олса эди! Изтиробдан ёниб-ўртаниб, хаёлан онасига

нола қилди. «О, онажон, онажон! Ноқобил ўғлингни кечир! Сен не ғамдасан-у, ишонган тўнғич ўғлинг не ғамда... Бу не азоб?! Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми?! Йўқ-йўқ, яшаш керак!» Нафақат яшаш, укасининг уйланаётганидан суюниши, унинг тўйини ўтказишга ёрдам бериши ҳам керак. Ойиси билан укасининг ундан бошқа суянар кими бор! Байрамга ҳам бор-йўғи бир ҳафта қолди...

Эртасига бир ҳамкасбидан минг писанда билан бўлса-да, қарз ҳавола қилди. Бирор ҳафтага жавоб олиб, ишдан сўнг тўппа-тўғри вокзалга чиқди.

...Озод айланмага ўқдек учиб борди. Бироқ бамисоли мустаҳкам бетон деворга келиб урилган копток янглиғ шаштидан тушди: яна бекорга овора-сарсон бўлгани аниқ эди! Шаҳардаги ўнлаб касалхонага қўнғироқ қилса-да, биронтасидан жўялироқ жавоб ололмади. Жўялироқ гап ҳалиям бўлса диспетчер аёллардан чиқди: «Уша гаражларнинг эгаларидан сўраб-суриштирмабсиз-да».

Дарвоқе, хаёлига келмаганини қаранг. Начора, боши ишламаганининг лоақал оёғи ишлаб тургани маъқул. Овора бўлиб келган экан, милицияю ишхонасига яна бир марта қўнғироқ қилиб, вазиятни қайта-қайта тушунтирди-да, аёлларга раҳмат айтиб, яна зудлик билан ортига қайтди.

6

Тўй — тантана! Чехраларда табассум ўйнайди. Ҳаманинг кайфияти кўтаринки: ўзаро шўх-хандон ҳазиллашишади, мириқиб гурунглашишади. Хизматкорлар елиб-югурган. Баҳор ҳам бутун гўзаллигини намойиш этиб, қишлоқни безаган, гўё у ҳам тўйга жўровоз бўлаётгандек.

«Бор экансиз-ку, кадрдонларим! Дунёда шунақа оҳанглар ҳам бор экан-ку! Умр деганлари фақат уқубату ғурбатдан иборат эмаскан-ку!»

Болаликдан таниш муҳитда, тўпори ва оқкўнгил юртдошлари даврасида Озод ўзининг ғам-ташвишларини унутай деди. Ҳатто улар ўйлашга ҳам арзимайдиган нарсалар каби ўткинчи туюла бошлади. Нима, одам боласи бу дунёда икки марта яшайдими?! Парвонадек ўзини ўтга-чўққа уравермай, бундоқ яйраб яшаши ҳам керак-да. Дунёнинг жамики ғалвалари бир унинг чекига тушган бўлганидаям.

Тўғри, тонг-сахарлаб уйларига кириб борганида, айниқса, онасининг: «Келин қани? Нега келмади?» қабилдаги сўроқларига аввалдан ҳозирлаб қўйган жавобини («Касалхонада эди. Са-ал мазаси бўлмай...») тўтиқушдай такрорлаганида кўзларини яширишга жой тополмай, ич-ичидан зил кетди. Виждонан қийналиб, гуноҳкор одамдай кўнгли хижил бўлаверди. Лекин эртасига ойисию укалари, индинига қариндош-уруғлари билан тўй тараддудига тушиб кетгач, айниқса, тўй куни Озод ўзлигини батамом унутди. «Келин тушди»-дан кейинги базм оқшомида, қўшнилари Мавлон аканинг тўнғич қизи Райҳон айтган қўшиқни тинглаётганида нақ осмони фалакларда эди. Ўзи бир пайтлар овутиб-ўйнатган қизалоқнинг эндига келиб ўн саккиз яшар тўлин ойга айланиши, тағин бунчалар мафтункор қўшиқ айтиши... бамисоли мўъжиза, ақл бовар қилмас мўъжиза!

**Иккимизни икки ёнда яратди,
Уртамизда оқар дарё яратди...**

Ҳа, шундай! Мингдан-минг надоматлар бўлсинким, энди мўъжизалар унга бегона. Жуда-жуда узоқда, кўз илғамас олисларда. Умр деб аталмиш елдирым

дарёнинг нариги тарафида! Ахир, чинакамига қулф уриб яшнаб турган Райҳон қаёқдаю шарбати сиқиб олинган анор пўчоғидек аянчли, омадсиз бир кимса — Озод қаёқда! Гўёки осмону ер. Уртада эски танишлик, эски қўшниликдан ўзга ҳеч вақо йўқ. Бу жонли мўъжизага нисбатан қалбида уйғонган тўғённинг исми энди — ушалмас армон, холос!..

Озод қишлоққа келар экан, ўзича тўйни ўтказиб қайтаман, лекин минбаъд сир бой бермайман дея аҳд қилган эди. Тўғри, қарийб бир ҳафтача аҳдида собит турди. Аммо сўнги лаҳзаларда асаблари дош беролмади. Тағин иродасизлигига борди.

Ушанда узоқ-яқиндан «тўй қутлуғ бўлсин»га келган сўнги меҳмонларни кузатиб, ойиси, амакиси, тоғаси ва қўшнилари Мавлон ака — бешовлон ишқом тағидаги сўрида давра қурдилар. Тўй кўнгилдагидек ўтганини айтиб, маъқуллаб-алқадилар. Етти фарзанди сафида лоақал биргина қизи йўқлигидан кўп ўксинувчи оназорига бир неча кунлик дастёрликни зиммасига олган бўлса керак, Райҳон чойнакда иссиқ чой келтириб, пиёлаларни артди-да, бир-бир қуйиб узата бошлади. Ҳамма жимгина чой ҳўплайди. Осуда тун. Кишининг баҳри-дилини очиб, ғир-ғир шабада эсади. Тоғаси Озодга маслаҳатомуз гап қотади:

— Кечқурун поездда кета қолганинг маъқулмасми, барибир автобусдаям ярим кунингни йўқотасан-ку?

Озоднинг юраги шувиллади. У тўй ўтгач, тезроқ жўнаб қолишни, бу давралардан ўзини олиб қочишни кўзлаган эди — гап чўзилиб сири ошкор бўлишдан хавфсирарди.

— Болам, — деди онаси унга, — келин ростдан ҳам касалхонадами ё?.. Яқинда Абдурахмон пучуқнинг устудент боласи гап топиб келди: келин кетиб қолганмиш. Узинг ёлғиз яшаётганмишсан?..

Бу гапдан сўнг Озоднинг кўзлари дастурхон попугига, барчанинг нигоҳи эса унга қадалди. Озод ғишт қолипдан кўчганини, оғриқни яшириши беҳудалигини дафъатан англади. Эртадир-кечдир сир ошкор бўлади барибир. Қолаверса, энди аввалги даҳшатлар ариди. Мана, укасининг тўйи ҳам ўтди.

— Тўғри, — деди Озод бошини қуйи солганича. — Ажралишганимизга бир йилдан ошган.

Ўтирганлар, ким — ҳайратдан, ким — ачинишдан, ким — ғазабдан лол қотдилар. Гапни бошладими, энди барисини сўзлаб беришга мажбур. Баралла сўзлайверди, чунки энди бошқа... уйланмайди! Шундай қарорга келган аллақачон. У консерваторияни битиргандан кейинги олти йил мобайнида бошидан кечирганларини лўнда қилиб айтиб берди. Ўтирганлар лол қолишди. Фақатгина Райҳон чидай олмай туриб кетганди.

Орага узоқ жимлик чўқди.

— Ҳа-а, ёш бошингга талай мижароларни кўриб улгурибсан, — деди тоғаси. — Энди нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, қайтиб бораману ишлайвераман, — деди Озод зўрға қулиб.

— Мана, оқибат! — ёзғирди амакиси. — Зиёднинг енгил-елпи васиятини деб, бизнинг насиҳатларимизни қулоғингга олмадинг. Уқишга кетдинг. Буниси етмаганда, манови туғишларим-ку, шуларнинг ҳам раъйига қарайин, демай ўз билганинча уйландинг... Озод жим. Амакиси энди пичингамо гурунг беришга ўтди: — Айтишларича, шаҳарликлар тушгача четдан борганларни, тушдан кейин эса бир-бирларини алдармиш. Чунки тушдан кейин четдан борганлар уй-уйларига қайтиб кетиб, эртасигача ноилож қолишаркан-да!

Амакиси ўзининг «нозик» қочиримидан завқланиб кулади. Тоғаси ҳам илжайди. Мавлон ака уларга гарангсиз қарайди. Озод бу заҳарли кулгулардан баттар

зил кетади. Онаизор юм-юм йиғлайди. У Озод юрак ҳовучлаб кутган, таҳқиромуз кулгулардан юз марта, минг марта даҳшатлироқ гапларини айтмайди, айтолмайди: «Мен нима дегандим сенга, болам? Шошилма, демаганмидим?».

Ўзининг қуёшқондан чиққанини англади чоғи, амаркиси кулгудан тўхтади, оғир сўлиш олди:

— Ҳа-а, яхши иш бўлмабди!

Бир пайт қўшнилари Мавлон ака Озодга ўктамона назар билан қаради:— Энди-и, бу юришинг раҳматли Зиёд оғанинг руҳига яхши эмас! Одам боласи мундоқ одамга ўхшаб яшагани маъқул. Ит ётиш, мирза туриш бизга ярашмайди, иним!— Шундай дея Мавлон ака андак жим қолди. Сўнг хонтахтага енгилгина шапати уриб, кескин деди:— Энди-и, гап бундай, иним: сендай азаматнинг боши эгилгунича нега шайтоннинг шохи синмайди! Билмадим, ким қандай тушунса тушунсин, бироқ анови Райҳон— менинг қизим, сенинг синглинг қатори. Кўнглинг чопса, уни эртагаёқ ёнингга қўшиб юбораман!

Тоғаси хоҳолаб кулди.

— Бунинг кулгили жойи йўқ!— деди Мавлон ака, ўзи ҳам беихтиёр илжайиб.— Мен кўнглимга келган омади гапни айтдим-қўйдим-да!

— Буни умр савдоси дейдилар, иним Мавлонбой! Бу оғир савдо! Шошмашошарлик, енгилтаклик кетмайди. Мана, ҳозиргина ўзинг эшитдинг-ку оқибатини...

Мавлон ака амаркисига оғриниб қаради.

— Мен енгил деялманми? Кўчада қолган қизим йўқ! Мен азбаройи Зиёд оғанинг руҳи олдида... Манови болага куйинганимдан... ишонганимдан... Ахир, одамнинг бахтига ҳам, бахтсизлигига ҳам кимдир сабаб бўлади...

Орага тағин жимлик чўқди. Гап-гапга қовушавермагач, хайр-хўшлашиб тарқалдилар.

Супада она-бола икковлон танҳ қолишди. Онаизор яна йиғлаб-сиқтади. Кейин:— Майли, болам,— деди кўз ёшларини енгига арта-арта.— Начора, шу кўргуликлар ҳам толеингда бор экан. Энди кўп куйинаверма! Асли чала тақдир бу. Йигит бошинг омон бўлса, бу кунлар ҳам ўтар-кетар...— Кўнгли таскин топавермади, шекилли, тағин ўғлидан ажралиш тафсилотларини ўс-моқчилаб суриштиришга тушди. Аммо Озод тўшагига ўралиб, қўлларини боши остига қўйиб осмон тўла юлдузларга термулган кўйи гунг-соқовдек ётаверди, ётаверди...

...Озод дам югуриб, дам йўртиб, тўппа-тўғри «воқеа содир бўлган жойга» келди. Икки тарафида гаражлар саф тортган йўлакни бошдан-охир қараб чиқди. Ҳеч қаерда қон-қатрон кўрмади. Карахт бўлиб турган эди, кимдир чақириб қолди. Қараса, йигирма қадамча нарида — эшиклари очик гараж олдида қирқ ёшлардаги бир киши майкачан турибди: билаклари қорамой ўқи, қўлларига — буров. «Демак, ерга қараганича кўрмай ўтиб кетаверибди-да». Югуриб бориб, унга рўпара бўлди. Нажот истаб кўзларига тикилди.

— Бирон нима йўқотдингизми, ука?— сўради нота ниш одам ажабланиб.

Озод тез-тез, чала-чулпа гапириб аҳволини тушунтирди. Сўнг йиғлағудек бўлиб сўради:

— ...Бугун бу ерда ҳеч қандай қор-қол бўлмадимкин ўзи? Қўшнилариңгиздан ҳеч ким болаларимни?..

— Йўғ-э! Нафасингизни иссиқроқ қилинг, ука!— Нотаниш одам кутилмаганда тутақиб кетди.— Эрталабдан бери манови савилнинг тагида куймаланиб ётибман, ҳеч гап йўқ-ку! Бунақа совуқ гап қилманг-э!

Озод енгил тин олди. Хайрият! Демак, болалари тирик! Қайгадир адашиб кетган, холос! Тирик одам...

топилиши керак! Балки топилгандир ҳам? Бирон жойга яширинган бўлса, ўтириб-ўтириб зериккач, ўзлари уйга боришгандир? Шундай нурли умид билан тағин уй сари талпинди.

7

Дунё турли бахтли ва бахтсиз тасодифлар билан тўла.

Мавлон аканинг чапаниларча гапи сабаб бўлдими, бошқа жиддийроқ сабаблар бор эдими, ҳар қалай, ўша куннинг эртасига шаҳарга кетаётган автобусда Озоднинг ёнида... Райҳон ўтирарди. У ҳаяжонланар, дам дерди ўзига-ўзи. Бу қизни ёнимга ўтқазган куч нима, деб тинмай ўзига савол берарди. Ҳолбуки, сабаб жуда оддий, жўнгина эди. Уни эрталаб онаизори яхши англади: «Майли, болам, кўп куйинаверма, дунёнинг ишлари битмай қолмас. Энди-и, шу Райҳон синглингга шаҳарни тузукроқ томоша қилдир, кейин холасининг уйига обориб қўй. У ўзи уч-тўрт кундан кейин холаси билан бирга қайтиб келади». Сабаб — шу. Бироқ нотавон кўнгли қурсин...

Автобус теп-текис йўлда қушдек учади. Одамлар момиқ ўриндиқларда ястаниб мудрайдилар. Икки тарафдан лип-лип ўтаётган ўт-ўлан, қизғалдоқлар билан қопланган поёнсиз дала кўз олдингда баҳайбат тегиримон тоши янглиғ бир маромда салобатли айланаётганга ўхшайди. То шаҳарга қадар мана шундай фусункор кенглик. Райҳон ҳам, Озод ҳам дераза оша бу баҳорий манзарага боқиб тўймайдилар. Олис-олисларда йилқилар уюри, худди чексиз осмонда чарх ураётган қушлар галасидек шиддатли гувранади. Чавандозликка иштиёқ қонида бор-да, Райҳон уларга завқланиб термулади. Дам уюрга, дам Райҳонга ошуфта боқаркан, Озоднинг кўкси тўғуларга торлик қилаётгандек бўлади. Ҳаяжонини қизга сездирмаслик учун кўзларини юмади. Уйлай бошлайди: «Тушиб қолса-чи? Нима қипти! Борар ўша диққинафас шаҳарга. Ҳали соат эндигина ўн бўлса! Райҳон тушармикин? Дарров кўнглига бадбун хаёллар келади. Икки ўртада хижил бўлгани қолади. Яна ким билади, балки тушар? Бегонамики, қўрқса. Бу камёб манзарадан Райҳон ҳам қанчалик завқланаяпти, томоша қилиб тўймаяпти, ахир!..»

У суяңчиқа бош қўйганча кўзларини очди. Ҳамон ўша олис-олисларга болаларча завқланиб термулаётган Райҳонни, лозазор яссиликни ва яна... бу бепоён яссиликни қоқ иккига бўлиб нафис жимирлаётган Сирдарёни — она Сайҳунни, момо Яксартни, гувранганича келиб ўзини дарёга отган йилқи уюрини кўрди. Кўрдию... тиллари сўзга равон айланди:

— Тушиб қоламизми?..

Райҳон унга ажабланиб қаради:

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи!

— Ҳа, нима қипти? Дарё бўйида бир оз сайр қиламизу кейин йўловчи машинага чиқиб, яна кетаверамиз. Шаҳарни томоша қилишга улгурарсан ҳали!

— Қўйинг, Озод ака, бу бийдек далада ёлғиз қолиб кетиш... қўрқинчли-ку?..— Райҳон иккиланиб, унга жовдиради.

— Нимадан қўрқасан, ёнингга мен борман-ку?— деди Озод.— Ё менга ишонмайсанми?..

— Юринг!..

Автобусни истар-истамас тўхтатаркан, шофёрнинг нозизи бўлиб пўнғиллашига ҳам, сафардошларининг ўзаро шивир-шивирю маъноли имо-ишораларига ҳам Озод зиғирча парво қилмади. «Кимнинг нима иши бор?— ўйлади ич-ичидан ғижиниб.— Ўзларини фаришта кўрсатишмоқчи! Аслида булар ҳам ҳар хил одамлар. Гулсунга ўхшаганлари йўқми?» Лекин пастга тушгач, гоҳ

кўзларини қаерга яширишни билмай қунишиб турган Райҳонга, гоҳ тобора олислаб кетаётган автобусга тикила туриб, кўнглини иштибоҳ чулғади: «Тўғри бўлдимми шу иш?» Бир хаёл — ўзини қўлга олиш, бир хаёл — Райҳонга далда бериш учун ясама ўктамлик билан хитоб қилди:

— Қани, кетдик! Сенга би-ир дарёни кўрсатай!

— Ўзингиз илгари кўрганмисиз?— сўради Райҳон унга алланечук маъноли қараб. Балки маъноли қарамагандир, шунчаки сўрагандир. Ҳар қалай, бу саволдан Озод андак эсанкираб қолди. Лекин сир бой бермади:

— Йўк, мен ҳам кўрмаганман. Гуручнинг орқасида курмак ҳам сув ичганидай, мана, сенинг баҳонангда кўрадиган бўлиб турибман-да!

Райҳоннинг чиройи очилиб, беозоргина жилмайди. Буни кўриб, Озод ҳам енгил тин олди. Аста одимларкан, кўз олдида ястаниб ётган алвон далаларга суқланиб тикилди. Райҳоннинг қизалоқлардек қувнаб лола теришга тушганини кўриб, юраги баттар орзиқди. Уктамлиги тутди:

— Лолани қайтишда терамиз, Райҳон. Аввал дарёни томоша қилайлик!

Улар бирор чақиримча адир кезиб, қийғос гулга кирган ёввойи жийдазор оралаб юра-юра дарё соҳилига аранг чиқиб олдилар. Манзарани кўриб иккаласи ҳам севинчдан ўзларини йўқотиб қўйгудек алфозга тушдилар. Сираси ҳам шу: энди — Сирдарё соҳилларида аллақандай подачининг тўнғич ўғли билан аллақандай араваканининг тўнғич қизи, хуллас, асаби толиққан жамият фарзандлари эмас, она-Заминнинг саховатли оғушида ором олиб яшаётган табиат фарзандларидан бир жуфти қадимий дарёнинг маҳобатли оқимига кўз тикиб турарди!

— Эҳ, Райҳон!— хитоб қилди Озод,— атиги эллик-олтмиш чақирим жойда шундай дарёмиз бўлатуриб, қанчалик ғофил яшаган эканмиз-а! Аслида дарёлари-мизнинг шўрини қуритаётган нарса ҳам бизнинг мана шу ғофиллигимизми, дейман-да!..

Озод гапининг давомини айтолмай ва ё кўнглидан кечаётганларни англаб етолмай жим қолди. Юраги қинга сиғмаётгандек ҳаприқди. Ёнига бурилиб қаради. Райҳон унга ажабланибми, меҳр биланми, маъсумона термулиб турарди. Кўзлар бир-бирлари билан тўқнашди. Кўзлар тўқнашдию тиллар баттар каловланди. Зотан, бундан буюғига тил ожиз эди. Энди кўзлар тиллашиб, кўнгиллар унсиз сирлашмоқда эди:

«Беш-олти йил аввал қаерда эдинг, Райҳон?»

«Шундоққина ёнингизда эдим, Озод ака, ўзингиз кўриб-кўрмадингиз, парво қилмадингиз-ку!»

«Энди нима бўлади, Райҳон?»

«Билмасам, Озод ака».

«Мен овсарни кечира олармикансан, Райҳон?»

«Кечирмасам, бу кимсасиз соҳилда сиз билан юзма-юз турмаган бўлардим-ку, Озод ака!»

«Нақадар саховатлисан, Райҳон! Энди мен сенга муносибманми? Мен... ахир...»

«Қўйинг, ўксинманг, Озод ака! Сизни бу аҳволда кўриш менга осон деб ўйлайсизми?!»

«Мени айниқса бир иштибоҳ қийнайди, Райҳон: вақти келиб афсус-надомат юрагингни ўртамасмикин?»

«Буниси энди сизга боғлиқ, Озод ака...»

Шу пайтга қадар инсон қадами топтамаган жийдазор соҳилда кун бўйи она алласидек бир соҳир қўшиқ янграб, сурнай навосидек хазин ва тантанавор куй унга жўр бўлиб турди!..

«Тақдиринг не инояти бу?!— орзиқиб ўйларди Озод шаҳар томонга қушдек учаётган енгил машинанинг орқа ўриндиғида юзини бир қучоқ гулга чулғаб олган

Райҳон билан ёнма-ён ўтираркан,— ўнгимми-тушимми?!» У олдинда ўзларини нималар кутаётганини яхши англади. Шу кетишлари «ўзи сиғмас инига, ғалвир боғлар думига» қабилидаги иш бўлаётганини ҳам фаҳмларди. Бироқ, булар энди Озодни заррача чўчита олмасди. Чунки у энди ёлғиз эмасди. Ёнида Райҳон — унинг Райҳони бор эди! Бу ҳис жонига ором, руҳига қувват, жисмига мадад бахш этар, вужуд-вужудида ажиб бир гувраниш, курашларга чоғланиш сезарди.

Бешикка энгашиганича чақалоғини эмизиб ўтирган Райҳон Озодни кўриб ўрнидан сапчиб турди. Наҳот истаб кўзларига термулди:

— Дарак борми?

— Йўк.

Райҳон уввос солиб ўзини Озоднинг кўксига отди: — Вой, мен ўлай, мен лақмагина ўлай! Нима қилиб қўйдим ўзи, а?

Озод ҳаяжондан титраб-қақшаб хотинини авайлабгина кошди-да, овута бошлади:

— Қўй, йиғлама, Райҳон, ўзингни тут! Йўқолган топилар-ку, топилмай қолмас!

8

«...Чўпчакни қаранг: қиз бечора «бу йигит қачон келар экан», деб йўлига кўз тикиб ўтирган экан-да, а? Отаси ҳам гулдек қизини қўшқўллаб тутқазибди-қўйибди-да?»

«Нима, эзгуликни куйловчи чўпчаклар даври аллақачон ўтган, демоқчимисиз? Хўш, бугун мунақа анойилар тугаб битган бўлса, кўнглингиз жойига тушармиди? Ахир, ҳамма бало уларнинг камёблигида-ку!»

«Ҳар қалай, буюғи энди мушткетди экан-да? Бир лақмани иккинчи лақма алдаб-лақиллатибди!»

«Сиздек ақлдан ўргилдим! Балки пихини ёрган туллақлардан обдан зада икки соддадил топишгандир! «Йигитнинг-ку, бўлари бўлиб, буюғи сингибди. Лекин бечора қизга раҳмим келади!»

«Ким кимдан бечорароқлигини ўйлаб кўриш керак. Менимча, бу дунёда одамлик сиёқини йўқотиб, шайтонбаччага айланган энг бечора кимса — алдамчи!»

«Йўқ, аксинча, қанчалик устумон бўлсанг, шунчалик қудрат касб этиб бораверасан.»

«Эҳтимол шундайдир. Лекин бу иблисона қудрат. Эртадир-кечдир ҳали шайтоннинг шохи синиб, эгилган бошлар кўтариладиган пайт келади!»

«Эҳ-ҳа, бунга яна қанча қовун пишиғи бор!»

«Қовун пишиғи — ўз йўлига! Бунинг учун одамлар қалбида шубҳага нисбатан ишонч мустаҳкамроқ бўлса бас!...»

Ер юзида инсон зоти пайдо бўлгандан бери икки аллома-ҳакам — Бадбин ва Некбин муттасил баҳслашди: бири иккинчисини инкор этади, ўзининг ҳақлигини ҳар боб билан исботлашга уринади, бу йўлда гоҳо ёлғондан ҳам қайтмайди... Мана, ҳозир Бадбин билан Некбин қайлардадир ўзаро талашиб-тортишиб ётибди-ю, бироқ бу баҳс Озоду Райҳонга кор қилмас эди. Чунки улар даҳанаки жанг учун яшамайдилар — яшаш учун курашадилар. Балки шу боисдан ҳам ҳаёт энг зўр алломанинг энг мураккаб фалсафий қарашларига нисбатан чандон мураккаброқдир...

Ушанда туйғулар осмонида учиб келган Озод билан Райҳонга бу улкан шаҳар ажойиб «тўёна» ҳозирлаб қўйган экан.

Келган кунларининг эртасигаёқ шаҳар айландилар, суратга тушдилар. Йўл-йўлакай енгил-елпи бозор-ўчар

қилиб, чарчаб-ҳориб ижара уйга қайтдилар. Андак нафас ростлашгач, Райҳон қозон-товоққа, Озод уни «шаҳар хўжалиги» билан таништиришга уннаган эди, эшик кўнғироғи жиринглади. Чиқса, рўпарасида уй эгаси Адолат опа турибди. Озод дарров фаҳмлади: ижара ҳақини ҳар ойнинг охирида ўзи обориб берувчи эди. Кейинги икки ҳафта ташвишлари билан бўлиб, тўй-тўйлайман деб, вақтидан андак ўтказиб юборгани учун ўзлари келибдилар-да!

Адолат опа — эллик ёшлардаги шўх-шаддодгина аёл — шаҳдам қадамлар билан юриб хонага кирди. Озод апил-тапил кўрпача ташлаган жойга ўтирар-ўтирмас, балки кўришиш учундир, балки қизиқиб, ошхонадан чиқиб келган Райҳонни кўрдию фотиҳага қўл очганича ҳайратдан донг қотиб қолди. Таажжуб балқиган кўзлари Озодга ўқдек қадалди:

— Бу ким?

— Келинингиз... — деди Озод «хозяйка»сига уялин-қираб қараркан. Энди вазиятни тушунтирмоқчи эди, Адолат опа уни гапиртирмади:

— Келинми ё?..

— Йўғ-э, Адолат опа, менга ишонмайсизми? Ахир, кечагина қишлоқдан келдик-ку, мана, қўшнилар...

— Тайёр турган эканми, борибсизу олиб келаверибсиз?

Озоднинг қони қайнаб кетгандек бўлди.

— Адолат опа! — ҳайқирди ёввойи бир важоҳат билан. — Сиз мени...

— Қўйинг, ука! Сизни бамаъни йигит деб юрсам!.. Нима бу, менинг уйим сизга ижарами ё... исловатхонами?!

Озоднинг қони энди нақ миясига тепди. Шунда ҳам ғазабини ичига ютди. Қани, бундай пайтда араваканининг қўшиғини айтмай кўринг-чи! Вазминлик билан аҳволни тушунтирмоқчи эди, Адолат опа «тортишув»-га нуқта қўйди:

— Гап шу, ука! — деди хонтахтага кафтини шаҳд билан босиб. — Бугун ҳисоб-китобни тўғрилангу эртадан марҳамат қилиб бўшатиш жойни!

Озод бажонидил рози бўлди. Кўчада қолган тақдирда ҳам Райҳон билан бу уйда яшамаслиги, тез орада қорасини ўчириши аниқ эди-я! Устига устак, энди бу беандиша аёлнинг кўзларига самимий қараёлмаслиги ҳам аниқ бўлди.

Адолат опа кетгач, икковлон анчагача жим — уясиз қушлардек нотавон-ожиз қолдилар. Бамисоли осмонифалакда чарх уриб учаётганида ўқ тегиб ерга йиқилган қўш кабутар эди улар! Лекин кабутарнинг ватани — бепоён осмон, одамзоднинг ватани — миттигина сайёра. Бас, шундай экан, Озод билан Райҳон шу куниеқ бирга яшаш — турмуш аравасини бақамти тортишнинг илк режасини тузишга мажбур эдилар. Икковлон аввало янги ижара топади. Сўнг рўй берган воқеани Райҳоннинг ҳоласио қишлоқдагиларга маълум қилади. Нарёғига бошларига тушганини кўраверадилар. Бугун эса, энгил-елпи тамаддидан сўнг кўчага чиқадилар. Баҳоли қудрат соғға-салом олиб, кечки салқинда тўппа-тўғри Мусавой аканинг олдига борадилар. Ҳам зиёрат, ҳам маслаҳат, агар жўялироқ йўл-йўриқ чиқса, ёлғиз шу одамдан чиқиши мумкин.

Мусавой ака ҳовлига сув сепаётган экан, Озодни кўриб суюниб кетди:

— Э-э, келинг-келинг. Бормисиз бу дунёда, ўғлим? — дея кулимсираганича қўлидаги сувичакни ташлаб, уларга пешвоз чиқди. Очиқ чеҳра билан кўришаркан, гинахонлик қилди: — Бу дейман, министрликка ишга ўтиб, бизларни паққос унутиб юбормадингизми, ўғлим?

Райҳонга сездирмаса-да, қандай бўларкин дея андак

тараддуланиб турган Озод энгил тортди.

— Биратўласи келинингизни зиёратга олиб кела қолай, дедим-да! — деди.

Бу гапни айтишга айтди-ю, журъатидан уялиб, кўзларини олиб қочди.

— Э-э, шунақами? Ундай бўлса, узр, узр! — Мусавой ака энди Райҳонга юзланди. — Сиз яхши юрибсизми, қизим? Бу бошқа гап, бу бошқа гап! Қўша қариларинг! Ували-жували бўлларинг! Қани, ичкарига!..

Биринчи кун бутун бошли йилдан мужда келтиради, дейдилар. Озод билан Райҳоннинг биргаликдаги илк қадамлари қутлуғ келдими, ҳар қалай, барча мушқуллари оппа-осон ҳал бўлди-қолди. Озод калаванинг учини чиқазган эди, Мусавой ака яйраб кулди:

— Э-э, шуни ҳам ташвиш қилиб юрибсизми, ўғлим! Хоҳласангиз, шу ерда-а, ота-бола бўлиб яшайверамиз. Кўнгил кенг бўлса, жой торлик қилмас!

— Йўғ-э, домла, сизларни безовта қилиш яхши бўлмас. Мен демоқчийдимки...

— У ҳолда, бошқа — қулайроқ йўли ҳам бор! — Мусавой ака андак сукут қақлаб, гапида давом этди: — Майлин, икковингиз ҳам шўтта рўйхатдан ўтиб қўяверасизлар-да, яшашга... Бешёғочда бир опоқим туралла. Катта ўғиллари бола-чақаси билан Москвада, докторантурада. Кичиги яқинда домга кўчиб чиққан. Ўзлари ёлғизликдан нолингандай бўлувдила. Мени айтди десангиз, опоқим сизни ижарага қўйсала керак. Уй олгунча бир-бирларингга эш бўлиб тураверасилар-да?..

Бундан зўрини орзу қилишнинг ўзи гуноҳ!

Ким айтади шаҳарда кенглик йўқ, деб?! Раҳматли отаси Зиёд сурнайчи ҳам, ҳов ўшанда, «шаҳарда кенглик йўқ», деган эмас, «шаҳарда кенглик етишмас экан» деб айтган. Етишмаса — етишмас, лекин бор. Бор! Бунга Мусавой ака гувоҳ, қолаверса, опоқи гуноҳ!

Бу дунёда одам боласи турлича қарир экан. Кимдир қариб қуюлмайди; кенжа ўғлини уйлантирмай туриб, чорак аср бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдоши билан ажралишади-да, ўзи бошқасига уйланади. Кимдир бир пайтлар қайнонасида турган ситамларини кўп йиллар юрагига қўрғошиндек тугиб юради-юради-да, вақти келиб келинига «мушт қайтариб» хумордан чиқади. Кимдир яна бошқачароқ қарийди. Лекин опоқидек қариш дунёда камдан-кам одамга насиб қилса керак. Бир суҳбатда опоқи «Мен етмишга чиққан кампирман» деганида Озод билан Райҳон ҳайратдан ёқа ушладилар: қишин-ёзин бошига ё фаранги рўмол, ё ҳарир қошбоғ ташлаб, устида юпқагина кўйлак, пешайвонда яратганга шукрлар айтиб ўтирган ёхуд яланг оёқларига чувак кийганича рўзғор ишлари билан машғул бўлиб юрган бу бардам-бақувват аёлни кўрган киши «нари борса қирқ беш ёшларда бўлса керак», деб ўйлаши аниқ. Меҳр-саховатини-ку, қўяверасиз. Озод ақлини танигандан бери бу қадар меҳридарё, одамшаванда, болажон аёлни учратган эмас. Ҳатто ўз онаси ҳам дастлабки танишувдан кейиноқ: «Вой, дунёда шундай истараси иссиқ, фариштали одам ҳам бўларканда!» дея ҳайратланган. Ҳозиргача Озод қишлоққа борганида онаси аввало опоқини сўраб-суриштиради. Гоҳида қўшниларию қариндошларига таърифлай кетади: «Шу десангиз, Озоджоним бир кампирнинг уйида ижара туради. Узини кўрганмисиз-йўқми, тўйда келувди. Ё қудратингдан! Етмиш яшар кампир эмас, худди қиз бола дейсиз-а, ўргилай! Яна денг, оғзидан нақ бол томади-я, бол!».

Опоқи пенсияда бўлса ҳам, аллақайси артелдан буюртма иш олиб, уйда дўппи тикар экан. Дўппиларки, одам боласининг қўли бундай мўъжизалар яратишга қодирлигини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши! Ар-

телда махсус бириктириб қўйилган киши ҳар ойда бир марта келиб, маош билан хомашёни қолдиради. Тайёр дўппиларни олиб кетади. Оралиқдаги муддат — мўъжизаларнинг яралиш даври! Гоҳо артелдаги ёш тикувчилар ҳам келиб, опоқидан тажриба ўрганишади.

Райҳон-ку, дасталабки кунданоқ ҳамишалик толиба, кунда шунда шогирд бўлди-қолди. Устоз — шогирддан, шогирд — устоздан мамнун. Опоқи Райҳонни мақтайди: «Ўрғилиб кетай чевар қизгинамдан-эй! Сани манга худо етказди-я! Қатгайдинг шу пайтга довур!» Райҳон ажабланади: «Одамлар қишлоқда шаҳар ундоқ, шаҳар бундоқ, деб ваҳима қилгувчи эди, Озод ака, ҳамма шаҳарликлар опоқидек бўлса, бу ер бинойидек экан-ку, а?»

Эҳ-ҳе, ўйлаб қараса, опоқининг уйда ўтказган уч ярим йиллик умрлари Озод билан Райҳон ҳаётининг энг нурли-файзли, энг бахтга дохил кунлари экан! Ғам йўқ, ташвиш йўқ. Истаган нарсанг муҳайё! Шинамгина бошпана. Дарвозахонадан тортиб то омборига қадар чинни-чироқ ҳовли. Айвонча олди узунасига гулу райҳон. Бу ёқда ўрик-олмаю узум, у ёқда шафтолию олча, олхўри. Шундоқ қўлингни узатгину кўнглинг тусангани олиб е! Яна ҳузурижон меҳнат. Зўрма-зўраки эмас, ўзинг дил-дилдан истаб, яйраб-қувнаб бажарадиган иш. Опоқи билан Райҳон уззукун гурунглашиб дўппи тикадилар. Озод ишдан келади, айвончада дўппи тепчиётган опоқию Райҳон билан гурунглашганича овқатланади-да, ё уйда ўқиб-ёзади, ё ҳовлида ер чопади, дарахт бутайди, ишком кўтаради. Ҳордиқ кунлари бирров бозор-ўчар қилади-да, тагин ўзининг севимли машғулоти билан банд бўлади. Ёнингда бўлса дилтортар қадрдонларинг! Қолаверса, ҳаммиша дазмолланган кийим-бош, эртаю кеч иссиқ овқат. Хўш, одамга яна нима керак ўзи? Туриб-туриб, Озод опоқининг бу ҳузурижонни кўзи қийиб, домга чиққан ўғил-келинию невараларига тушунолмади: ношукрлик ҳам эви билан-да, ахир!

Опоқи дўппи тикар экан, ёнида ўтирган Райҳон билан Озодга гурунг беришни хуш кўради: «Одам биласи икки нарсадан қисилмасин: меҳнатдану тилдан,— дея кўп такрорлайди у.— Одатда меҳнат қилганинг тили ҳам узун бўлади. Билсаларинг, ҳамма қиғирликлар бекорхўжалардан чиқади. Бекор юргунча — бекор ишла, деган гапда ҳикмат кўп, болаларим. Санлар ўйламаларинг, мани қийналганидан ишлайди, манавиндақа дўппи тикади, деб. Аслида ўша жиблажибондай ясан-тусан қилган бекорхўжалардан ўнтасини сотиб олишга қудратим келади! Ишламасам — туролмайман, билдиларингми! Берилиб ишлаб, кўнглимдагини гапирмасам шу бугун юрагим тораядио нақ касал бўлиб ётиб қоламан.

— Мана, сан сурнай чалар экансан, болам,— гапида давом этади опоқи Озодга бирров кўз ташлаб, тагин қўлидаги дўппига қадалганича.— Икки кўча нарида Юнус Ражабий домла яшардилар. Раҳматли шундай бамаъни, фариштали одам эдиларки, юзларидан нур ёғиларди. Дутор чалиб, қўшиқ айтганларида, тошния эритиб, одамни сел қилиб юборардилар.

Домла қўшиқларини роппа-роса ўн иккита китоб қилибдилар. Кўриб оғзим очилиб қолибди; ҳар бирини беш яшар бола кўтаролмаса кераг-ов! Ана ўша одамни машшоқ десанг ярашади. Ҳозирги машшоқларинг... Ишининг тайини йўғ-у, савлатидан от ҳуркади...

Опоқининг уйига «кўчиб келгач», орадан уч-тўрт кун ўтиб, оқшом чоғи дарвоза кўнғироғи жиринглади. Озод «ким бўлдийкин?» дея бориб дарвоза тамбасини кўтарди. Рўпарасида... ойиси, укаси, Юлдуз кеннойиси — Райҳоннинг ойиси, тагин бир нотаниш аёл турар

эди. Кейинчалик маълум бўлишича, эллик ёшлардаги бу хушбичимгина, дилидагиси тилида аёл — Райҳоннинг шаҳар чеккасида яшайдиган холаси Баҳринисо опа экан:

— Ҳа, ўғри!— деди у Озодга таҳдидомуз қадалганича кулимсираб.— Барибир қўлга тушаркансиз-ку! Биз у ёқда кутиб ўтирибмиз. Бу кишим бўлса, қизимизни йўлдан оздириб, тупкарининг тувагига қамаб қўйибди-ю, лоақал хабар берай демайди.

— Хайрият, топиб келдиг-а!— укаси Озод билан қўл бериб кўришар экан, мамнун илжайди.— Сизларни қидиравериб оёғимиз толди-я: ижара уйингизга бордик, ишхонангизга бордик, эски ишхонангизга бордик, ахйири топдик-да...

Ойиси — жим, кеннойиси — жим, Озод — жим, уларга уялиш, ҳадик, қўрқув аралаш хижолатомуз тикилади. Итоаткорона қўл қовуштирганча, аммо юраги орзиқиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилади. Уларга опоқи билан Райҳон пешвоз чиқадилар. Уша кеча еттовлон қарийб саҳарга қадар гурунглашадилар, аввалига ҳаммалари айвончада, кейинчалик алоҳида-алоҳида: бешта аёл — бир хонада, ака-ука — бошқасида. Гуруннинг натижаси шу бўладик, эртаси кун иттовлон тўппа-тўғри Баҳринисо опанинг уйига борадилар. У ердан учта энгил машинага ўтириб, қишлоққа йўл оладилар. Қишлоқда тўйни ўтказиб, Озоднинг жўраларию Райҳоннинг дугоналари — бир автобус тўла одам — шаҳарга келади. Кела-келгунча автобусда сурнайнинг юракларни орзиқтирувчи ноласи тинмайди. Опоқининг ҳовлисига кириб келганларида бу нола янада авжига чиқади. Озоднинг никоҳ жўраларидан бири қўлига торини олиб, хониш бошлайди. Бошқалари рақс тушади. Ёлғизликдан обдон зада бўлган шекилли, опоқи меҳмонларни ўтказгани жой тополмайди. Улар билан баббаравар ўйнаб-қувнайди. Ажабланиб қарашган томошбарор қўшниларига ғурурланиб уқтиради: «Кенжа ўғлимнинг тўйи бу, тутинган ўғлимнинг! Хамир учидан патир, деб, бу ерга ҳам ола келдик-да...» Оқшом чоғи кўзда ёш, лабда табассум билан қадрдон автобусни кузатиб қолишади.

Орадан бирор ҳафта ўтиб, учовлон айвонда, бири-ўқиб, бошқалари — дўппи тикиб ўтирганларида, опоқи шўх кулганча Озод билан Райҳондан сўрайди: «Сенлар курамамасинлар мабодо? Бу ёғи жа-а сабан тўй бўлиб кетди-ку?» Кулгу Озодга ҳам юқади: «Йўқ, биз лўлидан тарқаганмиз, опоқи. Лўлиларни билмай-сизми, беданадек уйи йўқ, қаерга борса — «битпилдиқ». «Сенларнинг тўйларингни кўриб ўйлаб қолдим,— дейди энди опоқи жиддий тортиб.— Кимўзар базмга, ичкиликка ружу қўявермай, манавинақа тўй қилсам бўларкан-ку, а?— Кейин жавоб кутмай Озодни юпатишга ўтади:— Бирок сан уйим йўқ деб ўксинма, болам. Ошиқмаган арава билан кўённи урибди, деган машойхлар. Ҳали вақти келиб сенларгаям уй битар-ку...»

Фарҳоднинг туғилишини дастлаб опоқи башорат қилган эди.

— Ҳар кимнинг нияти — йўлдоши! Нияти холис одам эртадир-кечдир ўз ниятига етмай қолмайди, болаларим,— деган эди ўша дилкаш гурунглиридан бирида Райҳон билан Озодга.— Мана, мани айтди дерсанлар: роппа-роса тўққиз ойу тўққиз кун ўтиб, қўчқордай ўғил кўрасанлар!

Тасодифми, ё чиндан ҳам башоратми, ҳар қалай, орадан тўққиз ой ўтиб, Фарҳодлари туғилди. Бундан олти йил аввал, қаҳратон қиш кунларининг бирида. Тунги соат учларда. Ушанда Озод эс-ҳушини йўқотиб қўяй деди. Хушхабар олиб чиққан сепкилдор кампирни қучоқлаб ўпа кетди. Туғруқхонадан то опоқининг уйи-

гача беш-олти чақирим йўлни юриб эмас, қушдек учиб ўтди. Эгнида юпқагина пальто. Ялангбош-ялангтўш. Қаҳратон қиш изирини мутлақо сезилмайди. Эшикдан отилиб кирдию опоқининг кўксига бош қўйиб... йиғлади. Бугун бўлса, ўша Фарҳоди йўқ! Елғиз ўзи эмас, бир-варакайига икки жигарбанди! Бу даҳшатга нечук чидаяпти, торгина уйга қандоқ сиғиб ўтирибди у?!

Озод ташқарига отилди. Савдойидек ғайришуурий тарзда уй теварагини бир айланиб келди. Тагин йўлак олдидаги ўриндиққа ўтирди. Соатига кўз ташлади. Эвоҳ, йўқолганларидан бери оз эмас, нақ тўрт соат ўтибди-я! Ҳануз на ўзлари, на милициядан хабар бор! Ишқилиб, қидиришаётганмикин? Ваъда беришди, ишонтиришди-ку, қидиришаётгандир! Шаҳар ҳам катта-да, ахир! Ким билсин, қай буржида юришганинкин ҳозир? Боғчада йўқ, маҳаллада йўқ, мактабда йўқ, бозорчада йўқ. Адаши айтган касалхона балоси, хайриятки, ариди, шекилли. Хўш, қаерда бўлди болалари?! Тўрт соатдан бери қаёқларда сарсон-саргардон юришганинкин?

Йўлакнинг очиқ эшигидан ичкарига хаёлчан тикилар экан, дафъатан қалбида умид, гарчи заифгина бўлса-да, ҳар қалай, аниқ-равшан умид учқуни милтиради: ертўла! Қўшни болалар билан ертўлага тушиб-чиқиб ўйнардилар-ку, ахир! Яшириниш учун тушган бўлсалар, салқингина жойда ўтира-ўтира ухлаб қолишгандир?

Беш қавадли уйнинг газ ва иситиш қувурлари ўтган ертўла туйнукчасидан икки буклангудек бўлиб ичкарига қадам босди. Қоронғуликдан зах аралаш кўланса, ачимсиқ ҳид димоғига урилди. Тимирскиланиб олдинга юрган кўйи чўнтагидан гугуртини олди. Титраб-қақшаб чақди. Мўъжазгина бўлма бўйлаб заифгина нур таралди. Бўлманинг кимсасизлигини кўриб, кейинги бўлмага ўтаркан, умидвор нидо қилди. Овози титроқ, ожизона ялинчоқ эди: «Фарҳод!.. Уғлим!.. Шу ердამисан?.. Фарҳод, Маржон, қайдасанлар, болаларим?!»

Шу алфозда ертўланинг бир қанотидан то охиригача бориб, иккинчи қанотидан қайтиб келди. Сўнги умиди ҳам пучга чиққанидан йиғлагудек бўлиб ташқарига чиқди.

Назарида энди уйга кириб, то милициядан хушхабар келгунга қадар чидам билан кутишдан ўзга чора қолмаган эди.

9

Опоқининг уйи, дарҳақиқат, файзли-қутли экан. Уйлаб қараса, ўттиз олти йил яшаб, нимагаки эришган бўлса, қарийб барчасига опоқининг уйида эришибди: Фарҳоди билан Маржони шу хонадонда туғилди. Кўнглидаги ўн беш йиллик дарди — китобини, ниҳоят, ёзиб битирди. Сирасини айтганда, ҳозирги гўдаги — Жаҳонгулнинг зуваласи ҳам ўша уйда пишган...

Бир балоси бор эканми ё ишлари чаппасига кетай дедими, шу уйга кўчиб ўтибдиларки, бошлари ғалвадан чиқмай қолди. Ҳали Маржон касалга чалинган, ўзига етгулик жангари қишлоқ қизи эмасми, ҳали Райҳон қўшни билан ади-бади айтишган, ҳали яна бошқа бирон-бир ишқал... Янги ишхонасидаги можаролар-ку, ўзи нақ бир дунё гап! Булар камлик қилгандек, энди болаларининг йўқолганини қаранг!

Ким билади, балки барчасига манови уй эмас, бошқа нарсалар сабабдир. Балки калаванинг учи кимсан «ўртоқ Арслонов»га бориб тақалар?!

Бундан беш йил муқаддам — Фарҳод бир ёшга, ўзининг Маданият министрлигида ишлаётганига эса, оз эмас-кўп эмас, роппа-роса уч йил тўлганида диссертациянинг сўнги саҳифаларини машинкадан чиқарди.

Мана, энди, домла айтганларидек, буёғи силлиқ кўчади, деган ишонч билан ҳаяжондан энтика-энтика, қабулхонада кута-кута, ниҳоят, Арслоновнинг ҳузурига кириб борди. Ҳафсалаю кунт билан машинкаланган уч юз саҳифача қоғозни Арслоновнинг олдига қўйди: — Мана, Қоплон Шералиевич, ишимни ёзиб тугатувдим...

Арслонов илк саҳифага кўзойнак оша тикилди: «Озод Зиёдович Холиқов. «Сурнай куйлари ва уларнинг жаҳон мусиқа маданиятида тутган ўрни». Фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини ёқлаш учун ёзилган диссертацион иш. Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Маданият министри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Қоплон Шералиевич Арслонов».

Нимагадир Арслоновнинг авзойи кутилмаганда ўзгарди: алланечук тундлашди. Озод ажабланиб улгурмасидан қўлёмза каттакон стол устидаги ёзув қуроллари оша ҳавода бир айланиб, рўпарасидаги мўъжаз столчага келиб тушди. Шу баробарида Арслоновнинг ғазабнок гаплари қулоқларига ўқдай қадалди. Нимагадир бу гаплар рус тилида айтилмоқда эди:

— Вот, ты хочешь вести научную работу по эстетике. Главная категория эстетики является прекрасное! А смотри, твоя работа как некачественно отпечатана!

Бошқа ҳар нимани кутган бўлса кутгандики, аммо бундай гапларни эшитиш Озоднинг етти ухлаб тушига кирмаган эди. Аввалига таажжубланди. Сўнг хокисорона ялинчоқлик билан:

— Ахир мен буни ўзим ёздим, Қоплон Шералиевич. Ишдан кейин қолиб, кечалари машинкаладим. Ёмон ёзилмаган шекилли?— деди.

— Разве так подают вещь министру?! Разве так разговаривают с министром?! Что я сказал? Иди, перепечатавай!

Уша куну уйга бора-боргунча ўйлаб ўйига етолмади: нега домланинг бу қадар жаҳли чиқиб кетди? Нега домла кейинги пайтларда ўзгариб қолди? Ахир, ҳов ўшанда — аспирантурага йўлланма сўраб олдига кирганида — ўзи «Илмий ишингизга раҳбарлик қиламан» деганди-ку! Қўлёмза сифатига келсак, нимаси ёмон? Министрикда уч йил ишлаб бир орттирган — унча-мунча машинисткадан яхшироқ ёза оладиган бўлди... Домласининг бугунги муомаласини қандай тушуниш керак? Нима демоқчи ўзи у?! Турган-битгани жумбоқ!

Бу жумбоқ эртасига — бир ҳамкасби билан кўча айланиб юрганида — ўта содда, жўнгина шамойилда ечилди-қолди. Озод домласининг ажойиб-ғаройиб дашномини ичига сиғдиролмай ёрилган эди, ҳамкасби хоҳолаб кулганича унинг елкасига енгилгина шапатаилади:

— У-ў, содда укам, ўзбаки укагинам! Шуни тушунмадингизми? Ахир ўзингиз ўйланг: Арслонов бир пайтлар олим эди. Эди! Ҳозир бўлса, министр! Тушуняпсизми? Энди унда илмга вақт қани, хоҳиш қани? Вақту хоҳиш бўлган тақдирда ҳам, тоқат қани?! Олимлигини қилмаса — яна бўлмайди. Демак... Йўқса домлагиз қаёқдаги чаламулла Поёнов билан ҳаммуаллифликда китоблар чиқарармиди!

— Нимага ишора қилаётганимни фаҳмлаётгандирсиз, ука?!— Ҳамкасби мийиғида кулганича унинг елкасидан кучди. Меҳрибонлик билан насиҳат қилди:— Менинг маслаҳатимга кирсангиз, диссертациянгизнинг биринчи бетини ўзгартиринг-да, тепасига домлангизнинг исм-шарифини ёзиб, «манови диссертация эмас, рисола» деб олдиларига олиб кириңг. Узингизнинг исм-шарифингизга келсак, хоҳланг — қўйинг, хоҳ-

ланг — қўйманг! Ана ўшанда кўрасиз, ишларингиз қана қанги юришиб кетар экан!

Наҳотки?! Наҳотки у уч йилдан бери шундай одамга, шу-ундай сохта олим, текинхўр, пасткаш бир кимсага лаққа ишониб, ундан нажот кутиб юрибди?! Наҳотки илмий иш қилиш ё китоб чиқаришнинг бундан ўзга, ҳалолроқ, адолатлироқ йўли бўлмаса?! Наҳотки, ўзининг неча йиллардан бери жон олиб-жон бериб чеккан заҳматлари маҳсулини аллақандай қоплоннинг нопок панжасига қўшқўллаб тутқазса?! Шу йўл билан «фалсафа фанлари кандидати» деган илмий даражани қўлга киритса! Бу кунидан ўлгани яхши! Қинғир йўллар билан «олим» атанганича раҳматли отасидек подачилик қилгани афзалроқ эмасми?!

Энди нима қилиш керак? Анови уч юз саҳифага ўт қўйсин-да, кўч-кўронини кўтариб, бор-э, дея ҳаммасига қўл силтаб, қишлоққа қайтсинми?! Отаси орзу қилган «сурнай ҳақидаги китоб»ни чоп эттирмасдан-а?! Йўқ! Бу ерда таслим бўлиш учун юргани йўқ!

Лекин, қандай қилиб? Кимсан Арслоновга қарши одам қуригандек келиб-келиб Озоднинг — ҳали суяги қотмаган мўртгина мусиқашуноснинг очиқ-ошкор курашиши... мумкинми?! Яхшиси, у бошқачароқ йўл тутати. Қилинганга — қилиғим! Қоплонга қарши қоплондек абжирлик лозим! Демак, мулойимгина бўлиб киради-ю, қоплоннинг оғзидаги тишларини санайди, кучини чама-лаб кўради: қани, нималарга қодир экан? Яъни, Арслоновни санайди, қўлёзмани ҳамкасби айтган шамоийлда олдига олиб киради! Кўрайлик-чи, муомала қандоқ бўлар экан? Нарёғига шунга қараб бошга тушганини кўраверадими-да!..

Озод илк дафъа Арслоновнинг ҳузурига шахдам қадамлар билан кириб борди:

— Мана, Қоплон Шералиевич, қўлёзмани сиз айтгандек қайта машиналадим!

Арслонов таниш ғилофга кўз югуртирди. Ўзи билан Озоднинг олдинма-кетин ёзилган исм-шарифларига кўзи тушибди, ё шунчаки қизиқсинибди, саҳифаларни ғилофдан сўғурди-да, бирма-бир варақлаб кўра бошлади. Охириги саҳифагача варақлади. Сўнгра бош кўтариб, ўта бамайлихотирлик билан унга синовчан тикилган кўйи сўради:

— Нима истайсиз? Шу китобнинг чоп этилишига ёрдам берайми?

Озод ҳал қилувчи лаҳзалар етиб келганини, бутун қисмати ҳозирги жавобига боғлиқ эканини ҳис қилди. Ҳис қилдию қатъият билан деди:

— Йўқ, Қоплон Шералиевич! Аввало бир нарсани ўз оғзингиздан эшитишни истайман: ростдан ҳам илмий ишимга раҳбарлик қилиш ниятидамингиз?

Арслонов бундай қатъиятни — қарши саволни кутмаган экан шекилли, андак каловланди:

— Энди-и... манови маъмурий ишлар билан бўлиб... аспирант тутолмаяпман...

«Об-бо, аблаҳ-эй, шу гапингни уч йил аввал айтсанг ўлармингиз?!» Озод ғазабу нафратини базўр ичига ютди. Тилига эса, бутунлай бошқа гаплар кўчди:

— Раҳмат, Қоплон Шералиевич! — деди миннатдорона тавозе билан. — Мана, сиз туфайли Маданият министрлигидек улкан даргоҳда озми-кўпми ишладим. Яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, домла...

— Ие, бу нима деганингиз, ўртоқ Холиқов?! —

— Очиғини айтсам, Қоплон Шералиевич, оилавий шароитда оғирроқ, қишлоққа қайтишга тўғри келяпти. У ёқда қариндошлар ҳам қайтиб боришини маъқул кўришяпти. Шунинг учун... — Озод ҳар эҳтимолга қарши аввалдан тайёрлаб кирган аризани Арслоновнинг олди-га қўйди. — Энди менга жавоб берсангиз, домла.

— Йўғ-э, ука! Бир-биримизга тузуккина ўрганишиб келаётган эдик-ку! Хўш, бу китоб-чи?..

— Мен учун муҳими — илмий иш эди, домла. Бу китобнинг чоп этилиши... мени унча қизиқтирмапти.

— Ие, шунча меҳнат! Энди қўлёзмани нима қилмоқчисиз?

Озод ғилофни қўлтиғига қисганча жимгина эшикка йўналди. Уч қадам босиб, таққа тўхтади. «Нимадир дейиши керак-ку! Саволга муносиброқ жавоб бермай чиқиб кетавериш — қўрқоқлик». Шаҳд билан ортига бурилди-да, илжайганича ҳар бир сўзга урғу бериб майингина оҳангда деди:

— Энди бу... сифатли ёзилган қоғозларни, домла-жон, керакли жойга ишлатсамми, деб турибман-да! — Начора, гапи Арслоновга қандай таъсир қилганини билолмади. Қабулхонага чиқиб улгурган эди-да!

У қабулхонадан қушдек енгил тортиб чиқди. Ўзининг болаларча ожизона интиқомидан мамнун, ғалаба нашъасидан сархуш эди. Аммо бу ҳали расмана ғалаба эмаслигини ҳам Озод яхши биларди. Манови рисолати ўзи, Арслоновнинг қўлисиз чоп эттирса, бошқа гап!

Ўша куни уйга келиб узоқ хомчўт қилди: бунга қандай эришиш мумкин? Санъатшунослик институтига бориб бўлмайди — анови биққи-бақалоқ ўша ерда! Маданият институти ёхуд Театр ва расмолмак институти ўзи учун очилмаган кўриқдек гап. Консерваторияда... сурнай ҳақидаги китобни бошларига ҳам урмайдилар! Қолаверса, буларнинг барчаси Арслонов тасарруфидаги институтлар. Фалсафа ва ҳуқуқ институти ёхуд бирон олий ўқув юртидаги фалсафа кафедраси?.. Улар ҳам бўлмайди! Сирасини айтганда, Озод маълумотию илмий йўналишига кўра файласуф эмас, шунчаки бастакор-мусиқашунос, холос. Демак, биттаю битта даргоҳга бориши керак бўлади — Ўзбекистон ССР Бастакорлар союзи! Тўппа-тўғри янги раиснинг қабулига кириши керак. Ҳамкасбларнинг раисни «ишбилармон одам, ажойиб ташкилотчи, улкан арбоб, Шарқ маданиятининг йирик билимдони», дея оғзидан бол томиб таърифлашлари бежизмасдир? Ҳар қалай, ягона умиди шу одамдан. Манови рисолага обзорларини қўшиб, унинг олдига қўйиши керак. Илтмос қилиши керак: мутахассислар — мана мен деган унвондор мусиқашунослар ўқиб чиқишсин. Марҳамат, муҳокама қилишсин. Майли, ёзганларини зер-забун этишсин! Шунга қараб қатъий хулосага келади. Масалани ё у ёқли, ё бу ёқли қилади.

Ҳаммасига союз раисининг бир оғиз гапи сабаб бўлдим, ҳар қалай, Озод бундай кўтаринки руҳдаги муҳокамани, очиғи, кутмаган эди.

— Менимча, «Сурнай куйлари...» оригинал асар бўлган. Ишонаманки, муаллифдан яхши мусиқашунос чиқиши мумкин, — деди Бастакорлар союзининг раиси, йиғилишни очатуриб.

Кейин муҳокаманинг ўзи бошланди. Озод нотиқларнинг гапларини жон қулоғи билан тингларкан, дам ёш боладек суюниб, дам ҳанг-манг бўлиб, дам кўкси тоғдек юксалиб, дам хижолат чекиб, «шу одам жа-а олиб қочди-ёв!» дея иккиланиб ўтираверди. Нотиқлар бири олиб, бири қўйиб рисола муаллифи шаънига ҳамду сано ўқишга тушиб кетгандилар.

Биринчи бўлиб сўзга ўта пўрим, жиккаккина бир одам чиқди. Бу одам «Мусиқа оламида» журналининг бош муҳаррири, санъатшунослик доктори Норқулов экан.

— Шамси Фозилович жуда тўғри айтдилар. Дарҳақиқат, «Сурнай куйлари...» оригинал асар бўлган. Мени айниқса муаллиф фикр доирасининг кенглиги қойил

қолдирди. Ёш олимнинг билими ниҳоятда чуқур.

— «Ниҳоятда»мас, «чуқурроқ» дейверинг!— кутилмаганда луқма ташлади раис. Гурра кулги кўтарилди. Аммо шу орада кимдир аччиқ луқма ташладию кулгулар тўхтаб, каттакон хона сув қуйгандай жим бўлиб қолди:

— Бу боляням аввалига мақтаб-мақтаб, ахийри бадном қилмасаларинг майлийди!

- Ёнидагиларнинг шивир-шивирдан маълум бўлдики, бундай заҳархандали гап отишга журъат қилган одам — санъат институтининг ректори, академик Оқилхонов экан.

«Нега унақа деяпти? Ё нотикда алами бормикин? Қизиқ бўлди-ку. Икки ўртада жанжал чиқиб, ишлари пачава бўлмасин-да, ишқилиб.» Йўқ, Озод бекорга хавотирланибди. Нотик жанжаллашиш ўрнига, худди танбеҳларни эшитмагандек, гапни қисқа қилдию тантанавор одимлаганича ўз ўрнига бориб ўтирди. Озоднинг кўнгли таскин топди. Навбатдаги нотикларнинг гапларига кулоқ тутди.

— Уртоқ Оқилхонов жуда ўринли танбеҳ бердилар,— деди «Санъат» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари Мўмин Шокиров.— Дарҳақиқат, биз ортиқча мақтовлардан қочишимиз керак. Бу ёшларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, очигини айтганда, ҳурматли ўртоқ Шамси Фозиловичнинг асарни холис баҳолай олиш салоҳияти мени ҳамisha қойил қолдиради. Уртоқ Холиқовнинг рисоласи оригинал асар. Қолаверса, у яхши шеърдек равон ўқилади...

Навбатдаги сўзга Озод билан қарийб тенгқур, узун сочлари гажакдор, олифтагина йигит — ёш бастакор Қурбон Султон чиқди. Бу йигит Бастакорлар союзида кадрлар бўлимининг бошлиғи экан:

— Мен тенгдошимни оригинал китоб билан чин юракдан самимий қутлаш баробарида шунини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, ўртоқ Холиқовдек иқтидорли мусиқашуносни шахсан Шамси Фозилович кашф этдилар.

Бу гапни ўтирганлардан бир неча киши қўллаб-қувватлади: «Тўғри!» «Тўғри айтдингиз, ука!» «Жуда тўғри!»

Шу пайт таниқли бастакор Раҳмонберди Жўрабоев сўз олиб, асарнинг ўзини таҳлил этайлик, деб таклиф қилди.

Ҳайъат аъзолари ҳам китобни маъқул топиб шу муаллифдай мусиқашунослар Союзга сув ва ҳаводек зарурлигини таъкидладилар.

Охири хулоса-Озоднинг рисоласи нашрга тавсия этилди. Ўзи Ўзбекистон ССР Бастакорлар союзига мусиқашунослик бўйича бадий консультант сифатида ишга олинди. Кўп ўтмай СССР Бастакорлар союзи аъзолигига қабул қилинди. Кимсан — Норқулов, Шокиров, Қурбон Султонлар союз аъзолигига «ўз ихтиёрлари билан» тавсиялар ёзиб бердилар. Манови уйга кўчиш арафасида эса, ёш бастакор-мусиқашуносларнинг Боку шаҳрида ўтган Бутуниттифоқ кўригига қатнашиб қайтди...

Ҳа, бундай кутилмаган омадлар опоқининг уйда пайтида бирин-бирин келаверган эди. Бу ерда бўлса... Тўғри, Жаҳонгули шу уйда туғилди. Шу уйда кечган икки ярим йил ичида бир пайтлар басталаган куйлари ёзиб олиниб, радио орқали ижро этилди. Ҳатто газета-журналларда ҳам босилиб чиқди. Мусиқашуносликка оид бир неча муаммоли мақолалари эълон қилиниб, анча-мунча шов-шув бўлди. Кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бугеини сўрасангиз, ҳамкасблари орасида ҳурмати жойида. Казо-казо бастакорлару мусиқашунослар ҳам нимагадир у билан ҳайқиброқ муомала

қиладилар. Кўпинча гап орасида «Шамси Фозиловичнинг кайфиятлари»ни сўраб қўядилар. Гўё Озод союз раисининг аммаваччасидек! Ишхоналари бир бинода эмасми, Норқулов ҳар кўрганида Озодни рағбатлантиради: «Шамси Фозиловичнинг сизга ихлослари ба-ланд экан! Яқинда олдиларига кирувдим, сизни мақтаб гапирдилар». Кейин гинахонликка ўтади: «Журналимизга фаолроқ қатнашиб туринг-да энди!» Раис иш юзасидан чақиртиргудек бўлса, чиқаверишда Қурбон Султон ҳадиксираб, уни саволга тутди: «Нега чақиртирган эканлар? Нима дедилар? Кайфиятлари яхшими?..»

Мажлисларда исм-шарифи тез-тез тилга олинади: «Холиқов — яхши хизматчи. Холиқов — иқтидорли мусиқашунос. Холиқов — кимсан Шамси Фозиловичнинг ишончларига сазовор бўлган йигит!»

Хуллас, Озод бир йилча мақтовлар осмонида завқланиб учди, қасидалар уммонида ҳузурланиб сузди. Бу мақтовларга муносиб бўлиш учун кундуз — ишхонада, кечалари — уйда енг шимариб, астойдил меҳнат қилди. Аммо, янги куй басталаш бу ёқда турсин, кафтдек тўпламга уч саҳифалик тақриз ёзолмади.

...Айвончадаги сўри устида чўзилиб ётган Озоднинг хаёллари дафъатан бўлинди:

— Овқатингизни ичиб олсангиз бўларди, адаси?!— Райҳон унга жовдираб турарди. Озод истамайгина ўр-нидан қўзғалди:

— Бекор овора бўлибсан-да, Райҳон. Шу топда томоқдан овқат ўтармиди.

— Ахир, бунақада юрагингиз баттар бўлади-ку! Соғлигингизни ўйланганда... Милиция қидираётган экан. Топилар, топилмай қолмас, ахир!

Бир муддат бўлса-да, руҳини тарк этган йўқотиш даҳшати яна миясига ёпирилиб кирдию беихтиёр кўнгли бўшади. Ҳаяжонини Райҳонга сездирмаслик учунми, қошиққа тикилганича уни коса ичида айлантира бошлади. Ич-ичдан оғир хўрсиниқ бостириб келди: кошкийди! Кошкийди тезроқ топила қолишса! Шу уйга қамаб, эшикка каттакон қулф осиб қўяр эди. Боғчага чикармасди! Бешовлон дийдорлашиб ўтираве-рарди. Ўзи эшикни устларидан қулфлаб ишга кетар-ди. Йўл-йўлакай бозор-ўчар қилиб келарди. Аммо болаларини қадам ҳатлатиб кўчага чикармасди. Чи-қарсаям, ўзи қўлларидан етаклаб олиб чиқарди. Тепаларида туриб ўйнатарди. Қўлларидан етак-лаб олиб кирарди. Ишқилиб, тезроқ топилса бўлган...

Мабодо болалари дом-дараксиз кетишса-чи? Йўқ-йўқ! Ҳар не ташвиш бўлса — кўтариши мумкин, аммо бундай қулфатни кўтаролмайди у!

Эҳ, Райҳон, Райҳон! Нега бу қадар содда, ишонувчан бўлмасанг! Ким айтади сени тарбиячи, педагогика ин-ститутининг тўртинчи курс талабаси, бўлажак ўқитувчи деб?! Ўз болаларининг кўнглига йўл тополмасанг, уларнинг алдовига лаққа учиб ортингга қайтаверсанг! Қолбуқи, қандай режаларимиз бор эди! Ахир сен Фарҳод билан баравар ўсиб-улғайишинг керакмасми-ди? Фарҳод мактабга боргунга қадар сиртки ўқишингни битиришинг, она-бола бошлашиб аввал мактабга, сўнг институтга (Фарҳод ўқишга, сен эса, ишга) кириб боришларинг лозим эди-ку! Наҳотки икковимиз баҳам-жиҳат ишлаб чиққан бу режа энди, сенинг соддадил-ларча ишонувчанлигинг сабаб, сабил қолган бўлса?..

Қўлёзмаларининг муҳокамасини ўзича мушоҳада қи-либ кўраркан, дастлаб Озод: «Бу бир истисно ҳол бўлса керак. Рисолани жуда пухта ёзган эканман-да!» дея астойдил сунган эди. Орадани кўп ўтмай аён

бўлдики, бундай муҳокамалар одатдаги гап экан.

Озоднинг дам кулгиси қистайди, дам алами келади. Лекин ҳар гал қаттиқ таажжубланади: «Нима бу, ижодий ташкилотми ёки олатасир кўпқари майдони-ми?»

Кунига-кунора мажлис ёхуд аллақандай асар муҳокамаси бўлади денг! Баъзи кунларда унисидан чиқасизу бунисига кирасиз. Уззукун қўл қовуштирганча мум тишлаб ўтираверасиз. Аввалига Озод қойил қолиб тинглади: аксарият нотиклар шу қадар гапга чечанки, «Уҳ-ху, дунёдаги жамики уста воизлар шу мўъжазгина ижодий ташкилотга йиғилганми, нима бало, энг сўзга нўноғи — нақ Цицерон-а!» Ораларида Озодга ўхшаш фуқароси камдан-кам! Аксарияти — санъатшунослик доктори, профессор. Сал бундайроқлари — лауреатлар, санъатшунослик илми бўйича фан номзодлари. Муסיқа санъатини камолот чўққисига олиб чиқувчи куч эмасми булар!

Аммо улар наинки «ўтин ёриш», балки кўпроқ бир-бирларининг бошларида ёнғоқ чақиш билан машғул эдилар. Бора-бора Озоднинг улардан кўнгли қолди. Ирод этилаётган оташин нутқлар доғланмаган ёғдек меъдасига тегди. Уйлаб қараса, ҳаммаси бир гап экан. Жўнгина битта гапнинг жимжимадор нусхалари экан, холос: «Муסיқа санъатини ривожлантириш керак!» Лекин қандай? Бирови «Яратилаётган асарларни бир чеккадан муҳокама қилиш керак!» дейди. Бошқаси эса, «Бетайин кўшиқларга тўғон қўйиш керак!» Яна бири: «Аслида муסיқа санъатимиз зўр суръатлар билан ривожланмоқда. Бироқ муסיқашунослик илмимиз унинг ютуқларини кўрсатиб беролмаяпти, етарли тарғиб этолмаяпти», деб жаврайди.

Бундай жўяли-ножўя, майин-кескин, хуллас, турли-туман таклифлар ўртага ташланаётган бир пайтда алпкелбат хонандалар ажабтовур сийқа ва чучмал кўшиқларни бетини ижро этишарди! Айрим унвондор бастакорлар бўлса, кимса эшитганда қулоғини қоматга келтирувчи шовқин-суронларни бетўхтов «ишлаб чиқарар» (урчитар) дилар. Энг даҳшатлиси — бу шовқин-суронлардан иборат ноталию нотасиз китоблар муסיқа шинавандаларига, худди қолипдан чиққан ғиштчалардек, пешмапеш узатилмоқда эди.

Буларнинг иши эса фақат гап, гап, гап. Таклифлар. Чақириқлар. Хитоблар... Аммо барча учун сув билан ҳавадек зарур, энг муҳим таклифни нимагадир ҳеч ким ўртага кўндаланг қўймас эди: «Гап сотиш билан умр ўтказмай, яхши асар басталайлик, иштиёку тоқат билан меҳнат қилайлик, ўртоқлар!»

Аҳвол шу даражага бориб етдики, Озод мажлисларда ўтиришга чиқолмайдиган бўлиб қолди. Ноилжоз қатнашганида эса, ич-ичини ғижиниш, ижирғаниш, алам кемира бошлади: «Эсиз вақт! Садқаи тил! Хайф бу унвону мукофотлар! Наҳотки шулар Форобийнинг эвараларию Юнус Ражабийнинг ворислари бўлсалар?! Халқнинг аҳволини, муסיқа санъатининг келажагини ўйлайдими ўзи бу ваъзхонлар?»

Бошқаларни билмайди-ю, лекин Озоднинг сабр косаси тўлди. Юрагининг туб-тубида уйғонган, аста-секин кучайган, ниҳоят, чидаб бўлмас даражага етган норозилик ҳисси мажлислардан бирида тилига ҳам қалқиб чиқди. Иттифоқо, унга сўз беришувди, нутқида «андак нордон гап»ни қистириб ўтишга жазм қилди:

— Энди... гапни қўйиб, ишга ўтиш пайти келмадимикин? Мана, бу ерда баъзи ўртоқлар муסיқа санъатининг сустривожига муסיқашуносликни балогардон қилишди. Ҳеч бир муסיқашунос бастакорнинг ўрнига ўтириб, жаҳонни ҳайратга соладиган шох асарни басталаб беролмайди, ахир!

Уша мажлисни якунлай туриб, союз раиси Озоднинг нутқида ҳам муносабат билдириб қолди:

— Уртоқ Холиқов ёш, ғайратли муסיқашунос. Лекин унинг бу ерда ўтирган муסיқа санъатимизнинг дарғаларига ақл ўргатиб, панд-насиҳат қилиши одобдан эмас, деб ўйлайман.

Ҳаммаси шу бир оғиз «муносабат»дан бошланди. Ким билсин, балки ўзлари ҳам ҳар томонлама ўйлаб, «вазнини чамалаб» кўришган бўлсалар керак. Ҳар қалай, ўшандан кейин Озод айрим одамларнинг ўзига муносабати тубдан ўзгариб қолганини кун-бакун чуқурроқ ҳис қила бошлади. Норқуловга топширган мақоласи ҳам, ҳали-ҳанузгача «Муסיқа оламида» журнали ходимининг тортмасида чанг босиб ётибди. Мақталиб-мақталиб нашрга тавсия этилган рисоласининг тақдири ҳам нима билан тугаши тобора чигаллашиб, ахийри бус-бутун жумбоққа айланди. Қурбон Султон ҳар кўрганида гап ташлайди: «Қалай, сурнайни чалиб турибсанми?!»

Кутилмаганда ишхоналари бўйлаб одамни аллатовур энтиктирувчи умидбахш миш-миш ўрмалаб қолди: союзимиз учун, оз эмас-кўп эмас, бирваракайига ўнта уй ажратилганмиш! Уй бўлганда ҳам, шаҳарнинг нақ марказида қурилаётган ғиштин уй эмиш! Паркет пол қилинган, телефон ўтказилган, хожатхонаси иккита, айвончаси — карвонсаройдек кенг эмиш! Узи беш қаватли, лифти бор эмиш!!!

Ноумид — шайтон, кўп қатори Озод ҳам ҳужжатларини топширди. Буни қарангки, улар учун икки-уч хонали эмас, тўрт хонали уй ажратилди! Озоднинг қувонганини кўрсангиз! Райҳоннинг суюниб йиғлаганини кўрсангиз! «Бу сенинг шарофатинг, қизим», дея бешиқда ётган Жаҳонгулни юзларидан ўпиб-суйганини кўрсангиз! Айниқса, Фарҳод билан Маржоннинг «Қатта уйга ўтамиз. Қатта уйга ўтамиз!..» дея ирғишлаганларини айтмайсизми...

Ҳамкасблари ўз чекларига тушган уйларни кўриб келишган экан. Уша куннинг эртасига Фарҳод билан Маржонни боғчага қўйиб, Жаҳонгулни кўтариб Озод билан Райҳон ҳам «уй кўрар»га бордилар. Узи аввал обдон томоша қилиб, андак тафти босилган эмасми. Райҳоннинг аҳвол-руҳиясига қараб, Озоднинг дам кулгиси қистайди, дам ич-ичдан ғурурланиб кўяди, дам хўрлиги келади: хотини чақалоқни бағрига босганича хонадан хонага ўтади, айвончага чиқади. Гоҳ ерга тўшалган паркетни, гоҳ ошхона деворларини қўллари билан авайлабгина силайди.

Икковлон энтика-энтика эски уйларига қайтадилар. ...«Эски» эмиш! Энди ўйлаб қараса, эскиси ҳам, янгиси ҳам мана шу бир хонали уйга ўхшаб қолди.

Райҳон дастурхонни йиғиштириб оларкан, чуқур уф тортди. Озод дилгир бўлиб айвонча деразасидан ташқарига — қуёшнинг оташ тафтидан лоҳасланган дарахларга асабий кўз тикди.

— Қуриб кетсин, милициядан ҳам хабар кела қолмади-да, Озод ака?

Ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган Озоднинг баттар хуноби ошди:

— Қизиқсан-а, Райҳон! Қилгуликни қилиб, энди милицияни айбламоқчимисан? Узинг-ку, дўппидеккина маҳаллани ярим кунда базўр тинтиб чиқишга улгурдинг. Бу шаҳри азимдан бегона болани қидириб топиш осонми! Ким билсин, ҳали ҳафталар керак бўлади-ми!

— Қўйинг-эй, нафасингизни совуқ қилманг! — Райҳон худди ҳаво етишмаётгандек энтикиб, Озодга йиғламсираб қаради. — Ундан кўра бориб милициядан хабар олсангиз бўлармиди? Зора...

— Тушунсанг-чи, уларниям жонига тегиб кетдим-ку! Биздан бошқа ташвишлариям етарлидир! Ҳалигина — учинчи марта сим қоққанамда «Қидирув эълон қилдик. Хабарини ўзимиз айтаемиз», дейишди, — бўғилиб изоҳ берди Озод. — Йўқотишга йўқотдингми, энди чидайсан!

Райҳон жим қолди. Орага чўккан оғир сукунатни бузиб, ичкарида чақалоқ чириллаб йўғлай бошлади. Райҳон ночор кўзгалди. Озод ўзини нима билан алаҳситишни билмай, бир зум гарангсиз ўтирди. Сўнг беихтиёр яна дардига берилди: қизиқ! Худди тушга ўхшайди! Қаёққа кетган бўлиши мумкин болалари? Боғчада йўқ. Маҳаллада йўқ. Мактабда йўқ. Бозорчада йўқ. Автобус айланмасидаям. Опоқининг уйи бу ердан йигирма чақирим — уч марта автобусдан-автобусга алмашиб борилади. Мусавой аканики шаҳарнинг нариги чеккасида. Баҳринисо холанинг уйигача ҳам беш-олти чақирим бордир. Шаҳар ташқарисидаги қишлоқчада. Айланма йўлга чиқиш учун уч чақирим пиёда юриш керак. Олти яшар болакайнинг у ёқларга бориши... ақлга сиғмайди.

Хўш, энди гумонларни ўйлаб кўрайлик. Болаларини Гулсуннинг олиб қочиши — ноўрин васваса. Хомхаёл! Адашининг тахмини, хайриятки, исботланмади. Яна кимдан, нимадан хавфсираш мумкин? Балки Қурбон Султон?... Қурбон Султондан ҳар қандай қабиҳликни кутиш мумкиндир, лекин бундай ёвузликка жазм этолмаса керак! Аммо у кимнингдир кўрсатмасига таянса-чи? Мабодо бу «иш»да ҳам кимсан ўртоқ Арслоннинг «ҳиссаси» бўлса-чи?..

Озод ўзини худди тубсиз ўпқонга чўкиб бораётгандек сезиб, юраги шувиллади. Вужудига титроқ кирди. Нажот истаб шифтга термулди...

11

«Яхши бузоқ икки онани эмади», дейдилар. «Иқтидорли, келажаги порлоқ ёш бастакор» Қурбон Султон икки эмас, бирваракайига уч онани эма оладиган эпчил бузоқлардан экан. Озод яқин-яқингача Қурбон Султоннинг бу қадар фавқулодда қобилятидан беҳабар эди. Кейинги кунларда юз бераётган бир-биридан ғаройиб воқеалар нафақат бутун бастакорлар союзини алғов-далғов қилди, балки талай ҳамкасбларининг, айниқса, Қурбон Султоннинг аслида ким, қандай одам эканини ҳам Озодга аён кўрсатди-қўйди.

Сирасини айтганда, можаролар анча илгари, уч ойлар аввал, ўй қақидеги умидбахш миш-мишлар билан баббаравар бошланган эди.

Ушанда нашриётдаги рисола қўлёзмаси босмаҳонага тушишига бир баҳа қолган эди. Эҳсонов Озодни «ўта жиддий ҳужжат» билан таништирди. Бу ҳужжат — ёш файласуф Топилди Поёновнинг раис номига ёзган хати бўлиб, хат бурчига Шамсиддин Мирзаевнинг қисқа кўрсатмаси ёзилган, бежиримгина имзоси чекилган эди: «Ижодий ишлар бўйича раис ўринбосари

И. А. Эҳсоновга

1. Хатда кўтарилган масалани атрофлича ўрганиш учун ўрт. Қурбон Султон (раис), Норкулов, Шокиров (аъзо)лардан иборат махсус комиссия тузилсин.

2. Комиссия хулосаси бир ой ичида раҳбарликка маълум қилинсин».

Озод хатни ўқиб ҳанг-манг бўлиб қолди:

«Ўзбекистон ССР Бастакорлар союзининг раиси ўртоқ Ш. Ф. Мирзаевга

Ҳурматли Шамсиддин Фозилович!

Сиз раҳбарлик қилаётган ижодий союзнинг масъул ходими, ёш мусиқашунос Озод Зиёдович Холиқовнинг

«Сурнай куйлари ва уларнинг жаҳон мусиқа маданиятида тутган ўрни» номли рисоласи «Санъат» нашриёти томонидан менга ички тақриз ёзиш учун берилган эди. Рисола гарчи Бастакорлар союзидек мўътабар ижодий ташкилот томонидан нашрга тавсия этилган бўлса-да, шуни Сизга маълум қилишга бурчлиманки, мазкур қўлёзмадаги асосий фикрлар ҳинд олими Кришна Варманинг 1947 йилда Калькуттада инглиз тилида чоп этилган «Сурнай» китобидан олинган. Бу билан мен муаллифни кўчирмакашликда айбламоқчи эмасман. Демокриманки, бу ишда англашилмовчилик рўй бермасин. Илмий фикрларни ўзлаштиришдек нохуш ҳолга ўрин қолдирмаслик даркор. Токи мусиқашунослик, фалсафа деб аталмиш қутлуғ даргоҳларда ҳалоллик ва принципиаллик қарор топсин.

Хатни азбаройи шу холис ният билан ёздим. Фикрмининг далили сифатида унга ички тақризимдан бир нусха илова қилдим.

Т. Поёнов.

Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари кандидати».

Хатга илова қилинган нақ йигирма саҳифадан иборат тақризнинг ярмидан кўпроғини «далил» — ўзбек ва инглиз тилидаги манбаълардан бирма-бир келтирилган кўчирмалар ташкил этганди. Ҳужжатга комиссия хулосаси ҳам тиркалган эди. Хулосага кўра «гарчи айнан кўчирилган жумлалар учрамаса-да, Кришна Варма китоби ва Озод Холиқов қўлёзмасида мазмунан ҳам оҳанг, фикрий муштарак ўринлар жуда кўп» эмиш! Эҳсоновнинг айтишича, бу ҳолни Озоднинг қандай изоҳлаши раисни ниҳоятда қизиқтираётганмиш!

Ана халос! Нашриётда анчадан бери ишни пайсалга солиб, гапни дудмал қилаётганларининг боиси бу ёқда экан-да! Бу қанақаси? Наҳотки Поёнов фикрларини комиссия хулосаси тўғри бўлса? Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Кошки ўша Поёновдек ҳиндчани, локал инглиз тилини билса! Билганида, ҳалигача хорижий тилдан кандидатлик минимумини топширолмайд хуноби чиқиб юрмасди-ку!

Уша кунни Озод бу тасодифий ўхшашликдан дам куюниб, дам суюниб муҳтасаргина изоҳнома ёзди.

Озод тушунтириш хати, умуман, рисоласининг тақдирини нима билан тугашини билишга илҳақ юрган эди. Бироқ кута-кута чарчаганида — орадан икки ҳафталар ўтиб, раис уни ҳузурига чақиртирди. Мирзаев одатдигидек ўта совуққон вазминлик билан қарши олди. Синовчан тикилди:

— Хўш, тушунтириш хатига бирон қўшимча қила оласизми, ўртоқ Холиқов?

Озод ғижинди. «Яна қанақа қўшимча?! Шу топда қўшимчага бало борми! Одамни пичоқсиз сўймай, айтдиغان гапларини айтаверса бўлмасмикин!»

— Шундоғам тушунарлидир, деб ўйлайман, Шамси Фозилович?

— Тушунарли-ку, ишонарли эмас-да! — Мирзаев бошини хиёл қийшайтирганича Озодга илжайиб қаради. — Поёновнинг хати — ишонарли, комиссия хулосаси — ишонарли. Чунки далиллари бор, асосланган гаплар. Бироқ сизнинг тушунтириш хатингиз ишонарли бўлмапти-да!

Озод аламдан бўғриқди.

— Энди-и, Шамси Фозилович, бир пайтлар сиз на союз аъзоси, на фан номзоди бўлган мендек ёш мусиқашуносга катта ишонч билдириб, ишга олдингиз, тўғрими? Сизнинг ишончингизни оқлаш учун сидқидилдан ишладим, ишляпман. Оқлай олдимми-йўқми, ҳар қалай, бундан кейин ҳам қўлимдан келганича ҳаракат

қилмоқчиман. Бироқ ўзимнинг ўғри эмаслигимга ишонтириш... Очиғи, буниси қўлимдан келмайди!

Мирзаевнинг чиройи очилди.

— Ҳа, майли, қизишманг!— деди яна маъноли илжа-ор экан.— Айтишим керак. Мана шу гапларингиз билан оз-моз ишонтирдигиз. Энди-и... хонангизга тушиб, хотиржам ишлайверинг.

Озод маҳдудона бир кайфиятда ўрнидан туриб, чиқмоқчи эди, Мирзаев уни имлаб тўхтади:

— Дарвоқе, Қоплон Шералиевич билан муносабатларингиз қандай эди ўзи?

Озод ўрнига қайтиб ўтирди. Яна ҳафсаласи пир бўлди.

— Қизиқ, нега энди бу билан мени ишга олишда эмас, бугун қизиқиб қолдингиз, Шамси Фозилович?

— Гап шундаки, кеча ўша одам қўнғироқ қилиб, сиз ҳақингизда баъзи гапларни айтди.

Озод аччиқ кулди.

— Ҳаммуаллифликка рози бўлмади, деб ёмонлагандир-да?!

— Нега энди? Аксинча, роса мақтадилар. Меҳнаткаш, билимдон, шу болани қўллаб-қувватлашимиз керак, дедилар.

— Бу гапларга ишонманг, Шамси Фозилович!— Озод шундай дер экан, анчадан бери кўнглига тугиб юрган фикрини ҳам айтишга жазм қилди. Яна бундай қулай фурсат қачон келади?— Кейин... бошқа баъзи одамларнинг Сизни ортиқча мақташларига ҳам ишонавермасангиз бўларди. Ахир, улар ҳолисона гаплар эмас...

— Ҳўш, кимнинг гапларига?— Мирзаев Озодга кинояли қаради.

— Масалан, Қурбон Султон, Норқулов, Мўмин Шокировларнинг гапларига. Бу ёлғонларни эшитмаслик учун мажлисларниям қамайтириш керакмикин?..

— Сиз ҳаддингиздан ошманг, ўртоқ Холиқов! Ўзингиздан катта одамларга тош отиш яхши эмас!— Мирзаев яна асл қиёфасига қайтди — тундлашди. Кимга ишониш, кимга ишонмасликни ўзимам яхши биламан. Сиз бунинг ташвишини чекманг!

— Узр, мен эртами-кечми айтишим зарур бўлган гапни айтдим-қўйдим-да, Шамси Фозилович. Албатта, ўзингиз биласиз, мендан яхшироқ биласиз!

Бу «тавба-тазарру»дан Мирзаевнинг чиройи бир нав очилгандек бўлди.

— Нонкўрлик қилманг-да, ука!— деди насиҳатомуз оҳангда.— Ўзингизга хизмати сингган одамларни маломатлаш инсофданми? Ундан кўра, Арслоновнинг олдиларига борсангиз-чи! У одам сизга яхшилик қилмоқчи бўлиб кутиб ўтирибди-ю, сиз бўлсангиз...

Озод Мирзаевнинг қабулидан чиқар экан, ўзини айбдор ҳис қилди. Ростдан ҳам нонкўрман шекилли, деб ўйлади. Бир пайтлар ўзига яхшилик қилган одамларга бир чеккадан қора чаплаш, ростдан ҳам инсофсизлик-да! Арслонов Мирзаевга уни мақтаса, ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлса, нимаси ёмон ахир?! Балки Арслоновнинг нияти холисдир? У бўлса, тўйдан олдин ноғора чалиб юборгандир?..

Озод Арслоновнинг ҳузурига қушдек учиб борди. «Илмий раҳбари» уни кўриб, юзларида табассум ўйнаб, оёққа турди. Қуяқ кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Юмшоқ ўриндиққа таклиф қилди. Ёнига ўтириб елкасидан қучган кўйи хушнуд илжайди:

— Ҳалиям мендан гинахонлик қилиб юрибсизми, ука? Ўзим қақирмасам, эски ишхонангизга келай демасиз?

Озод хижолат чекди:

— Узр, домла, ишлар билан бўлиб...

— Дарвоқе, илмий ишларингиз қай аҳволда? Меним-

ча, кандидат бўладиган пайтингиз аллақачон келди, шекилли?!

— Энди-и...— Озод нима дейишни билмай каловланди.

— Гап бундай, ука!— Арслонов шитоб билан ўрнидан турди-да, деразадан ташқарига — кенг майдонга нигоҳларини қадаган кўйи ҳайкалдек қотди.— Истасангиз, сизга ёрдам қилмоқчиман,— деди ўзига гапираётгандек, Озод тарафга қиё ҳам боқмай.— Китобингизни нашриёт билан гаплашамиз. То у босмадан чиққунга қадар... Менга ишонаверингки, кандидатлик дипломи чўнтагингизга келиб тушади!

Озод ўрнидан сапчиб турди.

— Тушунмадим, Қоплон Шералиевич, демак, ҳали сиз?..

— Шошманг, ука, қизишманг!— Арслонов Озоднинг елкасига қўлини қўйиб, ўтиришга ундади. Овутаётгандек майин, аллаловчи оҳангда гапира бошлади:— Ҳозир хотиржам уйга боринг-да, яхшилаб танангизга ўйлаб кўринг. Агар таклифимни маъқул топсангиз, танийсизми-йўқми, фалсафа институтида менинг шоғирдим бор, Топилди Поёнов деган. Ўша йигитга учрашинг. Нарёғига ака-ука бўлиб, ҳамкорлик қилаверамиз. Мабодо маъқул кўрмасангиз... У ҳолда яна ўзингиз биласиз. Келишдикми, ука?..

Озод Арслоновнинг қабулидан юрак-бағри хун бўлиб чиқди: Топилди Поёнов — Арслоновнинг шоғирди? «Танийсизми-йўқми» эмиш. Танимай бўларканми? Демак... Наҳотки ўша хат билан ички тақризда Арслоновнинг қўли бўлса? Поёнов уларни Арслоновнинг кўрсатмасига биноан ёзмаганмикин? Арслонов Озоднинг ҳам ўзидек тайёрга айёр эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун Поёнов воситасида уни синаб кўргандир балки? Худди тажрибахонадаги куёндек! Энди қаноат ҳосил қилгандирки, манови очиқ-ошкор таклиф — кўтарав савдо. Ҳа-а, чакана савдо эмас бу. Иккала томон учун ҳам кони фойда: Арслонов мусиқа эстетикасига доир янги китобнинг муаллифи, Озоднинг «ҳомийси»га айланади. Озод ҳам бу зарарни ортиғи билан қоплайди. Аввало фан номзоди бўлади. Нарёғига ўзининг феъл-ҳўйига ярашугини кўраверади: агар оёқ-қўли енгил югурдак бўлса, қўша-қўша увону мукофотларни қўлга киритаверади. Жиддийроқ ўйлаб қаралса, чакки йўл эмас бу. Акс ҳолда, яна ўн йиллар тиришиб-тирмашса ҳам ақалли фан номзоди бўлолмасдан лақилла-а-аб юраверади! Агар бу одам Озодга ўшани ҳам кўп кўрмаса! Қора қоплоннинг абжирлигини фош қилиш эса, ўзи бўлмайди. Эътиқод қўйган одами — Мирзаевни ишонтира олмади-ку, бошқа кимниям ишонтирсин? Нима билан ишонтирсин? Қандай ишонтирсин?

У ўйлай-ўйлай, Поёновнинг олдига боришга жазм қилди. «Мусиқашунослик, фалсафа деб аталмиш қўтлуғ даргоҳларда ҳалоллик ва принципиаллик» учун жон койитаётган одамнинг асл башарасини кўриб қўйса, зарар бўлмас! Қани, ҳақиқатпарвар булбулигўе қандай сайраркин? Нима деб сайраркин? Эшитайлик-чи!..

Озод бундай бўлишини сира кутмаган эди: рўпарасида ўзидан тўрт-беш ёшлар кичик — ўттиз ёшларнинг нари-берисидеги тепакал, юзлари арчилган тухумдек силлик, хушбичимгина бир йигит ўтирарди. Йигитнинг ташқи қиёфаси, ўзини туттиши, гап-сўзлари унинг «бахт кулиб боққан омадли одам»лигини кўрсатиб турарди. Ўзи фахрланиб айтган «мазмундор таржимаи ҳоли»чи! Саккиз йил аввал университетнинг фалсафа бўлимини битирган. Тўрт йил аввал Арслонов раҳбарлигида «Санъатда партиявийлик» мавзуида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган. Домласи билан ҳамкорликда иккита китоб чоп эттирган. Икки йилдирки, катта

илмий ходим. Бир йилдирки, «Шарқ халқлари маданиятларининг ўзаро таъсири» мавзuidaги докторлик диссертацияси устида қизгин иш бошлаб юборган... Хуллас, «илмий фаолияти ҳавас қилса арзигулик». «Барчаси ўзининг ҳаракати, Арслоновнинг кўмаги билан...» Озод «қимматли вақтини андак ўтказиб юборибди. Бироқ ҳечдан кўра кечи ҳам яхши. Истаса, ошиғи олчи бўлиб кетади. Дарвоқе, ички тақриздан хавотир олмаслиги ҳам мумкин...»

Озод Поёновга гўё ҳафас билан тикиларди. Унинг баҳор тошқинидек шарқироқ гапларини маҳлиё бўлиб тинглаётгандек эди. Аслида бетиним ўйларди: илмий иш учун топган мавзуларини қаранг! «Санъатда партиявийлик»миш! Бу мавзуга қарши ҳеч ким «ғиринга» деёлмаслигини яхши билади-да, хумпар! Беғалва, бехатар, долзарб... Ўзинг Ленин асарларининг бирон жилдини қунт билан ўқиб, жумларнинг мағзини қақиб, чуқурроқ, мушоҳада қилиб кўрганмикансан? Киройи олим бўлсанг, ўшандан гапирсанг-чи! Мундо-оқ бир баҳслашиб кўрайлик. Фалсафа савдо эмас, ўта жиддий илм-ку, иним! Росмана файласуф бўлиш учун олғирлик билан тепакаллик камлик қилмасмикин? Учар бўлсанг ҳам, аслида лақма учарлардан экансан! Наҳотки сен мени устозингга ем, ўзингга ҳамтовоқ бўлади, деб ўйласанг! Наҳотки мен шу қадар пашт кетсам?

Поёнов бир муддат жимиб қолди-да, ёзув столи ғаладонидан иккита муқовалари қалин китоб чиқарди. Уларни Озодга кўз-кўзлаганича бирининг илк саҳифасига дастат ёзишга тутинди. Ёзиб бўлди шекилли, Озодга устат экан, тилак билдирди:

— Сизнинг ҳам мана шундай китобларингиз чиқсин-да энди!

Озод ҳаяжондан титраб китобни очдию дастхатга тикилиб қолди: «Еш муסיқашунос Озод Холиқовга! Илм чўққиларини забт этишда сизга оқ йўл тилайман, деб,

Топилди Поёнов»

Озод шу алфозда унсиз ўтирди-ўтирди-да, ниҳоят, нигоҳини саҳифадан Поёновга кўчирганича кинояли кулимсиради:

— Сизнинг йўлингизними?

Поёнов пичингни бошқача тушунди.

— Айб ўзингизда, ака! Начора, энди «менинг йўлимни» дейишга тўғри келади.

— Қўйинг, ука!— Озод илмий савияси беш қўлдек аён бу китобларни Поёнов томонга суриб, ўрнидан қўзғалди.— Беҳудага жон койитманг!— Шундай дея ташқарига йўналди. Эшик олдида бир муддат тўхтаб, ортига бурилди. Поёнов хона тўрида бақрайиб ўтирарди.

— Энди, сиздан битта илтимос, ука! Устозингизга айтиб қўйинг, «номаъқул бузоқнинг гўштини еган экансиз», денг, хўпми?!

Орадан бир ойна ўтиб... Қурбон Султон Озодни ўз хонасига бошлаб кирди-да, «ўта махфий ҳужжат»— Поёновнинг янги хати билан таништирди! Тўғри, хат юқори ташкилот номига ёзилган эди. У ёқдан, «атрофлича ўрганиб, жиддий муҳокамадан ўтказиш, натижасини маълум қилиш» учун бу ерга туширилган экан. Бу машъум хатнинг ҳар бир жумласи Озодга ёд бўлиб кетган. Оддийгина хат эмас, пўписа, дағдаға, ўқиган одамнинг юрагига ғулғула соларли, сиёсий айбнома эди-да бу.

Озодни зимдан кузатиб, базўр сукут сақлаб ўтирган Қурбон Султон у хатдан бошини кўтарар-кўтармас тилга кирди:

— Қалай: ўқиб мазза қилдингизми?— деди иссиқ-

дан бўғриққан япасқи юзларини рўмолчаси билан артаркан.— Бизам қонуний ҳордиққа чиқмай, бу жазирамада сиз учун ишлаб ётибмиз.

Озод ғижинди. Ё тавба! «Ёв ёқадан олганда, бўри этакдан тортибди», деганлари шу бўлса керак-да! Ана энди, бу олифтага тагин дастак топилиб қолди. Худди менинг томорқамда тер тўкаётгандек, миннатни қаранг!

— Ҳордиққа чиқолмаётганингиз учун, ҳар қалай, мен айбдормасдирман, дўстим?!

— Йўғ-э, сизда айб нима қилсин! Аслида ҳамма айб ўзимизда эканку-я?..

— Нега энди?— Бу тағдор киноялардан Озоднинг баттар хуноби ошди.— Имо-ишора қилавермай, гапингиз бўлса, дангал айтинг-қўйинг-да, Қурбонжон.

— Дангали шу: ҳов ўшанда ўз бошимизга ғалвани сотиб олган эканмиз, демоқчиман. Энди тушунгандирсиз? Бу ёғи бундоқ экан-у, биз бўлсак, рисолаларини мақтаб, тавсиялар ёзиб берибмиз-а!

«Оббо! Буниси жудаям дангал» бўлиб кетдию, а? Оқ товуқ сомон сочар, ўз ортини ўзи очар. Мунча ўз сиригини ўзинг фаш қилмасанг, дўстим? Калланга суюнолмаганингдан кейин, аҳволинг шу-да!»

— Начора, сўнги пушаймон — ўзингга душман, чидайсиз-да, энди! Бошқа гапингиз йўқми?— Озод чиқишга тарадудланди. Ҳозир Қурбон Султон билан ади-бади айтишиб ўтирадиган пайт эмасди. Адолатпарвар Поёновнинг навбатдаги хатини ўйлаш керак.

— Истасангиз, ўзингизни оқлайдиган бир нима ёзиб беришингиз мумкин. Ё яна Шамси Фозиловичнинг олдиларига кириб, яккама-якка суҳбатда оқлайсизми? Энди оқлаёлмасангиз керак-ов!

«Нима демоқчи, қўрқитмоқчимми?!»

Уша куни алламаҳалгача дам Поёнов айбномалари, дам Қурбон Султон пичинглари Озоднинг хаёлида бир-бирларига басма-бас қуюндек чарх уриб турди. Кечаси алламаҳалгача ўтириб, раисга иккинчи тушунтириш хатини ёзаётганида нечоғли қийналганини фақатгина ўзи билади.

У тушунтириш хатини олиб кирганида, Қурбон Султон телефонда ким биландир хайрлашмоқда эди «... билмадим, бу бола нимасига ишонади! Энди-и хотиржам бўлаверинг, домлажон, шогирдингизни ёл физлатиб қўймайинг. Барибир, бузоқнинг югургани со монхонагача. Ха-ха-ха! Хўп, майли, хайр».

Хонадан чиқаётганида йўлакда Норқулов тўқнаш келиб, Озодни чеккароққа тортқилади: «Мен сизга тавсияни ҳали рисолангизни ўқимай туриб, ҳалиги, мукофот олган мақолангиз журналда тайёрланаётганида ёзиб берганман. Тўғрими, Озоджон?»

Уша куни тушликдан сўнг ўз хонасида дилгир ўтирган эди, Мўмин Шокиров кўнғироқ қилиб қолди «Қўлёмангизни олиб кетишингиз мумкин. Балки ўзингизга асқотиб қолар?»

Озод бир неча кунгача бу гапларнинг мағзини чақол масдан боши қотиб юрганида Бастакорлар союзид фавқуллода йиғилиш бўлиб ўтди. Тор доирада ўтказилган, бевосита дахлдор ўртоқларгина иштирок этга бу йиғилишда... Озоднинг рисоласи қайта муҳокама қилинди.

Муҳокамада айтилган гаплар, мана, роппа-роса би ойдирки, Озоднинг қулоқлари тагида бир-бирлариг басма-бас янграб, бетиним акс-садо бериб турганде

— Менга Озод Холиқовнинг тушунтириш хати асосиз, оғиз йиртар гаплар бўлиб туюлди,— дейди Поёнов

— Билмадим, ўртоқ Холиқов нимасига ишониб катт, оғизлик қилади? Буёғи — лоақал фан номзоди бўлма-са... Ўртоқлар, мен аллақачон айтганман — Озод Хол

қовга ортиқча ишониб юборяпмиз, деганман. Ушанда гапимга баъзи ўртоқлар қўшилмаган эди. Мана — оқибат, ҳаммамизнинг бошимизни ғалвага қўйиб ўтирибди, — бўғилгудек бўлиб уқтиради Қурбон Султон.

— Дарҳақиқат, «Сурнай куйлари...» да жиддий сиёсий хатолар бор. Яхшиямки, шахсан ўртоқ Арслонов ва у кишининг шогирдлари Поёновнинг ўз вақтида огоҳлантиришлари туфайли рисола нишани нашр этиш хавфининг олди олинди, — ўтирганларга маълум қилади Мўмин Шокиров.

— Озод Холиқовнинг устумонлигини қарангки, ўзининг ҳалоллигига ҳаммамизни ишонтирибди-я! — Бақрайиб, киприк қоқмай «хайратга тушади» Норқулов.

Тўғри, ўша йиғилишда Озодга бирнав таскин бера оладиган гаплар ҳам бўлди:

— Ўртоқлар, пашшадан фил ясамайлик! Инсоф билан айтганда, Озод Холиқов союзимизнинг энг ҳалол, меҳнатқаш ходимларидан, — эътироз билдирмоқчи бўлади Эҳсонов.

— Менимча, рисолада илмий нуқсонлар бўлса бордир, бироқ ҳеч қандай сиёсий хато йўқ, — ўз фикрини айтади Жўрабоев.

Лекин бу гаплар бошқа жарангдор овозлар, айниқса Мирзаевнинг биргина саволи, йўқ, жавоби остида кўмилиб кетади:

— Ҳар қалай, пухтароқ ўйлаб кўриш керак: битта рисола деб, союзимиз шаънига доғ тушириш тўғри бўлармикин?

Озод эса... бу гапларга жавобан лом-мим демай, тишини ташига босганича жим ўтираверади. Ахир, бундай вазиятда минг карра ҳақ бўлган тадирингда ҳам, ҳақлигини исботлашга уриндингми — тамом! Бошқача тушунишади. «Ўзини оқламоқчи!» деб ўйлашади. Икки ўртада кўпчиликда нохуш фикр уйғотганинг қолади. Ким нима деса дейвермайдими. Айтиши лозим бўлган гапларини тушунтириш хатларида ёзиб берган. «Бир бошда бир ўлим». Қани, жимгина ўтириб эшитаверсин-чи, гапнинг нишаби қай тарафга оғар экан? Мижаролар нима билан тугар экан?

Сирасини айтганда, даҳшатлиси бу эмас. Даҳшатлиси — манови одамларнинг субутсизлиги! Ахир, атиги икки йил аввал, худди шу бинода рисола сию ўзи ҳақида бутунлай бошқача гаплар айтилган эди-ку! Бу қадар беқарор-бетайин, шамолнинг эсишига қараб ғириллаверадиган варрак бўладими одам деганлари?! Наҳотки ўша гапларни ҳаммалари паққос унутиб юборган бўлсалар? Шамси Фозилович ҳам қизиқ! Дунёдаги энг ишонган одами ҳам бу субутсизларга эмас, унга шубҳа билан қараса, лоақал ўз гапларини химоя қилмаса, додингни кимга айтасан?

«Гапнинг нишаби» мажлисдан сўнг, орадан бирор соатлар ўтиб, иш кунининг охирларида узил-кесил аён бўлди. Мирзаев Эҳсонов орқали унга «пухта ўйланган хулоса»сини маълум қилди: «Ўртоқ Холиқов ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини ёзсин!»

Озод бунақа якуни, очиғи, кутмаган эди. Тамом, деб ўйлади ич-ичидан ўртаниб. Барча тоат-ибодати уч пул бўлди. Ўзи ёқтирган шоирнинг бир сатри хаёлига чақмоқдек урилди: «Ҳаммаси тугади, тугади бари...» Меҳнатлари елга соврилди. Уй ҳам асфалософилинга кетди! Яна ўжарлиги тутди: садқаи сар! Бош омон бўлса, дўппи топилар. Ҳаммасини қайтадан бошлайди! Тўппа-тўғри Мусавой аканинг олдигами, академик Оқилхонов ҳузуригами боради. Лозим бўлса, энг олий даргоҳларга бош уради. Ҳеч натижа чиқмаса, қишлоққа қайтиб, ота касби — подачилик қилади. Лекин ўлсаям манави субутсизларга ялинмайди. Уларнинг олдида тиз чўкиб, аслида йўқ айби учун тавба-тазарру

қилмайди. Уларга шу серғалва иши керак экан, қўш қўллаб топширади-қўяди. Оғзи билан юрадиган одамнинг топилиши осон. Бироқ меҳнатқаш ҳамма жойда керак! Келиб-келиб кўринишда меҳрибон, аслида бир шўхратпараст одамнинг ишончини оқлаш учун жонини жабборга бериб юрибди-я! Йўқ, аксинча, бу одам Озоднинг ишончини оқлаёлмайдиган кўринади.

Бир шахд билан ариза ёзди-да, кириб, Эҳсоновнинг олдига қўйди: «Ўзбекистон ССР Бастакорлар союзи правлениесининг раиси ўртоқ Ш. Ф. Мирзаевга бадий консултант Озод Холиқовдан АРИЗА. Сизнинг ҳалоллигингизга ишонмай қолганлигим учун мени ўз ихтиёримга кўра ишдан бўшатишингизни сўрайман».

Одатда, ишхонада борлиги унча сезилмаса-да, йўқлиги дарров билиниб қоладиган ўта оғир-вазмин, камгап, айрим ҳамкасбларининг таърифига кўра, «ярим раҳбар, ярим фуқаро» Эҳсонов аризага тикилиб ўтирди-ўтирди-да, кутилмаганда Озодга қайтариб берди.

— Ҳозирча ўзингизда турсин, ўртоқ Холиқов! — Шундай деди-да, Озодга синчковлик билан тикилди. Сўнг ғаладондан аллақандай ҳужжат олиб унга узатди. Узатаркан, ўзини оқладими, ҳасрат қилдими, ҳар қалай, қизишиб уқтирди: — Мана, яхшидир-ёмондир, уч йилча бирга ишлашдик. Энди-и, мендаям виждон бор, ука! Сизни баъзи ишлардан беҳабар қолдиролмайман.

Озод Эҳсоновнинг гапларини таажжубланиб тингланган кўйи қўлидаги ҳужжатга кўз югуртирди. Илк саҳифа — расмий хатни ўқиб, таажжуби ҳайратга айланди.

«Шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ.....га

Бастакорлар уюшмаси маъмурияти, партия ва касаба союзи ташкилотлари ижодий муассасамиздаги баъзи ички ўзгаришлардан келиб чиқиб, ўртоқ Озод Зиёдович Холиқов номига ажратилган тўрт хонали уйни таниқли бастакор Қурбон Фармонович Султонов номига расмийлаштиришларингизни сўрайди.

Уйни ўртоқ Қурбон Султонов номига расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар мазкур хатга илова қилинмоқда.

Илова — 12 саҳифа.

Бастакорлар уюшмаси раиси Ш. Мирзаев.

Бошланғич партия ташкилотининг котиби Р. Жўрабоев.

Маҳаллий комитет раиси И. Эҳсонов.»

Озод хатга илова қилинган ҳужжатларни кўздан кечирар экан, ўқиб кулимсиради: тушунарли! Ойлача тўртта жон. Қорақамишда уч хонали ўйда, бешинчи қаватда яшайди. Соғлигига кўра биринчи қаватга, ғиштин уйга, ишхонага яқинроқ марказий кварталга кўчиб ўтиши шарт. Ҳужжатларнинг аксарияти кейинги икки ҳафта ичида олинган, яъни «тўғриланган». Мана, гап қаёқда! Дардинг шугина экан, одамни хуноб қилиш, сувни лойқалатиш шартмиди, Қурбонжон, дўстим?!

...Ҳозир ҳам Қурбон Султон ҳақида ўйларкан, Озод унинг манфаат йўлида ҳар балодан қайтмаслигига имон келтирди. Айниқса, биров рағбатлантириб турса! Поёнов иккови тил бириктириб, катта қучга айланади бири Озоднинг рисоласини устозига «тўғрилаш», иккинчисини тўрт хонали уйни қўлга киритиш учун дунёга ўт қўйиб юборишга ҳам тайёр!

У хаёлларга фарқ бўлиб ётаркан, чақалоқни ухлатган шекилли, Райҳон чиқиб, сўри чеккасига омонатгина ўтирди.

— Озод ака?..

— Нима дейсан яна? — Озод хаёллари бўлинганидан

норози бўлиб пўнғиллади.

— Шу-у, болаларимиз топилганидан кейин, келинг, қишлоққа қайтайлик. Ордона қолсин ўша уйлариям, ишиям! Тинчгина, бамайлихотир яшайлик.

— Бемаврид гапингни қўйсанг-чи, Райҳон,— деди Озод яна аччиғланиб.

— Ҳеч бўлмаганда Баҳринисо холамнинг олдига кўчиб борайлик. Шаҳарга яқин. Сиз мактабда, мен боғчада ишлардик. Болалар ҳам кенгроқ жойда яйрашиб... Манови уйнинг пулига шинамгина бир бошпана тиклаб олардик, а?

Озод истамайгина қаддини тиклаб, хонтахтага таянди:

— Шундай хоҳиш-ку, мендаям бор. Бироқ ҳозир бунинг иложи йўқ, Райҳон. Майдонни ташлаб четга чиқмайман!

— Қўйинг, бўлар шунча курашганингиз. Ёмонга худоси бас келсин! Китобингиз ҳам чиқувсиз қолсин! Энди болаларни, мени, жилла қурса ўзингизиям ўйланг-да, ахир!

Озод асабий илжайди:

— «Ўзимни тўхтатолмайман» деган қўшиқни эшитмаганмисан, Райҳон? Биз ҳам энди ўзимизни тўхтатолмаймиз. Бўёғини сўрасанг, мен курашга энди тушмоқчиман. Ҳозиргача шунга тайёргарлик кўрдим, холос.

Райҳон беихтиёр кулимсиради.

— Эҳ-ҳа, ҳали энди бошламоқчиман, денг!

— Ҳа, энди бошламоқчиман! Энди сен ҳам пишиқроқ бўл...

12

— Хўш, нима дейсиз, қўл қўяверайми?— Эҳсонов ундан нажот кутаётгандек, хомуш тикилди. Озод дастлаб саволнинг маъносини тушуниб етмади.

— Нимага?— деди у.

— Манови хатга имзо чекаверайми?

«Эҳ-ҳа, ижрокўмга ёзилган хатни айтаётган экан-да. Маҳаллий комитет раиси сифатида қўл қўйиши керак-ку!»

— Саволингиз қизиқ бўлди-ку, Исомиддин Акбарович! — деди аламли илжайганича.— Мендан нимасини сўрайсиз? Ихтиёр ўзингизда бўлса!

— Падарига лаънат бундай ихтиёрнинг!— Табиатан ўта боқибеғамга ўхшайдиган Эҳсонов кутилмаганда асабийлашиб, қўлидаги ҳужжатларни бир бурчакка улоқтирди. Енгил тин олди.— Яхшиси, мен ҳам сизга қўшилиб ариза ёзаман.

— Йўф-э, нега энди?— Озоднинг бўғзига нимадир тикилди. Беихтиёр йиғлагиси, Эҳсоновни кучоқлаганича хўнграб йиғлагиси келди. Лекин ҳаяжонини ичига ютиб, гўё бепарво қўл силтади.

— Қўйинг, Исомиддин Акбарович! Хайрхоҳлигингиз учун раҳмат! Бироқ ишдан бўшашнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, шу хатга қўл қўйинг-да, расмийлаштиришни менга топширинг.

Озод аввал Эҳсоновга, кейин Жўрабоевга имзо қўйдирди-да, тўғри Мирзаевнинг олдига кириб борди. Қурбон Султоннинг ҳужжатларига қўшиб аризасини унинг столи устига қўйди. Ҳаяжонини зўрға босиб деди:

— Шу икки қоғозга имзо чекворсангиз, Шамси Фозилович!

Мирзаев аризаю ҳужжатларни диққат билан кўздан кечирди. Уларни бир чеккага суриб қўйиб, мийида кулган ҳолда Озодга қаради:

— Ҳалоллик деганда нимани тушунасиз, ука?

— Ҳар қалай, шу ҳужжатни эмас!

Кутилмаганда Мирзаев ўта вазминлик билан ўрнидан

турди. Оҳиста одимлаганча ёзув столини айланиб ўтди-да, келиб Озоднинг елкасига қўлини қўйди.

— Соддасиз, ука, соддасиз! Асабни асранг, ҳали у кў-ўп керак бўлади!— Шундай дея рўпарасидаги курсига ястаниб ўтирди ва хушнуд жилмайди.— Болалик пайтим... катталарнинг бир ўйини бўларди. Эрмакталабар иккита болакайни майдонга тушириб қўярди-да, ўзлари икки тараф бўлиб, уларни бир-бирларига гиж-гижларди: «Ҳа-а, бизнинг полвон, бўш келма!» «Бизнинг полвонимиз зўрроқ! Қани, кўтариб ерга урмайсанми!» Болалар бўлса, мақтовлардан эсириб, бир-бирини ғажиб ташлашдан қайтишмасди. Демокчиманки, сизнинг ортиқча зўриқиб, майиб бўлишингизни истамайман, ука. Чунки катталар бошлаган ўйин ҳамиша қалтисроқ бўлади. Бу ерда гап сизда, Поёновда ва ёки Қурбон Султонда эмас, ахир. Ҳамма гап уларнинг орқасида турган томошабинларда. Модомики, айланиб ўтиш ҳам мумкин экан, бу азиз бошни деворга қарсиллатиб уриш шарт эмас, менимча!

«Мени ёш боладек алдаб-авраяпти! Ё ўзини оқламоқчи!»

— Агар деворни қулатиш керак бўлса-чи!

Мирзаев яна ёйилиб кулди:

— О-о, сиз хаёл қилганчалик увада девор эмас бу сиёсатдонлар! Шунинг учун аввало кураш усулларини пухтароқ ўрганиш керак, азизим!

— Ҳар қалай, мардона курашганга нима етсин, Шамси Фозилович! «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!» Шахсан менинг ҳеч кимнинг олдида тилим қисиқ эмас. — Яхши!— Мирзаев шахд билан ўрнидан турди. Жойига ўтиб ўтирди. Андак хаёлга толди. Бир пайт ёзув столи устидаги ҳужжатларни йиртиб, саватчага ташлади.— Майли, сизга рухсат! Жойингизга тушиб, ишингизни давом эттираверинг!..

Орадан икки ҳафтача ўтиб, союзда шунақанги олата-сир бошландики, қиёмат қойим деганларни бундан ортиқ бўлмас! Тафтиш устига тафтиш. Йиғилиш устига йиғилиш. Ваҳима, васваса, таҳлика, шивир-шивир... Нима эмиш, Шамси Фозиловичнинг устидан юқорига шикоят тушганмиш. Биз хайрли деб юрган ҳамма ишлари нотўғри деб топилган эмиш. Союз аъзолигига қабулдан тортиб то янги уй тақсимотигача — барча-барчасида бир ишқал бормиш. Энди уй ҳам берилмайдиган бўлибди. Айниқса ижодий ташкилотимизда муҳит чатоқмиш... Бирор ой ичида кундан-кунга зўраа борган бу миш-мишлар навбатдан ташқари чақирилган пленумда рост бўлиб чиқди. Шамсиддин Мирзаев шаънига тақалган айбларнинг нечоғли тўғри-нотўғрилигини тананга ўйлаб кўриш учун кунлар эмас, ойлар, ҳаттоки йиллар керак бўлса эҳтимол!

— Шамсиддин Мирзаев ёш ижодкорларни кекса бастакорларга қарама-қарши қилиб қўйди,— дейди Норқулов.

— Шундаям ҳамма ёшларни эмас!— дея ғижиниб ҳайқиради Қурбон Султон.— Энг иқтидорли ёшлар бир четда қолиб, Озод Холиқовдек қаёқдаги бетайин кимсаларга ҳомийлик қилди.

— Уловига яраша тушови-да!— пичинг қилади Мўмин Шокиров.— Очиғини айтганда, бу одамнинг бастакорлар союзидек ижодий ташкилотга ҳеч бир дахли йўқ-да!

— Санъатимизнинг ғоявий соғломлиги шуни тақозо этадики,— дейди Қоплон Арслонов минбарда ғоз туриб,— ижодий союзимиздаги муҳитни тубдан қайта қурмоқ лозим!

Озод эса, бу гапларни эшитиб, каттакон хонанинг бир бурчида қунишганича ҳайратдан донг қотиб ўтираверади. «Чархпалак дунё!— ўйлайди ўзича.—

Нималар бўляпти? Нега лоақал бирон одам минбарга чиқиб, «ахир, ўртоқлар, унақа эмас, бунақа-ку!» демаяпти? Хизматга тухмат бўлаётганини кўра-била туриб, энг халқларвар бастакорлар ҳам, худди оғизларига талқон солгандек, лом-мим демай ўтиришибди? Қанақа халқ бастакори, қанақа халқ бу?!»

Айниқса, Шамсиддин Мирзаевнинг сўнгги сўзини эшитаркан, Озод номусдан ерга кириб кетгудек бўлди.

— Ишда йўл кўйган хатоларимни тан оламан,— деди Мирзаев фавқулудда вазминлик билан.— Бундан икки ҳафта аввал вазифамдан озод этишларини сўраб ариза ёзган эдим. Илтимосимни қондирганингиз учун сизларга раҳмат айтмоқчиман.

«Қандай хатолар? Нимага раҳмат айтиш керак? Раҳматми, лаънатми? Кимга раҳмат?»

Мажлис тугар-тугамас ташқарига отилди. Хонасига кириб, эшикни ичкаридан қўлфлади. Бир муддат қарахт бўлиб ўтирди. Ютоқиб чекди. Шу аҳволда бастакор бўлгандан пода боққани афзал-ку!

Телефоннинг бўғиқ жириглашидан ўзига келди у: котиба қиз! «Шамси Фозилович чақиряптилар!» Ишдан бўшатишларини сўраб ёзган аризасини икки буклаб, чўнтагига солди-да, даҳлизга чиқди.

Мирзаевнинг олдида Жўрабоев, Эҳсонов ва яна бошқалар ўтиришар эди. Озод кўзларини ерга қадаганча бориб четроқдаги ўриндиққа чўкди.

— Сизларни чақиршдан мақсад,— деди Мирзаев, гўё ҳеч нима бўлмагандек, гўё бугунги можароларнинг ўзига ҳеч бир дахли йўқдек, ўта вазминлик билан,— хайрлашиш олдида икки оғиз кўнглимдаги гапни айтиб қўйишдир. Ягона илтимосим шуки, бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйманглар. Демокчиманки, ҳеч ким ариза ёзиб, ишдан бўшашни хаёлига келтирмасин. Сизлар ҳали суяги қотмаган арбобсизлар — беҳудага майиб бўлиб қолишларингиз мумкин. Кў-ўп кўҳна ўйин бу! Эртадир-кечдир, ҳали ҳақ ўз йўлига қарор топади. Унгача ҳар хил бўлмағур хаёлларга берилмай, астойдил ишлаш керак. Келажакка ишониб ишлаш керак. Дунёда ҳеч бир нарса жавобсиз қолмас! Қасосли дунё бу, ахир...

У Райҳон оққа кўчирган саҳифаларни пешма-пеш диққат назаридан ўтказишга тутинди. Сўнгги саҳифани кўздан кечириб, ҳар уч нусхани папкага жойлади. Кўнгли таскин топгандек бўлди. Райҳонни уйдан тополмай, қидириб ташқарига чиқди. Йўлак ёқасидаги кадрдон ўриндиққа — хотинининг ёнига ўтирди. Шу пайт таниш овоз эшитилди:

— Э-эй, яш-шаворинг, адаш! Фирт ваҳимачи экансиз-ку! Ана, болаларингиз келишяпти!

Озод илкис бош кўтариб, ўша-ўша манзара — бешинчи қават айвончасида майкачан турган адашини кўрди. Беихтиёр ғижинди: «Яна алдаяпти бу ярамас!»

— Нима бало, ишонмаяписизми? Ана, қарасангиз-чи!

Озод адаши кўрсатган тарафга қаради, Қарадию... ўрнидан учиб туриб, ўша томонга ўқдек отилди. Атиги юз қадамча нарида Фарҳод билан Маржон қўл ушлашиб, бамайлихотир келардилар! Худди тушга ўхшайди, худо ҳаққи, худди тушга ўхшайди!.. Бир лаҳзада болаларининг ёнига етиб бордию уларни икки қўлида жуфтлаб даст кўтарганича маҳкам бағрига босди. Худди юз йиллик айрилиқдан сўнг энди кўриб-дийдорлашиб тургандек, болаларининг дам унисини, дам бунисини ўпиб-суйишга тушди. Юрак тафти андак босилди шекилли, бир пайт уларни оёққа қўйди. Маржонга:

— Сен ойингга бора қол, қизим,— дедию Фарҳодга синовчан тикилиб қолди. Беихтиёр ўғлининг қулоқ-

чеккасига тарсаки тортиб юборди. Бутун аламу ситамлари биргина ҳайқириққа жо-бажо бўлгандек эди:

— Қаёқларда санқиб юрувдинг, ярамас?!

Фарҳод йўлга узала тушганча чинқириб йиғлай бошлади. Шу орада етиб келган Райҳон ўғлини ўрнидан тургазди-да, уст-бошининг чангини қоққан кўйи уни овутишга тушди. Хотинининг Фарҳоддан гиргиттон бўлиб, айланиб-ўргилишларини жимгина кузатаркан, Озод, худди елкасидан зил-қоратош тоғ ағдарилгандек, дафъатан енгил тортди. Қирқ кечаю қирқ кундузлик беомон жангдан ғолиб чиққан паҳлавондек ҳарсиллаганча ютоқиб нафас оларкан, тубсиз осмонга, атрофини қуршаган баҳайбат уйларга, ўз айвончасию деразасидан уларга қизиқсиниб қарашаётган қўни-қўшниларига, бу баҳайбат уйлар оралиғидан элас-элас кўринувчи олис кенгликларга ажиб бир завқ-шавқ, иштиёқ билан термилди. Шу пайт... ана ўша кенгликлар жамолини қўш қалқондек тўсиб турган икки баҳайбат бино оралиғидаги торгина йўлакдан чақалоқ кўтарган бир аёл кириб келди. Аёл кўзига иссиқ кўринди. Ким бўлдикин бу?..

— Анови келаётган аёл Меҳринисо эмасми, Райҳон?

Хотини Озод имлаб кўрсатган тарафга қаради. Қарадию мамнун жилмайганча ўша томонга талпинди:

— Ие, Меҳринисо-ку! Холамнинг катта қизи-ку! Қаёқдан офтоб чиқақолди дабдурустан!..

Тобора яқинлашиб келаётган Меҳринисонинг шўх-хандон хитобларини эшитиб, Озод гап нимадалигини англаб етгандек бўлди:

— Ҳайрият-эй! Омон-эсон етиб келишибди-я! Нақ ўтакам ёрилай деди-я! Меҳмон бўлиб боришгани — бош устига, кўзимни шамғалат қилиб кетиб қолишганичи бу бетамизларнинг!..

Ажабо, бу тирранчалар айланма йўлга қандай чиқиб олди экан? Холаларининг уйини қандай топиб боришди? Қандай қайтиб келишди? Бундан-да ажабланарлиси — олти яшар болакай бирваракайига шунча ёлғонни қаёқдан уддалай қолди?! Буниси наинки Озод учун, Райҳону Меҳринисо учун ҳам, биз учун ҳам бус-бутун жумбоқ! Билганимиз шуки, бирор йил аввал Меҳринисо катта ўғли Шухратга тўй қилган. Ушанда Райҳон чақалоқнинг арачасини итариб, Озод эса, ўғлию қизи билан қўл ушлашиб, «кенг-мўлгина боғ оралаб, пойи-пиёда, сайрибоғ айлаб» тўйга боргандилар.

Бешовлон узун-қисқа бўлиб уй томон юрарканлар, Озод ёнида кетаётган Фарҳоднинг кифтига қўл ташлаб, сочини тароқлаган кўйи масрурона орзиқди:

— Оббо, шоввоз-эй! Об-бо, қарқуноқдан чиққан булбул-эй! Отаси — мўмин-қобил, онаси — мўмин-қобил, билмадим, бу бола!.. Е «ёввошдан йўғон чиқади» деганлари шумикин-а, Райҳон?..

Озод ўғлини, Райҳон қизини етаклаб, кутилмаган меҳмон эса, чақалоғини кўтариб уйга кирдилар. Бир хонали — яшаш учун яроқли майдони ўн етти ярим квадрат метр — бошпанаси энди Озоднинг кўзига тор кўринмади...

1985 йил, июнь.

Баҳром Рўзимуҳаммад



1961 йили Хоразм областининг Шовот районида туғилган. ТошДунинг журналистика факультетини тугатган. Илк шеърлар тўплами нашр арафасида.

Шубҳа

Бошим ўзимники эмасдек — ушлаб кўраман,
қўлим ўзимники эмасдек — ушлаб кўраман,
овозим ўзимники эмасдек...
Овозимни эса
мендан аввалроқ
бошқалар шошади ушлаб кўришга.

«Даҳрий кечинмалари» туркумидан

Кўзгуга қараётиб
ўйлайман юзимнинг қайси қисми
қайси аъзоси
акс этади унда даставвал
қарагим келади руҳимга
бошқа бир иккинчи руҳ билан
сезги ва сезгисизлик оралиғида
қай йўсин шакллана бошлаган руҳим
кўзгу бўм-бўш олам
уни йўқдан бор қила олур
кимки қараса
демак
қараётган одам оллоҳдир.

Турғунлик

Даврни яшаётиб
ухлаб қолади
мозийга тош отиб
чарчаган авлод.

Жанггоҳда

Бир парча тупроқ қолди ватандан,
туғдан — аёл рўмолидек бир байроқ қолди,
халқдан бори-йўғи — тил,
ғоядан — соя.

Гўзалликка қасида

Осмон кулаб тушса дафъатан
сен ҳеч қачон тута олмассан,
қутқара билмассан чўкиб кетса ер —
фақат кучинг етар ожизлигингни
бекитиб турмоққа гўзаллик билан.

Баравар сиғинса...

Майли, мен даҳрийман, кўрқмайман, балки
фаришта бўлурман даҳрийлик қилсам —
энди итоатда турмайман... сенга
баравар сиғинса иблис ҳам, жин ҳам.

Чавандозга ўхшаб

Жаҳлга минади
отга минган каби,
бирок от
депсиниб тураверар
ўрнидан жилмай.
Жаҳлдан тушади
отдан тушган каби,
бирок от
депсиниб тураверар
ўрнидан жилмай.

Мустақил робот

Одам робот ясади,
темир бош устида
бош қотириб
оқарди сочи.
Кўз ўрнатди,
тил ато этди темирга.
«Одам йўқ!» деди
тили чиққач робот.

Совуқ кулба

Елғон сўздан ясадилар нафис уй
сен яшамоғинг лозим бу уйда,
девор вазифасин бажарар қоғоз,
шифти қоғоз, бўсағаси қоғоз;
кўникасан
энди ичкаридан эмас, ташқаридан
қаралса-да, аслига ўхшамайди бу кулба,
яшайсан ўн йил, ўн беш йил
деярли унутасан уй тарихини
жон киради шунда тўртта деворга:
— Мана, бизда Елғон яшаяпти, — дейди,
— Олиб кетинг уни! — ҳайқиради бўсаға.
— Ушланг, — шипшийди шифт ҳам.
Сени олиб кетишади ростакамига.
Гўё сени эмас, уйни олиб кетишаётгандек,
гўё сен қоляпсан уйнинг ўрнида —
мана, бўсағангни кимдир босмоқда,
ичингга кирмоқда қандайдир шарпа.

Вақт ўтиб бораркан...

Очилмоқчи эдим, келмади фасл,
тош қотди кўксимда қирмизи ғунча.
Бугунга етади фикр шу ҳақда
очилмоқчи эдим, дейман бугунча.
Бу куннинг ярмини яшайман, майли
ярмини эртага қўяман асраб.
Вақт ўтиб бораркан қадам товушин
эшита бошлайман кўзгуга қараб.
Шунда титраб кетар Вақт тутган муҳр,
Вақт иккиланиб туради кетмай.
Сочимга тушмайди тушаётган оқ,
ажин тарқаб кетар юзимга етмай.

Хат

хат ўрнига ҳўл рўмолчасин
почта қутисига ташлабди билмай...
Энди кўз ёш томчиларини
ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқияпман мен.

Сабаб

Чекишга сабаб излайсан,
топасан.
Ичишга сабаб излайсан,
топасан.
Чекаётиб,
ичаётиб
сархуш бош билан
тинмай ахтарасан
яшашга бир сабаб.

Сир

Деворнинг қулоғи бор,
пичирлашиб суҳбат қурайлик,
девор деворга айтса
ва бу гап шу тахлит
бирорта баҳайбат қулоққа етса
ишимиз пачава деявер.
Қудуққа қичқирайлик, қудуққа!
Ўйлаб кўр, қудуқ остида
бақа истиқомат қилиши мумкин,
«вақ» этса бас, илиб олишар
жамики бақалар қуруқликдаги.
Ичимизда сир бор, ғоятда махфий
қани бизга фақат тинглайдиган
тиллари суғуриб олинган улфат?!

Эртақдан сўнгги йўқотиш

Зулматга кўмилган баҳайбат ғазна,
ўзича нур сочиб турар жавоҳир.
Унда дайдиб юрар ўзича баъзан
бировнинг адашган ялқов арвоҳи.

Зулмат тирилгудай у чалса ҳуштак,
қопқоқлар очилиб, чиқиб келар тонг.
Бунда ҳар битта нур зангори қушдай —
осмон парчасига айланар ҳатто.

Ичкарида

Дунёга сиғмаган шу тунд кўриниш
сиға билар ёруғ қоғозга.
Ёмғир сувратини чизмоғи мумкин
бир томчи сиёҳ.

Одамови

Шахсий сукунатинг билан
кириб келдинг давраимизга сен —
суҳбатга тинимсиз аралашаверар
сенинг жимлигинг.
Тинч қўй ахир, тинч қўй даврани
гапирсанг-чи,
бир оғиз бўлса-да.





Салима Қличева



Самарқанд областининг Нурота районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Айни пайтда Нурота районининг «Илғор чорвадор» газетаси редакциясида ишляпти. Республика ижодкор ёшлари V семинар-кенгаши қатнашчиси.

Саратонда

Елворади ўз эгасига,
Тувақдаги гуллар сув сўраб.
Қуёшининг меҳрига қонган
Замин энди ётар ҳансираб.
Ўзлигини кўз-кўз айлашиб,
Тебранишар бахтиёр боғлар.
Қор ҳақида хаёл суради,
Қовжираган нуроний тоғлар.
Қулоқ чўзиб ғўза ниҳоллар
Сувни ичиб қилганча ҳузур,
Кенг пахтазор майдонларига
Ўрнашади яна ҳам чуқур.

Муҳаббатим

Муҳаббатим оғир бўлди
Оғир бўлди йўлларим.
Юрагимга кирган титроқ
Қалтиратди кўлларим.
Юрагимда билқиллаган
Булоқ пайдо бўлди-ей.
Сувларидан ичолмайман
Унда бир куш ўлди-ей.
Кетолмайман, етолмайман
Йўллар узун-узундир.
Мен ҳақимда яралган куй
Оҳ, маҳзундир, маҳзундир.
Муҳаббатим оғир бўлди
Оғир бўлди йўлларим...

Қочди мендан бахтиёр кунлар,
Ўйлар билан қоврилар жоним.
Қандай кунлар тушди бошингга,
Она юртим — Ўзбекистоним?!

Юрагингнинг туб-тубига сен
Наҳот жойлаб олган эдинг дард.
Ёлғонларни улоқтиряпсан,
Ювилмоқда юзингдаги гард.

Бир кун келар бахтиёр кунлар
Орол яна тўлиб туради.
Оқ олтининг тоғ, чўққи бўлар,
Чавандозлар дулдул суради.

Ҳақиқатни жонидан суйган
Бодаларинг бахш этгай мадор.
Ишонч билан айтишим мумкин
Хор бўлмагай серфарзанд диёр.

* * *

Осон эмас етиб бормоқлик
Ва жойлашмоқ инсон қалбига.
Бардош бермоқ қийиндир баъзан,
Дўстнинг енгилгина зарбига.
Ўтирибмиз ёнма-ён, сокин
Кафтимдадир дўстим кўллари.
Талпинамиз юракларга жим,
Жуда узоқ унинг йўллари.

Бахт истаб

Кечиринг, сизга бўлган ҳурматимни гар
Ифодалай олмасам ҳаракатимда.
Афсус қилманг қалбим жарангларини
Ёзолмасам агар оддий хатимда.
Тушингизга кирсин ёниқ лозазор,
Мен лола юзида турган ноламан.
Йиғладим, кўзимда бахтлар очилди
Мен бахтнинг ортидан чопган боламан...



Ўрик дарахти

Шу оддий дарахтга меҳр қўйганман
Саховатга тўла унинг юраги.
Доимо камтарин, эгилиб турар,
Ҳамма учун бордир унинг кераги.
Онага ўхшатдим бу дарахтни мен.
Кўрган-билганини ичга ютади,
Кечириб ким нодон, кимки нотавон,
Ҳатто тош отганга мева тутуди.



Сулаймон
Облоқул

Одиллик ва худбинлик

Редакция ходими Метин Одиллов уч кун ишга чиқмади. Тўртинчи куни келиб, иш столи тортмасидан қоғозларини олди. Уқишга тушди.

Хонага хизматдоши:

— Камнамосиз? — дея кириб келганида бошини кўтарди.

— Уч кун ишга чиқмадингиз?.. — хизматдоши унга қўл чўзганча гапирарди, — кириб бир сўрайинчи, дедим.

Кўришдилар. Ўтирдилар.

Қуюққина сўрашдилар.

Одиллов уч кун ишга чиқмагани боисини айтди.

Хизматдоши қайтаркан, эшик ёнида ортга ўгирилди.

Одиллов яна ўқишга тушганди. Ниҳоят у бошини кўтарди:

— Хўш, нега туриб қолдингиз?

— Чивин тепди дедингизми?..

— Нима? Гапингизга тушунмадим...

— Сиздан ҳол сўрадим. Уч кун ишга чиқмаганингизни сабабини

ЗИФРИЯТЛАР
ДУНЁСИ

Ҳикоялар



сўрадим. Ибора билан айтдингиз: чивин тепди...

— Ҳа-а!.. — Одиллов англади, эслади. — Гапингиз тўғри. Чивин тепди. Шундоқ дедим. Халқ ибораси бу.

— Халқ ибораси эмас шу.

— Бўлмаса нима?

— Нотўғри гап.

— ...

— Нотўғри гап! — такрорлади Худбинов, — тўғриси — бурга тепди!

— Эсладим, «чивин тепди» нотўғри.

Худбинов чиқиб кетди.

Йўқ. Кетмади. Ҳануз остонада турибди. Пешонасини қашиб:

— Келишдик, — деди. — Сиз янглишиб нотўғри гап айтдингиз.

— Шундоқ.

— Янглишиб айтган нотўғри гапингизни сўнг тан олдингиз.

— Шундоқ.

— Энди... (пешонасини қашиб олди яна.) Энди келинг: сиз янглишиб айтган нотўғри гапингизни... чивин тепди деганингизни... тўғри дейлик!

— Нега? — ажабланди Одиллов. — Йўқ, бу нотўғри. («Нималар бўляпти ўзи? Мендан не истайди бу одам?»)

Худбинов:

— Тўғри денг буням!

— Йўқ, бу нотўғри, — деди Одиллов.

Хонага тепакал киши кирди ва:

— Обед! — деди.

Писанд қилмадилар уни. Тортишув давом этди.

— «Чивин тепди» ҳам тўғри! Тўғри денг! Кўнинг!

Одиллов:

— Йўқ, кўнмайман.

Худбинов:

— Менга қаранг, «чивин тепди» ўз сўзингиз!

— Тўғри, — деди Одиллов.

— «Чивин тепди»ни... ўз сўзингизни... тўғри денг...

— «Чивин тепди» нотўғри! — деди Одиллов.

Сулаймон ОБЛОҚУЛОВ. 1954 йили Бухоро областининг Шофиркон районида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. 1984 йилда «Ирода» номли ҳикоялар тўплами нашр этилган.

— Обед! — деди яна тепакал киши.

Тушликдан қайтдилар, Одиловнинг бўлмасидаги оромкурсиларга ўтирдилар.

— Метин Одилович... — қистади Худбинов, — ҳўп денг...

Таом асноси ҳам Худбинов хира пашшадай иштаҳанинг белига тепиб ғинғиллаган, ғинғиллаб-ғинғиллаб нотўғри гапни маъқуллашишга уринган, Одиловнинг асаби зўрға дош берган эди.

— Худбинов! Эпчил Худбинов!.. Жонга тегдингиз. Нотўғрига ҳўп демайман мен! — деди у туюқиб.

— Ҳўп демасангиз... ҳолим не кечади?..

— Не кечади ҳолингиз?

— Одилов! Сиз шу қадар қайсар... Олижаноб бўлмоғи керак одам!

— Тўғри. Олижаноб бўлмоғи керак одам.

— Менга...

— Сизга?..

Тортишув эртасига ҳам давом этди.

Одилов столга қапишиб ёзмоқда. Стол устидаги қўл соати ўн бирини кўрсатмоқда. Хонада — перонинг қитир-қитири...

Эшик зарб билан очилди.

— Кеча мен сизга айтувдим-ку, Одилов, «чивин тепди» деганингиз ҳам тўғри, деб. Тўғри экан, сўрадим. Отилиб кирдию ғоз турди. Жаранглатиб айтган сўзлари кенг хонанинг бурчак-бурчакларига думалаб кетди. Сингиб кетди. Зое кетди! Хонада перонинг қитир-қитиригина давом этди.

— Ким айтди? — деди Одилов бошини кўтармай. — Ким айтган бўлсаям ишонмайман. «Чивин тепди» деганим нотўғри.

— «Чивин тепди» деганингиз ҳам тўғри! — ранжиди Худбинов ва овозини пастлатди. Биласизми... ҳўп демасангиз мен бетоб бўламан...

Одилов бу гапдан ҳайратга тушмади. Ишлайверди.

— Ҳўп демасангиз мен бетоб бўламан... — такорлади Худбинов. — Мен ўлиб қолишим мумкин...

Одилов тўғри Худбиновнинг қошига келиб:

— Афсуски, ҳўп деёлмайман, — деди... — Нотўғри гапга рози бўлмайман! («Рози бўлсам...») — ортига қайтди, қўлларини орқасига қилганича дераза ёнига келиб, иягини кўтариб осмонга тикилди. Парқув булутлар орасида калтакесақдай сузаётган самолётни кўзатар экан, тинмай жавраётган

Худбиновга хаёлан, мурожаат қилди: Дўстим, мени ҳам тушунинг... рози бўлсам мен ҳам...

Дўсти эса такрор ва такрор: — ...бетоб бўламан! Бировга сўзимни ўтказолмасам, бетоб бўламан! Сўзим қандай бўлишидан қатъи назар, ўтказишим шарт! Вақти-вақти билан шундай бўлади, Одилов! Жуда қийин бўлади. Мен сўзимни одамларга ўтказиб-ўтказиб туришим лозим. Сўзим қандай бўлишидан қатъи назар, ўтказишим шарт! Сўзимни ўтказишим шарт деяпман сизга, Одилов!

— «Дўстим, биласизми, мен нега уч кун ишга чиқмадим? — унга сассиз мурожаат қилишда давом этди Одилов. — Биласиз, тобим қочди. Тобим нега қочди? Буни энди эшитасиз.» Парқув булутлардан кўзини узиб, бир-бир одим отиб, Худбиновнинг ёнига келди, унинг камзули тугмасидан ушлади ва кўзига қаттиқ тикилди:

— Рози бўлсам, мен ҳам бетоб бўламан. Уч кун ишга чиқмаганим ҳам рози бўлганим, нотўғрини тўғри деганим учун!.. Ишхонамизга бир киши келди, — товушини ўзгартириб давом этди Одилов. — Иши билан танишдим. «Тўғри!» — бу ўша ишга мен берган баҳо. Аслида бу — нотўғри эди. Қарабсизки, мен бетоб...

— Мендек экансиз! — деди Худбинов. — Йўқ, йўқ! — шу заҳотиёқ, сўзига чизиқ тортди. Сиз мендек эмассиз. Сиз менга зид кишисиз. «Ўхшаш. Орамизда ўхшашлик бор, — ўйларди Одилов ишдан сўнг серқатнов кўчада бораркан. — Орамизда ғалати ўхшашлик бор. Худбиновга... қанақа бўлишидан қатъи назар, ўз сўзи... мантиқсиз, тутуриқсиз... булар нима, қабиҳ-жирканч бўлса ҳам ўз сўзини ўтказиши муҳим. Худбинов ўз сўзини ўтказолмаса, Худбинов эмас — бетоб. Мен эса, аксинча, тўғри сўзни ёқлашим керак. Кимнинг сўзи бўлишидан қатъи назар — тўғри сўзни, фақат тўғри сўзни ёқлашим керак. Йўқса — бетобман. Ҳаётда тўғрини тўғри, нотўғрини нотўғри деб яшамоқ керак-да.»

Дўстининг бетоб бўлганлигидан Одилов ғамга ботди.

Дўстига рўҳми келиб, лекин ноилож, рўпарасидаги манзара — «Шаршара»га кўз тикиб иложсиз ўтирган эди, бўлмасининг эшиги очилди — Гиргиттон кирди.

Гиргиттонни яши билмайсиз. У парвона, у гиргиттон.

Кимнинг гирдидан у гиргиттон! Курсиси зўрлар гирдидан у гир-

гиттон. Муштуми зўрлар гирдидан у гиргиттон. Аблаҳлар, ифлослар (агар улар ҳам мансабдор бўлсалар) гирдидан у гиргиттон. У, айниса, зўрларнинг зўрига қўл. Худбинов шундай зўрлардан. У Худбиновга қўл. У Одиловнинг ҳам курсисига қўл. Лекин Одиловнинг курсисидан Худбиновнинг курсиси зўрроқ.

Гиргиттон эшикдан кираркан, Одиловнинг ғуссали кайфиятини кўриб шашти қайтди. Гангиди. Одиловнинг кўзлари деворда. Ичдан титрапти. «Шаршара»дан кўз узмайди. Гиргиттон тик ҳолича узоқ туриб, ниҳоят креслога кўнди:

— Метин Одилович...

Гиргиттон гап чайнаганча тураверсин. Биз Метин Одиловичнинг бир «қусур»ини айтгайлик: унга жиззакилик бегона. Қақшаб гапирётган Гиргиттонга қиё ҳам боқмайди.

Гиргиттон савол берди. Саволи жавобсиз қолди.

— ...Метин Одилович дейман... — «Сени чақиряпман, тутуриқсиз...» — Эшитгандирсиз, Худбинов уйда бетоб ётганмиш.

Одилов Гиргиттонга қаради:

— Эшитдим.

Ишдан сўнг улар Худбиновнинг хонадонига йўл олдилар. Йўлда Одилов, Худбинов билан орамизда юз бермиш «жанжаллар ҳикояти»ни Гиргиттонга батафсил — у бир чеккасини эшитган эди — сўзлаб берсам-чи? — деган фикрга келди. Бошлари узра заъфарон япроқлар учмоқда, шляпаларига кўнмоқда, елкаларига урилиб-сурилиб йўлкага тушмоқда. Йўлак — сап-сарик поёндоз.

Сўзланди-тингланди. Гиргиттон кулди. Кулдию сийрак қошлари чимирилди — кулгисини йиғиштирди. Ўйланиб қолди. Кейин:

— Ҳаёт қизиқ. Ҳаётда зиддиятли онлар мўл. Зиддиятли онларда... — деб қўйди.

Жим кетдилар. Йўлакни сув босган экан, айланиб ўтдилар.

— Зиддиятли онларда... Эпчил Худбинов оғир аҳволда ётганида... Сиз унга ҳўп...

— Йўқ, — чўрт кесди Одилов.

— Ҳолатингизни тушуниб турибман, тўғри! — давом этди Гиргиттон товушини бир кўтариб, бир тушириб. — Тўғри! Сизга қийин, Лекин, дўстингиз оғир аҳволда ётганида унга майли денг! Ҳўп денг!

— Йўқ.

— Ҳўп десангиз у ўз ҳолига

қайтар эди. Албатта қайтар эди. Лекин сиз...

«Лекин мен... розиман, бўпти, розиман. Худбиновга хўп дейман...— Одилов кўнгилчанликка берилди...— оғирликни ўз бўйнимга оламан... У соғаяди... ўз ҳолига қайтади... Мен... майли, бетоб бўлсам мен бўлай! Дўстим учун захар ютай! Эътиқодим-чи?.. Ундан ҳам кечай! Қурбон бўлай!»

— Лекин сиз... Номард экансиз. Йўқ, сиз бетоб бўласиз... Бетобланасиз-да... Бечорагина. Сизга ҳам қийин. Менга қаранг, Одилов!— аччиқ шивирлади Гиргиттон.— Одамсиз ўзи?

— «Номардман. Номард бўлмасам — кўнгилчанлик қиламанми? Йў-ўқ, бунақаси кетмайди...— ўзига кела бошлади Одилов.— Асло, асло йўл қўймайман бунга!» Серқатнов кўчани кесиб ўта бошладилар.

— Одам деган бундай...— Гиргиттон ҳамон жаврарди.— Дунёда

олижаноблик деган нарсалар ҳам бор-ку, Одилов! Тўхтаг, машина. Юрдик... ё бунақа нарсалардан сиз... беҳабармисиз? Нега индамайсиз?

Одилов жим, фақат ичида гапиряпти. Иккиланяпти.

— «Ахир Худбинов сени нотўғри ишдан қайтарди! (Яна кўнгилчанлик...) Қайтардим нотўғридан? Қайтарди! Яхшилигини унутма! Майли де! Унга ён бос!.. Йўқ,— эътироз қиляпти бўлак тўғу — нотўғридан қайтарган бўлса ўзига! Тўғрилиқдан қайтма! Қани, — ҳамшағи тўғри сўзингни...»

— Тўғри, олижаноблик деган нарсалар ҳам бор. Олий олижаноблик — тўғрилик! Тўғри сўз! Тўғри сўздан қайтмайман!— Одилов шундай дедию беихтиёр одимини тезлатди.

«Тўғри гапи ҳам курсин! — деб ўйлади яна шу заҳотиёқ, алланечук юраги зирқираб. — Нотўғри гапи ҳам курсин! Агар одамга шулар

дилзорлик келтирадиган бўлса!»

«Йўқ, йўқ! Бу нотўғри гап!»

Бошида айланган бу нотўғрини... қувиб юборган бўлди.

Гиргиттон таққа тўхтади. Одилов кетаётди. Одиловнинг ордидан Гиргиттон унга эшиттириб:

«Худбинсан, Одилов!»— деди. Одилов эшитдию ёқасини ушлади: «Мен?.. Мен-а? Худбинманми? Бу нотўғри гап!»

Кетаверди.

Худбиновнинг хонадонига, уни беҳбудликка қақриш (яхшилик сари йўналтириш учун)— бир ўзи, энди бир ўзи кетаверди!

Лузумсиз ўйларни бошидан чиқариб қувди. Ўзини босиб олди. Керакли нарсани ўйлади: «Дўстим Худбиновни...»

Дўсти Худбиновни ва у тоифадагиларни ўзларининг худбинликларини залолатидан қутқармоқчи...

Одиловнинг тилаги шундай эди.

Ёнма - ён

Улар трамвайда, ёнма-ён.

Ёзган иншолари натижасини эшитгани университетга боришяпти.

Бир-бирини танимайди. Ҳеч кутилмаганда айтишиб, бир-бирига сапчиб, жиққамушт бўлиб қолдилар.

Ташашяпти... Тортишяпти...

Трамвай университетга келиб тўхтади, тушдилар. Дарҳол ярашиб олишган кўринишади: гаплаша-сўзлаша ҳашаматли бино сари юрдилар.

Иккови яна ёнма-ён: коридорнинг адоғида, дераза олдида бири жилмайган, бири маъюс.

— Жанжал учун раҳмат!— деди бири иккинчисига.

— Жанжал?— ажабланди иккинчиси.— Трамвайдаги жанжал учунми?

— Ҳа, ўша жанжал учун раҳмат!

— Нега?

— Бу жанжал менга бахт келтирди.

— Қандай қилиб?

— Трамвай ойнасидан кўчани кузатиб келаётган эдим. Одатдагидек, турфа ўйлар хаёлимдан ўтаверди. Шундай бир нақл ҳам:

«Йиғининг кулгиси ҳам бор!» нақли... «Тўхта-чи, йиғининг кулгиси бўлса, кўраин-чи»,— дедим. Бир йиғлайин-чи...

Трамвай бораётди: тақа-туқ, тақа-туқ... «Ҳозир йиғласам,— университетга борганда, баҳомни эшитиб куламан»,— дедим.

Қандай йиғлай?— деб ўйланиб қолдим.

Трамвай ойнасидан кўз узиб ёнимга... сенга қарадим. «Қандай йиғлай?» дегандай қарадим.

— Шунда мен оёғингни босдим!

— Балли, Дилхун. Шунда сен оёғингни босдинг. Хумпар! Ёмон босдинг оёқни. «Оёқни эздинг-ку!» дедиму тумшўғинга солдим.

— Туширдим мен ҳам.

— Бўлди ур-йиқит... Бетимни чангаллаганча энгашдим,— бетини чангаллаганча энгашиб кўрсатди Дилхун.— Шу аллозда турибман,— шу аллозда туриб сўзини давом эттирди у.— Бетимни шундай ушлаганман. Чангалимдан қон сизяпти. Анор сиққандек. Хумпар! Сен хумпар, ёмон туширдинг-да. Лекин айни муддао. Жанжал қизиди. Дилим вайрон. Кўнглим хуфтон. Йиғладим. Аччиқ-аччиқ йиғла-

дим. Сўнг,— давом этди у,— йиғлаб трамвайдан тушаётсам, тушаётиб сенга қарасам...

— Шунда мен ҳам...

— Балли, Дилхун. Шунда сен ҳам... Нега йиғладинг сен ҳам шунда?..

— Трамвайдан тушаётибми?

— Ҳа.

— Болалик,— кулди Дилхун...

— Университетга келдик,— давом этди Дилхун, сен баҳомни эшитдинг-да, маъюс тортинг. Мен баҳомни эшитдим-да, кулиб турдим. Шу тарзда мана... Ҳаёт ғаройиб-да... Жанжаллашмасам, Дилхун, дилим хуфтон бўлмас эди. Дилим хуфтон бўлмаса, йиғламас эдим. Йиғламасам, ёзган иншоим беш баҳо олмас эди. Бинобарин, ҳозир бу ерда тиржайиб турмас эдим. Ҳаёт дейдилар бунди. Зиддиятлар дунёси. Бу чархи кажрафторда оқу қора доим ёнма-ён! Нафосат билан тўнка доим ёнма-ён! Эзгулик билан ёвузлик, яхши билан ёмон, калвак ва дониш, виждон ва жигилдон... бу зиддиятлар ҳамша ёнма-ён! Қисқаси жанжал учун...

— Англадим. Менга раҳмат ай-

таётганинг боисини англадим. Жанжалимиз сенга «беш» берди. Шунинг учун менга раҳмат айтяпсан. Лекин менга-чи? Бу жанжал менга нима берди? Нега мен «беш» олмадим??

— Сен «беш» олмадинг?— деди Дилхуш,— неччи олдинг?

— Биласан-ку.

— Биламан...— деди жиддийлашиб Дилхуш.— Сен «икки» олдинг. Сен «беш» олмадинг...— Сенинг «беш»инг қани? Сенинг «беш»инг йўқ. Сенинг кулгинг қани? Сенинг кулгинг йўқ. Нега сен «беш» олмадинг? Сигаретдан ол... «Беш» олмаганинга сабаб шуки, иншони ёмон ёзгансан.

— Бўлиши мумкин,— деди Дилхуш.— Лекин жанжал-чи?

— Жанжал? Яхши бўлди.

— Бу жанжал сенга «беш» баҳо берди. Бахт берди. Лекин менга нима берди деяпман? Ахир у икковимизники-ку? Нега у сенга бахт тутказди-ю, менга йўқ?

Дилхуш ҳайрон бўлди.

— Икковимизники? Жанжалми? Тавба... Бу жанжал меники! Ахир ким «қандай йиғлай?» деб сенга қаради? Жанжални мен кўзгаб эдим!

— Сеники?!— Дилхун бақириб юборди.— Жанжални сен кўзгаб эдинг? Ахир ким... «Қандай йиғлай?» деб менга қараганинга, ким оёғингни босди? Мен босган эдим оёғингни.

— Сен нега босган эдинг оёғинни?

— Мен нега босган эдим оёғинни?..

— Икковининг ҳам калласига баббарвар ўша нақл келди.— Йиғининг кулгиси ҳам бор!

— Шошмайлик... ҳаёт ундоқ, ҳаёт бундоқ... Маънисига ким чуқур ета олибди, Дилхун? Биз қадар?.. Ҳеч ким етолмайди. Кел, Дилхун, яна ўзимиз...

Трамвайда келаётиб «беш» олишни кўзлабсан. Мен ҳам «беш» олишни ўйлаганман. Дуруст... Шунда сен ҳам, мен ҳам... Бир-

биримиздан беҳабар...

— Чўзмасанг-чи...

— Ҳўп. Қисқа қиламан. Шитоб айтман лекин. Трамвайда айна бир сонияда хаёлимизга дардисар фикр келди. Тўқнашдик. Беш ола-миз деб шундай қилдик. Уртўполол бўлди. Бурнимга тушир-динг... Лекин натижа ҳаёт тила-нича бўлди. Мен «беш» олдим сен «икки»...

— Ёнма-ён,— давом этди у,— «бешу икки...» яъни қувноқлиг маҳзунлик. «Рубобим тори икки-дур: Бири қувноқ, бири маҳзун Ки байтим сатри иккидур: Бири дилхуш, бири дилхун...» Бири миз Дилхуш, биримиз Дилхун Ажабланыпсанми шунга? Чархи кажрафторнинг қилмишига-я?. Ажабланма. Унга шақ келтирма Ахир биз биламиз-ку, иним, ҳаётди қувонч ва алам мудом ёнма-ён Зинҳор-базинҳор ажабланма!

Улар ёнма-ён турибдилар: бири тиржайган, бири тумшайган.

«ЗИДДИЯТЛАР ДУНЁСИ» ҲАҚИДА

Сулаймон Облоқулнинг ҳикояларини саккиз-тўққиз йилдан бери ўқиб келаман. Назаримда, Сулаймон шунча йил давомида ёзувчи сифатида айтарли ўзгармаган, ҳикояларида ҳали ҳам ўша ажабтовур синчковлик, ўша қайсар шакллар. Бу нимадан далолат беради: ўз мавзу усуллари, услубига содиқликми ё ижодий «турғунлик»ми? Аниқ бир жавоб айтолмайман.

Унинг ҳикоялари илк танишувдаёқ одамга ғалати таъсир қилади: қандайдир бир тор ҳолатларни оламшумул бўлмасида, шунга яқинроқ мавқега олиб чиқиб, тинмай синчиклай-диган, кайфият ё ўйининг сабаб-оқибатларини тинмай излай-верадиган қаҳрамонларга қандай муносабатда бўлишни билмай қоласан киши. Катта оламнинг кичкинагина бир парчасини танлаб, зўр иштиёқ билан текшираверадиган ёзувчинин, ўзидаги кенг кўнгилнинг мўъжазгина қисмини узлуксиз таҳлил қиладиган қаҳрамонларни ёқлаш-ёқламасликни билолмайсан. Бир томондан қараганда, бу усулнинг талай нозикликлари, ўзига хос заргарлиги ҳам бор: дунёни ёки қаҳрамоннинг ички оламини умумий тавсиф этишдан кўра, борлиқнинг томчи суратини, инсон кўнгилнинг кичик манзараларини, муайян ҳолатдаги туйғу-ўйларини очиб бериш маъқулроқ. Иккинчи томондан эса, фақат шунгагина суяниб қолиш талқин ва мушоҳаданинг чекланишига сабаб бўлади.

Сулаймон Облоқулов шу жиҳатдан қайсар кончиға ўхшаб кетади: катта заминнинг бир нуқтасини топган, шунинг тагида маъдан борлигини иллаган, шу нуқтадан қудуқ қазиб, тўхтамай чуқур тушиб бораверади, ҳолбуки, маъдан фақат шу бир нуқтанинг тагидагина эмас... Насрий усул маъносида бу қудуқнинг чуқурлашгани яхши, аммо унинг торлиги, тасвир ва талқиндаги маҳдудлик ҳам борки, Сулаймон бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак.

Биз Чехов ва Горькийнинг, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмаднинг ҳикоя яратиш услубларига ўрганиб қолганмиз. Адабиётнинг бош мақсади образ яратиш, образ орқали фикр айтиш дир, образ ва фикрнинг чиройли ва оригиналликка қараб бадиийлик белгиланади, баҳоланади. Лекин сўнгги йиллар адабиётда фикр айтишининг янги-янги шакллари ҳам пайдо бўлаётир, яъни сўзнинг образини яратиш, бир дақиқада кечга руҳий ҳолатнинг қиёфасини тиклаш орқали фикр айтиш ҳам расм тусига кириб бормоқдаки, биз буларни Франс Кафка, Уильям Фолкнер, Габриэл Маркес асарларидан ўрганаётган бўлсак керак. Аҳмад Аъзам, Олим Отахоновларнинг сўнгги ҳикояларида руҳий ҳолатнинг манзарасини чизиш, ш руҳий ҳолатнинг кечмишини тиклаш ва мазмунига ном бериш орқали фикр айтиш муваффақиятли чиқмоқда.

Адабиётнинг бойиши — жанрларнинг бойиши ва янгилинишида ҳам намоён бўлади. Сулаймоннинг бу ҳикоялари ўқичига ғалатиरोқ туюлиши мумкин. Чунки муаллиф фикрини оғизлар воситасида эмас (образлар ҳам бор, албатта), образлар муносабатида пайдо бўладиган кайфият-руҳий ҳолат таҳлил қилиш, мазмунини тиклаш орқали айтмоқчи. Бу маълу маънода адабиётимизда янгиликдир. Янгилик мукамал бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳар икки ҳикоянинг ҳам айтмоқчи бўлган янги гапи бор. Биринчисида одиллик билан худбинлик тўқнаганда пайдо бўладиган чақиннинг майда зарралари ва ўша зарраларнинг кўринишлари чизлади, иккинчи ҳикода эса (яна образлар иштирокида) аниқлиги ва оқилоқлик «механизми» тикланади, униси, ҳам, бунисида ҳам психологик ҳолатни таърифлаш бирин планда туради ва ҳикоялар кишининг онги ва қалбига нимада бергандек бўлади.

Аҳмад АЪЗАМ

Худойберди ТУХТАБОИ



Севара Вафо



Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат Университетининг математика факультетини тугаллаган. Айти пайтда Тошкент Политехника институтида ўқитувчи. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.

БУ ШИРИН САФРОЛАР САФОЛАРДА ЙЎҚ

Мени унутма

Тўрт фаслимда қиш оқлиги... Мени унутма,
Сабрим уйи нураб битса, тошлар гапирсин.
Тўрт хиёнат қаро туни қарғишим кутма,
Кўзларингга телба ишқим дуодай кирсин.

Тўрт фаслимда ёз иссиғи... Мени унутма,
Музлаб борса ўша соя меники эмас.
Эй чолғувчим, ёқут боғ деб чолғуинг тутма,
Тушларимдан қувилган ой, йиғлаб ўнг келмас.

Тўрт фаслимда куз дийдори... Мени унутма,
Ҳажр йўлин ўпиб ўтар соғинч мактубим.
Шу жим-жит куз этагида руҳим совутма,
Осмонингда жавохирлар — аччиқ жом тубим.

Тўрт фаслимда кўклам уйи... «Унут, қўй уни...»
Хиёнатлар қадамидан сарғайди боғлар.
Қиш уйига ўтдай кирар вафо мажнуни,
Минг битта шам тутиб ёнар кузги япроқлар.

Тўрт фаслимда қиш оқлиги... Мени унутма...

Қасида

Музликларда оқ айиқлар туллаганда,
Тоғлар аро қалдироқлар гурлаганда,
Саҳроларда туяли ер тўрлаганда,
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

Кучсиз жонлар қонин ичса оч қашқирлар,
Ёнган тарих ёнса топмай ёт кадрлар,
Илма-тешиқ қалъа бўлса эс-хотирлар,
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

Хур халойиқ тоғларига умид тўлса,
Адолатнинг юрагида журъат бўлса,
Ҳар жувоннинг этагида шерлар ўсса, —
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

Хоин парчанг зулук қўлин турса ялаб,
Алпомишлар хиёнатга турса қараб,
Лондонларинг териб юрса сассиқ алаф
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

Беланчақда эгиз боланг уришмас-а?!
Озор бермай ўпқон наҳринг юришмас-а?!
Тождорларинг чўққиларда суришмас-а?!
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

Отагинам, нур гардингни ўпайин мен,
Онагинам, зил дардингни ўпайин мен,
Тоғдай бахтни кўтаролмай ўтайин мен,
Нафасимда оғриқ бўлдинг, Она Ер!

* * *

Эй, қора қалдиғоч, ғаним уйига
Уя солиб қўйдинг ўзинг ҳам билмай,
Энди қандок асрайман сени?..

Соғинч ҳолатлари

1
Қизиган чўяндай куйдирар ҳаво,
Паришон, соч ёйиб борар бир азоб.
Севинчбахш лаҳзалар қилмангиз жафо,
Кўксимда чинқираб эрийдир Офтоб.

Ўртаниб боқади беҳад саҳролар —
Янтоқлар сезилмас баданларига.
Куйиб кетгай бунда ширин хурмолар,
Тўкилар юлдузлар ватанларига...

2
Сени бошлаб борар саратон ели —
Кичрайиб, оқариб борар бир нуқта,

Бошингдан қуюлгай соғинчлар сели —
Жодугар соғинчим, бир нафас тўхта.

Ортингга қарайсан, бир жуфт кўз ёнар,
Мужғони — қуриган қўш жилға гирён.
Соғинч саҳролари исмидан тонар,
Юрагинг қаъридан ўтгай тўрт уммон...

3

Юпатолмас сени найрангбоз кунлар,
Нега тошдай қўллар кўзингдан ўпар?...
Отнинг тепкисидай оғирдир тунлар —
Соғинч карвонлари кўзингдан ўтар.

Лаънати хўрозлар қичқирмас нега,
Қачон бизни ютиб улгурди бу тош?!
Ойнинг гардишида турар осилиб
Қизил гул қадалган узун сочли бош...

4

Соғинч довуллари тинмай гувиллар —
Кўлда лангар ташлаб турар бир кема.
Таниш сўқмоқлар-эй, жимжит ҳувиллар
Чарчадим, Рутубат ортимдан келма!

Бетоқат кемалар лангарин узгай,
Қайтадан ёришгай қоронғи қапа.
Қаҳрабо оғриқлар кўзингга сузгай —
Сўқмоқда кўринар таниш бир шарпа...

5

Чинор танасига битик битасан,
Сен, эй дайдигинам, ўжар, қув шамол:
«Руҳинг соғинчида бўлдим беқарор —
Қўлларинг учини кўрсатгил, эй ёр...»

6

Қуёш ер бағрига битадир битик:
«Салом зангор унсур, гуноҳлар тоши!
Соғинчинг дод солгай, юзлари куюк,
Қуёш — бир мажнуннинг кесилган боши...»

7

Бу аччиқ сафролар саҳроларда йўқ,
Бу ширин сафролар сафоларда йўқ.
Менинг кўзларимда чуқур, қаттол мунг —
Тиз чўккан филлардай жафоларда йўқ...

Бу нийрон сафролар ўлдиргай бир кун,
Сувилов нарғисин сўлдиргай бир кун,
Ширин сафроларни жаллод дегин сен —
Ерни лолаларга тўлдиргай бир кун...



Мовий деворлар

У ҳар тонг қалдирғочлар уя қурган хонасининг мовий деворларига битиклар битади. Деворларнинг бўйи паст, тунги соялар синади. Яна қора руҳлар ҳақида, мовий ранглар, уларнинг кучли экани ҳақида тинимсиз битиклар битади. У ўз битикларини гоҳ хиргойи қилиб, гоҳ заҳарханда кулиб, гоҳ лаблари титраб, елкалари сесканиб, гоҳ қийқириб ёзади. Узи учун ёзади, чин дўстлари қалдирғочлар учун ёзади. Гоҳида ичиб келиб, қалдирғочлари билан йиғламасдан мийиғида кулиб гаплашиб ўтиради. Ушандагина у битиклар битишдан қўлларини тияди. Қалдирғочлар ичишининг сабабини сўрайди. «Тонгда бўёқ тугаб қолган эди, шаҳарга тушдим, дардларим кўп, мовий бўёқ кам... Менга етмади... Бор фароғат шу...» Зангори ёстиғига бош қўйиб, уйқуга кетади. Тушида улкан қора чарм қўлқопли қўл ғойибдан унга баҳайбат бир тўп узатади: «Ичида ўт бор... Бу улкан замбарак ўқи сенинг Сабринг... Енида мовий булоқ кўз очади... Қанотларингни эҳтиёт қил!» дейди. У шошиб гармдори гулли пиёласига мовий булоқ сувидан тўлдириб ўша қора замбарак ўқиға битиклар битади. Кўпдан бери режалаштириб юрган асарини ёзади. Унинг битикларини қалдирғочларгина таржима қилади. Қалдирғочларни эса ҳамма тушунадиган мовий лаҳзалар келади. Мовийлик қора лаҳзаларни синдиради.

Унинг битикларида Буғдойзорнинг тилларанг шовуллаши, шаршараларнинг гувуллаши эшитилиб, жийдазор, хурмозорларнинг ширин нафаси гупуриб туради. Аёлларнинг дардли қўшиқлари ҳам бўлади унда. Олмалардан ширинлик томади, уларни одамлар ва турли қуртлар еб битиради... Кузги селларда жикқа ҳўл бўлиб, кузги хазонлар ўзларига урилиб шивирлайди: «Қадимий Севги келяпти... Севгининг порлаган кўзларида ёшми, ёмғир то мчиларими билиб бўлмайди... Йўлаклардаги сап-сарик хазонлар ҳижроннинг паришон сочлари. Улар севги йўлларини сўпуриб ўтади... Сой бўйидан Аёлларнинг дардли қўшиқлари оқади. Қайсидир ғариб кулбаларда ўша лаҳза чақалоқ туғилади... кейин бу бола ҳам бир кун мовий бўёқлар қидириб КАТТА ШАҲАРЛАРГА тушади...» «Қоп-қора замбарак тўпини зумрад заминга айлантриб юборибман-ку» — дейди У. «Энди бу боғ-роғларни оёқларинг тагида, чирпирак қилиб айлантриб юбораман. Кее-е-т-д-и-и-к...»

Тонгда кўзларини уқалаб, деворларга мовий бўёқлар етмаганини эслаб, кўнгли чўкиб, қоронғилашади. Ёзиш, битик битиш истаги кучаяди. «Ёзиш истаги ўлимдай ҳақ...» шивирлайди унинг оғриқ ичига чўккан кўзлари. Қора бўёқларда оқ пахтазорларни, теримчилар дардларини, қўшиқларим-савдогарнинг тешилган қопларидан тўкилган сариқ олтинларни, деҳқоннинг кўз жўякларидеги қизиллик — уйқусизликни, пастлаб ўтган самолётлардан тўкилган оқ ва қора илонларнинг ташлаган пўстларини тугаб қолган қора бўёқларда чиза беради. Қачонлардир оқ бўлган қалдирғочларнинг суратини ҳам бўёқ етмагани учун туннинг қўлларидан ажратиб бўлмайдиган қора қилиб чизиб қўяди...

Ой этагида

Дўст хотираси

1

Бугун йўқсан... сўзлайди ёлғон
Бор умид ёп-ёруғ Ойнинг нурида.
Унсизгина титраб гул кучган излар,
Маъюс жилмаяди бахт хузурида...

Пишқириб хотира поезди ўтар,
 Сен — вагон эзгилаб ташлаган янтоқ.
 Бугун ўт кўзингдан хиёнат ўпар,
 Бугун ўз кулбангдан кетяпсан йироқ...
 Титрагин, зулматнинг ой этаги йўқ,
 Самовий шивирлар йўлларинг тўсмас.
 Булутлардан пастда заиф руҳинг тўқ,
 Хиёнат жариди чечаклар ўсмас...
 Қоронғилик ичра ўликлар тикка
 Кириб келаверар совуқ хонангга,
 Аждарнинг оғзига ташлар хотирот,
 Хатолар мих қоқар муздай танангга,
 Улгудай севардинг мана шу Ойни,
 Йиғлардинг тонггача мактублар ёзиб.
 Май тутди кўзларин сузиб хиёнат,
 Сен кетдинг адашиб, ақлдан озиб...
 «Энди кеч...» Довуллар қоқар даричам...
 Мовий ойналарда гуллар қотади.
 Оқ ёлли тойида қийқирар болам,
 Бир даста гул тутиб тонглар отади...

2

Ажабо, ой нега ёлғон сўзлайди,
 Сен қўлинг чўзасан — муз тоғи ёнар,
 Нафасим олисдан илтгай кулбанг,
 Йирик ой нурида жуфт руҳлар қонар...
 Эски омборхона,
 Ғарам устида
 Чақалоқ чирқиллар,
 Тунни қоқ ёрар
 Бир аёл зулматга сингиб боради...

Қиз, шамол ва оқ терак


Қизнинг битта дўсти бор — Шамол. У Шамолга ишонаверади, сочларини, кўйлақларини, ҳатто қўлларини унга ишониб топширади. Шамол Қизнинг ялангоёқларида чирпирак бўлиб айланиб, кутилмаганда ғойиб бўлади, Қизни тушунмай, ёрқин юлдузлар тагида ёлғиз ташлаб кетаверади. Ёлғонни ҳақ сўз деб билади Шамол, ёлғонни тadbиркорлик деб билади, Оймомани кулдириб. Шунинг учун ёш, кибор, мевасиз дарахтлар уни яшил елпиғичлари билан елпиб «бебош» дейишади. Қиз Шамол тилини билмагани учун ранжийди, тунлари тоғларга бош олиб кетади. Қоронғи ғорларда тунаб қолади, жилғалардай йиғлайди, тошлар ҳам йиғлаб ётади. Бироқ қиз йиғисини уни қучиб турган кекса ғор ҳам эшитмайди. Тонгга яқин Шамол Уни топиб олади. Қиз яна сочлари, оқ кўйлақларини унга топширади. Азалдан шу писпадай митти оқ кўйлакли қизнинг манглайига осмон бўйидай Севги ёзилган бўлади. Шамолнинг келганини сезиб, борлигининг ярмини эгаллаб қорайган кўзлари порлаб кетади.

Яна ўша қийшайган, шамол ёмғир эгиб қўйган кулбага қайтади. Тунда Шамол уни яна тарк этиб, изғиб кетади. Қиз энди тунга чақнаб турган дарчаларини ҳам очмайди, эшикка бўлса Шамолнинг суврати солинган парда тортиб қўяди. Шамол тўкиб ўтган бегуноҳ олмалар учун тинимсиз саватлар тўқий беради. Гуноҳли, гуноҳсиз дунёнинг зим-зиё тунларида сават тўқиб, қайтмас Шамолга сиғинаверади. Кўз ёшидан ҳўл бўлган лаблари тунга пичирлайди. Бироқ энди у йиғламайди. Оғир ғам одамни йиғламас қилиб қўяди. Энди У кўпроқ кулади,

сават тўқиб кулиб ўтираверади. Шамолни соғиниб узун қўлларини кўтариб, чир айланиб рақсга тушади. Шундагина У ўзидан кетиб, сочларини қирқиб ташламоқчи бўлади, Шамолнинг қўлларини қирқиб ташламоқчи бўлади. Ёдига узун водийлар, тоғларни қучиб турган қўллар тушади. Қирқмайди сочларини...

Дайди, енгил Шамол қайтиб Қизнинг оёқларига бош уради... Қиз Уни олиб қолиш учун очиқ даричаларини дарҳол ёпиб қўяди. Шамол яна Ғойиб бўлади... Қиз кулбани тарк этади. Эшик ортидаги дарпардалар қўл чўзиб унга эргашиб қолади. Энди Қиз ўз дўстига узун қора сочларини топшириб, жарликка қараб кетади. Қоронғида бўрилларнинг увиллашлари, қушларнинг хонишларини эшитмайди. Фақат олис-олисда қора чодирга ўранган уч Аёлни кўриб қолади. Қиз уларнинг қора кўзидан, қора сўзидан Шамолнинг ёлғонидан ҳам ортиқ чўчийди. Сесканиб, қалтираб кетади. Лаблари тунга ибодат қилади, кўксига бир яшин келиб урилгандай бўлади. Қиз шовуллаган теракка айланиб қолади. Жарликда янги, тўсатдан бино бўлган ёлғиз Оқ теракни кўрган Аёллар Ортиқ қўрқиб кетганидан ўринларидан турмоқчи бўладилару ўзлари яхши жойлашиб ўтирган тошларидан туролмайдилар. Улар аллақачон тоқатга айланиб қолган эдилар. Ҳали Оқ терак ва Шамол ҳақидаги гапларни оловранг узун тилларини тиёлмай вулқон пайтида гапириб берадилар. Негадир ҳамма вулқондан ғийбатдан кўрққандек кўрқади. Табиий офат ҳам, дўзах олови ҳам дейишади...

Жарликдаги Оқ терак эса бепарво, Шамолни кутиб, тунларнинг ёйиқ паришон сочлари орасидан мени ажратиб олсин деб, оқариб, оёқ учиди дилдираб тураверади...



Ҳижрон тунларида

Бу ҳижронли тунлардан остонам кулиб ётгай,
 Сиз қайтгайсиз соғиниб, сурмаранг тонглар отгай,
 Гулдан ширинлик томиб, кўз ёшларим — дуркарвон,
 Ёрнинг дийдорин кўриб, қизаргай оловда нон...
 Севги мўъжизаси бу, нонга кулиб ўнг боқдим,
 Учоқбошида ёрим, савдойи ғамин ёқдим.
 Ҳижрон тунлари оғир остонам йиғлаб ётгай,
 Тошдевор ётоғимга тунлари ҳилол ботгай,
 Ташқарида даричам ортида узун соя —
 Гард тушмаган остонам қўриқлаб ётгай қоя...
 Из тушмаган остонам, телба кулсам қўймагил,
 Гул ўпмаган остонам, кўзларимни ўймагил,
 Йиғлай-йиғлай, остонам, сочим ёйсам ишонма,
 Ёр қайтган тун остонам, паст чўкмоқликдан тонма...
 Сояни вафо қадар бўлмас йўқотиб, қолиб,
 Қуйдирмажон севгимнинг китобин очдим ёпиб.
 Ҳижрон тунлари оғир, остонам кулиб ётгай,
 Сиз қайтгайсиз соғиниб сутрангли тонглар отгай.

Расмлар муаллифники.



Мамадали Маҳмудов

КОРА
ДУЛАНА

Қисса



— Умуман, дам олсак бўлади. Бугун ишниям тугатдим ҳисоб. Лекин чўнтак касал.

— Раҳбарликни менинг зиммамга қўйинг, уйдан пул олдим,— Нурбек «отар»га борганини яширди, зеро Алидан танбеҳ ейиши аниқ эди. Ҳу бирда у: «Отар — қобилиятни ишдан чиқаради, очкўзликка ўргатади»,— деб айтган эди Нурбекка.

— Жуда соз, мен шай бўлгунимча зерикиб қолмай-сизми?

— Йўқ.

— Мабодо зериксангиз китобларимни кўриб туришингиз мумкин,— у тўрдаги жавонга ишора қилди.

— Раҳмат.

Али аввал Маъсудага кўнғироқ қилди... Кейин соқол-мўйловини қириб, ювиниб, кийиниб олди: заъфарранг костюм, оч пушти кўйлак уни яшартириб юборди, ранг-

пар юзига қизғиш шуъла ёйилди, кўз остидаги ажинлар тарқалиб, нигоҳи меҳр ва қувончга тўлиб, тиниқ тортди.

— Кутубхонам маъқул бўлдимми? — Али тўқ пушти галстугини тузатаркан, унинг ёнига борди.

— Дуруст китобларингиз бор экан, Али ака, — Нурбек унинг шахсий кутубхонасида ўзи умрида учратмаган асарларни кўрса ҳам ўзининг саводсизлигини сезди-маслик учун шундай деди ва фикрини ривожлантиришда давом этди, — лекин Али ака, сизнинг жавонингизда Гегель, Ламеттри, Юм, Беркли, Кант каби олимларнинг китобларини кўраман, деб ўйламагандим.

— Нера?

— Диалектик материализмга ёт нарсалар эмасми булар?

— Масалани бир ёқлама тушунманг-да, қишлоқдош, Маркс, Энгельс, Лениндай материалистлар буларни бежиз ўрганишмаган. Материализмни чуқур билиш учун идеализмни теран тушуниш лозим. Қиёслашдан ҳақиқат келиб чиқади. Масалан, душманнинг кучини билмай туриб, у билан курашиб бўлмайди. Тиббиёт илмидан хабарсиз киши эса илон заҳаридан фойдаланолмайди... Шу сабабга кўра, гарчи материалист бўлсам-да, идеалистларни танқидий ўрганипман. Бу китоблар Москвада чиққан, бизнинг мутахассислар ҳам баъзи жўн нарсалар ўрнига шундай асарларни ўгиришса бўларди. Умуман, ишлашни, ўқишни, яшашни, ҳатто Ватанни севишниям руслардан ўрганиш лозим.

— Албатта, — деди Нурбек айтган гапидан пушаймон еб, — аммо ҳозир ресторанга шошмасак бўлмайди.

— Кетдик. Йўл-йўлакай Маъсудаларникига ҳам кириб ўтамиз-да. Кутиб ўтирган бўлса керак.

— Яхши.

— Маъсуда «шу таклифни бир-икки кун олдин айтмай-сизми» деб бироз оғринган бўлди, — деди у таксига ўтиргач, — лекин барибир гапимни ерда қолдирмади.

— Эсли қиз-да.

Ташқари қоронғилик туманига чулғана бошлаганида улар ажиб безаклар билан безатилган ресторанда ўтирар эдилар. Ўзига унча эътибор қилмаётган Алига ҳам, Маъсудага ҳам Муборак қандайдир рашк аралаш алам билан қараб-қараб қўярди. У қайси даврада ўтирмасин, ўзини гўзал ҳам оқила санабми ё амакисининг лавозими туфайлими, ҳар қалай, ҳурмат ва эътибор талаб этарди. Новчароқ кўриниш истагидан пошнаси бошланд туфли кийиб юрадиган бу қиз кўҳликкина, қашқўзи қора, «синтетика»га ўчроқ эди. Узун-узун киприк-лари атрофини кўкка, юпқа лабларини қизилга меъёрида, баъзан меъёридан ошириброқ бўяб оларди. Муборак Маданият институтида ўқийди. У ўз майл-истагини бўғмайдиган, кўркем ҳам уддабурон йигитга турмушга чиқишни ўйлайди. Нурбек билан шу ниятда юрибди. Бунга қисман отасининг мана бу гапи ҳам сабаб бўлган: «Амалга, пулга ўч киши ўздан кучли одамнинг ялоғини ялайди. Аммо ўздан паст кишига оёғини ялатади. Шуниси борки, бундай одам ҳеч замонда хор бўлмайди».

Давоми. Бошланиши журналнинг ўтган сониди.

«Адамларри фикрларига мос келадигани — шу, Нур, Нурбек-да, — деб ўйларди у, — бундан яхшисини кундуз кунни чироқ ёқиб қидирсанг ҳам тополмайсан. Ўзи ноёб нусха!»

Бироқ Нурбек қанча ноёб бўлмасин, унинг юрагидан жой олмаган, қиз турмушга чиқиш зарурати юзасидан унга тегаётган эди. Буни онаси — Ойсара хола ҳам тўғри деб билар, у қанча ҳалол, вафодор хотин бўлмасин, ўзининг биқик ҳаётидан келиб чиқибми ё худбин эрининг таъсирими ва ёхуд мактаб кўрмагани учунми шундай деб билар эди. Муборак унинг мана бу гапини қулоғига сирға қилиб тақиб олган: «Қиз бола балоғатга етди-ми, эрга теккани дуруст, бўлмаса танлай-танлай... қари қиз бўлиб қолади. Муҳаббат дегани бошқа, турмуш бошқа, ўзига тўқи, топармон-тутармони маъқул, ҳуснига нон ботириб ейсанми, қизим. Ахир, бизни сенга боғлаб бермаган. Қиз деган остона ҳатлаб уйдан чиқдимми, бегона деявер, қайтиб келиб аввалгидай бўлолмайди. Буни бошимдан кечирганимдан айтяпман. Менга Нурбек маъқул бўлди. Қолаверса, у ўз юртимиздан экан».

Фақат сўнги гап Муборакка ёқмасди. Ота-онаси Оққояга қўшни қишлоқдан бўлишса ҳам, у шаҳарда туғилгани учун ўзини таг-томирли тошкентлик деб ўйларди. Қишлоқдан қариндош-уруғлари келишса, Муборак улар билан қўл учиди сўрашар ва сездирмасдан бурнини жийриб қўярди. Баъзан тилини тия олмас, ҳатто онасини ҳам «қишлоқи» деб калака қиларди. Ўзи Тошкент шевасини русчага қориштириб гапирар, энди танишаётганлари билан эса рус тилида сўзлашар эди.

— Бу қишлоқларийиззи қаттан топтийиз ўзи? — Муборак Нурбекнинг қулоғига алам билан шивирлади, — рассом бўлса ўзига-де. Чирангани билан классик бўлармиди? Ёнидаги ойимчям Алла Пугачевадек бўлолмайди. Яна уялмай-нетмай «ажойиб овози бор» дейсиз-а?! Тфу! Алмисоқдан қолган рассом билан хонандалар ҳақида баҳслашишлари жонимга тегди. Подумаешь?! Бунақада гарс ёрилиб ўламан. Ресторанга яйрайман деб келади, что за глупости?

— Шуларга эътибор бериб ўтирибсизми? — Нурбек тилёғламалик билан мингирлади, — сизни мен ҳар доимгидай юксакда кўришни истайман. — У Муборакнинг малла ранга бўялган сочини силади. Дастлабки пайтларда Муборак унга дурустгинадай кўринган эди. Бироқ уни яқиндан билиб бургани сайин, назарида, хунуклаша борди. Балки бунга Муборакнинг инжиқ ва худбин феъли сабаб бўлгандир? Яна ким билади.

Қиз мактовни тўғри тушунди. Лекин бу гал кибр билан сукут сақлаб эътибор қозонишига кўзи етмади. Али билан Маъсуда олифтага олифта, камтарга камтар кишилар тоифасидан эди. Шунданми, Муборак ўткир қадаҳ сўз айтиб, уларни ўзига асир этмоқчи бўлди.

— Мен тост айтмоқчиман, Нур! — Қиз кибр-ҳаво билан «ВТ» тутунини сичқон думидай ингичка қилиб оғзидан чиқарди. Шунда чиройли лаблари буришиб кетди.

Нурбек қадаҳларни тўлдирди ва Муборакка сўз берди:

— Мен ўзбекчага нўноқман. Русча ўқиганман-де. Алининг: «Хоҳлаган тилда гапиринг, фақат тилларни лойғасомон аралаштиргандай қориштирманг, бу иккала тилга ҳурматсизлик бўлади», — дегиси келди-ю, қовушмаётган ўтиришни баттар бузмаслик учун ўзини тийди.

Маъсуда: «Ўз тилини қадрига етмаган одам, бошқа тилнинг қадрига етармиди?» — деди ичиди куюниб.

Ниҳоят, гапни-гапга қўшмай, қулоқларни кар этар даражада варанглаётган мусиқа тинди.

— Бир донишманд аввал гадога, сўнг касалга, ахийри соппа-соғ кишига: «Бахт нима ўзи?» — деб савол беради. Гадо дейди: «Бахт бойликдир». Касал дейди:

«Бахт — соғлиқда». Соғ дейди: «Бахт — дўстликда». Келинлар, бу қадахни бойлик, соғлиқ, дўстлик ҳамроҳимиз бўлиши учун ичамиз!

— Қойил, дўстим, қойил! Теран фалсафий фикр айтдингиз! — Нурбек Муборакнинг қўлини сиқди.

Маъсуда унинг овозида меҳрибонлик тўнига ўралган мазах оҳанги яширинлигини пайқади ва ҳурматталаб қизга ич-ичидан ачинди. «Ўзига ортиқ бино қўйганидан Нурбекнинг пичингини англамади, — деб ўйлади у, — одамлардан узилиб қолгандан кейин шу-да. Нурбек чатоқ одамга ўхшайди-ку, гарчи ўзига ёқмасаям анавини мақтаяпти-я! Тавба. Ўзини баланд олаётган манави қизни ҳалокатга гирифтор этмаса гўрга эди!»

Қадаҳлар бўшади. Шу аснода даврага Амрулла келиб қўшилди. Салом-аликлардан сўнг Нурбек: «Боришим гумон деганингизга буларни таклиф этувдим», — дея шивирлади.

— Хотинни биласиз-ку! Мочағарни зўрға алдаб, уйдан чиқдим-да, — деди Амрулла унга тақлидан паст товушда.

— Ёлғиз келганингиз чакки бўлибди.

— Э, сиз билан бизга қиз қаҳатми? — У илжайганча ён чўнтагидан дафтарча олди. — Бунинг ичи тўла қиз.

— Келин кўриб қолса нима дейди?

— Минг марта кўрган, ақли етмайди, эркакча номларни қалаштириб ташлаганман. Оти Райҳон бўлса, Раззоқ ё Рихард деб қўйганмиз.

— Э, қойил-э! — Нурбекнинг юзига сохта табассум ёйилди. Ичиди эса: «Биздан қолган найранглар бу», деди. Кейин илова қилди: — Дарҳол бирортасига сим қоқинг. Ҳали-замон танца бошланади, — у ярим-яланғоч қизларга суқ билан қараб қўйди, — боринг.

— Ҳозир-дэ, ока, ҳозир, — Амрулла ўрнидан туриб, гилам тўшалган мрамар зиналардан югуриб пастга тушиб кетди. Анчадан сўнг сочлари сариқ, кўзлари мовий бир қиз билан қайтди. Исми Марта экан. Танишганлари учун ичишди. Муборак Марта томонга сурилиб, шивиршивирни бошлаб юборди.

Қадаҳлар жиринг-жиринг ётсираш пардасини кўтарди. Музика ҳам бошқача таъсир эта бошлади. Муборак билан Мартанинг бошлари мусиқага мос чайқаларди. Бошқа даврадагилар буларга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қараб қўйишар, баъзи йигитлар қизларга яширинча кўз қиснардир.

Али тўғма синчков бўлганидан ҳаммасини сезиб, кўриб турибди. Унинг ўйчан, ўткир нигоҳи ресторан тўридаги оқ устунлар тагида, узун стол атрофида ичишиб, чекишиб, ўпишиб, қучоқлашиб ўтиришган ёшларга қадалди: «Афтидан, улар пулдор кимсаларнинг фарзандлари, — деди ичиди Али, — ҳаммаси сояда ўсгандай нозик-ниҳол, юзларида қон йўқ, рангпар. Ун саккиз-йигирма ёшга кириб-кирмаган бу сатанглар ойна олдида соатлаб ўтириб, ташқи кўринишларига зеб беришса керак. Аммо ички дунёлари билан ишлари йўқ. Уларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳам, гап-сўзларидан ҳам, уст-бошларию ўзларини тутишларидан ҳам ғарбга сажда қилишлари кўриниб турибди. Ота-оналари индашмасмикан-а?! Балки бизнинг давримизда ўйнаб олишин деб атай эрк бериб қўйишгандир? Қизларга ачинаман. Ҳали она сути оғизларидан кетмай туриб, бўёқ-сўёққа мунча ружу қўйишган, а?! Қани булардаги табиий ҳусн?! Сочларини йигитчасига қирқтириб, сариқ ранга бўятиб олганига ўлайми? Вой, гўдаклар-эй! Бу кетишда узоққа боришмайди. Тезда қизлик латофатини йўқотиб қўйишади. Ўзи, Леонардо да Винчининг ял-ял ёнган ёшлик ҳусни ортиқча пардоз-андоз туфайли гуллаган пайтдаёқ хазон бўлади, деган гапида жон бор экан-да.

Жон-жаҳди билан рақсга тушаётган анави қизча ҳам

шу даврадан бўлса керак: қурмагур жуда сулув экан. Ҳали ўн саккизга ҳам чиқмаган. Қани энди уни тўғри йўлга солиб юборсанг! Лекин у сенинг гапингни бир тийинга ҳам олмайди-да. Гарчи шундай бўлса-да, унинг шу такрорланмас латофатини, телбавор шу рақсини ифода этса-чи?! — Али ҳеч кутилмаганда хаёлига келган фикрдан севинди. Гўзаллик ўткинчи бўлса-да ўлмас туйғулар уйғотади! — Алининг кўзлари чақнади. — Уткинчи гўзаллик! Уткинчи чирой!»

— Тоza бўяниб олишибдими? — деди Маъсуда Алининг фикрини уққандай ёшларга ачиниб қараб.

— Тоza, — деди Али хафа бўлиб.

— Менимча, дунёдаги энг донғи чиққан косметика шифохонаси ҳам одамнинг ташқи кўринишини, хусусан, юз-кўзини ўз юрагичалик ўзгартиролмайди.

— Агар юраги қашшоқ бўлса-чи?

— Қашшоқ юрак юз-кўзини ҳам, гап-сўзини ҳам қашшоқ қилиб кўрсатади-да, Али ака. Бунинг учун ақлий, руҳий тарбия билан шуғулланиш керак, деб ўйлайман. Бадантарбия билан шуғулланишни кўпчилик билади, аммо қалб, руҳ машини эсидан чиқариб қўйишади.

Сочлари қулоқларини беркитиб елкаларига, мўйловлари иякларига осилиб тушган, кўринишдан кўркам, аммо қарашлари совуқ икки йигит келиб қизларни рақсга таклиф этишди. Али билан Маъсуданинг гапи узилди. Али мўйловлиларга ёқтирмай қаради. «Маданиятсизлар! — деди ичида ижирғаниб, — жуфт-жуфт ўтирганмизни кўра-билатуриб шундай қилишди-я! Айб қизларда-да: йигитинг билан келдингми, жилпангламай ўтир!»

Қизлар «йигитларимиздан рухсат олинглар» деган маънода имо қилишди. Улар Нурбек билан Амруллага мурожаат этишди. Амрулла Нурбекка саволомуз қаради. Нурбек мўйловларнинг вазоҳатларидан чўчиб, ҳам қизларнинг хоҳишларига кўра майли дейишдан бошқа илож топмади. Али билан Маъсуда ҳам танцага тушиб кетишди.

— Яхшигина овози бор-да бу қизчанинг, — деди яланиб Амрулла. — Ички бир дард билан куйлайди. «Тановор»ни айтганда, Хосият йиғлаганини ўз кўзим билан кўрганман. Улгурни ҳусниям чаккимас. Уни Муборақдай сулув деб бўлмайди, аммо жозибали қурмагур. Юзида билиниб-билимай турган сепкиллари ҳам ўзига жа ярашиб турибди. Қирмизи лабларини айтмайсизми? Эҳ, унинг кўзлари... бундай кўзларни умримда учратмаганман. Кўзларига тубсиз маъно, севги, вафо яшириниб ётгандай, а? Оёқ, бел, елкаларига бир қаранг, қандай гўзал!

— Лекин бу қиз сил-да, дўстим, ҳалиги, нимаиди... яширин — юкмайдиганидан. Биринчи касалхонада уч ой даволаниб чиққан, Қримга ҳам бориб келган, — деди Нурбек Амрулланинг гапини бўлиб. Бироқ унинг икки кўзи Муборақда эди. Муборақ мўйловнинг бўйнидан қучган кўйи гапига қулоқ тутяпти, гоҳо ўзи ҳам алланима деб кулиб қўяяпти. Нурбекиннг ранг-қути ўчди.

— Шунга овози дардли экан-да, — Амрулла лоақал Марта томонга қайрилиб ҳам қарамади, — рассомингизни севиб қолганми дейман.

— Иккови ҳам бир-бирини телбаларча севишади. Али Маъсуданинг «Оппоқ булут» қўшиғини баъзан тинмай қўяди. Ашулалари пластинкаларга ёзилганини ўзингизам биласиз-ку. Баъзан Алидан: «Сил. Юқади. Нима қиласиз уни?» — деб сўраб қоламан. У бўлса: «Майли юқсаям, майли қон қусиб ўлсамам», — дейди. Бизнинг асримизда Тоҳир-Зухранинг қайта тирилиши ғалати-да! «Оппоқ булут» мунгли қўшиқ, Алига бағишланган. Шунданми, жуда таъсирли чиққан. Э, дўстим, мен умримда бундоқ севгига дуч келмаганман!

Амрулла Нурбекиннг ғамгин бир тарзда юракдан гапиришини биринчи марта кўриши эди. Унга меҳри ийиб, «Э, оғайни, сиз билан биз ҳам ҳали бунақа севгиларга дуч келамиз», дегиси келди. Аммо танца тугади. Али билан қизлар қайтишди.

— Энди, бировлар билан танцага тушмасиз, дўст! — дея кесатди Нурбек ғазабини ичига ютиб. Лекин овози қалтираб чиқди.

— Вуй, деревеншина¹-эй, — деди Муборақ унинг рашк қилаётганидан ҳам суюниб, ҳам хафа бўлиб, — қош-қовоқлари шундан осилган экан-да, а? — У бепи-сандлик билан истеҳзоли кулди, — вот, да тебе². Мени у галварс еб қўядими? Узийиз биласиз, мен эркин одамман, — энди у Нурбек эшитар даражада пичирлаб сўзлашга ўтди, — кўнглимга қулоқ соламан. Аммо сизга хиёнат этмайман. Фақат қишлоқлийиззи ташанг, артистчам.

Нурбек унинг оғзи-бурни аралаш шапалоқ тортгиси келди-ю, ўзини тутди. «Чидашга тўғри келади, — дея кўнглидан ўтказди у, — қасоскор дунё бу».

Жуфтлар кетма-кет «шейк»ка тушдилар. Али Маъсуда билан Али чиқишмади. Даврадошлар бошларини ликиллаб, кифтларини қоқиб, қошларини учириб, оғизларини очиб, қўлларини ёйиб, кўтариб, чайқалиб-чайқалиб ўйнай бошлашди.

— Ҳозир бирам ўзимизнинг рақсимизга тушгим кел-яптики, асти сўраманг! — деди Маъсуда армон билан.

— Ҳозир-да, Маъсу, ҳозир, — Али чўнтагини қовлаб, ўрнидан қўзғалди.

— Йўқ, қўйинг, Али ака, — Маъсуда Алининг қўлидан тутиб, рад этди, — сўзиниям, оҳангиниям бузиб айтишадди.

— Шуниси ачинарли-да. Яна қаерда — қоқ марказда. Уйлаб қарасам, бирор ресторанда қойилмақом қилиб чалинган куйимизни эшитмаган эканман. Нуқул хорижий қўшиқлар...

Музыка тинди.

— Жа, мазза қилдик-да, — деди жойига ўтираркан, иршайиб Амрулла. Аммо унинг кимга қарата гапиргани номаълум эди. У тонгда очилган гул янглиғ яшнаб ўтирган Маъсудага ўғринча қараб қўйди, холос. Бунга Али кўрмаса ҳам савқи табиий тарзда ҳис этди. Шун пайт озғин бир қиз Алла Пугачевага тақлид қилган ҳолда ашула бошлаб юборди. Икки мўйловли яна қизларни илиб кетишди.

— Нима қияпти бу найовлар? Бир уриб коптов қип учирворайми? — дея чиранди Амрулла ва сўнг тавозе билан Маъсудани рақсга таклиф этди. Маъсуда давра ҳурмати учун рози бўлди.

— Қуш «пир» этса, юраги «шир» этади-ю, мақтанишини қара, — деди Нурбек ижирғаниб. — Шаҳарликларнинг ҳаммасиям бир гўр — қуруқ!

— Одам дегани ҳаммани ўз қаричи билан ўлчамайди-да! — Алининг ранг-қути ўчди, — Абдулла Қодирий-дек одам қаерлик? Ойбек-чи? Маҳаллийчилик — ёмон иллат, кўп ишларда пойимизни қирқяпти.

Шундан кейин давра совий бошлади. Улар ҳисоб-ки-тоб қилишди-да, ташқарига чиқишди. Ҳалиги икки мўйлов ҳам эргашди. Аммо натижа чиқмаслигини сезиб, изларига қайтишди.

Хайр-маъзурдан кейин Али билан Маъсуда метрога тушиб кетишди. Қолганлар Амрулланинг қаймоқранг «Жигули»сига ўтирдилар.

¹ — Қишлоқи демоқчи.

² — Мана сенга.

— Аввал Муборакхонни кузатиб қўямизда-а? — Амрулла Нурбекка ялтоқона товусда мурожаат этди.

— Да-да, Амрулчик, — Муборак Нурбекнинг ўрнига жавоб бераркан, унинг пинжига тиқилиб олди, — сов-қотдим, артистчам.

— Тушамиз! — Нурбек «Профессорлар шаҳарчаси»-да «Жигули»ни тўхтати ва хайр-хўшдан кейин Муборакни қўлтиқлаб олди. Ҳаво совуқ, майда-майда ёмғир ёғмоқда. Муборак японча зонтигини очди. Нурбек уни ўз қўлига олишни унутиб, серҳашам уйларга ҳавасу ҳасад билан тикилиб бормоқда эди.

«Данғиллама уйлар-а! — беихтиёр кўнглидан ўтказди Нурбек, — лекин барибир гуржи ё арманнинг пишиқ-ғиштдан қурилган икки-уч қаватли уйлари олдида эп эшолмайди. Уёқда бир қаватли иморатни топиш қийин, бизда икки қаватлини... Агар шундай уйинг бўлса, то Москвагача ёзишади... Деҳқонларимиз-ку, лойсувоқ уйларда, ҳатто полсиз уйларда яшаяптилар, мана бу бинолар олдида улар ертўладай гап... Тагин буларнинг соясалқин жойларда дачалари, «Жигули», «Волгалариям бор. Маза-маза шуларга маза! — Нурбек армон билан ютинди, — отамнинг айтишича, бобомнинг ўнта қўйи билан қўш ҳўкизи бўлгани учун уни Украинага қулоқ қилишган экан. Хўп замонлар бўлган-да... Мен умримда бирон академик ё министрнинг боласи ишчи ё колхозчи бўлиб ишлаётганини кўрмадим. Бўлмадим дегани бир амални эгаллайди... Уларга алоҳида поликлиника хизмат қилади, алоҳида касалхона... ҳатто алоҳида қабристон... зўр-а! Қандларини урсинлар! Яшашни биладилар!»

— Қишлоқлийизга борма, зонтикин олсайиз-чи? — деди зарда билан Муборак, — уж, руки болят.

— Узр дўстим, узр, келажагимиз ҳақида ўйлаб кетибман.

Ёмғир кучайди. Улар қадамларини тезлатиб, Муборакларниқига етиб олишди.

— Нурик, тезлаштирмасайиз бўлмайди, — деди Муборак унинг бўйнига эркалик аралаш гинахонлик билан осилиб, — адамла бетобла. Ракми дейман, овқатланолмаяпти, ўзбекча айтганда, қилтамоқ шекилли.

— Йигирма кун муҳлат беринг, дўстим.

— Яхши, Нур, — Муборак катта кўк дарвоза эшигини қия очди, — эҳтиёт бўлиб кетинг-а.

— Безовта бўлманг, мен тоғ одамиман, — у қизга шамсияни узатди, — мен эртага тонгда қишлоққа кетаман.

— Яхши, Нур!

Упишиб хайрлашдилар.

Нурбек юрагида заррача армон қолмасин учун ўн кеча-ўн кундуз уйдан эшикка чиқмади: куй-қўшиқ остида пича-пича коньяк ичиб, тухум, гоҳо товук, гоҳ қўй гўшти еб, Шириннинг кўнглини олди.

Тоғдан чўлга учган қушдек учиб ўн кун ўтди.

«Энг гўзал қиз билан ҳам узоқ бирга бўлсанг, кўз олдингда у малоҳатини йўқотиб қўяркан, — деб ўйлади Нурбек, — шундоқ экан, сулувга уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима? Қайтага уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима? Қайтага уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима? Қайтага уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима? Қайтага уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима? Қайтага уйландинг нима-ю, ўр-тачасига уйландинг нима?»

Аслида кўнглинга ёққанига, сулувига уйланди-нингга нима етсин? Сулув нарса вақтинча жонингга тек-кани билан анча кўрмай кейин кўрсанг, тагин у аввал-гай гўзал бўлиб кўринаваради кўзингга. Шундай экан, Ширинни бутунлай қўлдан чиқариб юбормагани маъ-қул. Аммо?...»

Нурбек илгаридан ўйлаб қўйган режаларини амалга

ошира бошлади... У бу қадар қабиҳликка бормас эди-ю, «Фалакат босиб, Муборак сезиб қолса шарманда бўламан», деган ўйда шундай қилди. У ҳаммадан, ҳамма нарсадан ўзини яхши кўрар эди. Одатда, бундай киши ўз йўлига тўғаноқ бўлган нарсаларни олиб ташлаш учун ҳатто жирканч ишлар қилишдан ҳам қайтмайди. Ута худ-бинлик кишини қабиҳликка, ҳатто қотилликка гирифтор қилиши мумкин.

Нурбек келишувга биноан шом қуйилган маҳалда Ширинни Чилонзорга — Зоя Николаевна деган сўққабош акушер-врачнинг уйига олиб борди. Оврўпа усулида пи-шиқ ғиштдан қурилган кўркама уй озодалиги билан Ширинга ёқди. Иш битгунча... Нурбек ҳовли тўрида — боғ-да сандирақлаб юрди. Зоя Николаевна ёши бир жойга борган аёл бўлиб, дунёда тоқ ўтаётган эди. Унинг қарашларию чўзиқ ва рангпар юзида қандайдир армон, аламзадалик яшириниб ётганга ўхшарди.

Нурбек унга: «Кўндиргунча она сутим оғзимга келган, ошиқча гап-сўз қилмай олиб ташлайсиз-да, Зоя Николаевна», деб ўтинган эди. Шунга қарамай Зоя Николаевна Ширинга синовчан боқиб, уни оғохлантирди:

— Қизгина: умр бўйи фарзанд кўрмаслигингиз мумкин, бу биринчи аборт.

Шириннинг вужуди музлади. «Мени алдапти-да, — деб ўйлади, — йўқ, балки, атайлаб кўрқитаётгандир? Ҳар нечук, фарзанд кўрмайсан, демай, кўрмаслигингиз мумкин, деяпти-ку. Қолаверса, у, зўр профессор танишим бор, туғмас хотинларниям туғдиради, девди. «Эшимнинг қизи эрга тегмай бўғоз бўпти», дегандан кўра кўнганим тузук».

— Пешонамдан кўраман, — деди ниҳоят.

— Узинг биласан, — Зоя Николаевнанинг юзи тиришди, — бўлмас тилхат ёзиб бер.

— Нима деб ёзай?

— Уз хоҳишим билан... деган маънода, қизгина, шуниям билмайсанми?

— Умримда тилхат ёзмаган бўлсам... — Ширин қизарди.

Зоя Николаевна қўшни хонадан қалам-қоғоз олиб келиб Ширинга берди. Ширин озода столга яқинроқ суртилди ва:

— Ўзбекчалаб ёзсам майлими? — деб сўради.

— Йўқ.

— Русча ёzolмайман-да.

— Унни битирганмисан ўзи?

— Ҳа.

— Ун йил ўқиб билмайсанми?

— Ҳато ёзаман-да, опа, қишлоқда ўқиганман, яна ҳар йили ўқиш маҳали етти-саккиз ой пахтада ишлаганман, опа.

— Баҳона бу, қизгина. Қаерда ўқисангам, ўзингга боғлади. Юриш дега!.. — Зоя Николаевна атайлаб гапини тугатмади ва иёл сукутдан сўнг давом этди, — ёз, мен айтиб тураман.

— Мейли, — Шириннинг аъзойи баданидан тер чиқиб кетди.

Тилхат ёзилгач, Зоя Николаевна уни чех кафеллари билан ҳашамланган ҳаммомчада аборт қилди. Шундан кейин Ширин ўзини анча олдириб қўйди, қон кетмоқда эди. Зоя Николаевна тажрибали врач бўлганидан шошиб қолмади. Унга яхши қаради. Ширин аввалгидай ихчамлашиб, ўзига келди.

Нурбек иккинчи ниятини амалга ошириш мақсадида ТошМИга борди. Бироқ Тоҳир исмли новча, озғин, кулча юзли жарроҳ бу ишни кейинга сурди:

— Азизим, сиз билан биз қиёматли оғайнимиз, — деди гарданини қашиб, — бу ўта қалтис иш, аммо баҳосиз иш. Мен сиздай олиҳиммат инсоннинг хизматиغا доим тайёрман. Ҳозирча, азизим, сабр қиласиз, тўйдан уч-



Расмни Х. Лутфуллаев ишлаган.

тўрт кун олдин олиб келасиз...

«Ана, энди, Сайдалим милиса керак... — Кўнглидан ўтказди Нурбек жарроҳнинг ҳузуридан негадир енгил тортиб чиқаркан, — кейин...»

Қорасовуқ... Ҳали тонг бўзармай Нурбек вокзал билан аэропорт оралиғида — Светлана кўчасида жойлашган кўримсиз, мўъжаз уйда турувчи Сайдалимнигига кириб борди. Сайдалим бу кутилмаган амалдор қиёфа, жиддий ва хушқад йигитни кўриб, довдираб қолди. Нурбек уни баттар эзиш учун унга осмондан келиб қарашда давом этди. Сайдалимнинг ранг-рўйи ўчди, лаблари ожиз очилиб, ожиз титради:

— Хизмат... хўжайин?..

Нурбек: «Милиса дегани башанг кийинган, серсавлат, димоғдор кишидан ҳайиқади, мабодо ўзи доно бўлсаю ювош бўлса, баланд келади», деб ўйлади; аслзодаларга хос кийиниб, амалдор киши қиёфасига кириб олган эди. Ҳозир ўзининг топқирлигидан яна бир қувонди ва Ҳамида кўшмачи бериб юборган хатни унга сиполик билан тутқазди. Сайдалим: «Хайрият-э!» — деди беихтиёр. Лекин бари бир қўли қалтираб хатни ўқиди. Нурбек: «Мабодо бир кунмас бир кун чувчи чиқса, бошга бало бўлади», — деб ўйлаб, ундан хатни қайтариб олди ва ёнаётган тунука печка ичига тикди.

— Пухтасиз, катта, — дея илжайди Сайдалим.

Нурбек унга кўз қирини ташлади ва пича сукутдан кейин маврусиз йўсинда ўзининг (хатда батафсил битилганига қарамай) кимга алоқадорлигини анчайин бир гапдай айтиб ўтди. Сўнг унинг тўмтоқ башарасию чакчайган кўзига мулоийм боқиб, хотиржам бир оҳангда фикрини ўқтирди. Ва: «Келажакда сизни ўзимиз ўстирамиз-да», — дея гап орасига қистирди. Ичида: «Қабрда ўсасан!.. — деди ундан ғижиниб, — аҳмоқ, қўғирчоқ қилиб ўйнашдан бошқа нарсага ярамайсан. Миянг йўк, миянг йўқ-да сени! Сен фақат бировларнинг ақли билан кун кўриб юриш учунгина яралгансан. Ер юзида сенинг уруғинг кўп. Э-ҳе, жудаям кўп, бижғиб ётибди!»

— Энди, шу... ака, сояи давлатингизда биз бечораям бир одам бўлиб кетсак, ўла-ўлгунча унутмаймиз-да! — деди Сайдалим севинганидан, ҳам унинг салобати босаётганидан дудуқланиб.

— Ҳозирча мана буни ола туринг, дўст, — Нурбек Сайдалимнинг чўнтагига пул тикди.

— Йўк, қўйинг, ака, — Сайдалим ўзини норози киши қиёфасига солди. Аммо бу шундай сохта, шундай бачкана чиқдики, Нурбек «пиқ» этиб кулиб юбораязди.

«Ёлғониям эплаганга чиқарган, — деди у ичида ўзининг устамонлигидан ғурурланиб, — вой, тўнка-эй, ичинга: «Оҳ, пулжон! Онагинам!» — деб ўлиб турибсан-у, ноз-фироғинга бало борми!»

Шу кун Сайдалим қўлига сунъий қора чарм папка олиб, Нурбек ўқдирган режа бўйича ҳаракатга тушди: тушга яқин Шириннинг олдида борди. Иккови ҳам бир-бирини таниб, бу ғалати тасодифдан ҳангу манг бўлиб қолишди. Сўнг кутилмаганда — Ширин қўрқиб — орқага тисарилди. Сайдалим: «Хўп қўлга тушмас экансан-а!» — деб ўйлаб бачкана иршайиш билан унга томон юрди. Ширин бурчакка тикилиб, чинқириб юборди. Кампир ҳозиргина Чилонзорга кетган эди. Аниқроғи, Нурбек унинг кўнглини хушлаб, авраб жўнатган эди, Шириннинг додини ҳеч ким эшитмади.

— Ҳо, ўзлари экан-да?.. — деди Сайдалим кўнғиз мўйловини силаб, — ўлай агар, бунақа тасодиф етти ухлаб тушимга кирса. Худо ўнгласа шу-да, сингилжон. Аммо, ўшанда — вокзалда бироз ҳаддидан ошувдим, кециринг. Ҳозир қўрқманг, кайфим йўк. Мен шу маҳаллага участкавойман. Бу уйда қандайдир артист турар-

миш, пропискасиз, тагин бунинг устига ёш-ёш қизларни олиб келиб, кайф-сафо қилармиш... Биттаси сиз бўлсангиз керак, сингилжон!

— Йўқ-йўқ, мен у кишининг сингиллари бўламан, — Шириннинг юзидан қон қочди.

— Текшириб кўрамиз-да, сингилжон, — у папкаси-дан қалин муқовали дафтар билан қалам олди, — ҳужжатларингизни кўрсатсангиз..

— Мен... ўзим билан... ҳеч нима... олиб келмадим, — Ширин довдираб қолса-да, ҳужжатлари йўқлигини айтмади.

— Ана, кўрдингизми, мени алдаяпсиз. Исмингиз Ширин-а? Оққоа қишлоғидан келгансиз-а? У ёқда ота-онангиз қон ютиб ўтирибдилар, сиз бўлсангиз аллақандай артист билан айш қилиб юрибсиз. Бу қандоқ бўлди? Ҳозир мен билан бирга юришингизга тўғри келади! — У кизнинг қўлидан тутди. — Юринг, сингилжон.

— Ака, мени шарманда қилманг! — Шириннинг кўзидан жовдираб ёш оқди.

Шу пайт хонага Нурбек кириб келди.

— А-ҳа, ҳали шундайми?! Кўнгилларида қўшиғи бор экан-да, а? Тошкентга кеганларига икки кун бўлмай?..

— Йўқ-йўқ... Ундоқ эмас!.. — Ширин хўнграб йиғлаб юборди.

— Бурчакка қисилиб, қўлчаларидан ушлатиб турибдилар-у, яна «ундоқ эмас, ундоқ эмас» дейдилар-а? Ширин ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эди. Гўё бу воқеа ўнгида эмас, тушида кечаётгандай. У Нурбекнинг заҳарли гапидан ҳушига келди. Шундагина кафти Сайдалимнинг панжалари орасида эканини ҳис этди ва ток урган кимсадай қўлини силтаб тортиб олди.

«Ака, мени шарманда қилманг» деган гапингизни ерда қолдирмайман, — деди Сайдалим қовоғини солиб, — фақат ота-онангизни ортиқча куйдирманг. Шу бугуннинг ўзида, бўлмаса эртага тонгда уйингизга жўнанг. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлади. — У шарт бурилиб Нурбекка юзланди, — ҳали сен бола бир бегуноҳ қизни йўлдан оздирганинг учун жавоб берасан. Ҳозир вақтимас, алоҳида келаман, — Сайдалим эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Нурбек Шириннинг бетига шапалоқ тортиди. У гандираклар кетиб, қўллари билан юзини тўсди. «Ака, мени шарманда қилманг» эмиш-а!..» — Нурбек яна бир шапалоқ урди.

Четдан ақзатган киши Нурбекни ролга кирган, деб ўйламас, аксинча, унинг вазоҳатидан қўрқиши мумкин эди.

Ширин бир сиқим бўлиб, бурчакка тикилиб ўтириб қолди. Нурбек ошириб юборганини сезди. «Шунчаликка бораман деб ўйламагандим, — деди ичида пушаймон еб, — лаънатлар бўлсин менга. Бир бегуноҳ қизни йўлдан оздирдим. Лаънатлар бўлсин менга, — тақрорлади у ва сўнг ўзини оқлаган бўлди, — мажбурман, мажбурман-да... Муборак ҳам иккиқат. Яранинг бирини таг-томири билан қирқиб ташламасам, газаклайди. — У стол устидаги кўкиш, бужур графиндан пиёлага ошиғич сув қуйиб Шириннинг қордай оқарган юзига сепди. Кейин унинг оёқ-қўлини уқалади. — Улиб қолмасга гўргайди», — Нурбекнинг юрагига ғулғула тушди.

Ширин кўзини очди. «Хайрият! — деди энтиқиб Нурбек, — одамни қўрқитиб юбординг-ку!»

— Менга ишонмасангизам меъли, Нурбек ака, — анчадан сўнг ҳам тўла овоз билан нидо этди Ширин, — аммо мен сизга ҳеч...

— Ҳозир ўрнимас, Ширин, тинчланинг, — деди уни гапиришга қўймай Нурбек. Сўнг: «Ширинга уйланганимда маза қилиб яшардим! — деб ўйлади ички бир ҳасрат билан, — уйнинг гули бўларди у. Севги, иффат, итоат-

гўйлик унинг қонида бор. Бундай аёл биттасининг этагидан тутдими, ўла-ўлгунча унга содиқ қолади!» — Нурбек Ширинга чуқур ғусса билан тикилди.

Ширин юм-юм йиғлади. Лекин... лекин шу воқеадан кейин уч кун ўтгач, яна қўққисдан эшикда Сайдалим пайдо бўлди. Шириннинг юраги орқага тортиб кетди.

— Кетинг бу ердан! — деди касал бўлиб ётган қиз нафрат билан, — фақат ўзи борида келиб текширинг, мейли, шунда мени ўтга ташланг, мейли, сувга... Мейли, қонун нима деса шунини қилинг, фақат мени Нурбек аканинг олдида маломатга қўйманг, кетинг! — Уни йўтал тутди.

— Иситмангиз борга ўхшайди, сингилжон, — у пайдан фойдаланиб, каравот четига мустаҳкам ўтирди ва зўр қаршиликка қарамай, доим терлаб юргувчи кафтини Шириннинг манглайига босди. Худди шу лаҳзада томдан тушгандай «тўп» этиб Нурбек пайдо бўлди ва:

— Тагин менинг уйимда ошуқ-маъшукликми?! — дея бор овозда қичқирди.

— Бу сенинг уйингмас, ғаламис! — Ундан ошириб бақирди Сайдалим, — Нина Ивановнаники. Афсус, ўзи уйда йўқ экан... Мен ҳозиргача мана бу қизининг ҳурмати учун сенга индамай юривдим, энди қўймайман сени. Ҳозирроқ мен билан юр, ғаламис устингдан арз бор! — У шаҳд турди ва бу кутилмаган воқеадан гангиб қолиб, деярли телба ҳолга келган Ширинга мурожаат қилди, — сингилжон, сизни маломатга қўймайман, — у шарт эшикни очди ва Нурбекка ғазабнок буюрди, — орқамдан юр!

— Министр бўлсангам бақирма, муттаҳам! — Нурбек ўзини ноилож бир киши қиёфасига солиб унга эргашди.

Улар катта кўча ёқасида тўхташди. Нурбек Сайдалимга алланималарни ғамгин тарзда уқтирди... Сўнг йўлнинг нариги томонидаги хазонга кўмилган боғда бир ўзи узоқ тентида!

«Ҳақиқат, ҳақиқат дейдилар-у, — кўнглидан ўтказди Нурбек тўнкага ўтираркан, — аммо ҳақиқат қарор топадимми, йўқми, ким билади, мабодо қарор топсам, бунгача кўп нарса битиб кетади... Шириндан осонгина қутилдим ҳисоб. Ўзи бахти бор йигитман десам янглишмайман. Худонинг назари тушган шекилли-да. Нима истасам, шунга етяпман. Энди, буёғиям... хайрли бўлар! Фақат унинг юраги дош берадимми? Юрак тош эмас, оғир нарсани кўтаролмайди, юрак муздай гап, худди муздай ёрилади. — Ишқилиб, шарманда бўлмай-да. Бир кун бу қилмишим учун қон қусмасам деб қўрқаман».

Нурбек ҳужрасига эзилиб қайтди ва оғир аҳволда ётган Шириннинг юз-кўзидан ўпиб йиғлади, ҳиқ-ҳиқ йиғлади. Бироқ бари бир шу кунини кечқурун у Ширинни таксида Ҳамида қўшмачиникига элтиб қўйди.

Ҳамида дегани пакана бўй, оч-сарик юз, сийрак соч аёл. Ешлигида кўзи кўп ориганидан киприги тўкилиб кетган. Сўзлаётганида юмалоқ, хунук ияги, буришган юпка лаби устидаги қора-сарғиш туқлари ва шилпик кўзи атрофидаги ажинлар қимирлаб турар. илон кўзидек қадалувчи заҳарли нигоҳи кишига таъма ила боқар, овози сичқоннинг чийиллашига ўхшарди. Кулганда афти буришиб кетишини яшириш учун юзини кафтлари билан тўсиб оларди.

Олтмишни қоралаган бу аёл қариб қуйилмаганлар хилидан эди: юз-кўзию лабини ҳаддан зиёд бўяб юрар, ёшини кичрайтириб айтар, жувонча кийинар ва бу ўзига сигирга эгар урган каби ярашмас эди. Ҳамиданинг ир-китлиги юз-кўзига шундай тошиб чиққандики, ҳар қан-

дай галварс ҳам бир қарашда буни илғарди. У қаердадир ишларди ҳам. Бир гал бошлиғи унинг айбини топиб четлатмоқчи бўлган, шунда Ҳамида:

— Ҳозир икки энлик хат ёзаман-да, деразадан ўзимни ташлайман! — дея додлаб оламни бузган, ёқа йиртиб ҳеч кутилмаганда кўкрагини чангаллаб йиқилган, оғзидан кўпик сачраганча... тинчиб қолган. Шу-шу, Ҳамида билан ҳамма эҳтиёт бўлиб муомала қилади. У эса бошлиғининг мўрт жойини билиб олди. Бора-бора бошлиқ унга ишни топшириб қўядиган бўлди. У ўзини бошлиққа меҳрибон, ишчан қилиб кўрсатар ва амалидан яширинча фойдаланар эди...

Ундан ҳамма безилларди. Ким асаб, ким юрак, ким қон босимига чалинса ва ёки ишдан ҳайдалса, барчасига шу — Ҳамида сабабчи бўларди. У чақимчи эди, тўннини тез-тез ўзгартирар, ҳозиргина айтган гапидан тонар, ҳозиргина қилган ишини «қилмадим» деб турар эди. Буни у мағзавани ерга тўккандай осон уддаларди. Ким агар унинг устидан шикоят этса, Ҳамида унинг тагига аста-секин сув қуйиб, бошлиққа тескари кўрсатар ва ишдан четлаттирарди.

Ҳамидани аҳмоқ деб бўлмасди, ўзига яраша ақли бор эди ва бу ақлни фақат мол-дунё топишга сарфларди, ўзи-ку майли, ҳатто кизини ҳам шу мақсад йўлида жувонмарг қилди. Айбини хаспўшлаш учун қуйидаги гапни кўп такрорлади: «Дунёда ақлдан ёвуз мақсадда фойдаланишдан ёмони йўқ!»

Мана, Ҳамидага тагин янги «ўлжа» келди. Ешлигидан нопок йўл тутган бу хотиннинг Ширин нечанчи «ўлжа»си эканлигини аниқ айтиш қийин. Буни ўзи ҳам билмаса керак. Ҳар ҳолда, бу сўнггиси эмас, шу аниқ.

Ширин ўн беш кун деганда соғайди. Бу вақт ичида Нурбекка Муборакни унаштирдилар. Қизнинг отаси: «Кўзим тиригида тўйларини кўриб қолай», — деди ва ниҳоят, олти кундан кейин, шанба оқшомида «Россия» ресторанида тўй ўтказиладиган бўлди. Нурбек сир беришни истамаса-да, шоша-пиша Ҳамиданикига кириб келди. Сўрашигач:

— Энди тезроқ ҳунарингизни кўрсатинг!.. — деди унга жовдираб боққанча.

— Бу қиз сиздан бошқага унаса, сочим итнинг думида битсин!

— Бўлмаса, нима қиламиз? — Нурбекнинг қонсиз юзида ташвиш, ғам аломати кўпайди, — ўзи бир томондан Ширинга раҳмим келяпти-ю, аммо иложсизман. Унинг отаси уч-тўрт марта Тошкентга, менинг олдимга келиб, жанжал қилди, ҳатто чавақлаб ташлашига оз қолди. Йўлини топиб, қутулдим ҳисоб... Зўр келганда: «Қизингизни икки марта бир милиса билан тутиб олдим, энди милисаям бир четда қолиб, пулдорлар билан юр-япти», — деб юбордим. Отаси ишонмади, менга нон, чоркитобни ўртага қўйиб қасам ичирди, нимаям қилардим, ичдим, ичишга мажбур бўлдим.

— Аттанг, аттанг, бекор қилибсиз, — Ҳамида атайлаб ўтга керосин сепди.

— Бундан бошқа иложим қолмовди. Ўзи шу қизга тоза жабр қилдим!.. — Нурбек ғариб одамга айланиб қолди.

— Эркак зотининг ҳаммаси бир гўр, боши тошга тегса пушаймон ейди, кейин яна қилиғини қилиб кетаверади. Урганган кўнги ўлганда қолар! Ҳа, майли... Энди буёғига эҳтиёт бўлинг, ота-онаси ҳам бир нав, аммо хотин кишининг кеки ёмон бўлади!

Нурбек: «Мохов, қўшмачи! — деди ичида ва кафтлари орасига бошини олиб, йиланиб қолди, — кўпроқ ундириш пайдасан-да, қанжик. Ҳатто кучукдан ҳам умид қиласан! Пес! Ишим тушмаганда-ку, бурнингни ерга ишқардим-а! Ҳозир қўлингдан ҳар бало келади. Кўпроқ

ишлаш учун мени сотишданам тоймайсан».

— Энди, бир эвини қиларсиз, опа, — деди ниҳоят Нурбек, атай ўзини паст олиб. Бироқ: «Шуни опа деб юбордим-а!» — деб ич-ичидан ижирғанди.

— Бир тангрининг ўзи эвини қилмаса, ожизман, — аслида Ҳамида қорни катта бир совхоз директори билан кеча тунда «Москва» меҳмонхонаси олдида шивирлашиб... қўйган эди.

— Сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ, — Нурбек ён чўнтагидан бир тахлам пул чиқариб, дастурхон тагига суқди. Эшик ичкаридан қулфланган эди, хона озодагина, ҳамма нарса жой-жойида турганга ўхшасада, аллақандай ачимсиқ хид келаётгани учунми ёхуд бошқа сабабданми, нотартибга ўхшаб туюлар, бундан Нурбекнинг кўнгли айнир, ўлганининг кунидан ўтирар эди.

— Қанча? — деб сўради қўшмачи севинганини билдирмаслик учун совуқ оҳангда.

— Беш юз.

— Бутун қилинг.

— Тўйнинг ўзи бўлмайди, ўзбекчилик... Пул дегани сувдай кетаяпти, кейин иложини қиларман... — деб баҳона қилди Нурбек.

Ҳамида кўнмади. Охири Нурбек худди тишини суғуриб бераётгандек оғриниб чўнтагидан яна бир тахлам пул чиқарди.

— Ана энди эвини қилса бўлади, — тахламларни оларкан, юзини кафтлари билан тўсиб хи-хилаб кулди Ҳамида, — томошага тун ярмида келинг. Сайдалим ҳам шу ерда бўлади.

— Хўп, хайр, — Нурбек бурнини жийриб хонадан чиқди ва уйдан хийла узоқлашгач, сўкинди: — Ҳэ-э, ўша сани!..

— Бурнингни жийирмай ўл! — деб қолди унинг кетидан Ҳамида ва танноз жувонлардай қилпиллаб юриб, Шириннинг ҳужрасига кирди. У «Ўтган кунлар»ни юзига ёпганча ухлаб ётарди.

— Ширин қизим, шакар қизим, сулув қизим! — дея уни елкасига қоқиб уйғотди Ҳамида, — бугун уйимизга меҳмон келади, Толимаржонданми-ей, эримнинг ўртоғи. Сенинг хонангда кутиб ола қолайлик, оппоқ қизим, эркалар четроқда бўлгани яхши, асал қизим.

— Мейли, хола, — деди содда қиз тиниқ бир самимият билан.

— Яша қизим, ҳали ўзим сани ишгайм, кечки институтгайм жойлаштириб қўяман, таниш-билишларим кўп, — Ҳамида унга Нурбекнинг яширинча келиб-кетганини айтмади, — бугун тунда Нурбек аканг келиб қолса ажабмас, телефон қилувди.

Ширин бир қизариб индамади. Ўша воқеалардан кейин унинг Нурбекдан кўнгли бир қадар совуган эди. У: «Заводгами, фабрикагами кириб ишлайман», — деб дилига тугиб қўйган эди.

Тун қуйилганда «қўноқ»ни Ҳамиданинг ўзи бошлаб келди. Ярим кал, маймун кўз бу одамнинг қоп-қора башарасида нодонлик, содда шумлик, ғўдайганлик белгилари аралаш-қуралаш акс этарди.

У Ширинни кўриб, остонада бир зум тўхтаб қолди ва:

— Зўр экан-да, қурмагур! — деб яланди.

Ширин «қўноқ»нинг нега ва кимга бундай деганининг фаҳмига етмади. Зеро, отаси тенги кишидан ўзига нисбатан бундай гапнинг чиқиши хаёлига ҳам келмади.

— Қани меҳмон, ичкарига, — Ҳамида эшитмаганга олиб, уни шошиб атлас кўрпачалар тўшалган хонага ундади.

«Меҳмон» боқилган сўқимдай семиз гавдаси, ҳомиладор хотиндай бўғча қорнига мос бир йўсинда лорсиллаб кириб, ўзини кўрпачага ташлади. Сўнг оғзининг таноби

қочганича иршайиб, Ширинга мурожаат этди:

— Ёнбошлашга ёстиқ-постиқ опке, акаси тасаддуқ.

«Беадаб!» — деди ичида Ширин ва топшириқни ижирғаниб бажарди.

— Кўнгли нозуг, — тушунтирди директорга Ҳамида Ширин қовурдоқ олиб келгани чиқиб кетгач, — бизнинг олдимизда уялади, тун узоқ... улгурасиз, хи-хи.

— Туниминан еб қўяман шу қизни, хо-хо-хо.

— Ош бўлсин, хи-хи-хи, — Ҳамида одамига қараб муомала қилар ва шунга мос тарзда қиёфасини ўзгартириб борар эди, — фақат менга кўрманасини чўзиб қўйинг, хи-хи. Маош ўлгур гўштгайм етмайди, хи-хи. Шу дастурхонгайм, — у помидор, бодринг, олма, анору ичимликларга фарқ дастурхонга ишора этди, — озмунча кетди деб ўйлайсизми, хи-хи, нақ икки юз сўм... Болачақани боқиш керак, хи-хи.

— Ҳа, энди, ўз отиминан рўз... фарда, — директор чўнтагидан уч юз сўм чиқариб қўшмачининг олдига ташлади, — онг бўлмаса.

— Тагин озгина қўшинг-да, тақсир, хи-хи, чўнтагидан кетаяптими, хи-хи, бир наряд-да, хи-хи. Кўрдингизу пари, хи-хи.

— Сағанаси тилладанми дейман, а, хо-хо-хо, — директор унга битта юз сўмлик чўзди, — хо-хо-хо, — кейин жиддий қиёфага кирди, — лекин нарядам ўз-ўзидан бўлавермайди, текширувчи кўп... Ўзи пахта иши оғир, одамни чақиб қўяди, туну кун тиним йўқ, пул топиш осонмас пахтада.

— Ҳа, пахта иши оғир, кўзим кўрмас, биламан. Бир кунни денг, Жиззах тарафга ўтаётиб дори исидан нақ бўғилиб ўлаёздим. Кукурузний ўлгур сепаркан уни фўзага.

— Сепмасаям бўлмайди, пахта керак-да давлатимизга, халқимизга, бутун тирикчилигимиз шундан-да, опай.

— Ўйлаб қарасам, дириктир бува, барибир, шаҳарда яшаш яхши экан.

— Кимга қандоқ... Масалан, мен шаҳарда сиқилиб ўламан, шаҳар торлик қилади менга, ур-йиқит ёқмайди менга.

— Кўникишга боғлиқ, дириктир бува, хи-хи. Масалан, мен икки дунёдаям қишлоқда яшамасдим, меҳнат-меҳнат деб умринг ўтганини билмай қолсан. Кошки шунга яраша еб-ичсанг, хи-хи. Эгнингданам эски-туски тушмайди, хи-хи. Кошки шунга яраша дунёда икки марта яшасанг, хи-хи.

Ҳамида гапи қандай таъсир этаётганини билиш учун унга зимдан қаради. У эснаб-мудраб ўтирибди. Ҳамиданинг жон-пони чиқиб кетди: «Ёр ютгур! Молдан ҳеч фарқи йўғ-а!» — У атайлаб томоғини қирди. Директор кўзини очди.

— Яшашни шаҳарликдан ўрганиш керак, дириктир бува, — у жиддий оҳангда чала қолган гапини улади, — шаҳарлик вақтида ишлаб, вақтида дам олади, яшаш-ниям билади, дириктир бува.

— Бу гапингиз тўғри, опай. Аммо сиз қишлоқни билмайсиз, деҳқонни билмайсиз, опай. Келинг яхшиси, дам олайлик, бу гаплар жонга тегиб кетган, ҳузур-ҳаловатга не етсин дунёда. Энг ёхши нарса аялда, опай, аялни кўрсам ўлаётсамам тирилик кетаман, аёл яхши-да, минг бир дардгайм даво-да, опай, хо-хо-хо.

«Зиёфат» биргача чўзилди. Ҳамида: «Ҳозир келаман», — деган баҳона билан ташқарига чиқди. Эри унга эргашди.

Кўр-кўр билан кечаси топишади дегандай, қўшмачининг эри ҳам ўзига мос, пакана, жиккак, дам қўрбақага, дам қўёнга ўхшаб кетадиган бир кимса эди. Шапкўрдай сийпаланиб юргувчи бу «топилмас» нуханинг «кас-

би» — чайқовчилик, бир-икки марта қамоққа тушганида ҳам шу хотин жонига аро кирган эди...

Ширин кўзгалди. Директор унинг билагидан ушлаб, «жоним тасаддуқ, — дея ўзига тортди, — афтим ёман бўлсам, ичим ёхши, мени бугун бир хурсан қилгин-а!»

Кутилмаган бу ҳолдан Ширин ўзини буткул йўқотиб қўйди. Кейин телбаларча чинқириб юборди-ю, ҳушдан кетди.

— Нега ўтрикдан бўйтасан-а, бўйдан аканг! — директор Ширинга ўзини ташлаб, носвой аралаш ароқ бурқсиётган оғзини унинг сўлим лабига босди. Худди шу лаҳзада хонага Сайдалим, Нурбек, Ҳамида ва унинг эри бостириб кириб, директорни шошириб қўйишди. Аввал у ҳанг-манг бўлиб қолди, кейин қўрққанидан довдирай бошлади.

— Муттаҳам! Еш қизга тегишиш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман! — Сайдалим директорнинг кажава қорнига тепди.

— Тўхтанглар!.. Валидол!.. Юраги тўхтаб қолай деяпти!..

— «Тез ёрдам!..» — Ҳамида жонҳолатда бақирди. Эри эса йўргалаб даҳлизга чиқди-да, «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилди ва қайтишда валидол ола қайтди. Ҳамида доридан бир дона олиб, Шириннинг тили остига қўйди.

«Тез ёрдам» келиб, Ширинни олиб кетди. Қўшмачининг эри ҳам у билан кетди. Мудҳиш «ўйин» эса шундан сўнг ҳам давом этди.

— Нега бировнинг уйига бемаҳалда бостириб кирдинг?! — Сайдалим қирмизи жилд ҳужжатни директорнинг манглайига нуқиб қичқирди. — Нега балоғат ёшига етмаган қизга тажовуз қилдинг?!

— Мен... мен... мени мана бу аял... опкелди. Ҳозир қаердалигимниям билмайман.

— Санга туҳмат нималигини кўрсатиб қўяман, гўрсўхта! — Ҳамида унинг ёқасига чанг солди. — Келиб келиб ўзимнинг қизимга қўшаманми сани, қарға?!

Нурбек уларни ажратиб қўяркан: «Бу хотиннинг олдида унча-мунча актёр ип эшолмайди», — деб кўнглидан ўтказди.

— Ўзингиз... ўзингиз... — директорнинг тили калимага келмай қолди ва дафъатан мудҳиш бир тузоққа илинганини пайқаб, юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳэ, «ўзинг»ламай ўл, итдан тарқаган! Сенинг гапингга қайси қалласи бор ишонади, а? Ҳэ, имонингдан айрилгур! — Ҳамида қўлларини чўзиб хезланди. — Ҳэ, ер югтур гўрсўхта!

— Э, бу мараз билан ади-бади айтишиб ўтираимизми, опа?! — Сайдалим қора папкасидан дафтар-қалам олиб, ёзишга тутинди.

Директорнинг дами ичига тушиб кетди. Оёқ-қўли қалтираб, кўзига ёш қалқиди: «Энди елкамга офтоб текканида бу не кўргулик?! — деди ичида алам билан, — бундан кўра ўлганим ёхши! Олдини олмасам, худо ургани шу. Бу шармандаликка қандай чидайман?!»

— Обрўли дириктирман, — деди у ўзини қўлга олишга тиришиб, — ўзимга яраша таниш-билишларим бор, мени қўйиб юборинглар.

— Хо-хо-хо... Нурбек акамларри биласизу! Машҳур артистлар! Яқинда катта одамга куёв бўладилар! Улар сиз айтган одамчаларри бир пуфлаб учириб юборадилар!

— Хи-хи, энди сани ҳеч ким қўтқазолмайди, хи-хи, — Ҳамида жилпанглаб Нурбекнинг ёнига ўтди.

— Энди минг додинг бир тийин! — деди Сайдалим ёзишда давом этаркан.

— Энди тамом бўлдим деявер, хи-хи! — Ҳамида худди ёш қиздай Нурбекнинг пинжигга тикилди.

— Совет ҳукуматининг ўз қонун-қоидалари бор, дўстим, — Нурбек қаттиқ таъсир этиш мақсадида кибр-ҳаво аралаш вазмин бир тарзда гап бошлади, — биринчидан, партиядан ўчасиз, иккинчидан, директорликдан ҳайдаласиз, учинчидан, ўн йилга кесиласиз, тўртинчидан, юртга шарманда бўласиз. Эл назаридан бир қолдингизми, дўстим, уни қайта тиклолмайсиз, ҳа, ўла-ўл-гунча тиклолмайсиз!

Бу гапдан директор тириклайин ўлди ва Нурбекнинг оёғини ўпгудай бўлиб ялина бошлади:

— Қалла бўлсам мия йўқ-да, ака. Энди бир ёхшилиқ қинг, қўйиб юборинг, не десангиз шуни қилай, пақат қўйиб юборинг, бу нажасни бир едим, экинчи емайман, қўйиб юборинг!

«Игна ютган итдай эгилиб қолди-ку, дўст! — деб дилдан ўтказди Нурбек, — сен-ку сен, шайтонниям бурнидан ип ўтказиб судраб олиб юраман!»

— Бекорга ялинманг! — деди Нурбек қатъий, совуқ бир тарзда.

— Сиз билан гартак холи гаплашсам бўламан, ака? — директор қулф-қалит Нурбекда эканини пайқаб, унинг пойига бош урди.

«Мана бу эркакча гап, — дея кўнглидан ўтказди Нурбек, — минг сиз-биздан бир жиз-биз яхши, дўстим». Бироқ сир бермади:

— Йўқ, — деди унинг маймунсимон кўзига жўрттага ижирғаниш аралаш менсимай тикилиб.

— Бирпас халос, ака.

— Йўқ, — ўзидан ўн беш-йигирма ёш катта кишининг «ака» деб ёлвориши Нурбекка ёқса ҳам, қовоғини баттар уйди.

— Жон ака, йўқ деманг, кейин ўтга ташласангизам майли.

— Ёмон эзма экансиз-да, дўст, — Нурбек ёлғондан норози бир оҳангда тўнғиллади ва шерикларига «чиқиб туринглар-чи» деган маънода имо қилди. Энди унинг юраги тез-тез урмоқда эди. Бироқ у ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билиш қобилиятига эга эди.

— Хўш, дўст? — деди Нурбек бездай безрайиб шериклари даф бўлгач.

— Энди, шу... ўзингиздан қолар гап йўқ, ака, — дея чайналди директор ўзини анча енгил ҳис этса ҳам мақсадга кўчолмай, — энди, ака, ҳаммамизам муслмон парзандимиз, ака. Тақдирим қўлингизда, ака. Бир гапингиз билан бор ҳам қиласиз, йўқ ҳам...

— Чайналмасдан мақсадга кўчинг, дўст.

— Энди, шу... — директор Нурбекка жовдираб тикилди. — Энди, шу... — У: «Ишни баттар пачавасини чиқариб қўяманми?» — деб ўйлаб, иккиланиб қолди, — шу...

— Э, бас! Нима «шу»?! — Сиз билан милжирашиб ўтиришга вақтим йўқ!

— Энди, шу... — деди директор қалтираб ва сўнг «не бўлса бўлар» деб ўйлади, шекилли, дилидагини айтди: — Белимда, белбовда беш мингим бор, шу...

— Секин, дўст, секин! — Нурбек оғзига бармоғини босди, — секин!

— Шуни онг-да, мени қўйиб юборинг, — директорнинг юзига қон югурди, — шўйтинг, ака, — у қўйлаги ичидан боғланган белбоғини ечиб, Нурбекка тутқазди.

Охири журналнинг навбатдаги сонида



Андрей Дементьев



Қадрли дўстлар!

Эсимни танибманки, юрагимда ўзбек тупроғига, унинг улуғ тарихи ва маданиятига, меҳнаткашларига муҳаббат уйғонган. Ватангининг келажиги ва ўтмишига қаратилган тўғулариингиз поклигини асранг. Муҳаббат ва ҳақиқат анъаналарига бу садоқатни ҳамиша қалбларига сақлаб келган ажойиб одамларга раҳматлар бўлсин.

Андрей Дементьев

МУҲАББАТ МАНГУГА КЕТАЁТГАНДА

Ёшликдаги дўстимга

Ёзмаётган шоир — кузги андалиб...
Сени қандай топаи қора шоҳ аро,
Не деб тушунайин сенинг жимлигинг
Бахтсизлигингданми, бахтингданми ё?!

Ёслиман, сўз дея қандай куярдинг
Ўзинг ва ўзгалар сатри узра бир.
Мен ёшликка сенинг ўйинг-ла боргум,
Дилим шу хавотир билан овутир.

Биз учун ажойиб кунлар сўрасам,
Сен эдинг кўп жўшқин, қувноқ бекадар
Айтардинг: «Шошмайтур, мана кўрасан
Ўсгаймиз энг баланд оҳанглар қадар...»

На турна, на бургут уча олмагай
Сенга яралган бу юксакликларда.
Лоқайдлик, тақдирга зарра тиз букмай
Овозинг чоғла ҳув баланд пардага.

Менга зафарларинг ҳар недан афзал
Фақат шу... овозинг янграса басдир.
Сўз — юксаклик сенга мунтазир, маҳтал,
Куйла, сўздан бошқа нарсалар пасдир.

* * *

Мен агар узоқ вақт уйда бўлмасам
Тушларимда мудом бир нарса содир:
Негадир деразам қопқасин очаман,
У аслида кўпдан қопқасиз... ахир.

Барибир қопқани очавераман,
Деразам очаман тонглариини сўраб.
Сўнг кучоқ тўлдириб жасмин тераман
Ва уйга элтаман одатга кўра.

Отам жасминларни менга ишонмай
Шохчаларин ўзи тўғрилаб кўяр.
Онам-чи, деганча: «Бунчалар хушбўй»,
Гуллар-ла қувончли юзин беркитар.

Кейин у муаттар бу гулдастани
Мен синдириб кўйган гулдонга солар.
Бунга жазо олган бўлсам-да, яна
Барибир хобларим кетади бадар.

Барибир ўшал тонг тинчлик бермас ғам,
Келади ҳар ёқдан хавотир, овоз.
Фақатгина кўп бор таъбир ахтарган
Поезд бир маромда тинчлатар холос.

* * *

Ўз фарзандимизга ўхшамаймиз биз
Бу ҳол эса кўп ачинарли.
Улар биздан фақат уч бор ёш эмас,
Улар ростгўй ҳамда соддадир.

Биз болалигимизни ташлаб кетамиз,
Кейин
нечунлигин зўр-базўр англаб
болаликдаги бой кўнглимизни
Яшаймиз айбдордай асраб, авайлаб.

Аммо, нега болалик-ла видолашдик биз?
Ва бизнинг болалар-ла шу кечар яна.
Қўрққаним, улар ҳам ўргатилгандай
Соддалигин айирбошлаб олар қувликка.

Табиат-ку, бизга марҳамат қилар:
Биз ўз болаларимизда такрорланамиз
Лекин шеърим эса бу ҳақда эмас,
Мен бизларда болалик такрорланишин
Жуда-жуда истайман ҳаргиз.

* * *

Муҳаббат мангуга кетаётганда
Хайрлаша туриб меҳрибонроқ бўл.
Энди сен ўтмишдан озод бир банда
Фақат хотирага мангу боғлиқ қул.

Илтимос қиламан,
олийжаноб бўл.
Шумлигу алдовни чиқар хаёлдин.
Муҳаббат мангуга кетаётганда
Сен уни муносиб кузатиб қолгин.

Ўтган бахту бахтсизлик ҳаққи
Муносиб бўл, муносиб бўл-ов,
Биз ўтган нарсалар насиясига
Бугун тўлашимиз керакдир тўлов.

Келдими, кетдими — фарқсиз,
барибир
Муносиб бўлгинда муҳаббатинга.
Биз бахт ичра теппа-тенг, аммо
Бахтсизликда эса
ҳар хилдир баҳо.

Киноя

Шоирга бермоқчи бўлсалар амал,
У бу марҳаматни бахтсизлик билди.

Ва юз берар ажиб эврилиш:
Ким агар у билан илгари
Қўл учида кўришган эрса
Энди-чи Хизрни учратган каби
Минг хил муқом билан учрашар, терслар.

Шоир бунга кўникмаган ҳеч
Уни адо қилар сохта марҳамат
Ва сузик қарашлар —
Елғон муҳаббат.

У доим қолади шоирлигича
Девоналигича яна озгина.
Дўстларга дўст бўлиб — шароблар ича
Илҳом парисига эса мулозим.

Номи халқ оғзида юрар экан то.
У мудом такрорлар қилганидай дўқ:
Амал келар-кетар, амал — бевафо,
Шеърятга эса кетгали жой йўқ.

Таржимаи ҳолимдан

У кун
мени партияга қабул қилдилар
ва биз толибларнинг суюк устози,
профессор Триновни
партиядан ўчирдилар.
Қария —
бизларнинг одамови, жаҳлдор домламин
қўйилган айбларга бепарво,
ғамгин ўтирарди.
Унга қўйилганди қатор-қатор айб.
Менга
бу бир бўхтон каби туюлаверди.
кўнглим тасдиқлади:
— Нотўғри! Нотўғри!
— Балки, тўғридир? —
сўради кўркув.

Кўркув...
Ва мен қўл кўтардим уни
ўчирмоқчи бўлганлар сафида
Муз бўлиб кетаётиб
бирдан унинг кўзларин кўрдим
худди
Помпейни кўргани мисол Брюллов.

Мангу унутмайман ўша кўзларни.
Мангу кечирмайман ўшанда
қўл кўтарганим-чун ўзимни!

Унда ёшим 19 да эди
менга
Эрта бергандилар партбилетини!



* * *

Ўз вақтида кетиш о, нечоғ яхши
Ҳали минбарларда тинмасдан қарсак,
Ҳали ярим умр олдда бўлса ҳам
Келаётган ёшларга йўл бермоқ яхши.

Кетмоқ керак,
кетмоқлик, аммо
Ҳакамнинг даққисин эшитмай юрак
Кеча сени олқишлаганлар
Муҳокама бошлашдан аввал
Кетмоқликка катта куч керак.

Шунда-чи, рақибинг ечиб бошмоғин
Тушунар ҳаммани ҳайрон этишинг, —
Сенинг кутилмаган ўша кетишинг
Буюк бир ғалаба эканлигини.

Р. ФАЙЗИЕВ таржималари

Қудрат Дўстмуҳамедов

Гўзалликнинг иккинчи олами

Одатда, бадий адабиётнинг аҳамияти ҳақида гап кетса, унинг кишилар маънавий оламини шакллантиришда нечоғлик ўрин тутганини кўпроқ таъкидлаймиз. Бундай таъкид керак ва ўринли. Ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Лекин бундан кимники маънавий дунёси бой бўлса ёки у ўзини шундай деб ҳисобласа, бадий асар ўқимаса ҳам бўларканда деган хулоса келиб чиқмайдими? Эҳтимол, кўпчилик зиёлиларимизнинг бадий асар ўқимаслигининг сабабларидан бири шудир.

Бадиятнинг маънавиятдан бўлак аҳамияти ҳам борки, биз уни гўзалликнинг иккинчи олами деб атамоқчимиз. Ана шу иккинчи олам ҳақида сўз юритиш пайти келди...

Адиблар ва адабиётшунослар бадий асардан янги билим ва маънавий озуқа олиш билан бирга унинг жозибасию ёзилиш услубини, эстетик қурилишини ҳам ўрганадилар. Бошқалар-чи, дейлик, олимлар ва педагоглар? Уларга бу нарсаларни ўрганиб ўтиришнинг зарурати борми? Улардан бадий асар ёзиш талаб қилинмайди-ку! Лекин асар ёзиш услуби, фикрни аниқ ва лўнда ифода-лаш кўникмалари ва маҳорати-чи? Шу хислатларни эгалламаган ҳар қандай олим ёки педагогнинг меҳнат маҳсули унумдор бўлмайди, таъсирсиз чиқади.

Афсуски, ҳозирги кунларда чиқаётган кўпчилик илмий ва оммабоп китобларни, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ўқисангиз, муаллифларда, таржумонларда айнан шу нарсалар етишмаётгани сезилиб қолади. Ҳатто Москвадаги баобру олимларнинг китобларида ҳам ғализ жумлалар, нотўғри талқинлар, очикдан-очик нокаментарликлар, қорани оқ деб кўрсатишлар, маза-матраси йўқ гаплар учраб туради. (Масалан: «Основы научного управления социалистической экономикой», Учебник, Москва, изд. «Мысль», 1984 г; Михайловский Е. В. и другие, «Устройство автомобилей», Москва, изд. «Машиностроение», 1987 г, Круг Д. М. «Научные основы управления социалистическим

производством», Учебник, Москва, 1978 г.) Рус тилидан ўзбекчага ўгирилган дарсликларни-ку, асти қўверасиз! Буларнинг ҳаммаси айтиш мумкинки, бадий адабиётдан беҳабарлик оқиба-ти! Адабиётни яхши тушунган олим ҳеч қачон бундай қусурларга йўл қўймаган бўларди. Бадий адабиётда бошқа фан ва соҳа адабиётларидан фарқли ўлароқ илмий-адабий танқид мавжуд. Синчков, жиддий ва мунтазам танқид! У сўз ва маъно шарҳи билан кифояланиб қолмай, муаллифнинг ички кечинмаларини, бадий-эстетик оламини ҳам таҳлилдан ўтказди. Адиблар шуни билганлари ҳолда масъулиятни унутмасликка интиладилар. Адабиётнинг бошқа турлари эса, гоҳо-гоҳо тақриз қилинади, танқидга эса, мингтадан биттаси ё учрайди, ё учрамайди, уларда нима ёзилган бўлса, тўппа-тўғри ўқувчининг миёсига қуйилаверади. Қабул қилиш-қилмаслик унинг савиясига боғлиқ. Дарвоқе, ғализ, узундан-узоқ ва чалкаш жумлалар қанақасига ҳам миёга қуйилсин!

Мисоллар келтирамиз. 7—8-синфларнинг «Анорганик химия»сида мана бундай сўзлар бор: «Бир моль — массаси 12 граммлик углеродда қанча атом бўлса, таркибда аини модданинг шунча структура бирлиги бўлган модда миқдорига тенг» («Ўқитувчи» нашриёти, 1984 йил, 128-бет). Бундай қондани ҳатто кимёгар олим ҳам тушунтириб беролмади. Гап фақат таржиманда эмас, рус тилидаги таърифда ортиқча сўзлар ишлатилганидан ўзбекчаси ҳам кўпол ва тушунарсиз чиққан. Кимёгар билан биргалашиб таърифни мана бундай қилиб тўғрилади: «12 грамм углероддалик атом сонига эга бўлган модда миқдори моль дейилади». Эҳтимол, буни яхши таъриф деб бўлмас. Лекин ҳар ҳолда тушунарли-ку!

6—10-синфлар учун чиқарилган «Геометрия» дарслигиндан бир кўчирма: «Учбурчакнинг берилган учидан ўтказилган биссектрисаси деб учбурчак бурчаги биссектрисасининг шу учни унинг қарши томонидаги нуқта билан

туташирувчи кесмасига айтилади» («Ўқитувчи» нашриёти, 1986 йил, 33-бет). Дарсликнинг 1987 йилги нашрида ҳам айнан шу таъриф берилган. Бу таъриф, бир тентакнинг иккинчи тентакка, «Ҳозир кафтимга битта тухумни яшираман, сен эса, қўлимда нима борлигини топасан», деганига ўхшайди. Келтирилган жумла саксовулдек буралиб-чирмашиб кетган сўзлар қотишмасидан бошқа нарса эмас. Бунақа жумлалар кимга керак. Муаллиф олимлигини кўз-кўз қилмоқчими? Муаллиф билан таржимоннинг билими нечоғлик ғовлаб кетгани шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку! Наҳотки, эски дарсликларда айтилгандек, «Бурчакни тенг иккита бўлувчи чизик биссектриса дейилади», деб қўя қолиш кифоя қилмас!

Бунақа «доно»ликлар кейинги пайтда «Физика» дарслигида ҳам қалашиб кетди. 8-синф дарслигида («Ўқитувчи», 1982 йил) мана бундай жумла бор: «Агар жисмларнинг таъсирлари бир-бирини компенсацияласа, жисм бу жисмлар таъсири остида тинч ҳолатда бўлади» (75-бет). Кейинги нашрларнинг ҳоли нима кечдикин? Бу гапни наинки мактаб ўқувчиси, ҳатто ўқитувчиям тушунмайди-ку! Шундай китобларни ўқиган ҳолатда мактабни битирувчиларни ношудликда айблаш ўринлими?

«Текис ҳаракатнинг тезлиги деб жисмнинг вақт бирлигида босиб ўтган йўлига сон жиҳатдан тенг бўлган катталikka айтилади», дейилган 6-синф дарслигида («Ўқитувчи» нашриёти, 1987 йил, 28-бет). Бу таъриф нотўғри эмас, лекин 13—14 ёшдаги боланинг ўзлаштириши учун қулай деб ҳам бўлмайди. «Тезлик — муайян вақт ичида йўлнинг ўзгаришидир», десак энг қисқа ва энг тушунарли қонда бўларди. Тўғри, бу ҳолда болаларимизга «муайян» деган ўзбекча сўзни ҳам ўргатиш керак. Жумладаги «сон жиҳатдан тенг бўлган катталик», деган ибора бутунлай ортиқча. Ахир, йўлнинг узунлиги ёки тезлики сон билан ўлчмай, сифат ёки оломш билан ўлчаймизми? Айтилмаса ҳам ўз-ўзидан аён нарсани таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бормикан?

Турғунлик даври сиёсатдонлари жамият ҳаётидаги ўз-ўзидан аён нарсалар ҳақида оғиз тўлдириб, кўпириб гапирардилар, шиор, қонун даражасига кўтариб, халққа ўзларини яхши кўрсатмоқчи бўлардилар. Афтидан, худди шундай сиёсий нуқсон илмий ва оммабоп китобларга, дарсликлар ва қўлланмаларга ҳам сингиб кетган кўринади.

Сўзни масъулият билан ишлата билиш, унинг мазаси, ранги, жиლოსи ва ҳоказо хислатларини эътиборга олиш, афсуски, ҳозирча фақат адиблар ва адабиётшуносларгагина хос нарса бўлиб турибди. Адабиётнинг бошқа турларига

ҳам шундай фазилат жорий бўлса, ана ўшанда биз ўқиш ва ўқитиш ишларининг энг мақбул ҳолати ҳақида сўз юрота оламиз.

Энди ижтимоий фанлар бўйича дарсликларга назар ташлайлик. «Сиёсий иқтисод» дарслигидан («Ўзбекистон» нашриёти, 1984 й.) кўйидагиларни ўқиймиз: «Авалло шуни кўрсатиб ўтиш муҳимдирки, капиталист томонидан ишлаб чиқаришга авансланган капитал ишчининг меҳнатини капиталист ўзлаштириб олиш натижасидир» (95-бет). Худди шу гапни кўйидаги таҳрир билан солиштириб кўринг: «Капиталист ишлаб чиқаришга авансланган капитал — ишчи меҳнатининг маҳсулидир». Мазмун ўзгаргани йўқ, лекин, шакл ичамлашди. Янама эркинроқ айтадиган бўлсак, «авансланган капитал — ишчи меҳнатининг маҳсулидир», дейишнинг ўзи кифоя.

Кўйидаги жумлани тушуниб олиш учун олий маълумотли мутахассис ҳам озмунча вақт сарфламаса керак: «Капиталист — ер устасининг эгаси ўз ерини шундагина сотиши мумкинки, агар ерни сотишдан олинган сумма, у банкка қўйилган ёки ссудага берилган тақдирда ер эгаси процент формасида рентага тенг бўлган даромад олиш керак» (ўша дарслик, 153-бет).

Бундай «саксовул» жумлаларни «КПСС тарихи», «Философия» ва бошқа ижтимоий фанлар дарсликларидан истаганча, кўзни юмиб туриб бармоқ тиркаган саҳифалардан ҳам топшингиз мумкин.

В. И. Ленин асарлари мукамал тўпلامини ихлос билан йиққан бир ёзувчи: «Ленин асарларини рус тилида ўқиш керак экан», деб куйинган эди. Олий ўқув юрларини битириб чиқаётган «юқори малакали мутахассислар»дан кўпчилиги илмий коммунизм асосларидан Давлат имтихонни топшираётганларида, оғзинг қани, деб сўрасалар, лоақал кулоқларини кўрсата олмаслигига ҳайрон қолмасак ҳам бўлади.

Китоб ёзаётган олимларимиз, таржимонларимиз бадий адабиётни озгина синчиклаб ўқиганларида, сўз қадри билганларида эди, бундай аянчли аҳвол содир бўлмасди. Улар албатта шоир, ёзувчи ёки адабиётшунос даражасида тилнинг зукко билимдони бўлишлари керак, демоқчимасмиз, ҳеч бўлмаганда «таҳрир» деган тушунчанинг қадрига етсалар ҳам катта гап эди! (Бу гап, албатта, ҳаммага бирдек тегишли эмас!) Баъзан редакцияларнинг оддийгина муҳаррири, ўзининг таҳрирчилик малакаси билан китоб ёзган «каттакон» олимдан устун туради ва китобхонга кўпроқ фойда келтиради. Китоб ёзган олимлар таҳрирни, иккинчи даражали иш ва олимнинг вазифасига кирмайди, деб бидадилар. Муҳаррир эса, ҳамма вақт ҳам олим ёзган гапларга аралаша олмайди. Натижада, юқоридагидек аҳвол такрорланаверади.

Келтирган мисолларимиз нуқул таржима китоблардан олинган учун журналхонлар мақолада айтилган фикрларни таржимачилик қўсурларига боғлиқ, деб ўйлашлари мумкин. Аввало, филология фанларини истисно қилган

да, ўзбек олимлари ўз она тилида китобни кам ёзадилар. Дарсликларнинг ҳаммаси рус тилидан таржима қилинган. Бу гап олимлар китоб ёзаётганларида ёки таржима қилаётганларида ўфода борасида бадий адабиётдан ўрнак олишлари лозимлиги ҳақида кетяпти. Худди шу гаплар кунда-кунора қўша-қўша янги ҳужжат ўйлаб топадиган мансабдор шахсларга ҳам тегишли. Москвадан келган ҳашамдор ҳужжатнинг пешонасига мана бундай сўзлар ёзиб қўйилган: «Инструктивное письмо, № 6, Москва, 19 февраля 1987 г. О разъяснении инструктивного письма Минвуза СССР... от 7 июня 1984 г.» Қаранг: «Инструктивное письмо... о разъяснении инструктивного письма!» Яъни, йўл-йўриқ кўрсатувчи хатни тушунтириб бериш учун йўл-йўриқ кўрсатувчи хат ёзилган! У ҳам бўлса, 3 йилдан кейин! Утган 3 йилда биринчи хатга иши тушган одамларнинг аҳволи нима кечганини тасаввур қилаверинг энди! Бу ҳам бадий адабиётдан беҳабарлик оқибати! Мабодо, бадий асарда ўқувчи гап нотаниш жумла учраб қолгудек бўлса, бу фавқуллодда ҳодиса ҳисобланади. Бошқа соҳа адабиётларида эса, бемалолгарчилик! Ҳужжатларни ўзинг тушунганинча ёзавер, бошқалар, керак бўлса, тушуниб олишди ёки сенга мурожаат қилишди! (Иши тушиб турса яхши-да!)

Чаласавод бўлсаям, Насриддин Афанди инсофли экан.

Бир одам, «Қишлоқдаги ҳешларимга хат битиб беринг», деб илтимос қилганида, Афанди, «Қишлоқингга боришга вақтин йўқ», дебди. У: «Йўқ, сиз бормайсиз, хатни бир танишим орқали бериб юбораман», деганида, «Менинг хатимни ўзимдан бошқа бирон зот ўқийолмайди-да», деб жавоб қилган экан.

Ҳозирги чаласавод амалдорлар ҳеч бўлмаганида Насриддин Афандидан ўрнак олсалар арзирди.

Ҳужжатларда, қонунларда ёзилган гапларни тушунолмайдиган ҳар кунги неча миллионлаб одам вақтини беҳуда кетказаркин, нотўғри ишга қўл уриб қўяркин ёки юқори ташкилотга мурожаат қиларкин, ёки адолатсизлик қўрбони бўларкин? Бунинг ҳисобини оладиганлар борми?

Капиталистик мамлакатлардан биринда корхона эгаси, ўз идорасида ақли ожизроқ бир ходимни ушлаб тураркан. Қачон буйруқ ёки кўрсатма ёзса, энг аввал шу ходимга ўқитиб қўраркан. Агар у тўғри тушунган бўлса, қоғозни тегишли жойга узатиб юбораркан, акс ҳолда, қайтадан ёзиб чиқаркан. Тадбиркорликни қаранг!

Энди, ўзбек тилида ёзилган китобларни ҳам бир кўздан кечирайлик.

Ишлаб чиқариш бошқарувига оид, олий ўқув юрлари учун ёзилган қўлланмада мана бунга ўхшаган жумлалар ҳар саҳифада учрайди: «Эндиликда **ишлаб чиқаришни** бошқарувининг индивидуал хислатларига таяниш мумкин бўлмай қолди, шундай экан, ўрганилиши керак бўлган бошқарув фани зарур.

Социализмда **бошқарув хусусиятла-**

ридан ташкил топган бошқарув муносабатларини комплекс равишда ўрганиш зарурияти туғилди» (Йўлдошев Ш., Зайнутдинов Ш. «Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий асослари», «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 йил, 8-бет, бу ерда ва кейинги кўчирмаларда таъкидлар бизники — Қ. Д.).

Кўриниб турибдики, биринчи жумлада келишқўйимчаси нотўғри ишлатилган, иккинчи жумлада эса, ажратиб кўрсатилган сўзлар ортикча ва маъносиз. Нима ҳам дердик, авжи турғунлик даврининг китоби-да.

Қайта қуриш даврида чоп этилган, билиб-билмай гуноҳ иш қилиб қўйган одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилиб берадиган китобга қарайлик. У «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар» («Ўзбекистон» нашриёти, 1988 йил) деб аталади. Кодекснинг 171-моддаси: «Бошқа иқтисодий маъмурий районлар ёки иттифоқдош республикалар учун, шунингдек, умумиттифоқ эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш юзасидан берилган план ва топшириқларни раҳбар ходимлар ва бошқа шахслар томонидан систематик равишда сабабсиз бажармаслик — ...муддатга озодликдан маҳрум қилиш... билан жазоланади» (373-бет).

Авалло, «систематик»нинг ўрнига «мунтазам» дейиш керак эди, чунки бу сўз ҳали ўзбек тилидан чиқиб кетганича йўқ. Қолаверса, «сабабсиз» дейиш мантиққа зид, чунки ҳеч бир воқеа, ҳаттиҳаракат сабабсиз содир бўлмайди. Бу ҳақда шарҳловчи кўйидагича ёзади: «Сабабсиз бажармаслик деганда, маҳсулот етказиб бериш юзасидан план ва топшириқларни бажарадиган хўжалик ташкилотларининг бошлиқлари ва унинг бажарилиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларни план ва топшириқларни бажариш юзасидан барча имкониятлардан фойдаланмай ва унинг корхоналарини кўрмай, объектив сабабларсиз бажармаслик тушунилади» (374-бет).

Ута ғализ ёзилган бу жумладан «сабабсиз»нинг маъноси — «объектив сабабсиз» эканлиги маълум бўлади. Битта сўзни моддага қўшиб қўйилганда эди, мантиқ бузилмасди, шарҳлашга келганда эса «объектив сабаб»ларни санаб бериш кифоя қиларди (Агар уларни санаб, адоғига етиш мумкин бўлса!).

Модомики, кодексдан олинган гапни таҳлил қилишга қўл урган эканмиз, яна бир нарсага эътибор бермай илож йўқ. «План ва топшириқларни» дейилган. План — қонун! Бажариш шарт! «Топшириқ»ни қандай тушуниш керак? Телефонда айтилган гап ҳам, пландан ташқари маҳсулот талаб қиладиган ҳужжат ҳам топшириқ бўлиши мумкин! Бундай топшириқлар қонунга, халқ манфаатига хилоф бўлиши мумкинлигини турғунлик даври исботлаб берди. Хуллас, топшириқнинг нима эканлиги на моддада, на шарҳда айтилган, уни бажармаган одамнинг эса, шўри қурийверади. Бу — қайта қуриш даврида бўлаётган гап!

Кодекснинг 68-моддаси ва унинг шарҳи ҳам антиқа ёзилган.

«Контрабанда, яъни товар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни махсус сақлаш жойларида яшириб, ёки таможня ҳужжатларидан ва бошқа ҳужжатлардан алдов йўли билан фойдаланиб ёки кўп миқдорда контрабанда билан шугулланиш учун бирлашган группа томонидан ёки мансабдор шахс томонидан мансаби вазифасидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда СССРнинг давлат чегарасидан ўтказиш, шунингдек портлайдиган, наркотик моддаларни, қаттиқ таъсирли ва захарли моддаларни, қурол, ўқ-дори ва ҳарбий аслаҳа-анжомларни контрабанда қилиш — ...муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади...» (175—176-бетлар).

Бу модда, бир қараганда, «контрабанда» сўзини таърифлаётгандек кўринади. Ундай десак, узундан-узоқ «жумла-на-жаҳон»дан «Контрабанда, бу — контрабанда-да!» деган маъно чиқади, холос. Яна синчиклаб ўқисангиз, модда жиноят белгиларини санаб бераётганига амин бўласиз, лекин ҳамма белги шуми, деб яна ҳайрон қоласиз. Наҳот истаб, шу модданинг шарҳларига мурожаат этасиз. Мана улардан бир банди: «Контрабанда — товарлар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни (масалан, совет ёки чет эл валюталари, почта маркаларини) ёхуд ушбу моддада кўрсатилган модда ёки буюмларни СССР давлат чегарасидан ғайри-қонуний равишда олиб ўтиш демакдир» (176-бет).

Ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор беринг. Иккови икки хил маънони англатади, лекин шакли бир, яъни омоним сўзлар. Шарҳловчи валюта ва почта маркаларини мисол тариқасида айта туриб, бирданига «модда ёки буюмларни» деб кетиши ҳам жуда қўпол чиққан. Бундай ифода унча-мунча саводхон одами ҳам гангитиб қўяди.

Москвадан тушунтириш хатини тушунтирадиган тад келгани каби, мазкур кодекс шарҳини ҳам шарҳлаш лозим кўринади. Бунақада «қоғоз оши» ичмиз, шекилли.

Айтилмаганлардан бошқа камчилик бўлмаганида эди, мисол тариқасида келтиришга зарурат туғилмас эди. «Ҳа, энди, бир-икки камчилик ўтиб кетибди-да», дея қўя қолардик. Афсуски, одамлар тушуниши мушкул ўринлар жуда кўп. Ҳай, майли, тушуниш қийин жойларни қўя турайлик, лекин мана буларга нима дейсиз? «Қуролли группа қатнашчилари ёки улардан бири совуқ қуролга ёки ўқ отадиган қуролга эга бўлиши керак» (172-бет). «Хулиганлик қилишда жамиятга нисбатан ҳурматсизлик ошқора ифодаланмоғи, атрофдагилар учун ҳам, жиноят қилувчи учун ҳам очикдан-очиқ кўриниб турган бўлиши шарт» (451-бет).

Ғалати туюлмаптими? Бу — жиноят кодекси ҳақидаги китобми ёки жиноятчилар учун ўқув қўлланмасими? Наҳотки, «бўлиши керак», «бўлиши шарт» деган сўзлар шарҳловчиға эриш туюлмаган бўлса? У, «бўлсагина» демоқчи, чоғи.

Қайта қуриш даврининг бу китоби,

эҳтимол, қайтадан ёзилаётгандир, ишқилиб, чийратма жумлалар қайталанмаса, сўзлар адашмасдан жой-жойини топиб олса бўлгани.

Ниҳоят, бадий адабиётнинг яна бир муҳим хислати ҳақида гапирмай иложи йўқ. Бу хислатни Эркин Воҳидов қаламига мансуб бўлган «Шоирлар олиму, олимлар — шоир», деган ибора ўзига жо қилган. Олимларнинг шоирона ташбеҳлари кам бўлса-да, учраб туради, лекин шоирларнинг (умуман, адилларнинг) олимона мулоҳазалари бўлмаса, ёзган асарлари бугунги ўқувчини ўзига ром этмайди. Шу жиҳатдан ҳам бадий адабиёт, адабиётнинг бошқа турларига яна бир қарра ўрнат бўла олади. Фиримизнинг далили сифатида ўринли қўлланган бадий образларни келтириш мумкин. Қайси шеърда ёки проза асарига бадий образ йўқ, дейсиз!

Бадий образ шунчаки сўз ўйини эмас, чуқур ва иқтидорли мулоҳазалар махсули, қолаверса, воқеликнинг маъзани чақиб берадиган тушунча! Қисқача, бадий образлар — илмий ғоялар, десак хато бўлмайди. Илмий чуқур ўзлаштириш учун яна нима керак? «Бу қандай ҳодиса бўлди экан-а?», деб «саксовулзор» ичиде адашиб-улоқиб, изтироб чекиб юрган одамга, оддийгина образли ифода воқеликнинг барча сир-асрорини очиб ташламайдими? Мана, яна нима учун адабиётни ўқиймиз!

Мабодо, ахборотлар назарияси фанининг олимлари қуйидаги бадий ифодани ўқисалар, катта бир ихтирога қўл урган бўлардилар: «Ажабо, шу иккита кичкина қора нуқта — инсон кўзлари шу қадар ҳасрату, шу қадар илтижони ўзига сиғдира олишини билмас эканман» (Асқад Мухтор, «Давр менинг тақдиримда», Тожкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1979 йил, 96-бет).

Бунга ўхшаш олимона ташбеҳлар бадий асарлардан қўллаб топилади. «Шоирлар олиму, олимлар — шоир» деган бадий образнинг ўзи қанчалар маънога эга!

* * *

Биз бадий адабиётнинг, адабиётшуносликнинг ўрнат бўларли ижобий хислатлари ҳақида сўз юритаётган пайтда журналхонлар уларнинг камчилигини, чунончи, савиясиз асарларни, танқидий ва илмий мақолаларни, китобларни кўз олдларига келтирган бўлсалар ажаб эмас.

Начора, мукамал нарсанинг ўзи йўқ экан. Барибир, шу ҳолатда ҳам бадият ўз ифода хусусиятлари билан илмий ва оммабop адабиётга, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига ўрнат бўлгуликдир.

Бадиятнинг камчиликлари мутахассисларга ҳавола, бу нарс мазкур мақоланинг вазифасига кирмайди. Лекин, шу ўринда тилшунос олимлар олдиға бир неча савол қўйиш маъқул бўларди, чунки гап фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш, китоб ўқиганида бехато ва тез англаб олиш ҳақида кетаяпти.

Бир мисол. «Жулдурвоқи қирол тахтида» деган жумла (китобнинг номи) бор. Уни икки маънода тушуниш мум-

кин. Бир: қандайдир жулдурвоқи одам қирол тахтиға чиқиб олган. Иккинчиси: жулдурвоқи қиролнинг тахтида қандайдир ишлар бўляпти.

Журналхон, қирол ҳам жулдурвоқи бўларканми, дейиш мумкин. Китобда нималар бўлмайди, дейсиз! Албатта, биз тажрибамиздан келиб чиқиб, гапда биринчи маъно назарда тутилганини биламиз. Ўша жумлани илк маротаба ўқиётган одам, айниқса, болалар нима қилади? Ҳайрон бўлади, қайси маънода тушунишни билмай, боши қотади, қўшимча маълумотлар олганидан сўнг «Ҳа, мана бундай тушуниш керак экан», дейди.

Бир қарашда ҳеч қандай ёмон ери йўқ, у одам озгина вақт йўқотди, холос. Шунгайм ота гўри қозихонами?

Келтирилган жумлада қандайдир тиниш белгиси ишлатиш керакми ёки сўзларни бошқачарoқ жойлаштириши керакми, ишқилиб, ўқиган одам биринчи ўқишдаёқ маънони тўғри илғаб олсин-да. Тўғри, бадий адабиётда образлилик, қандайдир сирли, фикр уйғотадиган ифодалар бўлиши керак ва ўқувчи битта ўқиганидаёқ тўппа-тўғриси тушуниб олиши шарт эмас. Бироқ, илмий ва оммабop китобларда, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида-чи? Худди ўша жумладаги каби маъно англашилмовчиликлари учрамайдими? Учраганда қандoк! Ўқувчи ҳар бир жумлани тушуниб олиш учун қайта-қайта ўқийверса кўп вақт йўқотади-ку.

Бошқа мисол. Одатда кўчирма гап вергуллар ва қўштирноқлар ёрдамида муаллиф сўзидан ажратилади. Қўштирноқлар баҳарнав, аммо вергулнинг иши қалтис, биттаси тушиб қолса, ана унда бош қотишини кўрин! Биз-ку, гапни тушуниб оламиз, аммо болалар-чи, ўзбек тилини ўрганаётган бошқа миллат вакиллари-чи? Тушунмайди, вассалом! Ундан ташқари, қўштирноқсиз, вергуллар билан ажратилган кўчирма гапнинг мазмунини битта ўқишда илғаб олиш қийин, кўпинча у гапнинг охирида маълум бўлади. Бу ҳам илм ўрганишни қийинлаштиради.

«Дин жон бор ва у киши ўлгандан кейин танасидан чиқиб кетади, деб даъво қилади», дейилган «Ислом ва атеизм» китобида («Ўзбекистон» нашриёти, 1987 йил, 67-бет).

Биринчи сўздан кейин вергул тушиб қолган. «У»дан кейин ҳам қандайдир белги бўлиши керак, акс ҳолда «у киши»ни қўшиб ўқиш ва «ўша киши» маъносиде тушуниш ҳам мумкин. Натигада, жумланинг маъносини тушуниш қийинлашади. (Жумла олинган китобнинг авторлари жаъми 48 киши, улардан тахминан 39 таси ўзбек, китоб ўзбеклар мансуб дин ҳақида ва... рус тилидан таржима қилинган! Таржима учун ҳам раҳмат!)

Кўчирма гапларда ўқувчиларнинг ғашига тегадиган, «гап» деган тушунчанинг таърифиға зид келадиған бир ҳолат тез-тез учрайди. Агар кўчирилаётган фикр бир неча мустақил гапдан иборат бўлса, авторнинг эмг биринчи гапи тугал фикр касб этмай туриб, нуқта қўйилади. Тилшунослар бунга нима дейдилар?

Тил муаммолари ҳақида сўз юритганда ўзбекча тушунчалар хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқ керак. Юқорида айтилган «Сийсий иқтисод» дарслигининг муқовасига «ноиқтисодий олий ўқув юртлири учун дарслик», деб ёзиб қўйилган. «Ноиқтисодий» сўзи русча «неэкономический»дан кўр-кўрона ўғирилган, ўзбек тилининг сўз тузилиши қоидаларига хилоф бўлмаса-да, ўхшашмайроқ турибди, сунъийлиги билинапти. Шунингдек, «нечерноземный район»ни «ноқоратупроқ район» деймиз, худди бошқа сўзлар қуриб кетгандек. «Бытовое обслуживание»ни «маиший хизмат» деймиз. Бунинг нимаси маиший? «Рўзгор хизмати» деганимиз яхши эмасми?

Илмий ва оммабоп китобларда, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида шу тариқа адашган сўзлар тиқилиб ётибди! Бундай ишларга «Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати» (О. Усмонов, Р. Дониёров. «Ўзбекистон» нашриёти, 1972 йил) ҳам ўз ҳиссасини қўшган бўлса керак.

Биз кундалик суҳбатларда айрим

сўзларнинг ўзбекчасини эшлашга эринамиз-да русчасини осонгина ишлатиб юборамиз. Ана шундай сўзлар ҳам бу луғатда бор. Масалан, зачёт, сейф, эгоизм, пейзаж сўзлари интернационал, деб эълон қилинган, ваҳоланки, уларга синов, пўлат сандиқ, худбинлик, манзара, деб ўзбекча изоҳ ҳам бериб қўйилган. Бу сингари мисоллар луғатда кўп, ўйлаймизки, китобнинг кейинги нашрларига тузатишлар киритилади.

Тилни бойитиш илм ўрганишга хизмат қилади, буни худбинлик ёки миллатчиликка йўйиш, «Сенлар илм ўрганиб қайси шаҳарни олиб берардиларинг?» дейиш билан баробар.

Бошқа тилларда ишлатиладиган тушунчаларнинг ўзбек тилига мос келадиган таржимасини топиш фақатгина тилшуносларнинг эмас, балки махсус илм эгалари; олимлар ва педагоглarning ҳам вазифасидир.

Рус ва хорижий тиллардан олиб ишлатилаётган илмий тушунчаларни ҳам она тилимизга пухталаб мослаштирадик, китоб ўқиганда қийналмай-

миз, масаланинг моҳиятини тезроқ англаб оламиз, орамиздан Ибн Синолар, Берунийлар, Улуғбеклар яна етишиб чиқаверади.

Кези келганда яна бир нарсани айтиш лозим. Ўзбек тили қашшоқ эмас, биз уни яхши билмас эканмиз, холос. Фикримизнинг исботи учун 17-асрда, бобурийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдорларидан бири Абу Музаффар Муҳиддин Аврангзеб саройида хизмат қилган мирзо — Муҳаммад Ёқуб Чингий ёзиб қолдирган «Келурнома» луғатини кўрсатиш kifоя. («Фан» нашриёти, 1982 йил). А. Иброҳимова тайёрлаган бу китобда эски ўзбек тилига мансуб феълларнинг турланиши русча таржимаси билан берилган.

Хуллас, қиссадан ҳисса шуки, биринчидан, бадий адабиётдаги танқидчиликнинг барча ютуқларини адабиётнинг қолган турларига жорий қилиш, иккинчидан, бадий асарни фақат маънавий эҳтиёж, деб билмаслик, учинчидан... Бу ёғи ўқувчиларга ҳавола.

Тил сандиғи

Халқ бойлигини асрайлик

Тилни халқ яратади. Тил — халқ бойлиги. Демак, ота-боболаримиздан мерос қолган маданий бойлигимизни, унинг луғат фондиди чуқур ўрганиб, бойитиб бориш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз.

Ҳурматли редакция!

Ўзбек тили жуда қадим тил бўлиши билан бирга, жуда бой тил ҳамдир. Буни бобомиз Алишер Навоий XV асрдаёқ «Муҳокаматул луғатайн» асарида батафсил исботлаб берганлар. «Ёмон фарзанд ота меросини эски деб тепар, яхши фарзанд ота меросининг қадрига етар», деган экан донолардан бири. Дарҳақиқат, аини шу мақсадни қўзлаб «Тил сандиғи» саҳифасини ташкил қилган кўринасизлар.

Мен бир таклиф киритмоқчи эдим. «Тил сандиғи» саҳифасига борган сўзларни тил соҳасида, ўзбек шевалари соҳасида шуғулланаётган мутахассислар кўригидан ўтказилса, яна ҳам яхши бўларди. Айрим сўзларга нотўғри изоҳлар берилиб қолиб, бу хайрли ишнинг обрўсига путур етиб қолмасин дейман.

Шу билан бирга, «Тил сандиғи» хазинасининг бойишига оз бўлса-да ҳисса қўшсам, деган умидда биз томонларда ишлатиладиган сўзлардан айрим намуналар йўлламоқдаман.

Б е ж а й — «жуда» маносида. «...кўп душман ён ёғидан аямай найза-қилич солаётир, б е ж а й ҳам ичим очиди-да».) (Э. Жуманбулбул. «Қундуз билан Юлдуз» достони, 253-бет.)

Б у й р и — биқини

Айрилсанг уюрингдан,

Қўлинг кетмас буйрингдан. (Халқ мақоли.)

Г а я к — «ча!» деганга қайтмайдиган қайсар эчкиларга нисбатан ишлатиладиган атама.

Сурувида г а я к эчки бўлса гар,

Оёқ олтов, чўпон тинмайин чопар.

Бу сўз кўчма маънода ҳам ишлатилиши мумкин.

Ж ў й қ о н и қ у р и с и н — «уруғи йўқ бўлсин» бирикмаси билан маънодош.

Ёмоннинг жўйқони қурисин, болам,

Қилмиши яхшига келтиради ғам.

Ж ў й м о қ — йўқ қилмоқ, йўқотмоқ маъноларида қўлланади.

Еб-ичишга ойлик етар,

Пулни ароқ жўйиб кетар.

И р г а с и — уй ичининг пойғаҳи, баъзан гир ёқаламасини ҳам билдириши мумкин.

Мулкин кўр-да бўзин ол,

Иргасин кўр-да қизин ол.

(Халқ мақоли.)

В ў с о м о с — қўпол, дағал ҳаракат ҳолатини билдиради. Вўсомос одамлар ўзининг қўпол ҳаракатлари билан бирон ишни бузиб қўяди, ёки ўзининг қўпол сўзлари билан кишилар дилини оғритиб юради.

Қ у н т у ю п — қуйиб қўйгандай ўтириш, ҳайкалдай қотиб ўтириш ҳолатларини англатади.

Т а л б и з — талмовсираш, билатуриб билмасликка олиб гапиришни англатади.

Ариқ бўйида ялпиз,

Гапларинг бари талбиз.

Бировларни алжиратиб,

Гапиришда ўзинг ёлғиз.

Ч и р п и н и б — аччиқланиб, кескин ва шиддат билан қилинган ҳаракат ва ҳолатни билдиради.

Остида ўйнайди Ғиркўгдай ҳайвон,

Устида чирпиниб Аваздай ўғлон.

(Э. Жуманбулбул «Қундуз билан Юлдуз» достонидан, 54-бет.)

У д р а й и б — қоғоғини солиб, доимо хафаҳол, ёмон кўз билан қараб юриш ҳолатини англатади.

Кимки ўдрайиб, жаҳл-ла юрар,

Бу ҳолат соғлиги, умрига зарар.

Т ў қ о л — хотин устига олинган иккинчи хотинни шу ном билан атайди. Табиий шох чиқмай қолган сигир ёки эчкиларни ҳам «тўқол сигир», «тўқол эчки» деб аташади.

Т а й т у в — тантиқ, камфаҳм, камфаросат кишиларга (кўпроқ хотин-қизларга) нисбатан ишлатиладиган сифат.

Эрка ўсган қизлар тайтув бўлади.

Баҳори очилмай, дарров сўлади.

Қ у т о й т м а й д и — ўнгдирмайди, соғ қолдирмайди маъносини билдиради.

Кўп қарғаса, сени қутойтмайди,

Яхши бўлсанг ёмон сўзни ҳеч айтмайди.

Камол Абдуллаев,
Самарқанд области Паёриқ районидан.

Нусрат Карим



Ватан тупроғи хақида ҳикмат

Сўғдиларда бормиш эзгу бир удум;
Очкўзлик дардидан ким бўлса адо,
Ватан хокин сепиб очофат кўзга
Демишлар: тупроқдир бу дардга даво.

Сайёҳ ўзга юртда сарғариб тамом,
Тўшақда беармон ётса гар ночор.
Юрт гардини сувга қўшиб бермишлар,
Деб, Ватан тупроғи танингга мадор.

Ўғлон ўзга элда қилиб айш-сафо,
Унут бўлса тамом ёру диёри.
Унга Ватан гардин ичирсалар гар,
Сайёҳни чорлармиш Ватан хумори.

Жанг аро жангчининг бағри бўлиб чок
Бемаҳал сўлса гар киприк-япроғи,
Юрт ҳокин юракка босар эмишлар,
Унга шифо дея Ватан тупроғи.

Сарбадорлар алласи

Бағри қаро булутлар
Қоплаб олмиш самони,
Жони ширин бебурдлар
Ташлаб қочди маконни.
Бешиқдаги мурғак жон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Мардлар жангда шаҳиддир,
Келди нокас замони.
Она юртинг топталиб,
Бўлди сотқин макони,
Бойқушлар қурмиш ошён,
Уйғон болажон. Уйғон!

Отанг эди сарбадор
Рустамдек кўрқмас, жасур.
Сарбадор элга Сардор,
Бургут мисоли ёвқур.
Зўр жангда бўлди қурбон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Бойлар сотиб номусин,
Ёвга берди қизини.
Кечиб элу ёр-дўстан
Қутқазишди ўзини.
Қочди беклар, қочди хон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Эл фарзанди эр бўлур,
Эр йигит бўл ўғлоним.
Номард қаро ер бўлур,
Шер йигит бўл ўғлоним.
Гулзоринг бўлмиш хазон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Қутлуғ она юртингда
Яшар дейди қузғунлар.
Оринг бўлса ўтингда
Ёвни солгин қувғинга.
Элинг йиғлар бағри қон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Сен фарзандим кенжаси
Отанг деган Омоним.
Бўлгин юртинг хўжаси,
Эл дардига дармоним.
Бўлсанг гар асл инсон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Фигонимнинг ўтини
Самоларга кўчирдим.
Қасосимнинг ўтини
Сутим билан ичирдим.
Келтириб ҳаққа имон,
Уйғон болажон. Уйғон!
Қасос дегин, Ал қасос,
Йўлбарсдек наъра тортгин.
Фарзанд бўлиб юртга хос
Ёв қонин ерга қоргин.
Қонга қон, деб, беомон,
Уйғон болажон. Уйғон!





Сен эътиқод бўлгин, шеърият

Улуғ кураш йўлида толсам,
Агар ёлғиз бенажот қолсам,
Менга сабот бўлгин, шеърият.

Элим номин битиб ашъорга,
Элтмоқ бўлсам нурли диёрга,
Менга қанот бўлгин, шеърият.

Зулмат бағрин чақмоқдек ёрсам,
Машраб каби дор сари борсам,
Сен эътиқод бўлгин, шеърият.

Ҳақ йўлига гар жоним тиксам.
Эзгулик деб дил қоним тўксам
Менга ҳаёт бўлгин, шеърият!..



Тескари дарахт

Мусаввир синглим Хуршида КАМОЛга

Синглим, ўзинг айт,
Бу қандоқ дарахт?
Илдизлар осмон бағрига
Панжасин уриб,
Дарахтнинг машъум танаси
осилиб турар
Беўхшов шоҳларин
ҳар ёнга ёйиб.
У гўёки бир ношуд боғбон
жайдари зотга
Тасқара дарахтни пайванд
қилганга ўхшар.
Лек, нечун тескари шоҳларда
Бола очган қушлар
Сайрашар хушнуд?
Ногоҳ, хира тортиб
кўнгил осмони
Қалбимга чанг солди
шубҳали савол:
Оҳ, нечун, ўша тескари дарахт,
Маним турғун ҳаётимга
ўхшайди бот-бот?..
Наҳот, ўша шод куйлаган қушлар,
Бахтиёр ҳаётдан лоф урган ўзим?
Наҳот мен ёруғ дунёда
Бош ўрнида оёқни елкалаб
Тескари яшабман
бош билан юриб?

Мен қандоқ кун кўрдим ахир,
Қуёшдан юз буриб
Икки кўзни қадаб
ернинг қаърига?
Осилган бошимда лиқ тўла
тескари хаёл:
Қайда окни кўрсам, қарога йўйиб
Қарога дуч келсам, оқ дедим бешак:
Аждодим ўқиган қутлуғ китобдан
Юзимни бурганман макруҳ китоб деб,
Бошдаги тасқара хаёлу
тескари нигоҳим билан
Бобом дастхатидан тониб,
Тескари имло деганим рост-ку!
Ажнабий тилин ўрганмоқ бўлиб
ўз тилим чайнаб ютганим ҳам рост.
Момом тавоб қилган эзгу эҳромни
Хурофий сарқит деб, қилганман яксон.
Эски қабристонни кафтдек текислаб,
Пахтазор қилганим барчага аён...
Ёраб, қандоқ кун кўрдим,
: шу ёруғ дунёга тескари боқиб...
Йўқ! — дейман, ҳайқириб,
Бу мумкин эмас.
Сен мусаввир эмас,
балки афсунгар
Чизганларинг бари
уйдирма, рўё.
Ўз тилинг билан,
иқрор бўл ўзинг
Менга тасалло деб, суйлагин ёлғон
Ахир инсон ақлдан озадир бешак,
У ҳаёт сўнгида уйғониб ногоҳ,
Тескари умр кўрганин
ҳис этса агар...

Лола


Тўкилгин юрагим, тупроққа, майли,
Қонингдан лолалар унсин беғубор.
Тонгда гул сайлига чиқса у Лайли,
Ўпсину кўксига тақсин беозор.

Ул ёрнинг бағрида қалбим жонланур,
Лов ёнган лолалар киради тилга:
— Бир ошиқ бор эди оламда мағрур,
Сени деб умрини берди у елга.

Ул ошиқ номидан бўлсин нолалар,
Оламдан ўтдигу етдик муродга.
Биз унинг қонидан унган лолалар,
Висол учун яна келдик ҳаётга...



Омондурди Аннадурдиев



Қушлар

1
Қушлар боққа безак деб айтманг,
Бу фикр йўқ улар ўйида.
Қушни қанча эъзозласанг кам,
Инсон ташлаб кетган уйида —

Тўқайда яшайди жигарлар,
Вафога садоқат керакдир.
Осмон жойлашса-да дилига,
Тумшуклари ерга тарафдир.

2
Қушлар тушса кўклардан толиб,
Қўрқитмоқни қилманг ихтиёр.
Биз улардан андоза олиб,
Учаяпмиз кўкда бахтиёр!

Териб есин чўқилаб донни,
Улар ҳарис каламушлармас.
Томчи сув, учта дон — қуш жони,
Қизғонманг, жуда оз қушда нафс.

3
Яқиндан тинглагинг келар қушларни,
Борсанг учар кетар гуриллаб, шитоб.
Қулоққа қаноат этсак бўлмасми,
Икки кўз-ку, бу икки гирдоб!

Кўринмаслик керак кўрмаклик учун,
У, қушларнинг чўнг осмонда бошлари.
Узоқлашиб кетдим қушлардан бутун,
Турланди, авжланди хуш сайрашлари.

4
Тўлиб-тўлиб сайрайдилар сахарда,
Ҳар қайси ўз куйин куйлай бошлади.
Ўлтириб бурама шохдай шохларда,
Хуш ҳавони қўшиқ билан нақшлади.

На қаллоблик, на ғариблик сезилар,
Ҳар бири жўш урди-борича имкон.
Ишонгин, қушларга ўхшагим келар,
Мен орзу қиламан чин дилдан, ишон!

5
Бугун нима бўлди бизнинг қушларга,
Боғ ичидан на сас чиқар, на садо?
Ғариблик йўқ сукунатдан улуғроқ,
Наволардан обод бўлган дунёда!

Қушлар менинг барча хаёлларимни
Бу тонг узоқларга олиб кетдилар.
Балки тушунмасман аҳволларини...
Балки сукут билан жавоб этдилар!

6
Қўшиқ билан озод тоғларнинг тоши,
Бу бахшилар мендан олсин васфини.
Озгина тебранса боғларнинг боши,
Демак, титраб чалар хуш нағмасини.

Лекин қуш юраги ўзинга маълум,
Бўронга чидаган — мард бўлиб қолар.
Қўшиқ куйланмаса лекин ақллим,
Уша тонг дилига дард тўлиб қолар.

7
Энди армоним йўқ, йўқ энди оҳим,
Атроф, теварагим ўзгарар, мана.
Қуш тилидан бошқа куйламас созим,
Сахий боғбон энди гал берар менга.

Тер бўлибми, дур бўлибми, билмадим,
Бу боғларга сингди элнинг заҳмати.
Яшил саҳифадир — юртим, силадим,
Ўрнашдимми, ўртасига бу бахтнинг?!

8
Минг саснинг ичидан сайланиб чиқар,
Кўнгилга ёққувчи булбулнинг саси.
Елғиз сайрамайди, сайраса балки,
Учар андалибнинг барча ҳаваси.

Куйчи бахти учун булбулдир булбул,
Қанча изтиробда, қанча азобда!
Нағмасин минг сасдан ўрганганлар ул,
Бедор боғлар бахти бемор, бетобда!

9
Азонда уйғонинг, қушлар сайрайди,
Унинг саси шунда таскиндир асти.
Насим сени байрам сармаст айлайди,
Гўзалдир табиат санъати!

Шундай эрта туриб,
Эрта уйғониб,
Ажаб нағмаларни тингласанг қониб,
Қушлар қўшиғини тинглаб ўссанг гар,
Элга комил қўшиқ айтгунг муқаррар!
Туркманчадан Йўлдош Эшбек таржималари



НИГОХ

Рубрикамининг бугунги меҳмони — Футбол бўйича ўсмирлар ўрацида жаҳон чемпиони, «Пахтакор» командасининг ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимов.


Миржалол 1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Барча болалар каби у ҳам кичкиналигидан футболни жуда яхши кўрар эди. Бу кизиқишни сезган отаси — Қўшоқ ака уни республика футбол мактабига олиб борди.

Футбол мактабидаги таълим йллари беиз кетмади. 1983 йили у республика, 1985 йили эса СССР ўсмирлар герма командасига қабул қилинди. 1986 йили Тошкентда бўлиб ўтган XVI Халқаро футбол мусобақасида мамлакат герма командаси саставида майдонга тушиб, мухлислар ишончини оқлади. Шундан кейин ўқишини Москвадаги спорт-интернатда давом эттирди. Мамлакат герма командаси саставида Европа ва Жаҳон чемпионатларида қатнашди.

1987 йили август ойида «Пахтакор»нинг бош тренери Б. Абдураимов Миржалолни командага қабул қилди. Утган йилдан буён эса у СССР ёшлар герма командаси аъзоси. Ҳозир Миржалол Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг студенти.

Миржалол Қосимов ўзининг чиройли ўйинлари билан бундан кейин ҳам кўп сонли футбол мухлисларини эҳсонтираверади. деб умид қиламиз.

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ





FUNK

Маҳмуд Торобий сафдошлари ичида ақоид олими Шамсуддин Маҳбубий бирмунча ёрқин, йирик сиймо эди. У Маҳмуд Торобий ғоясини фаол қўллаб-қувватлади. Маҳмуд Торобий ҳаракатининг муваффақияти кўп жиҳатдан Шамсуддин Маҳбубий номи билан боғлиқ. Шамсуддин Маҳбубий шариат ақидаларига асосланган анъанавий ислом ҳоқимияти қудратини яхши биларди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда зўрлаб қабул қилдирилган «Буюк Ясоқ» ҳукмронлиги даврида мусулмон дини ғояларидан истилочиларга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эди.

Маҳмуд Торобийнинг Шамсуддин Маҳбубий билан танишиб, у билан ҳамкорлик қилиши қўзғолон йўлбошчиси

этиборни қаратдилар. Шаҳар зодагонлари, айниқса, маҳаллий садрлар назарида Торобий исёнчи, жуда хавfli ва ёмон одам бўлиб кўринди.

Бинобарин, Маҳмуд Торобий издошларни ва тарафдорлари сони кун сайин ортиб борди. Ўзларининг озод кунларини унутмаган, Малик Санжар ва бошқа ватанпарварлар олиб борган курашларни хотирасида сақлаб юрган эркесвар деҳқонлару ҳунармандлар отабоболар тупроғини мўғул bosқинчиларидан тозалаш ва зўравонлигу хўрлашларга қарши курашга чорловчи ҳар қандай даъватга лаббай деб жавоб беришга тайёр эдилар. Маҳмуд Торобий ғоялари ва унинг тарафдорлари мўғул ҳукмдорларига ҳам маълум бўлди. Мўғул bosқоқлари, амирлар, садрлар халқ тўлкинини тинчлантириш чоралари

тараф этади: шахна ва bosқоқлардан ўз ниятларидан қайтиб, итоат этишни талаб қилади. Жувайний ёзади: «Йўлга тушгач, (Маҳмуд) ул бойдоқнинг (мўғуллар бойдоғининг — Л. Б.) нияти бузилганини пайқади. Улар Сарипулга яқинлашганларида (Маҳмуд) бойдоқ бошлиғи бўлган Томошого қараб: «Бу ёмон аҳдиндан қайт, йўқса, одамзод қўлини теккизмасдан дунёни кўриб турган кўзларингни ўйиб олдираман», деди. Унинг гапини эшитган мўғуллар: «Равшанки, бизнинг ниятимиздан ҳеч ким уни воқиф этгани йўқ. Наҳотки унинг ҳамма гаплари тўғри чиқса, дедилар. (Мўғуллар) кўрқиб, унга (ҳеч қандай) ёмонлик қилмадилар».

Маҳмуд Торобий одамлари билан шаҳарга кириб келади. Ўз ҳомийсини кутиб турган халқ унга олқишлар би-

Маҳмуд Торобий



ҚўЗҒОЛОНИ

Луқмон
Бойматов

учун янгидан-янги имкониятлар очиб берди: Маҳмуд Торобийнинг озод ҳаёт ҳақидаги фикри — қуролли курашни бошлаш керак, деган қатъий қарорга айланди. «Бухорода, — деб ёзади Жувайний, — ўз насл-насаби ҳам фазлу камоли билан маълум ва машҳур бир олим киши бўлиб, лақаби Шамсуддин Маҳбубий эрди. Бухоро имомларини хуш кўрмаслиги баҳонаи сабаб бўлиб, ана шу зот ул нодоннинг (Маҳмуд Торобийнинг) телба ишларига бош қўшди, унинг издошлари сафидан жой олди. Шу зот ўшал бидъатчиға (Маҳмудга) «Менинг падарни бузрукворим хикоя қилар эдиларким, аллақайси китобда ёзилишича, Бухоро Торобидин бир мард ҳоқим чиқиб, дунёни обод этар экан. Ул киши ул марднинг белгию нишонларини ҳам айтиб эдилар. Ана шу белгию нишонларни мен сизда кўрадурмен», деган экан. Ул беақл бидъатчи бу алдов таъсиринда янада талтайиб кетмишдир».

Торобий ташвиқоти кенг қулоч ёйди, унинг халқ оммаси орасида обрў-этибори ошиб кетди. Бухоронинг ҳоқим доиралари ҳам Торобий фаолиятига

хусусида кенгаша бошладилар. Улар Хўжандага, мўғул ноиби Маҳмуд Ялавочга чопар юбориб, уни Бухорода юзага келган хавfli вазиятдан огоҳ этдилар. Ҳукмрон доиралар — амирлар, садрлар, мўғул bosқоқлари Маҳмуд Торобийга, унинг беҳисоб тарафдорларига очиқдан-очиқ қарши чиқишга кўрқдилар. Улар халқ қаршисида ожиз эдилар, шу боисдан халқ раҳнамоси Маҳмуд Торобийни айёрлик билан қўлга тушириш режасини тузадилар.

«(Амирлар ва bosқоқлар) Торобга қараб йўлга чиқдилар, — деб ёзади Жувайний, — ва (Маҳмуддан) Бухорога бориб, шаҳарнинг зеби бўлмоқни, унда ўз қароргоҳини бунёд этмоқни илтимос қилдилар, мақсадлари (у) Фаридон кўприғига етганда, тўсатдан ўқ ёғдириб (уни) ўлдириш эди». Лекин Маҳмуд душманларининг муддаосини пайқаб қолади. Шунга қарамасдан вазиятни бой бермаслик учун ўз издошларидан катта бир гуруҳи ҳамроҳлигида Бухорога отланади, бойдоқда укалари, опаси, Шамсуддин Маҳбубий ҳам бор эди. Бойдоқ Вазидон кўприғига етганда, Маҳмуд таҳдид солаётган хавfli бар-

лан пешвоз чиқади. Шуниси диққатга сазоворки, Маҳмуд Торобий шу заҳотиёқ Малик Санжар саройига йўл олади. Маҳмуд Торобий Малик Санжар саройини ўз қароргоҳи деб эълон қилади, бу бежиз эмас эди. Шубҳасиз, унинг сиёсий мақсади бор эди. Маҳмуд Торобий — бу билан ўзини Малик Санжар ишининг давомчиси қилиб кўрсатмоқчи бўлади.

Бухоро қўлга киритилгандан сўнг Торобий ҳаракати кенг қулоч ёйди. «У

Луқмон БОЙМАТОВ. 1960 йили Ленинободда туғилган. 1984 йилда Москва дорилфунунининг тарих факультетини битирган. СССР Фанлар Академиясининг СССР тарихи институти аспиранти. Илмий тўпламларда элликдан ортиқ мақоласи чоп этилган. «Маҳмуд Торобий кўзғолони» рисоласи Москва нашриётларининг бирида нашрга тайёрланмоқда. Ҳозир XII—XIV асрларда, яъни мўғул bosқинчилари ҳукмронлик қилган даврда Урта Осиё халқлари тарихини теран ўрганиш билан машғул.

* Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

қадам қўйган маҳаллау бозорлар,— деб ёзади Жувайний,— шундай тир-банд бўлиб кетдики, ҳатто мушук ҳам юролмади қолди. Одамлар ундан фотиҳа олмай ортга қайтмас эдилар.

Айни пайтда Бухоро шахрининг зодагонлари халқ раҳнамосини бир ёқлик қилиш чорасини излар эдилар. «Шаҳар садрлари, амирлару бойлар сиртдан унга (Маҳмудга) ҳурмату эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қилар, зимдан эса, авомнинг қўли устун келаётганини кўриб қулай йўл топиб, уни ўлдирмоқ пайида бўлар эдилар. (Маҳмуд) издошларидан аллақим уни ноқис кимсалар ниятидан воқиф этди. Маҳмуд шу заҳотиёқ шаҳар дарвозаларидан биридан яширин равишда чиқиб, дарвозага бойланган отлардан бирига миниб, шаҳарни тарк этди», деб ёзади «Тарихи жаҳонгушой» китобининг муаллифи.

Маҳмуд Торобий шаҳардан чиқиб, шимолда жойлашган Абу Ҳафз тепалигида тўхтади. Садрлар, амирлар, мўғул босқоқлари Маҳмуд Торобийни шаҳардаги оломон ичидан узоқ ахтардилар, лекин уни тополмайдилар. Торобийнинг қочиб кетганидан хабар топган зодагонлар халқ йўлбошчисини тутиб келиш учун мўғул отлиқларини жунатадилар. Мўғул отлиқлари Маҳмуд Торобийни тасодифан Абу Ҳафз тепалигида беҳисоб оломон ичида кўриб қоладилар. У билан тўқнашувга жазм этолмаган отлиқлар шаҳарга қайтадилар ва бундан амиру босқоқларни хабардор қиладилар.

Маҳмуд Торобий то Ҳўжанддан Бухорога, мўғул босқоқларига ёрдам бериш учун амир Маҳмуд Ялавочнинг янги лашкарлари келмаган экан, ғанимат вақтни қўлдан бой бермай қуроли кўзғолон қилиш лозимлигини англаб етган эди. У билар эдики, халқ жангга тайёр, унинг ҳар бир сўзини илҳақ бўлиб кутиб турибди. Жувайнийнинг эътирофи этишича, «авом халқ Ҳўжа (яъни, Маҳмуд) бир ишора қилиши билан Абу Ҳафз тепалигига учиб чиқди ва шу заҳоти каттаю кичикнинг қўлидан идораи ихтиёр жиловни тушиб, одамлар гурас-гурас бўлиб чўлга, яланг тепага қараб оқа бошладилар, унинг ҳузурига келиб издиҳом пайдо этдилар, тинмай қий-чув солар эдилар».

Жувайний давом этади: «Шом намози вақти бўлиб қолди», шунда Маҳмуд халққа қараб: «Эй, адолат ҳомийлари! Яна нимани кутиб турибсиз?! Оламни кофирлардан тозалаш даркор! Ҳар ким бор қуролу аслаҳани, сўйилу чўқморни ишга солсин!», деди».

Маҳмуд Торобий нутқи халқни жунбушга келтириб юборди, Бухоро атрофларидан одамлар гурас-гурас келиб, унинг сафига қўшила бошладилар. Бирпасда лак-лак лашкар тўпланди, бу лашкар ёмон қуролланган бўлса-да, лекин она тупроқни келгинди истилочилардан тозалашга қатъий бел боғлаган садоқатли кишилар эди.

Маҳмуд Торобий беҳисоб лашкар билан яна Бухорога кириб келди, бу сафар Робиа саройига тушди. Амирлар, мўғул босқоқлари ва олий мартабали дин арбоблари исёнчиларга ён беришга мажбур бўлдилар. Бухоро ва унинг

атрофлари Маҳмуд Торобий ҳамда унинг тарафдорлари назоратига ўтди. Шаҳардаги мўғул бойдоқлари ғалаёнчиларга зарба беришга журъат этолмадилар. Аммо амирлару садрлар жангга махфий тайёргарлик кўрар эдилар.

Маҳмуд Торобий вақтни бой бермай ўз режаларини амалга оширишга киришди. У Робиа саройига садрларни, аъёнларни, олий мансабли дин арбобларини, шаҳар акобирларини чорлаб, ўзини халифа деб эълон қилишларини талаб этди. Халқ тамоман Маҳмуд тарафида бўлгани туфайли дин арбоблари унинг талабини бажо келтиришга мажбур эдилар. Шаҳарнинг бош масжидада Маҳмуднинг номи хутбага қўшиб ўқилди ва у халифа деб эълон қилинди. Бош садр Бурхониддин Маҳмуд Торобийнинг талабига биноан Шамсуддин Маҳбубийни шаҳар садри этиб тайинлади. Шу тариқа Маҳмуд Торобий Бухоро ва унинг атрофларида ўз ҳокимиятини ўрнатади, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни қўлга олади.

Ўзини тўла ҳуқуқли ҳоким деб эълон қилган Маҳмуд Торобий асосан шаҳар акобирларига қарши қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширишга киришади. Амирларни, мўғул босқоқларини, доруғаларни, садрларни, ҳукмрон табақанинг бошқа вакилларини шаҳардан қувиб чиқаради. У кўпдан-кўп арбобларни, мансабдору йирик дин арбобларини, амалдорларни, мўғул босқоқларини қатл этади. Жувайнийнинг ёзишича, «ақобиру бою баёнларни ҳақорат қиладди, шармандасини чиқаради, баъзиларини эса ўлдиради, бир қисми қочиб қутулади. Оддий халққа, дарбадарларга эса марҳамат кўрсатади».

Маҳмуд Торобий дин пешволарига ўз номини султон сифатида хутбага қўшиб ўқитади. «Халифа», «Султон» унвонларини жорий этиш билан Маҳмуд Бухоро бундан буён мустақил эканлигини, мўғул хонларига итоат қилмаслигини таъкидлайди.

Маҳмуд Торобий ўз издошларидан бир қисмини бўлса-да, қурол-яроқ билан таъминламай туриб, пухта қуролланган мўғул навкарларига қарши муваффақиятли жанг қилиб бўлмаслигини яхши тушунар эди. Бир оз муддат ўтиб, исёнчиларнинг маълум қисми қуролланди. Маҳмуд одамларни ўзининг «самовий махфий қўшини» кўзғолонда мадад беришига ишонтиради. Жувайний ошкора ғараз билан ёзадики, «(Маҳмуд) менинг лашкарим икки қисмдан иборат: бири — Одам Ато нисидан, у кўзга кўринади, иккинчиси — самовий кучлардан иборат; у ҳавода учеди, жинлар тўдаси мисоли ерда юради. Энди мен бу кучларни сизлар учун ҳам топаман: сўзларим ростлигини билиш учун осмонга ва ерга боқинглар», дейди. (Маҳмуднинг) яқин кишилари ҳамда издошлари осмонга қарайдилар. Шунда у: «Мана бу ерда улар яшил либосда, худди шу жойнинг ўзига оқ кўйлақда учиб юрибдилар», деди. Оддий халқ унинг гапларига ишонади... у яна: «Олло таоло бизга ғойибдан қурол ҳам беради»,

дейди. Худди шу аснода Шероз тарафдан аллақандай бир савдогар тўртта эшакка ортилган қилич олиб келиб қолади. Ана шу воқеадан сўнг оддий халқ ғалабага асло шубҳа қилмай, жангга киради».

Маҳмуд Торобий энг машаққатли кунлар ҳали олдинда эканлигини яхши биларди. Яқин орада Маҳмуд Ялавоч бошчилигида Ҳўжанддан беҳисоб мўғул босқоқлари Бухорога келишига ақли етарди. У яна шуни биладики, шаҳардан қочган Бухоронинг «улуғ зотлари» қаршилик кўрсатишни тўхтатмайдилар, қандай қилиб бўлса ҳам бой берилган ҳокимиятни қайтариб олишга уринадилар. Дарҳақиқат, шаҳардан қочган амирлар, босқоқлар, садрлар Карманада шошилинч куч тўплаб, мўғул босқоқларини ишга солиб, жангга ҳозирлик кўрар эдилар.

Юзага келган вазиятни тушуниб, исёнчилар йўлбошчиси мўғуллар билан бўладиган навбатдаги курашга тайёрлана бошлади. Шаҳар ташқарисида лашкаргоҳ барпо этиш учун бойлардан чодир у гиламлар ва бошқа нарсаларни тортиб олишни бюорди. Шу тариқа тез фурсатда исёнчиларнинг кўпдан-кўп чодирлари қад ростлади. Кўзғолоннинг бутун мамлакатга ёйилиш хавфи туғилди. Айни пайтда мўғуллар Бухорога кирдилар. «Тарихи жаҳонгушой» муаллифининг ёзишича, «(Амирлар, садрлар) Бухорога йўл олдилар, (Маҳмуд) ҳам жангга тайёрланди ва душман қўшинларига қарши кўйлак-иштонли бозорчиларни эргаштириб чиқди».

Икки томон қўшинлари чўлда бир-бирларига юзма-юз туриб саф тортади. Кўп ўтмай, кўзғолончилар билан сон-саноқсиз мўғул босқоқлари ўртасида қонли жанг рўй беради. Исёнчилар яхши уюшган эдилар, улар мардона, фидокорона жанг қиладилар. Маҳмуд Торобий билан Шамсуддин Маҳбубий жанг айна кизгин тус олган жойда ҳозир бўлардилар. Жангда исёнчилар ғалаба қозондилар. Мўғуллар ва маҳаллий бойлар мағлубиятга учраб, Карманага қараб қочади. Исёнчилар уларни то Карманача қувиб борадилар ва чекинаётган мўғул қўшинларининг кўпчилиги қириб ташланади.

Бу қонли тўқнашувда ҳар иккала томондан ўн минг одам ўлади. Кўзғолончилар ғалабаси Бухорода ва унинг атрофларида ҳокимият халқ қўлига ўтганидан далолат берар эди. Аммо кўзғолончиларнинг муҳим ғалабаси ҳаракат раҳнамоси — Маҳмуд Торобий ҳаётини бой бериш эвазига келади. Кармана яқинидаги қаттиқ олишувда исёнчилар раҳнамоси мўғул жангчиларининг бир дайди ўқи туфайли жон беради. Худди шу жангда Маҳмуднинг дўсти, фаол курашчи ва йўлбоши Шамсуддин Маҳбубий ҳам ҳалок бўлади. Лекин буни на душман томон, на кўзғолончиларнинг ўзлари ҳам сезадилар. Жанг давом этади.

Ғалабадан сўнг кўзғолончилар Бухорога қайтиб келадилар ва шундагина Маҳмуд Торобийдан жудо бўлганларини биладилар. Маҳмуднинг сафдош-

лари марҳумни кўзга кўринмас «авлиё» деб атайдилар, Хўжа (яъни, Маҳмуд) ҳадемай яна пайдо бўлади деб ишонадилар.

Кўзғолончилар Маҳмуд Торобий ўрнига унинг икки укасини — кўзғолонда фаол қатнашган Муҳаммад билан Алини бошлиқ қилиб кўтардилар. Маҳмуднинг укалари ҳақида гап кетар экан, шунини айтиш лозимки, тарихий адабиётларда Муҳаммад билан Али, Маҳмуддан фарқли ўлароқ, етарли тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмаганлар, деган фикр ҳукм суради. Кўзғолон тарихини ёзган тадқиқотчилар Маҳмуд Торобийнинг укалари халқ орасида у қадар обрў-эътиборга эга бўлмаганлар, деган таҳминга мойиллик билдирадилар.

Лекин муаррихларнинг Муҳаммад билан Алига берган салбий баҳолари далилланмайди ва аниқлик киритишни талаб қилади. Маҳмуд Торобий укаларининг кўзғолонда тутган ўрнини аниқлаш учун муаррих Жувайний маълумотларини синчиклаб таҳлил қилиш баробарида, кўзғолоннинг борлигини диққат билан кузатиш лозим. «Авом ва дарбадарлар,— деб ёзади Жувайний,— уларни (яъни, Муҳаммад билан Алини — Л. Б.) ўзларига бошлиқ қилиб, талон-тарожга киришиб кетдилар».

Кўзғолончиларнинг шаҳарни эгаллаб олиши, сон-саноксиз, пухта қуролланган мўғул бошоқларини Карманада тор-мор келтириши, хуллас, кўзғолоннинг муайян талабига Маҳмуд Торобий ҳамда торобийчилар, хусусан, унинг укалари — Муҳаммад билан Али лозим пайтда ўз кучларини жангга тез ва пухта ҳозирлай олиш қобилиятига эга бўлганликларидан дарак бериб турибди. Зеро, улар ташкилотчилик иқтидоридан маҳрум бўлмаганлар. Исёнчилар уларни ўзларига бошлиқ қилиб бежиз кўтармаганлар. Аввало, шу нарса сир эмаски, қадим-қадимлардан буён ҳокимият наслдан-наслга ўтиб келган. Зотан, Муҳаммад билан Алининг Торобий ўрнига бошлиқ қилиб кўтарилиши аънаванавий, одатий ҳол бўлган. Деҳқонлару хунармандлар ана шу одатга риоя қилганлар. Қолаверса, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Ҳаракат тарихига оид далилларга кўра, Муҳаммад ҳам, Али ҳам йўлбошчилик иқтидори — мардлик, жасурлик, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган. Демак, исёнчилар Муҳаммадга ҳам, Алига ҳам қатъиятли, ботир, тажрибали раҳнамо сифатида ишонганлар.

Шу нарса аёнки, кўзғолон мобайнида қўлга киритилган яхши натижалар Муҳаммад билан Али учун битмас-туганмас тажриба манбаи бўлган. Улар ҳаётий тажрибаларига суяниб, амалий ишга ўтадилар. Жувайнийнинг айтишича, Маҳмуд бошлаган ишни давом эттирадилар, навбатдаги курашга тайёргарлик кўрадилар. Улар аввало маҳаллий феодаллар билан курашадилар, уларнинг мол-мулкларини тортиб олиб, бева-бечораларга бўлиб берадилар. Жувайний уларнинг бу ҳаракатини қоралаб, «дарҳол талон-тарожга киришиб кетдилар», деб ёзганида ана шу ку-

рашга муносабат билдирган эди.

Афсуски, Муҳаммад билан Али Маҳмуд Торобий бошлаган ишни поёнига еткази олишмади. Кўзғолоннинг кенг ёйилиши, Бухоро билан Кармананинг исёнчилар томонидан эгаллаб олиниши ҳукмдорларни, айниқса, садрларни қаттиқ кўрқитиб юборди. Таҳликага тушиб қолган ҳокимлар, акобирлар, шаҳар аъёнлари шошилнч чоралар кўра бошлайдилар, лак-лак лашкар тўплайдилар.

Уфатой бошлиқ марказий аркони давлат ҳам, улус хони Чифайтойхон ҳам, Мовароуннаҳр ҳокими — ноиб Маҳмуд Ялавоч ҳам, Бухоро садрлари ҳам — ҳаммаси бир бўлиб, бундан буён кўзғолоннинг Мовароуннаҳр ерларида аланга олмаслиги учун энг зарур тадбирларни белгилайдилар.

Бухорода Элдиз нўён ва Чакан Қурчи бошчилигида янги, тиш-тирноғига-ча қуролланган мўғулларнинг жазоловчи бошоқлари пайдо бўлади. Аммо кўзғолончилар чекинмайдилар. Жувайний таъбирига кўра, «Бу бидъатчилар (яъни, Муҳаммад билан Али — Л. Б.) яна ўз издошларини эргаштириб даштга чиқадилар ва қурол-яроқсиз ҳолда жанг қилиш учун саф тортдилар».

Исёнчилар билан мўғул бошоқлари ўртасида қонли, шиддатли жанг бўлади. Кўп ўтмай, Муҳаммад билан Али дайди ўқ туфайли оламдан кўз юмади. Кўзғолончилар раҳнамосиз қолиб, аҳвол ёмонлашди. Лекин улар бўш келмайдилар. Охиригача ғайратшижоат билан жанг қиладилар. Қурол-яроқсиз халқ катта талафот кўради. Жангда улар йигирма минг одам йўқотадилар. Шубҳасизки, мўғуллар ҳам улардан кам талафот кўрмайдилар. Шу тариха элақчи Маҳмуд Торобий бошлаб берган халқ кўзғолони мағлубиятга юз тутди. Кўзғолоннинг қолган иштирокчиларини мўғул кўшинлари асир оладилар. Бухоро ва унинг атрофлари яна мўғул саркардалари, амирлари қўлига ўтади.

Амирлар бошлиқ мўғул бошоқлари ғазаб отига миниб Бухорони тамоам вайрон этмоқчи, одамларини битта қўймай қириб ташлаб, бу вилоятни йилки боқадиган ялавга айлантarmoқчи бўладилар. Аммо Хўжандан етиб келган Маҳмуд Ялавоч мўғул жангчиларининг Бухорода қатли ом ва ялли қирғин ўтказишига йўл қўймади.

Бухоро халқ кўзғолони бостирилгандан сўнг Чифайтойхон буюк давлат қонунига хилоф равишда ўзбошимчилик билан, улуг ҳоқон Уфатой билан келишмасдан Маҳмуд Ялавочни ноиблик мансабидан четлатади. Урнига ўз гунаҳларини қўяди.

Маҳмуд Ялавоч улуг ҳоқон Уфатойга Чифайтойхон устидан арз қилиб, улус хони ўзини ҳокимиятдан ноҳақ четлатганини айтди. Чифайтойхон ҳоқоннинг сўровига жавобан узрнома юборди. Уфатой ҳоқон Чифайтойхоннинг жавобномасини олгач, Мовароуннаҳрни унга ҳада этди. Шу билан бирга у Маҳмуд Ялавочни Қорақўрумга, ўз ҳузурига таклиф этди. Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрни тарк этиб, улуг

ҳоқон вазиралигини бўйнига олади. Айни пайтда ҳоқон хазинабонига котиблик ҳам қилади.

30-йилларда профессор А. Якубовский Маҳмуд Торобий ҳаракатининг оқибатлари хусусида фикр юритиб: «Афсуски, билимларимизнинг ҳозирги бошқичида, Маҳмуд Торобий кўзғолони мўғулларга қадар вужудга келган деҳқон ва хунармандларни эзиш шаклларини бир оз бўлса ҳам юмшатишимиз, деган саволга жавоб бериш мумкин эмас», деб ёзади.

А. Якубовскийнинг мақсул мақола-си бундан бир неча ўн йиллар муқаддам ёзилган. Шубҳасиз, ўтган давр ичида чингизийлар давлати тарихини ўрганиш борасида муайян ютуқларга эришилди. XIII—XIV асрларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихига оид кўп муаммоларга аниқлик киритилди. Ана шу далилларга суянган ҳолда айтиш керакики, Маҳмуд Торобий раҳбарлигидаги халқ кўзғолони Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатган.

Аввало, кўзғолон оқибатида чингизийлар мамлакатни бевосита ўзлари идора қилишга ўтадилар — Маҳмуд Ялавоч мўғул ҳоқонининг ноиб вазифасидан четлатилади. Айни пайтда шунга эътибор бериш керакики, Уфатой ҳоқон Чингизхоннинг ризолиги билан Маҳмуд Ялавочнинг ўрнига унинг ўғлини, узоқни кўзлайдиган сиёсатчи ҳамда йирик ислохотчи бўлган Масъудбекни тайинлайди.

Мўғуллар замонидаги Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаёти ҳақида гап кетар экан, танга пуллар ҳақидаги илмга оид далиллар асосида шунини айтиш мумкинки, кўзғолон босилиши биланоқ бу соҳада ҳам айрим ўзгаришлар рўй берган.

Е. Давидович ўзининг «Мўғуллар истисолоидан кейинги Урта Осиёнинг пул хўжалиги ва XIII асрдаги Масъудбек ислохоти» номли рисоласида тангаларга оид далиллар таҳлилидан сўнг шундай муҳим хулосага келади: «Мўғуллар кўзғолончиларни жуда қийинчилик билан мағлубиятга учратдилар. Худди ана шу кўзғолондан сўнг Бухорода кумуш суви югуртирилган мис тангалар — дирҳамлар (1239—40 йиллар) чиқарилганки, буни тасодифий ҳол деб бўлмайди. Афтидан, олдинги пуллар қадрсизланган бўлса керакики, қадри йўқолган тангалар ўрнига бошқа, янги тангалар чиқариш зарурати туғилган. Кўзғолоннинг кенг ёйилиши ва кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларнинг алмаштирилиши осойишталикдан дарак бермас эди,— деб давом этади олима.— Шу боисдан, Жувайнийнинг, гўё «Маҳмуд Ялавоч ва Масъудбек давлатни мурувват билан идора қилган эди. Шу туфайли мамлакат мўғуллар қирғинидан кейин ўзини тез ўнглаб олди, хусусан, Бухоро барқ уриб гуллаб-яшнади», деган далолатига жуда эҳтиёт бўлиб ёндашмоқ лозим. Агар бунда зигирча ҳақиқат бўлса, у ҳолда нумизматик далиллар оламида воқеалар силсиласининг «осойишталик» доираси Маҳмуд Ялавоч ҳукмронлик қилган давргача (яъни, 1238 йилгача) торайиб

бормоғи шарт.

«Мўғулларнинг махфий тарихи»да айтилишича, Уғатой хоқон Чигатойнинг қўллаб-қувватлаши билан айрим тадбирлар белгиланган. Хусусан, у Мовароуннахрни ҳам қамраб олган давлатининг ҳамма жойида ёмлар, яъни давлат соқчихоналари таъсис этган. Бу ишда улус хони Чигатой ҳам фаол қатнашган. Савдо-сотиқни яхшилаш, элчилар ва чопарлар ҳаракатини тезлаштириш учун хоқон муайян бир миқдорда тўланадиган маҳсулот солиғи чиқарди. Ажабланарлиси шундаки, «Махфий тарих»га биноан, бу солиқ «йўқсиллар ҳам қашшоқлар фойдасига» йиғилар эди.

Бундан ташқари, Уғатой хоқон ҳукронлигининг охирларида яна баъзи бир муҳим тадбирлар ҳам амалга оширилган эди. Юқоридаги китобда хоқон тилидан: «Мен сувсиз ерларда қудуқлар қазिशни амр этдим, бу қудуқлардан халқ сув ичади, озиқланади, ниҳоят, олгинчилар ҳамда тақмачилар мансабини таъсис этиб, бутун салтанатда осойишталик, хотиржамлик ўрнатдим», дейилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Торобий кўзғолони бостирилгандан сўнг мўғул хонларининг айрим ён беришлардан кўзлаган муддаоси — халқ норозилигини бир оз бўлса-да пасайтиришга қа-

ратилган эди. Айти пайтда бу ён беришлар, марҳаматлари меҳру шафқатларидан кўзда тутилган асосий мақсад — Уғатой хоқон бошчилигидаги марказий ҳокимиятни ҳамда аркони давлатни мустаҳкамлаб олишдан иборат эди. Албатта, бу тадбирлар ўз навбатида, ҳоким синф вакилларининг халқ ғазабиди, унинг жунбушга келиб, исён кўтаришидан қўрқиниши ҳам кўрсатар эди.

Урта Осиё халқларининг чингизий истилочиларга қарши халқ озодлик кураши муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Турган гапки, Торобий бошлиқ исёнчилар ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб туролмадилар. Маҳмуд Торобий ўз олдига қўйган сиёсий мақсадга эришолмади; негаки, бунинг учун ҳали тарихий шарт-шароит пишиб етилмаган эди, шунга қарамасдан, меҳнаткаш омма кураши чингизийлар давлати тарихида синфий кураш занжирининг муҳим ҳалқаларидан бирини ташкил этади. Гарчанд Маҳмуд Торобий кўзғолони у қадар узоқ давом этмаган бўлса-да, ўз табиатида кўра, куч-қудрати жиҳатидан XIII асрдаги Урта Осиё халқлари кураши тарихида алоҳида ўрин тутди.

Меҳнаткаш омма бу курашда катта саботу матонат кўрсатди, мардлигини, куч-ғайратини, жасоратини, эрксеварлик табиатини намойиш этди. Бундай

озодлик ҳаракатларининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бой-феодаллар истибдодидан озод бўлиш, ҳақсизлик-ҳуқуқсизликка қарши кураш, қарамлик сиёсатига қарши бош кўтариш жараёнида турли этник жамоаларнинг, қабилано уруғларнинг ҳаракатларида бирдамлик вужудга келди, кўзғолонлар эса бу бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

Маҳмуд Торобий бўронли, шу билан бирга замондошларини ҳайратга солган шарафли ҳаётини ўз халқининг миллий мустақиллиги учун, чет эл истилочилари ва маҳаллий ҳокимлар зулмидан озод бўлиши учун фидо қилди.

Торобий йўлбошчилигидаги кўзғолон халқимизни қуллик, қарамлик асорати-га солувчи хоржий истилочиларга қарши олиб борилган озодлик кураши тарихида шунинг учун ҳам ёрқин, ўчмас из қолдирдики, унинг тарафдорлари, салафлари (Шамсуддин Маҳбубий, опаси, укалари Муҳаммад билан Али) мўғул истилочилари зулми остида эзилган, топталган, хору зор этилган халқни ҳимоя қилиб чиқдилар. Худди ана шу фазилати учун ҳам бу кўзғолон муҳим тарихий воқеа сифатида Ватанимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилмоғи лозим.

Рус тилидан Сулаймон Раҳмон таржимаси

Абдулхай Носиров



Мажнунтол

Сой бўйида чилвир сочларин ёзиб,
Сувга розин айтар мажнунтол ёна.
Йўк, у мажнунтолмас, ўйлари тўзиб
Ўғлини сафарга кузатган Она...

Ҳали тонг оқармай — ранги заъфарон,
Ҳали қуёш қулмай — барглари сариқ.
Елиб югураркан шамол — беомон,
Япроқларга тўлар ўр, ариқ.

Хазонларга тўлиб боғчалар, боғлар
Шамол қанотида дув-дув учади.
Она хаёллари ўғлин сўроқлар,
Она хаёллари ўғлин кучади.

Оғир хаёллардан охир у толар,
Жимгина нафасин ичга ютади.
Кимдир хазонларни супириб тўплар,
Кимдир хазонларни босиб ўтади...

Шоир кўнглим яшариб бу тонг
Эртақларга қилдим саёҳат.
Мўъжизалар изладим шоён,
Мен изладим ҳикмат, ҳақиқат.

Хаёлларим ойдинда оқиб,
Юлдузлардек нурланди қалбим.
Оловидин чироғин ёқиб
Алпомишга айланиб қолдим.

Бир кеча полизда тунаб қолибман,
Шакар қирқмаларнинг тўйиб бўйини.
Учган юлдузларни илиб олдим ман,
Бола кўзларимда ҳайрат ўйини.

Кўкдан қуйиларкан сел бўлиб оҳанг,
Дарёдай шошади тоғдан тилагим.
Куй каби қалбимга кирдию Ватан,
Кўксимга сиғмайин кетди юрагим.

Навоийхонлик

Аирик шеър кўп вақт шоирнинг ҳаёт ҳодисаларидан, кишиларнинг феъл-атворидан, дунё воқеаларидан бевосита таъсирланиши ва унга мумкин қадар тез ўз муносабатини билдириши натижасида юзага келади. Вақтида ёзилган шеър — мўлжалга отилган ўқ. Шундай вақтлар бўлганки, кичик бир шеър подшоҳларнинг тахтини ларзага солган. Бир шеър туфайли бутун жамият ҳаяжонга тушган. Танқидий бир байт шеър уни ёзган одамнинг фожиасига сабаб бўлган. Масалан, Амир Насрулло Қўқон хонлигини енгиб, машҳур шоира Нодирани унинг бола-чақалари билан қириб, ўз пойтахтига ғолиб сифатида мадҳталаб бўлиб қайтар экан, унинг шағнига шоир Жунайдулла Ҳозик бадиҳа йўли билан қуйидаги байтни айтган:

Абдуқодир
Ҳайитметов

Шеърият Исозибаси

Буриди бар қади худ аз маломат
Либосе то ба домони қиёмат.
(Маломатдан ўз қаддингга шундай либос бичдингки,
Бу либос қиёматга қадар эгнингда қолади.)

Маълумки, ҳаққоний бу шеър 1843 йилнинг 14 январида Ҳозикнинг амир одамлари томонидан бошини танидан жудо этилишига олиб келган.

Лирик асар ҳажмининг кичиклигига қарамай, мавзусининг муҳимлиги жиҳатидан ҳам, ғоясининг долзарблиги бўйича ҳам, жамиятнинг, кишиларнинг руҳий оламига таъсири жиҳатидан ҳам доим бошқа жанрлар — роман, дoston, қисса, драма, ҳикоя билан мусобақадosh бўлиб келган. Алишер Навоий «Топмадим» радифли машҳур ғазалида «Ўз ишимдин булажаброқ дostonе топмадим», дейиши билан ушбу ғазалига бир дostonга сиғадиган дard-ҳасратини жойлашга интилган. Винобарин, Навоий «Хазойинул маони»ни «Хамса»сидан, Фузулий шеърӣ девонини «Лайли ва Мажнун» дostonидан кам деб билмаганлар. Навоий ўз таржимаи ҳоли ҳақида махсус асар яратмаган. Бироқ унинг қийинчиликлар, мураккабликлар билан тўла ҳаётининг асосий чиқиқлари «Маҳбубул қулуб»даги кичик бир маснавийда ниҳоятда тўғри ва таъсирли ифодаланган:

Ғаҳи топдим фалақдин нотавонлиғ,
Ғаҳи кўрдум замондин комронлиғ.
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Атиги тўрт мисрадан ташкил топган мазкур шеърӣ иқрор ўз мазмунига кўра бутун бир қиссага, романга арзигуликдир. Бу шеърӣтағгина хос бўлган мўъжиза! Оз сўз билан катта маънони, керакли гапни таъсирли ва ёрқин айта бишли санъати бошқа жанрларга ибрат ҳамдир.

Адабиёт тарихи, бугунги адабий жараён шундан гувоҳлик берадики, шеърӣят бошқа ҳамма жанрларга қараганда ҳозиржавоб, сезгир, шаклларга бой. Сабаби унинг инсон қалбининг ранг-баранг талаб ва ҳавасларига, орзу ва армонларига яқинлигида. Айтадиган гапни ўз вақтида айтмаслик шеърӣят учун, шоир учун доим ютқизиқ. Ҳар жиҳатдан жасоратли кишигина ҳақиқий шоир бўла олади. Утмиш адабиётимизда лирик жанрларнинг кенг ўрин туггани ҳам биринчи навбатда шу билан изоҳланса тўғри бўлар.

Қадимги туркий шеърӣятда шеърнинг кўпроқ тўртлик шакли етакчилик қилган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги маълумотлар шундан гувоҳлик беради. Шеърнинг бу шакли ҳозирги халқ оғзаки ижодидаги термаларни эслатади. X—XI асрлардан бошлаб эса, ўзбек шеърӣяти байт системасига ўтди. Шеър бирлиги ҳам кўп вақт «байт» тушунчаси билан ўлчана бошлади.

Тўғри, классикларимизда шеър бирлиги сифатида мисрағ олинган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бир мисрағ шеър орқали ҳам Шарқ шоирлари муҳим бир фикрни ифодалай олганлар. Бундай шеърда, ўз-ўзидан равшанки, қофия бўлмайди. Ле-

кин вазн қойдасига тўла амал қилинади. Масалан, Навоийнинг мактубларидан бирида («Муншаот») қуйидаги бир мисра келтирилади:

Уммид ила келдим, вале армон била бордим.

Улуғ шоир шу бир мисрада ўз ҳаётдаги характерли бир оғир руҳий ҳолатни, ўзи кўзлаган мақсадига ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам ета олмаганини, умид билан бориб, ноумид қайтганини яхши гавдалантира олган. Бу хил мустақил тугал «мисрағ»лар Мунис, Огаҳий ва бошқаларнинг тарихий асарларида, халқ китобларида ҳам тез-тез учраб туради.

Умуман олганда, Шарқ шеърӣятида байт шеър бирлиги маъносида мустаҳкам ўрин олган. «Байт» араб тилида «уй» деган тушунчани билдиради. Бир уйда бир қанча жиҳоз, асбоб-ускуна бўлганидек, бир байт шеърда ҳам шунча сирсиноат бўлиб, вазн, қофия, туроқ ва ҳоказо талабларига тўла жавоб бериши, тугал бир мазмунни ифодалаши керак бўлган. Масалан, Навоий «Муҳокаматул луғатайи» асарида бир байтда тақдирдан норозилигини, даврига, замонасидаги жабр-ситамаларга муносабатини, ижтимоий муҳитнинг шоир талабларидан ниҳоятда тубанлигини, бундан табиати ранжиган ҳолда «бўғзини қириб» йиғлаганини гўзал тасвирлаб бера олган:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх киби инчкириб йиғлармен.

Шоир бу ўринда ўзининг ўпкаси тўлиб, томоғини қириб йиғлашини гув-гув айланиб, йиғлоқи овоз чиқараётган чарха ўрхшатадики, бундай ташбеҳ на унинг ўзининг бошқа шеърларида, на бошқа биронта ижодкорда учрайди. Шеър бир байт бўлишига қарамай, унда катта ҳаётӣй дард бор. «Хазойинул маони»да шу хил 86 фард бўлиб, бундай шеър

турига бошқа шоирларнинг девонларида ҳам дуч келишимиз мумкин.

Шарқ классик шеърлятида фарддан ташқари ғазал, мус-тазод, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, қитъа, қасида, таржебанд, таркиббанд шакллари, тўртлик асосида қурилган рубойи, туюқ, мураббаъ турлари, маснавий принципи билан ёзилган нома, соқийнома каби кўринишлари мавжуд. Лекин бу шеър турларининг ҳаммаси адабий тажрибада ҳеч вақт бир хилда фол қўлланмаган. Ҳар қайси давр, ҳар бир адабий гуруҳ, ҳатто ҳар бир ижодкор ўз дунёқароши, эстетик дидига қараб бир-икки шеърӣ формага мойиллик кўрсатган.

Масалан, ўзбек дунёвий шеърлятида номачилликка кўпроқ эътибор берилган. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Саид Аҳмад ибн Мироншоҳнинг «Таашуқнома» асарларининг асосини ошиқ ва маъшуклар орасидаги номалар ташкил этган. Бироқ уларнинг таркибида дoston элементлари билан бир қаторда ўзбек лирикасининг илк намуналари ҳам шеърӣ мактуб, ғазал, қитъа шаклларида ўз жамолини кўрсата бошлаган эди. Уларда инсоннинг нозик ҳис-туйғулари, аёлнинг аёллик латофати, табиат кўрки, ранг-баранглиги ижобий баҳоланиб, юксак оптимистик руҳда куйланди, васф этилди. Айни чоқда ўзбек тилининг бойлиги, кўркамлиги ҳам юзага чиқа бошлади. Хоразмий «Муҳаббатнома»-сидан олинган мана бу байтларнинг тил нуқтаи назаридан аниқлигига, тиниқлигига қаранг:

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойин,
Мунунг шукронаси — қурбон бўлойин...
Бўюнғ сарву санубартеқ, белинғ қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил...
Саломин гулга элт, эй тонг насими,
Ким эрур ой қули, ахтар надими...

Ҳамма номалар деярли шу услубда, кўтаринки руҳ билан ёзилган. Бу даврда яшаб ижод қилган илғор ўзбек шоирлари нома доирасида ҳам ўз ғоя ва мақсадларини анча тўла ва ёрқин ифодалай оланлар. Бир қараганда, бу номаларда ҳеч қандай жиддий бир ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий фикрлар йўқдай туюлади. Аслида, уларда шу даврдаги туркий халқларнинг, хусусан ўзбек халқининг кўп йиллик мўғул истибодидан сўнгги мустақилликка интилиш руҳи, халқ сифатида ўзаро бирлаша бошлагани, бу халқларнинг ўз тилини, маданиятини ривожлантиришга жиддий киришганлиги яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам дунёвий адабиёт ўзбек адабиётининг юзага келиши ва ундан кейинги тараққиётида ғоят муҳим хизмат қилган; унинг яхши намуналарининг ҳозир ҳам севиб ўқилиши сабаби шунда.

Ўзбек дунёвий адабиётининг кейинги даврларида ғазал биринчи ўринга чиқди. Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадойи ғазаллари адабиётимиз боғининг гулларидек бир текис очилди, ўз даврда ўзбек шеърляти ривожига янги муҳит яратди. Бу даврда келиб энди ўзбек тилида шеър ёзиш таажжубланидиган ҳодиса бўлмай қолди. Ҳазалнинг қурилиши, уни ёзиш кўп жиҳатдан қосиб ва ҳунармандларнинг, заргарнинг санъатига, товар ишлаб чиқариш характериға ўхшаб кетар эди. Шоир ҳам бир ғазални яратиш учун унинг матлаини янгидан яратса ҳам, аммо кейинги байтларини матлаға ўхшатиб давом эттириши, тўқиши, бежаши, мослаштириши, мақтаға эса ўз тахаллусини қистириб кетишини унутмаслиги керак эди. Хусусан, ишқий ғазаллардаги тематик торлиқни, анғанавий тасвир аломатларининг устуңлигини аввало шу йўл билангина изоҳлаш, яъни «бир қолиб»да иш тутуш оқибати деб қараш мумкин. Шунинг учун ҳам ғазал кўпроқ шаҳарлардаги адабий доираларда кенг ўрин тутди. Ойбекнинг «Навоий» романида саҳроуи Тўғонбекнинг истеҳзо билан: «Ажаб Ҳирот экан!.. Ҳаловфуруши ҳам шоир, кабопизи ҳам шоир», дейиши бежиз эмас, албатта. Шунинг учун, қадимги тазкиралар гувоҳлик беришича, ғазалгўйларнинг кўпи шаҳарлик қосиб ва ҳунармандлардан эди. Табиийки, ғазалда ҳам шу ижтимоий табақаларнинг кайфияти ўзининг чуқурроқ аксини топди. Лекин ғазал халқчиллик даражасига фор-тожив адабиётда Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий каби, ўзбек адабиётда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Машраб, Муқимий, Аваз каби буюк истеъ-

дод эгалари туфайлигина кўтарила олди. Ҳазал бу шоирларга қанчалик қўл келган ва уларни буюклик даражасига кўтарган бўлса, ғазалнинг ўзи ҳам шу шоирлар ижоди орқали катта обрў топди, шеър ёзиш кўчасига кирган ёшларда ғазал ёзиш иштиёқини кучайтирди. Шоҳ ҳам, гадо ҳам шоир деганда, биринчи наватда, ғазал ёзадиган одам тушуниладиган, шеърӣ девонларда ҳам биринчи ўринга ғазал қўйиладиган бўлди. Мақсуд Шайхзода ҳам Навоийни шоир сифатида баҳолаганда «Ҳазал мулкнинг султони» деб таърифлаши шундан эди.

Агар ғазал анғанавий ишқий мавзу доирасида қолиб кетганда, бу жанрда Ҳофизнинг эркесварлик ғазаллари, Хусрав Деҳлавийнинг ошиқона, Навоийнинг ҳам ошиқона, ҳам файласуфона ғазаллари, Лутфий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат кабиларнинг тематик ва поэтик жиҳатдан ранг-баранг ғазаллари яратилмаганда, ғазал бу қадар севилмас, куйларга солиб куйланмас, шеърӣ девонлар ошиқ ва маъшукларнинг энг сеvimли китобига айланмас эди. Навоийнинг «Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил», «Кеча келгүмдур дебон ул сарви гулру келмади», Муҳаммад Фузулийнинг «Ғамзасин севдинг, кўнгул, жонинг керакмазмусанга», «Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўлдан сўр» мисралари билан бошланган ғазалларини ўқир эканмиз, инсон боласида шунча ғам-андуҳ, ўй ва фикр, орзу-умид бўлганига, қалби дарё, нафаси ўт-олов эканига, буларнинг ҳаммаси бир шеърда қатрада қуёш акс этганидек акс этганига ҳайратланмай иложимиз йўқ.

Навоий, Махмур, Муқимий каби шоирларимизнинг сатирик ғазалларини, Турди, Махмур, Аваз кабиларнинг сиёсий-публицистик руҳдаги ғазалларини ҳам шу жанрнинг ёрқин ютуқлари деб ҳисоблаш мумкин. Ҳазал ҳар даврдаги ижодкорлар ва ғазалхонларнинг маънавий талабларига жавоб берганки, адабий ҳаётда шунча вақт яшади ва яшаб келмоқда. Ҳазал бизнинг давримизда ҳам Уйғун, Ҳабибий, Чархий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов, Саида Зуннунова каби шоирларимизга шараф келтирмадими? Унинг бундан кейинги тараққиёти ҳам истеъодларнинг қўлида.

Шеър турлари, жумладан ғазал шакл нуқтаи назаридан доим ўсиш, ўзгаришда бўлди. Масалан, ғазалнинг ҳар мисрасида ярим мисра қўйилса мустазод, ҳар байт олдиндан уч байт орттирилса мухаммас, тўрт байт орттирилса мусамман деб атала бошлади. Классик шеърлятимизни Навоий, Машраб мустазодларисиз, Турди, Огаҳий мухаммасларисиз, Фурқат мусаддасларисиз тасаввур этиш қийин. Хоразмда кейинги асрларда айниқса мухаммас ёзиш авежа чиқди. Аваз, Табибий каби шоирларимиз юзлаб мухаммаслар битдилар.

Шу билан бирга, ғазал ҳеч қачон бошқа шеър турларининг йўлини тўсиб қўйган эмас. Бобур, масалан, моҳир ғазалнавис бўлиши билан бирга улғур рубойинавис ҳам эди. Навоий 500 дан ортиқ рубойи ёзган ва ушбу шеър равнақини ўзбек адабиётда биринчи бўлиб бошлаб берган. Рубойи адабиётимизнинг ҳамиси ёш ва навқирон жанрларидан дейиш мумкин. Рубойи шаклининг ихчамлиги, соддалиги, анғаналарининг бойлиги уни ҳамма даврларда ҳам янгидан кашф этиш имконини беради. Совет даврида бу шеър турининг шакли бирмунча ўзгарган бўлса ҳам, моҳиятан ўзида хос хусусиятларини, яъни, ҳаётнинг маъноси, инсон, унинг меҳри, муҳаббати, ғазаби, нафрати ҳақида ихчам ва лўнда, образли ва ёқимли фикр айта билиш фазилаларини сақламоқда. Буни Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов каби шоирларимизнинг рубойи ва тўртликларидан кўриш мумкин.

Лирикада тўртлик йўли туюқ, мураббаъ каби шеър турларида ҳам айрим шоирларимизга гўзал, ноёб шеърлар ёзиш имконини берган. Бунга Лутфий, Навоий, Юсуф Амирий туюқлари, Муқимий, Аваз Утар мураббаъларини эслаш кифоя. Совет даврида ўзбек шеърлятида байт системасига нисбатан тўртлик усули кенгроқ ўрин тута бошлади. Бу билан бизнинг лирикамиз Европа адабиётларидаги лирикага ҳам яқинлашди. Айни вақтда шеърлятимиздаги қадимги туркий шеърлятга хос тўртлик усули қайта жонлана бошлади.

Шарқ шеърлятининг қитъа ва чистон каби турларида Навоий, Увайсий, Аваз Утар маҳорат билан қалам тевратганлари маълум. Хусусан, қитъа шоирларимизга ҳаёт воқеаларини, кишилар характери бевосита, реалистик услубда ҳаққоний тасвирлаш имконини берди. Чунки қитъа бадиҳа характеридаги шеър тури бўлиб, кўп вақт шоирнинг биринчи

таассуроти асосида ёзилган. Магъасиз ва мақъасиз, байтларнинг миқдори беқарор бўлган, газални эслатувчи бу шеъринг шакл ўзбек адабиётида Навоий ва Аваз ижоди туфайли юксак даражага кўтарилди. Форс-тожик адабиётида энг кўп қитъа ёзган Ибн Ямин Фарюмадий бўлса (унинг қитъалардан ташкил топган девони ҳам бор!), ўзбек адабиётида энг кўп қитъа ёзган киши Навоийдир. Афсуски, бу шеър тури ўзбек совет адабиётида ривожлантирилмаётир.

Классик шеърятимизда таржебинд, таркиббанд, мусаббаъ, мусамман каби шеър турларининг айрим яхши намуналари бўлса-да, аммо бу шеър шакллари ҳеч қачон, ҳеч бир шоир ижодида катта ўрин тутмади.

Муаммо эса, XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётда кенг оммавийлашиб, унга Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийдек буюк санъаткорлар эътибор берганлар, аммо кейинги даврларда бу жанр тараққиётига ҳам катта эътиёж сезилмади.

Ва ниҳоят, Шарқ адабиётидаги жиддий шеър турларидан яна бири қасидадир. Феодал шароитда қасида кўп вақт хукмрон ижтимоий-сиёсий тузумни, унинг йирик намоёндаларини мадҳ этишига, уларнинг мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шунинг учун ҳам илғор адабиёт вакилларида бу жанрда нисбатан салбий муносабат шаклланиши маълум. Бироқ шеърнинг қасида шаклидан Алишер Навоий,

Саккокий, Комил кабилар илғор мақсадларда ҳам фойдаланганлар. Бунга Навоийнинг «Тухфатул афкор» қасидасини эслаш kifоя. Бу асарда Навоий адолатни, маърифатни улуглаган, зулм ва жаҳолатни аёвсиз фош этган эди. Бинобарин, қасидачиликда ижобий тенденциялар ҳам борлигини унутмаслик керак. Ўзбек совет адабиётида Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» асари қасиданинг тамомила янги, прогрессив намунаси. Демак, бирон шеъринг шаклдан яхши истифода этиши асосан шоир ғоявий позициясига, маҳоратига боғлиқ адабий ҳодисадир.

Хулоса қилиб айтганда, рубобий шеърят соҳасидаги бизнинг бой меросимиз ҳозирги қалам аҳлларига муҳим бир мактаб. Унда кўп асрлик бой тажриба тўпланган. Классикаларимиз ижоди, шеърятимизнинг гўзал ва нафис намуналари шунинг кўрсаткичи, шеъринг шакллари шоир маҳорати туфайли ҳаракатга келади, ҳаётийлик касб этади ва ҳақиқий, мустақил жанр даражасига кўтарилади. Ҳаётинг заминда яратилган, жонли ҳаёт нафаси билан суғорилган ва чин истеъдод орқали ўз шаклини, ўз оҳангини, ўз қиёфасини топган лирик асарларгина боқий умр касб этиши, китобхонларнинг оғзига тушиши, шон-шўҳрат чашмасидан тўйиб сув ичиши мумкин. Адабиётнинг келажаги ёшлар. Бинобарин, ёш ижодкорлар классик шеъринг меросимизга муносабатлари ниҳода юксак даражага кўтаришлари керак.

Иброҳим Ҳаққулов

„Факр ўёлида зани, имонга бой“

Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи —
Борча ўзи, борчадин оғоҳ ўзи.

Алишер Навоий

Навоийнинг «Лисонут тайр» достонида шундай воқеа тасвири берилган: олий фазилатларга бой ҳақшунос зот ўзига тўхтовсиз қиёс ахтарди, лекин «ҳар не бирлаким» қиёсламасин, сарву гул қошидаги хору хасдек, улардан ўзини кам ҳисоблайди. Кунлардан бир кун шу хоксор ва ҳақсевар кишининг кўзига хаста ит кўриниб қолади. Узини шу итга тенглаштирмакчи бўлади-ю, беихтиёр кўзларидан ёш оқиб, нола қилади.

Деди ул: «Аҳли вафодур мен эмон,
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон...»

Бу сўзларнинг гўёки фаҳмига етгандай, ит ҳам унинг олди-дан йўл солиб ўтиб кетади. Нисбат навбати туфроқ устидаги оёқ изларига келади:

Деди: «Мен ортуғ эканму ё бу из?»
Яна ўзни деди: «К-эй инсофсиз,
Ул вафо аҳли аёғидин нишон
Сен вафосизлиғ сари доман кашон.»

Ҳаққа вафо эътиқоди улугланган бу ҳикоят Хожа Баҳоваддин Нақшбанд тўғрисидадир. Уни ўқиб «Наҳот?!» дейсиз. Наҳотки, инсон идеалига шу қадар садоқат билан худбинлик ва худпарастлигини шу даражада енга олган бўлса?! Навоийда «Ун саккиз минг олам ичра ҳар не бор, Ким қилурлар аҳли маъний эътибор», деган байт бор. Хожа Баҳоваддин мана шундай ориф сиймолардан бири. Шунинг учун ҳам унинг руҳини Ҳақ нури ёритган. Унинг хоксорлиги поклик, қаноат, вафо ва маърифат мужассамидир.

Ҳожа Баҳоваддиннинг асл исми Муҳаммад ибни Муҳаммад Бухорийдур. У 1314 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Орифон деган жойда туғилган. Нақшкорлик ҳунари билан машғул бўлган. Кейинчалик тасаввуфдаги янги бир тариқатга асос солган. Ва у нақшбандийлик деб юритилиб, жуда кўп ўлкаларда кенг тарқалган.

Абул Ҳасан Муҳаммад Боқирнинг «Мақомати Нақшбандий», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳатул унс», Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» каби асарларида Нақшбандийнинг ҳаёти, таълимотининг ғоявий, ахлоқий ва фалсафий моҳияти ҳамда шартлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Навоий Хожа Баҳоваддинга «Қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдандур», дейди. Бу нима дегани? Бобо Самосий Ҳазрати Хожайи Азизоннинг халифаси бўлган. Баҳоваддин туғилган жой авваллари қасри Ҳиндувон деб аталган. Чунки у ерда асосан будда динини қабул қилган одамлар истиқомат қилишган. Нақл этилишича, Бобо Самосий шу манзилдан ўтарда «Бу туфроғдин бир эр иси келур. Бўлғайки, қасри Ҳиндувон, қасри Орифон бўлғай», дея башорат этганмиш. Бу кентдан яна бир ўтарда Бобо Самосий халифаси Сайид Амир Кулолга бундай дебди: «Ул эр исики, бизнинг димоғимизга етар эрди, ортиқроқ бўлубтур, ҳамоноки ул эр матаваллид бўлибдур (туғилибдур)». Чиндан ҳам ўшанда Баҳоваддиннинг дунёга келганига уч кун бўлган экан. Чақалоқни Хожа Муҳаммад назарига келтирганларида у: «Ул (яъни, Баҳоваддин — И. Ҳ.) бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ...» деганмиш. Сўнг Амир Сайид Кулолга буюрибдики, «...фарзандим Баҳоваддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариг тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен («сени авф этмағаймен» маъносига. — И. Ҳ.), агар тақсир қилсанг (охирига етказмасанг. — И. Ҳ.).»

Сайид Кулол Баҳоваддин тарбияси билан жиддий машғул бўлишга ваъда беради ва аҳдига тўла вафо ҳам қилади. На-

войнинг «Насоимул муҳаббат»ида бу ҳақда фикр юритилган.

Маълумки, Ўрта Осиё тасаввуф тарихида Юсуф Ҳамадонийнинг номи ва хизматлари алоҳида мавқега эга. У ўн иккинчи асрнинг энг атоқли мутафаккирларидан. Ҳамадонда таваллуд топган. Бағдодда тасаввуф илми сирларини чуқур ўрганган. Исфаҳонда яшаган. Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда истиқомат қилиб ўзининг тасаввуфга доир илмий-фалсафий қарашларини тарғиб этган. У Бухоро ва Самарқандни кўчманчилар босқинидан мудофаа этишда ҳам иштирок қилган экан.

Навоий «Насоимул муҳаббат»нинг муқаддимасида ўндан зиёд машҳур машоихларнинг номларини санаб, ҳар қайсиси бир касб ёки ҳунар эгаси бўлганликларини таъкидлайди. Уларнинг бири «ҳалол лўқма касби» учун пичоқчилик билан шуғулланса, иккинчи бири темирчи, яна бошқалари қассоб, ўтинчи бўлишган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — беминнат ва ҳалол умр ўтказиш. Уларнинг эътиқодига кўра, инсоний файзнинг ҳалол ибтидоси лўқмада. Ундан «маърифат зоянда бўлур». «Бир шубҳалик лўқма онча тийраллик келтирурки, кўп вақт анинг ислоҳига машғул бўлингани билан асоратидан покланиш мушкулдир. Мана шунинг учун Хожа Абдуллоҳ Ансорийга ўхшаб Юсуф Ҳамадоний ҳам эътиқдўзлик касбини танлаган. Шогирдларини меҳнат қилишга, касб-ҳунар эгаллашга ундаган. В. В. Бартольднинг ёзишича, Юсуф Ҳамадоний Ўрта Осиё тасаввуф мактабининг асосчиси. Ҳар қайсиси янги бир тариқатга йўл очган Нажмиддини Кубаро, Аҳмад Ясавий, жумладан, Баҳоваддин Нақшбандий ҳам Ҳамадоний мактабининг буюк вакиллари ҳисобланади.

Академик Иброҳим Мўминов сўфизмдаги нақшбандийлик оқими машҳур шоир Шайх Саъдий асарларидан фойдаланиб, Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолик Ғиждувоний ғояларини тиклаганлигини гапириб, яна шундай дейди: «Нақшбандийлик «тарки дунё» қилишга, дунё ишларидан воз кечишга қарши чиқди, реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишга, билим олишга чақирди... унинг бу ижобий томони Ўрта Осиё халқлари маданияти ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди». Шундай нуқтаи назардаги мулоҳазалар академик Воҳид Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби» китобида ҳам кенг ифодаланган. Икки олимнинг ҳам мазкур йўналишлардаги фикру даъволари тўғри, эътироз кўзгатмайди. Аммо эътироз уйғотадиган бошқа жиҳат бор. Бу — Аҳмад Ясавий ва Нақшбандий тариқатлари ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласи. И. Мўминов ҳам, В. Зоҳидов ҳам нақшбандийликни моҳиятан ясавийликка мутлақо қарама-қарши қўйишади. Гўёки Ясавийнинг «таркидунё»чилиги Нақшбандийнинг дунёсеварлиги зид бўлган экан. Ҳолбуки, бундай қараш ва талқинлар тарихий ҳақиқатга хилофдир. В. А. Горделевский руҳий салафларнинг занжири Баҳоваддини, шубҳасиз, Юсуф Ҳамадонийга элтиб боғлаганлиги, бироқ ғоявий томондан у Аҳмад Ясавий билан алоқадор эканини ҳаққоний баҳолаган эди. Бизнингча, қуйидаги далилларнинг ўзидек Горделевскийнинг ҳақлигига ишонч туғдиради.

Навоий бундай ёзади: «...Хожа Баҳоваддин ҳазратлари дебтурларки, бидояти (ибтидо, бошланишда) ҳолда бир кеча Ҳаким Отаники, турк машоихининг киборидур (улғурдур), воқеада (тушда) кўрдумки, бизни бир дарвешга сипориш қиладур...» Уйғонгандан сўнгра у воқеани онасининг онаси, яъни бувисига айтади. Бувис эса, «Эй фарзанд, сенга турк машоихидин насибе бўлғусидир...» дейди. Бугина эмас, Баҳоваддин Сайид Амир Кулол қўлида анча тарбия кўргач, истак-интилишларини ҳисобга олиб, Сайид Кулол унга, «Эмди ижозатдур. Ҳар ерда матлубдин исе димогингизга етса, тиланг ва талабада ўз ҳимматингиз мужиби (сабаби) била тақсир қилманг», дея руҳсат беради. Шундан сўнг у Қўсам Шайх даргоҳига йўл олади. «Насоимул муҳаббат»да ёзилишича, «Қўсам Шайх — Ул турк машоихидиндур. Хожа Аҳмад Ясавий хонадонидиндур. Хожа Баҳоваддин ул сўз мужибини (боисини), Мир Сайид Кулол аларга ижозат берганда деб эрди... Қўсам Шайх хизматиға бордилар... Қўсам Шайх хизматида Хожа уч ойға яқин бўлдилар. Охирул амр Шайх Хожаға таширф берди ва деди: «Тўққуз ўғлум бор. Сен барчасидин улғурғоқ ва муқаддамроқ. Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нахшбандин Бухороға келур эрди, Хожаға му-

лозамат қилурлар эрди...»

Тасаввуф қилинг, Ясавий издошлари ёки «хонадони»га мансуб машоихларга зўр эътиқод қўйган ва эҳтиром сақлаган киши унинг диний-мистик таълимотига бефарқ қолиши мумкинми? Ясавий муридларига нисбатан ихлос ва қизиқишини асосий пир дунёқараш ва шахсиятидан ажратиб бўладими?

Навоийнинг ёзишича, биров Нақшбандийдан «Сизнинг силсилангиз на ерга етар?» деб сўраганида, у: «Киши силсила била ҳеч ерга етмас», «...нафсларингизга тўхмат қилингки, ҳар ким тенгри инояти бирла ўз нафсининг ямонлигини ва кайд (ҳийла) ва макрин» билса, поклик ҳамда ҳаққа содиқлигини исбот эта олади, деган экан. Нафсга қарши курашмоқ ва «золим нафс»ни енгишга даъват ғояси эса Ясавий тариқатида марказий ўринда турган. Еки шу тариқатдаги «Маърифати Ҳақ», «Саховати мутлақ», «Сидку муҳаққақ» (ҳақиқий содоқат) каби шартлар ҳам нақшбандийликда ўз аксини тоган.

Биз бу икки тариқат ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласига бежиз ургу бераётганимиз йўқ. Чунки нақшбандийликнинг Навоий ижодиётига кўрсатган таъсири тўғрисида сўзлаганда, бу оқимнинг ғоявий, мистик ўзанини ҳам унутмаслик керак. Акс ҳолда, таъсир баҳсидаги даъво ва далилларнинг маълум қисми тарихсиз гаплар бўлиб қолаверади.

Навоийнинг Жомий туфайли расмий равишда нақшбандийлик маънабига кирганлиги маълум, албатта. Лекин бу ҳодисадан, Навоийнинг тасаввуфдаги бошқа маслак ва йўллар билан алоқаси бўлмаган, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Негаки, шоирнинг нақшбандийликни расман қабул қилиши, Ёқубжон Исҳоқов айтганидек, «унинг узок вақтлар давомида олиб борган кузатиши ҳамда турли оқим ва маънабларни атрофлича ўрганиб, улар борасида қилган мулоҳазаларининг бевосита якуни — хулосасидир».

«Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?» Нақшбандга шундай савол билан мурожаат қилишганида, «...анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин ҳақ... била», деб жавоб қайтарган экан. Аммо нақшбандийликнинг бошқа муҳим шартлари ҳам бор. Навоий «Қаноат нақшнинг ифшоиси ва нақшбандия тариқининг адоси» деб номланган қитъасида уларни ҳам таърифлаган. Мана, ўша шеър:

Қаноат тариқига кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.
Десаңг шоҳ ўлай, еру кўк басдурур,
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга.
Фано шуъласида ёшур жисми,
Керак бўлса зарбофт хилъат санга.
Етар лола бутган қиё куллеси,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас, ариг нуқтау қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.
Десаңг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмағил хушни,
Ки юзланмағай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд,
Навоий агар етса навбат санга.

Қаъннинг биринчи байтидаги фикрдан англашилаётирки, нақшбандийлик — қаноат тариқи. Иззат одобини эгаллаш истагидаги кўнгул шу маънабга кирмоғи керак. «Ойини иззат» — образли ибора. У инсонни тубанлик, нодонлик ва иззатсизликдан қутқарадиган юксак ҳиссиёт ва фазилатларни қамраб олган.

Навоий «Ҳамса»да «Шоҳ ул эмаским бошиға қўйди тож, Шоҳ ани билким йўқ унга эҳтиёж», дейди. Нақшбандийлик худди шу улғур эҳтиёждан таълим беради. У шохликдан кечган шоҳликка етади, деб ўргатади ва фақирликдан ҳузурланишни шарт қилиб қўяди. Чунки бундай ҳузур, яъни фақир-

ликдаги маънавий-руҳий ганилик Имон бойшидир. Фақир ўзининг фақирлигидан қочади. У ўзининг идеалига интиларкан:

**«Десаиғ шох ўлай, еру кўк басдурур,
Бу бир тахту ул чатри рифаът санга,»**

деб билади. Қаранг, у фақат ер кишисигинамас, кўк одами ҳамдир. Унинг назарида, ер «бир тахту», осмон — юсаклик чодири. Фақирнинг Хаёли шу икки чегара оралиғида чарх уради. Хур руҳ вужудга ҳам озодлик «либоси»ни тақдим этади:

**Фано шуъласида ёшур жисми,
Керак бўлса зарбофт хилъат санга.**

«Фано шуъласи»га яширинган жисм — абадиятга дахлдир. Бу шуъла инсон тафаккурини тубдан қайта ёритиб, уни Ҳақ билан қовуштиради. Шунда комил Юрак нурга тўлади. Шунда уни табиат билан фавқуллодда уйғунлик ҳиссиётлари қуршаб олади:

**Етар лола бутган киё қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳамшат санга.
Эрур бас ариғ нуқтау қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.**

Чунончи: Қаноатли одамга улғуъ эътибор ёки донг таратишга берилишнинг ҳожати йўқ. Агар у гулгун дабдаларни ҳавас қилса, тоғ ёнабағирларида унган лолалар унга етарли. Дуру лаъл зебу зийнатлари эса покиза маъноли сўз ва қонли кўзёшлардир. Бунда асосан фикр заҳмати, тафаккур туҳфалари ва Дарднинг бошқарувчилик қудратига эътибор қаратилган.

Нақшбандий мазҳаби ботинан (ичдан) худо билан, зоҳиран (сиртдан) одамлар билан бўлишни ёқлайди. Унинг ақидаси бўйича «Дил ба ёру, даст ба кор» — юрак худо билан бўлиб, қўл меҳнатдан ажралмаслиги зарур. Демак, жамият ишларига фаол аралашиб Эътиқод фаоллигига ихтилоф туғдирмайди. Шунинг учун хилватни анжуманда ахтариш — эл-улусдан узоқлашмасдан ёлғизликни бой бермаслик жоиз. Навоий нақшбандийликнинг ушбу шартини қуйидаги шаклда баён этади:

**Десаиғ хилватким анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват санга.**

Хилватнинг «анжуман» бўлмаслиги! Бу мантиқ алоҳида диққатга молик. Шахснинг хилвати — унинг ёлғизлиги. Мана шу танҳолик Ақл эркини таъминлайди, Қалбни Дард тажрибаларидан чалғитмайди. Руҳни яна ва яна теранликка чорлайди. Одамнинг Ўзлиги бундан ёлғизлиги оқу қаро янглиғ фарқли қутублар эмас. Унисини идрок қилган, бунисини ҳам идрок эта олади. Ёлғизлик инсон сийратигади улғу ва муқаддас йўл. Уни кечиб ўтмагунча умумга яқинлик, ҳамдардлик йўқ. Ёлғизлик чироғи нурланган кишиларгина меҳрли, ўзи ҳамда ўзгалар хусусида мустақил мулоҳаза юритишга қодирдир. Афсуски, бизда шахс ёлғизлигини ҳимоя қилиш эмас, уни парчалаш ақидалари устивор бўлиб келаёттир. Буни чуқур англаш учун, шубҳасизки, Шахс ва жамият, Одам ва табиат, Фикр ва идеал, Руҳ ва вужуд муносабатларини ҳаққоний таҳлилдан ўткази оладиган маърифат зарур. Шундагина «анжуман ичра хилват»нинг маънисига етиб, тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Нақшбандийнинг «Сафар дар ватан» тушунчаси ҳам миқёсли. Навоий ифодасида у мана бундай ифода этилади:

**Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардан агар бўлса меҳнат санга.**

Сафардан заҳмат бўлганда «Ватан ичра сокин» қолиш англашларли. Лекин одам Ватанда қандай қилиб ҳам сокин яшаб, ҳам сойир бўлади?

Қадимги Хитой файласуфларидан бири «Ховлидан ташқарига чиқмасдан ҳам дунёни англаш мумкин. Дераздан нигоҳ ташламасдан ҳам Само йўлини кўрса бўлади.

Қанча кўп талвасага берилсанг, ўшанча кам тушунасан. Шунинг учун донишманд юрмайди, бироқ билади; кўринмайди, лекин шуҳрат топади; елиб-югурмайди, комилликка эришади», деган экан. Навоийнинг байтида ҳам шунга монанд моҳият яширинган. Бизнингча, виждони уйғоқ одамнинг умри — Ватаннинг тарихи, бугуни, келажаги, хуллас, Юрт тақдирига сафардир. Инсон туғилишидан оқ Йўлчи ва сойир. У юриб Ватан кезади. У хаёл отига миғиб Ватанда сайр қилади. Унинг Руҳи сайёҳ. У тафаккурда Ватан сафарчисидир. Жону қониди Ватан ишқи туғён урган кишининг толеи «Сафар дар ватан»дир. Аммо Нақшбандий назарда тутган сафар ватанда мусофирлик фалсафасига дохил бўлиб, кишини онг турғунлигидан, турмушдаги толиқтирувчи яқрангликдан, маънис пуч ҳаётнинг дағдағо даъволаридан халос этади. Унутилиши керак бўлган нарсаларнинг барчаси унутилади. Хотирада фақат унутилмас мавжудлик қолади. Ана шу — Ишқ ва ошиқликнинг олий босқичи. Шунинг учун ҳам Навоий рубойларидан бирида:

**«Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда тахаллуфни унут,
Ўтган гар эрур ямон, таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши, тасарруфни унут,»**

деб кўрсатма берган эди. Ҳаммасига қўл силташ лоқайдлик эмасми? Йўқ, Нақшбандий айтган «Назар дар қадам», яъни чинакам масъуллик, босган ҳар қадамга орифона назар шундан сўнг бошланади. Назар кенг ва ўткир бўлса, қадамни «ўлчаш» ёки таъқиб этишга деярли ҳожат қолмайди. Шунинг учун қитъадаги:

**«Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга,»**

сўзларининг мазмунини тор тушунмаслик лозим.

Нақшбандий мазҳабидаги яна бир талаб — «Хуш дар дам». Бу дегани ҳар дам ва ҳар нафасингни хуш ўтказ деганидир. Бу ғоя некинлик, комиллик ва умрни ардоқлашга ундовчи ғоядир. Агар киши даму нафасдан ақлу хушни йироқ тутмаса, унга ҳеч қандай офат юзланмайди, дейди Навоий:

**Дамингдин йироқ тутмағил хушни,
Ки юзланмағай ҳар дам офат санга.**

Шоир мазкур фикрлар баёнидан сўнг умумий хулосасини ҳам чиқаради:

**Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.**

«Бу тўрт иш» — юқорида шарҳлаганимиз, нақшбандийлик мазҳабининг тўрт шarti, Алишер Навоий шу шартларни адо эта олган киши «Рубъи маскун» — ер юзида улғу давлатга эришади ёки давлат нағорасини чалади деб эътироф қилади. Қитъа шоирнинг йигитлик йилларида ёзилган. Лекин Алишер Навоийнинг илк лирикасини махсус текширган олим Е. Исҳоқовнинг далилларига қаралганда, шоир ижодиётида Баҳоваддин Нақшбандий ғояларининг ёрқин таъсири ва талқинлари анча аввалроқдан бошлангани маълум бўлади. Масалан:

**«Ҳар гадоким, бурёи фақр эрур қисват анго,
Салтанат зарбофтдин ҳожат эмас хилъат анго»**

матлаъи билан бошланадиган ғазалдан нақшбандийлик мазҳабининг муҳим ғоялари тарғиб ва ташвиқ қилинган. Дарҳақиқат, «Фақр куйи туфроғин шах мулкига бермас фақир, Мулк кўрмак, тенг эмас туфроғ ила қиймат анго» сатрларида чинакамига «нақшбанд» бўла олган толибларнинг Эътиқод сувратлари чизилгандир. Е. Э. Бертельс нақшбандийлик-тариқати ҳаммадан аввал амалиётга йўналтирилгани ва асосий қонун қоидаларини ҳаётга тадбиқ қилишни заруриятга айлантирганини сўзлаган. Балки

шунинг учун Баҳоваддин Нақшбандий таълимотидаги етакчи маънолар кўпроқ Алишер Навоийнинг китъаларида изчилроқ тасвирлангандир.

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак бйайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Энди шу мисраларнинг моҳиятини Баҳоваддин Нақшбандийнинг «Хуш дар дам», яъни ҳар дам ва ҳар нафасни хушнуд ўтказишга чорловчи оптимистик ғояси билан қиёсланг. Бундаги мантикий яқинлик тасодифий эмас, албатта.

Хастанинг бошига чу қўйди қадам,
Пири шикаста диле Масихо дам.
Боз гашт айлади чу хаста кўнгул,
Неки истар, топар шикаста кўнгул.
Кўнгилда чун ҳаво қилур тугён,
Умр шамъига еткурур нуқсон.

Бу шеърӣй парчага «Маснавий Хожаи Нақшбанд қудусса сирруҳу каломи таржимасидаким, аввал бозгашт хотири хаста ва баъдазон дилшикаста» деб сарлавҳа қўйилган. Агар шеърдаги фикр Нақшбандий «каломи»нинг таржимаси бўлса, Алишер Навоийнинг:

«Мен синук, кўнглум синук, сабрим уйи худ ерга паст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст»,

каби эътироф сўзлари моҳиятан «Неки истар, топар шикаста кўнгул» фалсафасига бориб боғланади. Бундан ташқари, кибру ҳаво «тугёни» «умр шамъига» «нуқсон» ва тийралик етказишига доир ҳақиқат ҳам Алишер Навоий шеърларида

кўп маротаба таъкидлангандир. Шоир китъалардан бирида ҳаводорлик ҳисларининг қулоч ёйиш сабабларидан бирини шундай шарҳлайди:

Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногоҳ
Етишса микнат анга, аржуманд тутқай ўзни.
Чу боиси нисён эрур ажаб эрмас,
Ки жоҳ они чу маст айлагай, унутғай ўзни.

Чунончи: имон, эътиқод сустигидан тубанлик туғилади. Разил кимсага агар ногоҳ амал ва давлат етишса, у ўзини дарҳол ақлли, қудратли ҳисоблайди. Унинг ким эканини эрдан чиқаришидан ажабланмаслик керак: «Ки жоҳ они чу маст айлагай, унутғай ўзни». Демак ўзни унутган жоҳ аҳли — мансабдорлардан ҳеч пайт одамийлик кутмаслик лозим.

Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги Хожа Баҳоваддин таърифиға бағишланган фикрларни ўқиганда, ўқувчи назарида, «офоқ ичида» яғона, «Чархи нигун дарғаҳида хок руб»у хоксор, «жаҳон мулки нигоҳбони» мавқеидаги ориф бир донишманд сиймоси гавдаланади. Бу улур зот барча султонлар «уза султон». Унинг ҳар бир сўзи шоҳлар тожидеги қимматбаҳо дурдай гап. У «ҳақ сўзини элга» етқарурда шоҳу гадони тенг кўради,

«Барча сулук аҳлиға раҳбар бўлуб,
Йўл элиға тийра тун ахтар бўлуб»,

«тийра назарларға» покиза нур бахш этади. Шу тафаккур нури бугун ҳам сўнгани йўқ. Баҳоваддин Нақшбандийнинг Руҳ юлдузи сўнмас. Чунки бунга Алишер Навоийдай улур мутафаккир ва шоир кафолат бериб кетган. Виз Алишер Навоий қўлловида Хожа Баҳоваддин қарашларини, Хожа Баҳоваддин таълимотиға суяниб эса, бобокалон шоиримиз ижодиётини теран билишға ҳам эришишимиз керак.

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТЛАР

Афсона ва ҳақиқат

Косон районидаги Ушоқтепа қишлоғининг бир чеккасида шу ном билан аталадиган кичик бир тепалик бор. Қишлоқ номи ҳам шу тепалик номидан юзага келган.

Нега «Ушоқтепа» деб аталганини сўрасангиз, қишлоқ аҳли турлича, қизик-қизик ривоятлар сўзлайди. Ҳар бири ўзига хос. Ҳаммасида инсон меҳнати, нон, унинг инсон учун зарурлиги улуғланади. Шулардан бирини келтираман.

Элда сайил кунни экан. Ешу қари, каттаго кичик ялангликка йиғилган. Ким кураш тушиш билан, ким тош кўтаришу тош иргитиш, ким камону чиллик отиш билан овора. Ким отда улоқ чопиш, кимўзарга пойға билан банд. Ким ариқ қазиб сув йўлини очмоқда, ким ханча қазиб, ниҳол ўтқазиш билан машғул. Дала бўйлаб қўшиқ таралади. Дошқозонларда турли таом пишмоқда, дастурхонлар нознеғматларга бой. Ҳамма хурсанд, шод. Ахир, Наврўзи олам — эл байрами. Байрам шодийнаси кечгача давом этибди. Охирида эл оқсоқоли тик туриб, фотиҳага қўл очибди. Қўлида бир бурда нони бор экан, ошиққанидан уни бармоқлари орасига қистирибди ва меҳнат қилган ёшлар, меҳрибон ота-оналар, қишлоқ заҳматкашлари шағнига илиқ сўзлар, панднасиҳатлар айтибди. Аммо сўзини тугатолмабди. Сўзи узук-юлук, юзи

ғамгин бўлиб қолибди. Эл катталари дарҳол оқсоқол ёнига тўпланишибди. Нима ҳол? Нима бўлди? Билишса, қўлидаги еб улгурмаган ноннинг бир ушоғи ерга тушиб кетган экан. Оқсоқол у ён-бу ён қараб, тополмабди. Ҳамма ерни титқилаб, ушоғни қидирибди. Вахтга қарши, кеч кириб қолган экан, қоронғилик халақит қилибди. Оқсоқол буюрибди, катталар аҳдлашибди: эртасига ҳамма бел, кетмон, элак, ғалвир олиб чиқади, ҳамма нон ушоғини қидиради, топилмагунча тиним йўқ. Оқсоқол уйига ҳам бормабди. Шу ерда тунабди. Элак, ғалвир кўтарган халқ эртасига яланглик ва унинг атрофини эринмай элаб чиқибди. Тупроғини бир жойга ўйибди, бир тепа ҳосил бўлибди. Лекин ушоқ чиқмабди. Ҳориган халқ оқсоқол ёнига келибди. Ушоқнинг қаердан, қандай тушиб кетганини билгиси келибди. Оқсоқол қайта тушунтирибди. Бирови топқирлик қилиб, унинг белбоғини ечса, енигига тушган ушоқ белбўғарига келиб тўхтаган экан. Шундай қилиб, ушоқ топилибди, тепага эса эл Ушоқтепа деб от қўйибди...

Афсона — халқ ижоди, ақл-идрок маҳсули. Унинг замирида инсон меҳнати, бирдамлик қудратига, нонга, инсон ҳурматиға эътибордек буюк ҳикмат мужассамланган. Нон кишилар наздида буюк неғмат, инсон ҳаёти саломатлиги учун асосий озуқа. Нонга ҳурмат — элга ҳурмат. Нондек табаррук бўлинг, деб бекорга айтишмайди.

Нон ушоғи бирикмаси халқимиз

нинг азалий сўзлари. Нон қачон яратилган бўлса, бу сўз ҳам ўшандан бери бор. Ушоқ — ноннинг энг кичик зарраси. Халқ тилида ушоқ, увоқ сўзлари ҳам бор. Қипчоқ шеваларида нон ушоғи, нон умоғи, нон увоғи бирикмалари деярли тенг ёки фарқсиз қўлланилади.

Ушоқ, увоқ, умоқ каби сўзлар бир ўзакдан урчиган. Қадимги туркий тилда *увди* (майдалади), *увалди* (ушалди), *уватди* (ушатди), *увуш* сўзлари бўлган. Бу сўзларнинг асоси — *ув* (энг кичик, жуда майда). *Ув* ўзагига «-уш» қўшимчаси қўшилиб *увуш* (майдаланган нарса) сўзи ясалган. Унга «-а» қўшимчаси қўшилиб, ҳаракат билдирувчи *увуша* сўзи яралган; унга «-қ» қўшимчаси бирикиб *увушоқ* сўзи юзага келган. Шу сўзнинг соддалашиб ўзгаргани — *ушоқ*. Шу маъно замирида «майда, кичик, кичкина» қўшимча маънолар юзага келган.

Ушоқтепа — кичик тепа. Енидаги бошқа тепаларға қиёсан номланган. Теварак атрофдаги баландликларга нисбатан бу тепа эни, айлана ҳажми кичик бўлганлиги учун шундай аталган. Нега бу белгилар асос қилинган? Маълумки, текисликлардаги тепаларнинг аксарияти қўлдан қилинган, инсон меҳнати билан бунёд бўлган. Афсонада ана шу меҳнат жараёни акс этган.

Тўра Нафасов,

Қарши Давлат пединституту доценти.



И. Фолькин

Йиллар шамоли

Онам Шарофат Искандар қизи ҳикоялари

Қайта қуриш шарофати билан тарих ҳақиқати тикланыпти; шахсга сиғиниш даврининг оғир оқибатлари рўй-рост айтиляпти, турғунлик йилларидаги «ҳайбаракаллачилар» жазоланяпти. Сир эмаски, гоҳ-гоҳида Меҳнат ва Уруш ветеранларидан ўринли таънаю дашномлар эшитаётормиз: «Ахир биз ўша йиллари ҳам жон олиб-жон берган эдик, қора терга ботиб ишлаган эдик! Наҳотки, бизнинг барча меҳнатимиз, курашимиз зое кетган бўлса?!» Дарҳақиқат, ўша машъум йилларда ҳам бепоён Ватанимизнинг асл фарзандлари, меҳнатқашлар социализмнинг қутлуғ идеалларига, Ленин ғояларига ишонишар эди. Шунинг учун улар жонларини жабборга бериб ишлаганлар. Нақл қилишларича, Александр Фадеев КПССнинг XX съезидан кейин ижодхонасида доимо осийлик турадиган И. В. Сталин портретига қўлини бигиз қилиб: «Мен бу одамга ишонар эдим!» деган экан аламли бош чайқаб. Ҳа, кўпчилики Сталинга, Хрушчевга, Брежневга, Рашидовга чин дилдан ишонар эди. Ишончлари оқланмаганини жуда кеч билишди. Чунки у пайтлари жуда кўп гаплар ошкор қилинмасди. Хуллас, қуйида чоп этилаётган мақолада 30-йиллари қаҳрамонона меҳнат қилган фаоллар ҳақида, уларнинг эътиқодлари хусусида рост гаплар баён этилган деб ўйлаймиз.

Шеробод республикамиз жанубидаги қуёшли воҳа. Бу воҳа ҳунармандчилиги, маданияти, санъати ривожланган, эл-юртга танилган суюкли фарзандлари кўп. Шеробод аёллари суронли йилларда қўлларига қурол олиб ёш Совет ҳокимиятини, инқилобни ҳимоя қилишди. Коллективлаштириш йилларида улар қишлоқма-қишлоқ юриб, янги тузум афзалликларини оддий халққа етказишди. Уларнинг кўпчилиги онамининг сафдошлари. Бу ҳикояларни онам сўзлаб берган бўлса-да, тарихий ҳужжатлар, архив материалларига асосланган. Мен онамининг ҳикояларини — жонли хотираларни, айрим унутилмас воқеаларни бир оз тартибга келтириб оққа кўчирдим, холос.

«Ота» билан учрашув

Сурхон воҳаси азалдан қақраб-қақшаб ётарди. Сувсизлик туфайли одам ҳам, жонзоту гиёҳлар ҳам азоб чекарди. Воҳани маъмурий марказга айлантириш, айниқса қўриқ ерларни ўзлаштириш Совет ҳокимияти давридагина амалга оширила бошланди.

1900—1905 йилларда чор Россиясининг геодезистлари Шеробод воҳасига экспедиция уюштирадилар ва воҳа ерларининг ниҳоятда унумдор эканини аниқлайдилар. Чор Россияси қорчалонлари шундан сўнг катта даромад олиш планини тузиб чиқадилар. Россиялик топограф А. Г. Ананьев бошчилигида қатор тадбирларни амалга ошириш йўллари режалаштирилади. Лекин Шеробод даштларига сув чиқариш, йирик далачилик участкалари барпо этиш, оби ҳаёт артериялари вужудга келтириш, ўзлаштирилган ерларда пахта етиштириш каби мақсадлар инқилобга қадар сир сақланарди. 1912 йилдан бошлаб чоризм ҳўкмдорлари ўз ният ва мақсадларига эришиш учун ишга киришиб кетдилар. Бухоро амирлиги билан Россия подшолиги ўртасида шартнома тузилди. Шартномага кўра, Шеробод воҳасидаги 72 минг десятина ер 99 йил муддатга А. Г. Ананьевга ижарага берилиши кўзда тутилди.

1913 йили «Шеробод» акционерлар жамияти ташкил этилди. Дастлабки пайтларда жамият иши юришиб кетади: кўпгина қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилди. Шеробод ва Таскан ариқлари бўйларига ғалла ва пахта экилди. Оқ подшо амалдорлари бу ерлардан мўл ҳосил олиш мумкинлигини бир неча бор синаб кўришди. Бироқ, акционерларнинг орзу-умидлари кўп ўтмай чилларчин бўлди: Улуғ Октябр социалистик революцияси ғалаба қилди...

Инқилобдан кейинги йилларда Шерободда гидроиншоотлар ташкил этиш кўзда тутилди. Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида Тожикистон территориясидаги бир қисм сувни Сурхон воҳаси ерларига оқишиш режалари ишлаб чиқилди. Халқ Комиссарлари Совети ва республика Компартияси Марказий Комитетининг 1941 йил 19 январь қарорига мувофиқ Душанбе — Қоратоғ канали қурилиши бошланди. Уша қарор чиққандан сўнг орадан икки кун ўтгач, Ғамбур қишлоғининг очик майдонида йиғилиш бўлади. Йиғилишга бутун қишлоқ аҳли келади. Райижроком раиси Тожи Утаганов шундай дейди: — Уртоқлар! Биз районимиздаги барча колхозларга фаолларни юбордик. Эртадан кечикмасдан канал қурилишига жўнаймиз. Юкларингизни, иш қуролингизни олиб Термиз темир йўл вокзалига борасизлар. Ҳаммамиз биргаликда станциядан жўнаймиз...

Қурилиш майдонига минглаб ўтовлар тикилади. Районларга участкалар алоҳида-алоҳида бўлиб берилади. Қурилиш оммавий тус олади. Уша йили қурилишга область хўжаликларидан 33 минг киши сафарбар этилади. Канал қурилиши стахановчилик методи асосида олиб борилиши учун мурожаат қабул қилинади. Қурилишда хотин-қизлар ҳам асосий куч ҳисобланарди.

Ўтовлар тизилиб турган оқ турналарни эслатарди. Иш юлдузлар шодаси осмонга сочилгунча давом этарди. Ҳар бир ўтов олдида оқшомлари гулханлар ёқиларди. Қурилиш қатнашчилари оғир меҳнатдан сўнг «Ўзбекконцерт» филармониясининг санъаткорлари Ҳалимаҳоним, Тамараҳоним, Мукаррамаҳонимларнинг жасоратга чорловчи қўшиқларини тинглайдилар, жозибали рақсларини томоша қиладилар. Ҳеч ким чарчаш нималигини билмайди. Қаҳратон қиш канал қаҳрамонлари учун писанд эмас.

Уша иш қайнаган кунларнинг бирида «Республика президенти келармиш!» деган миш-миш канал қурувчиларини ҳаяжонга солиб қўяди. Одамлар: «Йўлдош ота қандай киши экан? Марказдан келадиган раҳбар оддий меҳнаткаш билан қандай қилиб сўрашар экан?» дейишарди. Хушхабар тарқалган куннинг эртасига чошгоҳ маҳали қурилишнинг очиқ майдонига ҳалойиқ тўпланади. Йўлдош Охунбобоев область раҳбарлари билан аравадан тушади. Ғала-ғовур бирпасда тинади. Баъзилар: «Ия, Ота аравада келибди-ку! Катта киши ҳеч бўлмаса, «шайтон арава»да юрмайдими, ё тавба!» деб ҳайрон қолишади.

Ота ўртага чиқиб, чакмонини ечиб бир чеккага қўяди. Бошидаги дўпписини қўлига олади. Унинг ширинсухан, дилкашлиги шундоқ юз-кўзидан сезилиб турарди.

— Азиз сурхондарёликлар! — деб гап бошлайди ота. — Канал қурилиши бутун воҳа учун катта аҳамиятга эга. Сизлар учун сув зарур. Келажақда Сурхондарё пахта, ғала етиштирадиган йирик ўлкага айланади. Пахта — мамлакатимиз экономикаси, маданияти, мудофааси учун жуда қимматли хомашё... Авангардлик, стахановчасига ишлаш бутун мамлакатимиз халқларига хос юксак фазилат. Воҳаларингиз қимматбахо санаот хомашёси ҳисобланган илак пахта етиштиришга жуда қулай... Бу эзгу ишларда Сиз сурхондарёликларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, ғайрат тилаймиз...

Ҳамма ўридан туриб кетади. Чапак чалиб Отага миннатдорчилик билдиради. Отага ҳамроҳ бўлиб келган Ҳалима Носирова бошчилигидаги санъаткорлар шу кунни йиғилганларга концерт қўйиб беришади. Шундан сўнг Йўлдош Охунбобоев қурилишда амалга оширилаётган ишлар билан танишади. Бир ҳафта мобайнида Йўлдош ота шерободликлар билан бирга бўлади.

«Уруш бошланибди!» деган шум хабар бир зумда канал қурувчиларига ҳам етиб боради. Кўпчилик гангиб қолади. Шу ернинг ўзидаёқ кўплаб йигитлар кўнгилли бўлиб фронтга жўнашади.

Киши кўнглига қил сиғмайдиган дамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Улдон опа Болтаева, Рўзихон Худойназарова, Хожар Ҳамидова, Ибодат Қурбонова, Бухор Каримова, Рўзигул Қаҳҳорова, ХОСИЯТ Ҳалимова, Маҳар Самадова сингари шерободлик аёллар канал қурилишини тўхтатмаслик, фронтга кетган ўғлонлар ўрнида ишлаш ташаббуси билан чиқишади.

Канал қурилишида аёллар катта куч бўлиб қолади. Матонатли аёллар кечаю кундуз тиним нимагини билишмайди. Ҳатто тун бўйи гулхан ёруғида ишни давом эттиришади. Ҳар бир хотин-қиз белгиланган нормани ўн-ўн беш ҳисса ошириб бажаради.

Канал қурилишини сурхондарёликлар 1942 йилнинг август ойидаёқ ниҳоясига етказишади. Саксон километрлик канал суви билан воҳанинг мавжуд экин майдонлари суғорибгина қолинмасдан, ўттиз беш минг гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилади.

Босмачини чавақлаган Саодат

1925—30 йилларда синфий душманлар босмачилик ҳаракатини авж олдириб юборишади. Кунора қишлоқда изғи-қийғи бўлиб турарди. Босмачилар бировнинг уйига ўт қўяр, бошқанинг қизини ўғирлаб кетар, айримларнинг бола-чақасини отиб ташлар, фаолларни отга судратиб ўлдирарди.

Қонхўр босмачилар Бандихон чўллари, Бойсун, Кўҳитанг ва Ҳисор тоғ тизмаларию Етимқум тепаликлариде изғиб юрарди.

Кунларнинг бирида Истара қишлоғига райондан Иннакиев деган вакил келади. Халқни тўплаб шундай дейди: «Уртоқлар, Истара даштидан Жарқўрғонга ўтадиган йўлда инқилоб курашчилари, рус ишчилари Полев ва унинг хотини В. Беляшевларни босмачилар сўйиб кетишибди. Эҳтиёт бўлингизлар. Босмачи оралади дегунча Шеробод гарнизони бошлиғи Владимир Панкяевга хабар қилингиз. Синфий душманларнинг сиз ва бизни кўрарга кўзи йўқ. Ҳамқишлоқларингиз ХОЛЕР Жангиров отряди билан бирга бўлингиз!»

Ушанда Саодат Хўжанова 17—18 ёшлар атрофидаги қиз эди. Дугонаси Жангил Норбоева билан биринчилардан бўлиб паранжи ташлади. Саодат Тошкентга ўқишга боради. Уқишдан келгач, икки дугона қизил отрядга қўшилади.

Қишлоқдошларининг айримлари Саодатга: «Еш жонингга жабр қилма. Босмачилар сени ҳам гумдон қилмасин!», дейишади. У ҳам бўш келмай: «Бир бошга бир ўлим!», дейди.

Бир куни тушиқда босмачиларнинг бири Саодатнинг уйда ёлғиз қолганини сезиб, отини ўша томонга буради. Кадига сут бўшатаётган Саодат отнинг дупиридан ҳушёр тортади. У липпасига пичоқ қистириб олади-да ҳеч нарса кўрмагандек ташқарига чиқади.

Босмачининг кўзлари қонга тўлган. Қўлида қамчисини ўйнатиб Саодатга оч бўридек тикилади:

— Мунча гўзал бўлмасанг!..

— Мақсадинг нима?

— Нега сенсирайсан, қанжиқ!

— Ҳе-е, қутурмай ўл-а, ит!

— Увв, онангинг...

— Онамга тил теккизма! Зўр бўлсанг, ўзим билан гаплашиб кўр-чи!

— Майли, бир роҳатланай! — дейди-да босмачи отдан тушади. Саодатни шартта билагидан ушлаб ўтовга олиб киради.

— Майли, роҳатлан, розиман. Ўз ҳолимга қўй, ечинай. Тескари қараб тур!

— Бу бошқа гап. Тезроқ бўл! — У эшикка ўгирилади. Саодат зудлик билан липпасидан пичоқни суғириб бор кучи билан босмачининг орқасига санчади. У ўгирилган ҳамоноқ чаққонлик билан пичоқни суғириб олиб чап биқинига уради. Босмачи ўзини ўнглаб унга ташланмоқчи бўладию гурс этиб йиқилади. У пичоқни тортиб олиб сўнги бор кўкрагига уради.

Саодат Хўжанова Мавлон қўрбоши, Иброҳимбек каби ашаддий душманларга қарши курашда, босмачи шайқаларини тугатишда актив қатнашади. Халқ қаҳрамонига айланади.

Биринчи тракторчи

Уруш ҳамма томонни алғов-далғов қилиб юборган. Қишлоқларда йигитлар йўқ ҳисоби. Ҳамма томон ҳувиллаб қолган. Дала ишлари аёллар, вояга етмаган ёшлару қари-қартанглар зиммасида. Уша таҳликали йилларда кўплаб хотин-қизлар трактор бошқаради, далада сувчилик қилади. Омборга от-аравада пахта олиб боришади.

Ленин номидаги колхозда Норой Бозорова қишлоқ аёлларидан биринчи бўлиб тракторчилик касбини эгаллади. Қисқа муддатли тракторчилик курсини битиради. У тушгача ўқиб, далага йўл оларди, сувчилик қиларди...

Шерободнинг биринчи тракторчиси Сафар Рўзиев ҳам шу колхозда ишларди. Нима бўладию унинг тоби қочиб қолади, иситмаси кўтарилади. Кесак майдалаётган қизлар шийпонга — кўрпа-тўшак қилиб ётган тракторчининг ёнига боришади. Уларнинг бири ариқ бўйдан ялпиз териб, қумғонда қайнатади. Ялпизли сувдан Сафарга ичиришади. Бир оздан сўнг у ўзини енгил сезгандек бўлади.

— Сингиллар, бугун тракторни бошқаришга ҳолим йўқ. Бирорталаринг ер ҳайданглар. Ким рози?

— Мен ҳайдайман, аммо билмайман-да, — деб Норой тракторга яқинлашади.

— Фақат қўрқма! Ургатаман, кўрсатмаларимга диққат қил. Одамнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

Норой рулга ўтиради. Бир амаллаб Сафар тракторни ўт ол-



«Келди очилур чоғинг...»

диради. Узи бўлса Норойнинг ёнига ўтириб тушунтиради. Трактор ўрнидан силтаниб кўзгалади. Норой рулни маҳкам ушлаб, Сафарнинг айтганларини бекамикўст бажаради. Кечгача қишлоқ қизи тракторни мустақил бошқаришни ўрганиб олади.

«Норой трактор рўлини тутибди», деган гап қишлоқ аҳлининг қулоғига етади. Кечки пайт Норойнинг онаси уни қарғашга тушиб кетади.

— Ҳой, ер етгур, элдан уялмайсанми! Бизни шарманда қилдинг-ку! Қиз бошинг билан-а! Сени шайтон йўлдан урибди! Энди мен одамларнинг юзига қандай қарайман?!

— Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ким нима деса деяверсин. Трактор ҳайдаш гуноҳ эмас.

У тракторчи бўлди. Одамлар олдин Норойдан юз ўгиришган бўлса, кейин унга ҳавас қилишди. Норой Шарофату Донакойни ҳам ўз қанотига олди. Қишлоқда улар ер ҳайдарди. Нормаларини 5-6 ҳисса ошириб бажаришарди. Кечалари ҳам тиним нималигини билишмасди. Тонггача мижжа қоқмай фронтдагилар учун қўлқоп, пайпоқ тўқишарди.

Норой ҳамisha эл оғзида. Замондошлари, айниқса, тенгқурлари Норой билан фахрланишади.

Биринчи звеновой

Ғамбур — воҳанинг энг қадимги қишлоқларидан бири. Шеробод дostonчилик мактаби худди мана шу маскандан бошланган. Бахшилар, ҳунармандлар, заргару меъморлари билан танилган бу қишлоқ ҳозир ҳам обод. Бу ерда замонавий тураржой, маданият уйлари қад кўтарган. Қишлоқ ўзининг олимлари, танти одамлари, уста пахтақору машъал чорвадори, соҳибкорларига эга. Уларнинг ҳаммаси меҳнатсевар, меҳмондўст кишилар.

Оловли йилларда кўпгина қишлоқ аёлларининг номи элга дoston бўлди. Ойдин опа ва унинг қизлари Насима, Бибинорлар чевар теримчи, илғор сувчи, уста пахтақор сифатида донг таратади. Уларнинг мақсади Улуғ Октябръ социалистик революциясининг ғалабасини мустаҳкамлаш, ҳаётимизни янада гуллаб-яшнатишдан иборат эди.

Нозик Бўриева ҳам забардаст аёллардан бири. Нозик момонинг қишлоқ этагида жойлашган уйдан каттаю кичикнинг қадами узилмайди. Момо уларга ўтмиш хотираларини мароқ билан сўзлаб беради.

...1929 йили қишлоқда «Социализм» колхози ташкил топди. Аҳмадтўқсабо, Мулла Саидмурод сингари бойларнинг ерлари, чорваси мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. Колхозга Маҳар Самадова, Нозик Бўриева, Ойдин Ҳасамиддинова сингари аёллар биринчилардан бўлиб аъзо бўлишди. Уша пайтда колхознинг атиги 20 гектар атрофида экин майдони бор эди.

Нозик пахтачилик звеносининг бирига етакчи этиб тайинланди.

У эндигина звеновой бўлганида қанчадан-қанча маломатларга қолган эди. Қариндошлари «Ҳаёсиздан юз ўгиришлар!» деб уни уйдан ҳайдаб чиқаришади. Баъзилар: «Бузуқ аёллар шунақа бўлади-да! Сен номуссиз қишлоғимизни иснодга қолдирдинг!» деб аюҳаннос солишади.


Нозик ғаламислар гапига парво қилмайди. Звено учун колхоз етти гектар ер ажратиб беради. Коллективнинг ўн икки аъзоси кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайди. Улар ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга уйлардан гўнг ташиб келтирарди. Эски девор ва жарликларнинг тупроқларини келтириб тўқишарди. Бу эса пахта ҳосилдорлигини оширади.

Дастлабки йили звено аъзолари ҳар гектар майдондан 12 центнердан хирмон кўтаришади. Бу ҳосил ўз даврининг рекорд кўрсаткичи эди. Звенода йилдан йил ҳосилдорлик ошиб борди. Экин майдони кенгайди.

Нозик Бўриева коммунист деган шарафли ном соҳибаси. Қишлоқда биринчилар қатори пахтачиликдаги хизматлари учун ҳукуматимизнинг юксак мукофотига — Ленин орденига сазовор бўлди.

Қишлоқ сардори

Уғлон момонинг ҳовлиси қишин-ёзин гулларга бурканиб, ям-яшил бўлиб туради. Қай вақт қараманг, ҳовли супириб-сидирилган, саранжом-сарашта. Момо кексалигидан сира нолимайди. Ҳамқишлоқлари ҳали-ҳали онахонни: «Уғлон ёшли-



«Бурлақлар»ми?

гида ҳам олов эди, бир сўзли, чаққон, эркакдай куч-қувватли эди», деб фахрланишади. Момонинг ҳикоялари ҳамisha жонли.

...Уғлон Ҳасанова колхоз тузилган дастлабки йилиёқ район марказида очилган ясли мудиралари тайёрлаш курсида ўқиш учун ариза беради. Унинг бу йўлига тўғаноқлар ҳам бўлди. Аммо у қисқа муддатли курсни тугатиб, колхозда биринчи болалар яслиси ташкил этади.

Айрим кишилар: «Уғлон кофир бўлди! Одамлар, болаларингизни унга бермангизлар. Ҳаром оралаган жойда бола гуноҳга ботади!» дейишди. Лекин қишлоқ аёллари бўш келишмасди. Улар: «Ясли жонимизга ора киради», деб ярамас кимсаларнинг гапини назар-писанд қилишмасди.

1939 йилда у КПСС сафига қабул қилинади. Атрофига фаол аёлларни тўплай бошлади. Колхоз аъзоси Ибодат Курбоновани ҳам коммунистик партия сафига ўтишга тавсия этди.

Партияга ўтган куннинг эртасига Ибодатдан дарак бўлмади. Уғлон дугоналаридан уни суриштирди. Ибодатнинг қўшниси Уғлонга норози оҳангда шундай деди:

— Хафа бўлмаю Уғлон, бировни фаол қиламан деб, оиласини буздинг! Кеча Ибодатнинг партия сафига ўтганини эри эшитиб қолибди. Уриб қўлларини синдириб ташлабди! Кўкармаган жойи йўқ. Атала ичишга ҳам ҳоли етмаяпти. Тўшакдан туролмай ётибди.

У Ибодатнинг эрини ахтариб топди. Эр эса пачакилашиб ўтирмади. Уғлоннинг ўкрагига зарб билан тепди.

— Аёл кишини уришга уялмадингми, ярамас! Унинг гуноҳи нима? Сен яна эр эмишсан! Узинг итнинг орқа оёғи бўлиб юрасан-ку! Кечга яқин правлениега борасан. Уша ерда гаплашамиз...

Правлениеда йғилиш бўлди. Ибодатнинг эри қилмишига яраша жазоланди. Ҳато қилганини буйнига олди.

Йиллар ўтди. Ибодат ая ҳамон Уғлон Ҳасановадан миннатдор бўлиб ўради.

Қишлоқ аёлларининг сардори кейинчалик колхозда ҳосилот, бригадир, партия ташкилотининг секретари вазифаларида ишларди. Уғлон Ҳасанова 1957 йили СССР Олий Совети Президиумининг фармонида кўра Ленин ордени билан тақдирланди.

МУАЛЛИФДАН: ушбу мақола ҳужжатлар асосида битилди. Фотосуратлар шахсий архивидан олинган. Агар мақола берилса, унинг қалам ҳақини болалар фондига ўтказишларингни илтимос қиламан.

Баҳодир
Турғунов

КУНЧИКАР
МАМЛАКАДА

Москва-Токио-Нара. «Буюк ипак йўли» виставкаси. Бир ойда бир миллион томошабин. Сакура дарахти остидаги театр. Чой дамлашни биласизми? Ўзбек палови Нарада. Робот расм олади.

Узоқ мамлакатга сафар қилмоқчи бўлган киши албатта ўша юрт тўғрисида бир оз бўлса-да тушунча олишга, одамлари, урф-одатлари ва тарихи ҳақида ҳеч бўлмаса справочникдан маълумот тўплашга ҳаракат қилади. Аммо биз Япония ҳақида матбуотда берилаётган хабарлар кишини ҳайратга соларли даражада зерикарли бўлганлиги учун юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши деган нақлга амал қилдик.

Кунчиқар мамлакат ҳақида мен билган дастлабки маълумот шу бўлди: Япония умуман тоғ билан қопланган Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю каби йирик ҳамда 33 мингта майда ороллardan иборат. Япон денгизи ва Тинч океани ороллари ҳар томондан ўраб олган. Аҳолиси жиҳатидан дунёда еттинчи (Хитой, Ҳиндистон, СССР, АҚШ, Индонезия, Бразилиядан кейин) ўринда туради: 120 миллион кишидан ортиқ. Территорияси Ўзбекистондан анча кичик: 372,2 минг км². Шимолдан жанубгача 3400 км. масофани реактив самолётда уч соатда, ғарбдан шарққа йигирма минутда босиб ўтса бўлар экан.

Биз роппа-роса 10 соат деганда кунчиқар мамлакатнинг Нарита халқаро аэропортига қўндик. Унинг қурилганига 10 йил бўлибди, аммо ҳозир юк ташини дунёда биринчи ўринда турар экан. Бу ерга дунёнинг 34 мамлакатидан 43 авиакомпания самолётлари келиб-кетиши.

Токиода иккита катта аэропорт бор: аввалгиси Ханэда ва янгиси Наритада. Бу ерга биринчи маротаба учиб келган кишини иморатнинг архитектураси, пассажирларга яратилган қулайликлари, беҳисоб савдо дўконлари, замонавий япон, хитой ва европа ресторанилари ва ранг-баранг рекламалари ҳайратга со-

лади. Хуллас, мезбонлар сизга ниҳоятда гуллаб-яшнаётган капиталистик мамлакатга келиб қолдингиз, дегандек бўлишди. Аэропортдан Токиогача бўлган 70 километрли бетон устунларга ўрнатилган «осма» йўл ҳам шу мақсадга мўлжаллангандай. Бу йўл пулли бўлиб, автомобиллар иккинчи қаватда кетишди. «Кетишади» деган сўз унча тўғри келмайди, «учиб» боради десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки спидометр соатига 200 км. с. тезликни кўрсатади. Токиога боргунча на светофор бор, на чорраҳа: пул тўладингизми — йўл сизники, хоҳлаган тезлик билан кетаврасиз, фақат машина чидаса бўлгани. Автомобиль сизни бирпасда кўпмиллионли Токиога элтиб қўяди. Озгина вақтдан фойдаланиб, микрофон ушлаб турган қиз баъзи маълумотларни хабар қилади: Япония СССР билан 1925 йили дипломатик алоқа ўрнатган эди, аммо япон милитаристик ҳукумати 1945 йил августда яқсон қилингандан кейин алоқалар узилади ва 1957 йилнинг 19 октябрида яна тикланди. Шундан бери мамлакатимиз ўртасида дўстона ва савдо-сотиқ алоқалари ривожланиб келади.

Хуллас, Токиодамиз. Биз зудлик билан бу ажойиб шаҳарни томоша қилишга киришамиз деб турган эдик, лекин бизни кутиб олган СССР — Япония маданий алоқалар уюшмаси ходимлари ҳаялламаздан жанубга — кўрғазма очиладиган шаҳар Нарага бугуноқ жўнашимизни ва тезюар поездга билетларимиз тайёрлигини билдиришди. «Токиони бамайлихотир томоша қилгани имконият бўлади», деб қўшиб қўйишди.

Мана, биз тезюар поезддамиз. Мезбонлар кузатиб қолишар экан, салкам 800 километрли масофани, яъни Киотогача йўлни 2 соату 48 минутда босиб ўтасизлар, у ерда сизларни кутишяпти, деган эдилар. Биз эҳтиёт-шарт соат милига қараб қўйдик. Дарҳақиқат, поездимиз роппа-роса 2 соату 48 минут деганда Киото вокзалига кириб борди, вагонлар белгиланган чизиқларга келиб тўхтади. Мен шу йўлдан тўрт марта қатнадим ва ҳар гал поезд бир минут ҳам кечикмади. Айтишларича, мабодо бирор сабаб билан поезд кеч қолгудек бўлса, фирма йўловчиларга билет нархининг маълум процентини қайтариб бериб, сиздан минг бор узр сўрар экан.

Японияга биринчи маротаба борган кишининг ҳайратомуз ҳангомасидан бир лавҳани эшитинг: поезд силжиши билан, вагоннинг ички эшиги автоматик



равишда очилиб, чиройли қизлар таъзим билан салом бериб, аравачаларда яхна чой, ҳар хил лаззатли ичимликлар, музқаймоқ, печенье ва бошқа ширинликларни таклиф қиладилар. Албатта пулга. Улар вагоннинг иккинчи эшиги олдида тўхтаб, орқага қайриладилар, яна таъзим қилиб, сиз билан самимий ҳайрлашиб, чиқиб кетадилар. Лекин қизги шундаки, қизлар бир марта таъзим билан кифояланиб қолмайдилар, бундай ҳолат то манзилга етгунча такрорланаверади. Мен қизқиб бу саломларни санамоқчи ҳам бўлдим, аммо ҳисоб 200 дан ортгандан кейин зеркиб кетдим. Ахир атрофни ҳам томоша қилиш керак-ку.

Японларнинг салом-алик удуми ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Улар бир-бирлари билан учрашиб қолсалар, кўча ўртасида бўлса — автомобиль ҳайдовчиси кутиб тураверади. Фирма хизматкорларининг ўз миждозларига эгилиб-букилиб таъзим бажо келтириши ҳам миллий одат экан.

Хоҳ амалдор бўлсин, хоҳ пулдор бой бўлсин, ўзига салом берган кишига худди шундай илтифот ва таъзим билан жавоб қайтариши бизни ҳайратга солди.

Биз ҳам кўп ўтмай японча саломлашни, яъни икки қўл бармоқлари тиззага етгунча эгилиб, вақти келса бу ҳолатни бир неча бор такрорлашни ўрганиб олдик. Бу билан биз ўзга халқларнинг урф-одатларини бирдай ҳурмат қилишимизни кўрсатдик.

Биз, ўзимизнинг баъзи амалдорларимиз саломга алик олиш у ёқда турсин, зўрма-зўраки қўл учини бериб кўйишни эслаб, такаббур зотлар бир Японияга келиб-кетишса ёмон бўлмас эди, деб ўзаро кулишиб ҳам олдик.

Поезд аҳён-аҳёнда океан қирғоғига яқин келиб қолар, узун ва қоронғи тоннелларга шўнғиб кириб кетар, баъзан эса шолопоялар ўртасидан кесиб ўтар, аммо тезлигини (соатига 280 км.) сира пасайтирмас эди. Поезд тезлиги ниҳоятда юқори бўлганлиги учун фирмалар мажбур бўлишган, акс ҳолда тоғни айланб ўтишга тўғри келар, бунга кўп вақт кетар, айниқса тезликдан ютқазилар эди. Мен бир сафар йўлдаги тоннелларни санаб ҳам чиқдим: Токио-Киото йўлида 45 та тоннель бор экан. Улар икки томонлама ҳаракат учун мўлжалланган ва узунлиги 1 километрдан то 22 километргача.

Дарвоқе, шу йилнинг 14 мартида ишга тушган Сейкан номли денгиз остидан ўтган 53,8 километрли тоннель ҳақидаги хабар бутун дунёга ёйилди. Ҳозирча унга тенг келадигани жаҳонда йўқ.

...Туйқусдан ҳамма ўнг томонга қараб қолди. Билсам, бу Фудзи чўққиси экан. У йилда йўловчиларга 7-8 марта кўринади, холос. Қолган пайтларда чўққини булут қоплаб олар экан. Японлар табиат мўъжизасини Фудзияма ёки эр-калатиб Фудзисан («сан» кўшимчиси одамларнинг фамилиясига кўшилиб таллаффуз қилинади) деб ҳам атайдилар. Унинг баланглиги денгиз сатҳидан 3776

метр, доимо қор билан қопланган.

Ниҳоят, поездимиз Киото шаҳрига келиб тўхтади. Бизни Нарага аввалроқ борган делегация аъзоларидан бир аёл ва таржимон аёл Аракисан (мен уни кейинчалик доимо Аракихоним деб атадим) кутиб олишди. Нара шаҳри тез-юрар поезд маршрутдан четда бўлганлиги учун биз у ерга электричка орқали ярим соатда етиб бордик.

Нара жуда шинам, кўкаламзор ва чор атрофи тоғ билан ўралган шаҳарча экан. Аҳолиси атиги 430 минг, ёдгорликлари ниҳоятда кўп. Биз унинг тозаллигини Юрмалага, ёдгорликка зичлигини Хевага ўхшатдик.

Нара Япониянинг энг қадимий ва биринчи пойтахти бўлган экан. Пойтахт учун шу жойни танлаганлиги императорнинг диди ёмон эмаслигини кўрсатиб турибди.

Меҳмонхонага жойлашган, биринчи кечадаёқ шаҳарни томоша қилишга ошдиким. Қаёққа қараманг, «Ипак йўли. Нара — 1988» деган сўзлар битилган плакатлар рангли чироқлар шўъласида ловуллаб турибди. Уларнинг ёнида атлас кўйлак кийган ўзбек гўзали, Бухоро минораси, Самарқанд мадрасалари ва туя карвонларининг тасвири бор. Демак, виставкага тайёргарлик катта, рекламалар юз фоиз ишлай бошлаган.

Нара Япония туризмининг маркази ҳисобланар экан, шу боисдан ҳам «Буюк ипак йўли» халқаро виставкаси учун шу шаҳар танланибди.

Виставкага ўнта давлат ўз экспонатларини олиб келган: Япониядан ташқари, Афғонистон (бу мамлакат топилмаларини Франция келтирган), Жанубий Корея, Италия, Ироқ, Покистон, СССР, Сурия, Ҳиндистон ва Хитой. Экспонатлар учта алоҳида жойга: Нара Миллий музейга, санъат музейга ва махсус мосламалар ёрдамида тайёрланган ниҳоятда салобатли павильонга қўйилган. Миллий музейда Япония, Хитой, Корея ва Ҳиндистоннинг, санъат музейида бизникидан ташқари Афғонистон, Покистон, Италия ва Ироқнинг экспонатлари. Алоҳида павильонда Суриядан денгиз ва океанлар оша сузиб келган қадимий елканли кема, денгиз ости археологияси намуналари ва бошқа ажабтовур нарсалар. Бу павильон ҳаммада фоят катта таассурот қолдирди. Бунинг сирини биз кейин билиб олдик — павильон харажатларини энг пулдор ва йирик телевизион компания Эн-эйч-кей ўз зиммасига олган экан.

Ундан кейин энг катта таассурот қолдиргани СССРдан олиб борилган 80 та ажойиб топилмалардир. Унга Урта Осиё республикаларидан, Қозоғистон, шимолий Кавказ ва жанубий Сибирдан топилган ноёб нарсалар асос бўлган.

Томошабинлар скиф кўрғонларидан чиққан олтин бурғу, Иссиқ кўрғонидан топилган олтин совутли саркарда ва Далварзинтепадан мен олиб борган баҳайбат ҳайкаллар олдига келиб узоқ-узоқ тўхтаб қолишар, биз махсус суҳбатлар ўтказар эдик.

«Буюк ипак йўли нима?» деган савол туғилиши табиий.

Манбалардан маълумки, эрамиз бошларида Хитойдан то Римгача қуруқлик ва денгиз орқали тарихда биринчи савдо йўли ўтган: у «Ипак йўли» номи билан машҳурдир. Савдо карвонлари Хитойдан ипак ва бошқа моллар келтирганлар, Европадан товарлар олиб қайтишган. Йўл-йўлакай ҳам савдо бўлган. Бир пайтлар шу йўл орқали савдогарлар Япониянинг Нара шаҳригача етиб борганлар. Бунга далил қилиб Нара, Киото ва Кашиварадаги қадимий харобалардан археологлар қазиб топган ашёвий далилларни кўрсатишади. Энг таажжубланадиган нуқталарнинг бири шуки, император хазинахонасига борганимизда Самарқанддан бориб қолган мато билан Панжикент ёдгорлиги деворларида учрайдиган айрим тасвирлар бир-бирига ўхшайди. Бундан кўриниб турибдики, бир замонлар шу ипак йўлида Урта Осиёнинг, жумладан, республикамизнинг бир неча қадимий шаҳарлари жойлашган, улар йирик савдо марказлари ҳисобланган.

Қазилмалардан маълумки, Ҳиндистонда милоддан аввалги VI—V асрларда пайдо бўлган Будда дини эрамиз бошларида Афғонистон орқали республикамизнинг жанубий районларига ҳам тарқалган. Шу пайтгача Термиз шаҳри атрофидан Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа ва Зўрмула деган жойларда буддизм ёдгорликлари топилган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги илмий текшириш институтининг Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси олтмишинчи йиллардан бошлаб шу воҳда қидирув ишларини олиб бориш жараёнида Далварзинтепа деган қадимий шаҳар харобасидан бирийўла иккита будда ибодатхонасини топди. Аввалгиси 1967 йилда ўрганилган бўлса, кейингиси яқин 5 йиллар орасида топилган бўлиб, у ерда ҳанузгача қазил ишлари давом этиб келмоқда. Уларнинг биринчиси — шаҳардан ташқарида, иккинчиси — шаҳарнинг ўртасида, марказий кўчалар туташган чорраҳада жойлашган. Ҳар иккаласида ҳам ажабтовур ҳайкаллар бор. Улар асосан Буддани, унинг сафдоши Боддисатвани, кохинларни, хизматкорларни, қолаверса, шаҳар ҳокимини ва унинг вазир-уламоларини тасвирлайди. Ҳозирча бизнинг топилмаларимиз ўттизтадан ортиқроқ ҳайкаллардир, аммо кўпларининг қўллари, оёқлари ва тана қисми парчаланган ҳолда учрайди. Ҳайкаллар асосан лойдан ва ганчдан тайёрланган бўлиб, сиртига санъаткорона безак берилган. Айрим жойларига янада жозибадор чиқсин деб олтин суви юритилган. Парчаланган бўлакларига қараб айрим ҳайкаллар бўйи 5-6 метр бўлса керак деб тахмин қилиш мумкин.

Нарага учта ёдгорлик — будданинг калласи, баҳайбат қўли (ҳар бир панжасининг узунлиги камида 30 см.) ва яхши сақланиб қолган 2 метру 20 сантиметрли Боддисатванинг ҳайкалларини олиб бордим. Экспонатларни японларнинг ўзлари танладилар. Токиодаги Сока университетининг профессори Каото Кюдзо Далварзинтепа довуғини, у ердан чиққан топилмаларни, айниқса,

ноёб ҳайкалу деворий суратлар, дунёдаги энг қадимги шахмат доналари ва ҳаммаёққа шов-шув бўлган салкам 36 килограммлик олтин хазина хабарини эшитган эди. У таниқли рафикаси Сада-касан билан 1982 йили Тошкентда бўлганда институтимиз музейида айрим топилмаларни кўрган. Ушанда ҳали фан оламида унча танилмаган иккинчи будда ибодатхонасидан чиққан ҳайкаллар олдида узоқ тўхтаб қолди ва учтасини албатта Нарага олиб бориш истагини билдирган эди.

Маълумки, Японияда эрамизнинг VIII асрдан эътиборан будда дини ҳикмронлик қилади. Қадимий Нара, Киото Кашивара ва бошқа шаҳарлардаги улкан Будда ҳайкаллари кишида катта таассурот қолдиради. Нарада 752 йили қурилган, баландлиги 15 метр ва оғирлиги 452 тонна келадиган мисдан тайёрланган Будда ҳайкали дунёда тенгсиз бўлса керак. Хорюдзедуга иккинчи ибодатхона 607 йили қурилганига қарамадан унинг 40 та ёғоч устунлари худди яқин йилларда қурилгандек сақланиб қолган. Айтишларича, бинони қуришда бирорта ҳам мих ишлатилмаган экан. Устунларга икки кишининг зўрға қулочи етади.

Бино 3-4 қаватли бўлиб, биринчи қаватида хоналар йўқ, ҳаммаёғи очик, одам юрса боши шифтга тегмайди, аммо юқори қаватлари бир неча хоналардан иборат: ҳеч қачон очилмайди, чунки у ерда императорнинг энг ноёб буюмлари сақланар экан. Иккинчи қаватга нарвон билан чиқилади. Махсус ходимларгина уни очиб, умумий ҳолатини кўздан кечириб, шамоллатиб қўядилар.

Рўпарадаги ажойиб иншоотда эса ноёб буюмлардан айримларининг иккинчи нусхаси сақланади ва йилда бир марта 40 кун мобайнида намойиш қилинади. Виставка асосан куз ойида, яъни чанг кам бўладиган пайтда ўтказилади. Экспонатларнинг сони 9 мингта, уларнинг каталоги ҳам чоп этилган. Бизга ўша 40 томлик каталоғни кўрсатишди.

Музей — хазинахона директори ва ходимлари бизни белгиланган вақтда кутиб олишди. Ибодатхонага кириш қондасига биноан оёқ кийимларини остонада ечиб, хона ичида кийиб юриш учун тайёрланган махсус бошмоқларни оёққа илиб олиб ичкарига кирдик-да, пояндоз тўшалган хонтахта атрофида тиз чўкиб ўтирдик. Хона ичида доимо мўътадил иклим бўлиши учун махсус мосламалар бор, улар фирмалар томонидан буюртма бўйича тайёрланган экан. Оппоқ қўлқопу оқ халатлар кийган илмий ходимлар бирма-бир нодир буюмларни олиб чиқиб, намойиш қила бошладилар: мана, императорнинг ойнаси. У 752 йил 16 апрелда тайёрланган, бир томони бўртган, иккинчи томони сип-силлик, юзингизни бемалол кўрсангиз бўлади. Иккинчи буюм — императорнинг пайпоғи, у ҳам VIII асрда тайёрланган, гуллари, ранги яхши сақланган.

Учинчи буюм — ёғоч сандиқча, сиртига лак суртилган, расм солинган... Мезбонлар яна талай буюмларни кўр-

сатиб бизни лол қолдиришди. Ахир бундан 1200 йил аввал тайёрланган нарсаларни яқиндан туриб кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-ку! Бир тўшакчадаги гуллар Афросиёб ва Панжикентдан топилган деворий суратларни эслатди. Яна бир неча сандиқни кўздан кечирдик. Айтишларича, уларда кўҳна буюмлар сақланар экан. Ҳақиқатан ҳам, буни хазинахона деса бўлади: орадан ўн икки аср ўтган бўлса-да, улар чириб ё нураб кетмагани кишини таажжублантиради.

«Ипак йўли» виставкасига тайёргарлик ишлари 20 апрелда тугади. Биринчи бўлиб виставка залларини чет эл журналистлари, Япония газета ва телевидение ходимлари реклама қилиш мақсадида келиб кўришлари, материаллар тайёрлашлари керак эди. Биз ўз ватандошларимизни — ТАСС, «Известия», АПН мухбирларини ҳам учратдик, уларни бизга ажратилган махсус хонага таклиф қилиб самимий суҳбатлашдик.

Ғарб журналистларини биз шунча кўп экспонатларни, тилло буюмларни кўрқамдан олиб келганлигимиз кўпроқ қизиқтирди. Биз уларнинг саволларига ҳам жавоб тайёрлаб қўйган эдик. Улар газеталарда фактларни қандай ёритади — бу ўзларига ҳавола. Биз бурчимизни, хусусан, «Буюк ипак йўли»га қўшган ҳиссамизни жаҳон миқёсда намойиш қилишга эришдик деб ҳисоблаймиз.

Эртасига музей олдида навбат кутиб турган одамларни кўриб ҳайрон қолдик. Уларни полиция ходимлари тартибга солиб турар эди, музей очилишига эса ҳали ярим соатча вақт бор.

Музей пулли, кириш билетининг нархи 2500 иен (бизнинг пулга 12 суму 50 тийинга тўғри келади). Экспонатлар каталоги 5000 иен туради.

Мен ҳар қуни бизга ажратилган махсус хонада музейга келадиганларни томоша қилиб ўтирдим. Виставкага асосан катта кишилар келар, мактаб болаларининг ҳам сафи камаймасди. Ҳатто боғча ёшидаги болакайларни ҳам олиб келишарди. Болаларнинг залда алланарсаларни ёзиб олаётганларини кузатиб ҳайратга тушдим. Наҳотки мактабга бориб, бу ерда кўрганларини ёзма равишда баён қилсалар?

Болалар нафақат кўргазмага боришади, балки биз уларни ибодатхоналарда ҳам учратар эдик. Мен қизиқиб билсам, мактаб программасида ҳар ҳафтада бир кун махсус «музей кўни» бўлар экан: дарслар тўхтатилиб, болалар автобусларда, поездларда узоқ-узоқларга томошага борар эканлар. Йўл-йўлакай уларнинг олдиларига чиқиб, бир қўлига байроқча кўтариб олган ўқитувчилар у ёки бу ёдгорлик ҳақида маълумот бериб боради.

Баъзи ёдгорликлар, ибодатхоналар музейга айлантирилган, атрофи боғлар, гуллар, ҳовузлар билан ўраб олинган. Пул тўланг-да, хоҳлаганингизча томоша қилинг. Музей заллари жуда юқори дид билан жиҳозланган.

Япониянинг катта шаҳарларидан бири Осакада кўп қаватли миллий этно-

график музей бор экан. У ерда дунёдаги барча мамлакат халқларининг миллий буюмлари кўрсатилади.

СССР залида мени Узбекистондан олиб борилган Қўқон арава ҳайратга солди. У катта залнинг ўртасида турибди. Гўё Тошкент ва Самарқанд хонадонлари кўчириб келтирилгандай: хонадаги тоқчалар, сандиқ, хонтахта, хонташлар пардалар, тандир, ўчоқ-қозон, бешик, тувак, сумаклар, хуллас, ўзбекининг уйига кириб қолгандек бўласиз. Қизиғи шуки, бу ранг-баранг экспонатлар асл нусхалардир. Улар узоқ ерлардан не машаққатлар билан ва катта пул сарф қилиб олиб келинган. Музика залида бутун дунё халқларининг чолғу асбоблари намойиш қилинади. Агар бирор музика асбобининг куйини эшитмоқчи бўлсангиз, унинг олдида бориб махсус кнопкани боссангиз — бас, бир оздан кейин ўша музика асбобининг магнит плёнкасига ёзилган садоларини тинглайсиз. Бир хонада дунё халқларининг идиш-товоқлари дасталаб қўйилган, улардан фойдаланиб хоҳлаган миллий таомни тайёрлашнинг мумкин. Менга қозон ва капкирни кўрсатиб, палов тайёрламайсизми, деб сўраб қолди. Бугун бўлмаса ҳам, фурсат топиб палов дамлаб япон ҳаммасбларимни меҳмон қилиш ниятим борлигини айтдим.

Биз ўша ерда юрган пайтимиз Нара префектурасида археологлар ажойиб кашфиёт қилдилар. Фудзикоки деган қўрғон остидан ҳеч шикаст этмаган бир мақбарани, уларнинг тахминларича, давлат арбоби ёки саркарданинг қабрини қазиб олишди. Мутахассислар ҳатто тобутнинг қопқоғини очмасдан махсус аппарат билан унинг ичидаги скелет атрофида сочилиб ётган тилла тақинчоқларни видеога ёзиб олиб, Япониянинг 8 та телевидение каналлари бўйича кўрсатишди. Бу намойиш ҳар икки-уч соатда такрорланиб турди. Қўрғондан чиққан барча буюмлар, дастлабки тахминларга кўра, бу қабр эрамизнинг VI асрига мансуб экан.

Киотода 1500 та будда ва 300 та синтоистик ибодатхоналар ва императорнинг қасри бор. Таажжубланидиган жойи шуки, бу ёдгорликлар VIII асрдан буён сақланиб келади: ҳаммасининг ўзига ҳок байрами ва анъаналари бор. Демак, бир йил — 365 кунда 1800 та диний байрам маросимлари ўтказилар экан! Шу боисдан биз Киотода бир неча диний байрамларнинг гувоҳи бўлдик. Байрамлар ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказилар экан.

Киотода императорнинг қасрини ҳам томоша қилдик. Қасрнинг чор атрофи қадимда махсус қазилган ва сув билан тўлдирилган хандақ билан ўраб олинган. Мудофаа девори ҳам анча мустақкам. Кўприқдан ўтишингиз билан баҳайбат дарвозаларга дуч келасиз ва қаср ичига кириб ажойиб манзарани кўрасиз.

Киотода яна битта уш қаватли ажойиб қаср бор. Айтишларича, унинг гузаллигига мафтун бўлган бир кохин ўт қўйиб, куйдириб юборган экан. Аммо ҳозир у таъмирчилар томонидан қайта

тикланган, аслига қайтарилган. Жилваланиб турган деворлари томошабинда катта таассурот қолдиради.

Сал нарироқда ажойиб бир табиат мўъжизаси бор. Японлар меҳмонларни албатта у ерга олиб боришади ва синчковлигингизни текшириб кўришади. Гап шундаки, кичкинагина жойда каттакич харсанг тошлар сочилиб ётади. Улар аслида 15 та, ammo қайси нуқтадан туриб санаманг, уларнинг сони 14 та бўлиб кўринаверади. Билсак, ҳақиқатан ҳам горизонтал ҳолатда туриб санаганингизда битта каттароқ тош иккинчисини тўсиб қолар экан. Биз қайси ибодатхонага, ёдгорликка ёки музейга бормаёлик, албатта гулзорлар, боғлар орқали ўтдик. Бир шапалоқ ернинг беркур турмаганини, ҳатто тошларга ҳам гул кўчатлари қадалганини кўриб таажжубландик.

Одатда, биз Голландияни гуллар мамлақати деб биламиз, ammo Японияни бориб кўрган киши бу борада японлар ҳеч кимга биринчиликни бермас керак деб ўйлайди.

Нара шаҳридаги миллий паркда буғулар очик ҳавода сайр қилиб юришади. Шунга қарамасдан, йўл бўйида катта туваклардаги гуллар атрофини темир панжара билан ўраб қўйишганининг гувоҳи бўласиз. Буларни кўриб биз, гулга ишқибозлик японларнинг миллий анъанаси бўлса керак, дедик.

Япония шаҳарлари сакура дарахти билан қопланган экан. Биз худди шу дарахт айна гуллаган пайтда борибмиз. Сакура дарахтига атаб шорлар шеър ёзишган, композиторлар куй басталашган, рассомлар полотнолар яратилган.

Биз ҳар куни иш жойимиз бўлмиш — Нара санъат музейига атиги 10 минут пиёда йўл юриб борардик. Йўлимиз шаҳар миллий паркин кесиб ўтади. Шаҳар рамзи бўлган буғулар бемалол боғ ичида сайр қилиб юришади. Ҳар 20-30 метр масофада қариялар бир фирманинг махсус тайёрланган печеньеларини сотиб ўтиришади (бу печеньеларда буғу ошқозонини оғритмайдиган моддалар бор экан). Буғулар сотувчилар олдига бормаё, сизнинг харид қилишингизни кутиб туришади. Сотиб олдингизми, сизнинг орқангиздан эргашиб кетаверади. Яқин туриб уларни боқасиз. Баъзан сиздаги печенье тугамаса, улар сиз билан шаҳарга ҳам кетаверади ва кечқурун ўзлари қайтиб келишади. Шунинг учун бўлса керак, шаҳар ўртасида ҳам буғулар тўдасини учратиш қоласиз. Улар ўргатилганмикин, нима бало, шох и зигили турган сакура дарахти гулларига тегмайдилар.

Сакура дарахти гулининг хушбўй ҳидига киши маст бўлиб қолади. У ҳар хил рангда гуллайди — оппоқ, бинафша, сарғиш тусда, бамисоли биздаги бодом ва гилос гулларини эслатади.

Айтишларича, кўргазма очилгандан бир неча кун ўтгач, қизик ҳодисани кузатишди. Келувчилар экспонатлар остига тўкилган саҳро қумидан эсдалик учун олиб кета бошлаганлар. Буни пайқаб қолган ташкилотчилар, улардан

ҳам уддабуронроқ чиққан: фирма эгалари узоқ саҳронда олиб келинган қумни чиройли пакетларга жойлаштириб, фалон саҳронинг қуми, деб ёзиб қўйиб, 40 граммни 700 иендан (бизнинг пулга тахминан 3 сўму 50 тийин) сота бошлабдилар.

Ана, яна битта японча уддабуронлик!

Мен Японияга боргунимча ўзбеклару тожиклару туркманларчалик чойхўр халқ бўлмаган керак деб ўйлар эдим. Ammo Японияда 50 кун яшаб бу фикрдан қайтдим: қаерга борманг, саломалик қилиб улгурмасданок ёш қизлар кўк чой олиб келишади, чой ичиб ўтириб суҳбат давом эттирилади.

Японлар ҳатто муҳим бир сиёсий масалани ҳал қилишдан олдин ҳам бамайлихотир чой ичиб олиш керак деб айтишади.

Мен осиелик бўлганим учун ҳам кўк чой ичиш билан бирга японларнинг чой дамлашларига алоҳида эътибор бердим ва бу билан боғлиқ маросимни яхшироқ тушунишга ҳаракат қилдим.

Чой дамлаш маросими («тядо» деб аталади) японларда қадимдан то шу кунгача етиб келган экан. Фақат унга бугун бошқачароқ тус беришган. Умуман, уларнинг тан олишларича, чой дамлашни, дамлаганда ҳам ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилиб дамлашни билмайдиган бирорта япон йўқ эмиш.

Бир куни делегация бошлиғимиз Михаил Васильевич: «Ўзбекча палов дамламайсизми, мезбонларимизни таклиф қилар эдик», деб қолди.

Мен бажону дил рози бўлиб, шу баҳонада япон гуручини синаб кўрмоқчи бўлдим.

Палов тайёрланган кун виставкада «Ўзбекистон кунини»га айланиб кетди. Ўзбекистон майизи, патир нони, қурути ва бошқа ўзбек таомлари ёзилган дастурхон атрофида ўзбек белбоғи, чопони ва дўпписини кийиб олган Нара губернатори, хон атлас қўйлак кийиб олган япон аёли — таржимонимиз Араки хонимларнинг ўтириши, бир томонда магнитофонда янграётган ўзбек хонандасининг хониши зиефатга алоҳида миллий руҳ бағишлади.

СССР павильонида аллақандай сирли таом — палов бўлармиш деб 10 дан ортиқ журналистлар ҳам ташриф буюришди. Улар ҳеч тортинмасдан палов тайёрлашининг ҳамма жараёнини фотосуратга ва видеофильмга олиб турдилар.

Эртасигаёқ кўп газеталарда палов тарқатаётган каминанинг суратини «Ўзбек паловининг ҳиди Нарага етиб келди», деган сарлавҳа билан мақолалар пайдо бўлди. Бундай бўлади деб асло ўйламаган эдим.

Мени таажжублантирган нарса — японларнинг ҳеч тортинмасдан хоҳ овқат турлари бўлсин, хоҳ ширинликлар бўлсин, хуллас, ҳаммасини бемалол телевизорда кўрсатишидир. Баъзан уни тайёрлаш учун соатлаб вақт кетади. Кўрсатувни олиб борувчи журналист ошпаз ёки қандолатчи билан узоқ суҳбатлашади, пиширилган таом-

ни татиб кўриб, уни қандай тановул қилишни амалда кўрсатади.

Биз негадир шундай қилишга уяламиз, эп кўрмаймиз ёки кимнингдир рухсатини кутаемиз.

Четдан биринчи келган одамни Япония шаҳарлари, кўчаларидаги автомобильлар ҳаракати, кечалари ярақлаб, ёниб-ўчиб турувчи турфа ранг неон чироқлари, оригинал осмонўпар бинолари ўзига тортади.

Бу борада автомобиль ҳайдовчиси билан пиёда йўловчи ўртасидаги муносабатга тўхталмоқчи эдим. Бир сўз билан айтидиган бўлсам, ғоятда илиқ ва самимий. Агар кўча ўртасида, чорраҳада икки киши учрашиб, миллий удумга кўра таъзим бериб саломлашаётган бўлишса, автомобиль ҳайдовчилари уларни сабр билан кутиб туришади. Қаторда келаётган бошқа автомобиллар ҳайдовчилари ҳам пинагини бузмай тураверишади: бизнинг шофёрларга ўхшаб сигнал чалавериб безор қилишмайди ёки уят сўзлар билан сўкишмайди. Мабодо шошаётган бўлсангиз, марҳамат қилиб иккинчи-учинчи қаватдаги пулли йўлга чиқиб олиб хоҳлаган тезликда кетишингиз мумкин — сизга у ерда бирор кимса халақит бермайди.

Чорраҳада светофорга қараб интизом билан ўтишларини асти қўяверасиз. Пиёда йўловчи хоҳ ногирон бўлсин, хоҳ ёш бўлсин яшил чироқ ёнганда бемалол ўтиб кетиши керак, яъни барча транспорт воситалари тўхтаб туриши шарт. Белгиланмаган жойлардан пиёда йўловчининг кўчани кесиб ўтиши айб ҳисобланади.

Кўпалар тор, транспорт кўп бўлишига қарамасдан бахтсиз ҳодисалар кам учрайди. Тез юриш борасида устаси фаранг шофёрлар ўз маҳоратларини пулли йўлларда кўрсатишади. Пулли йўллар шахсий бўлиб, унда на чорраҳа бор, на светофор бор. Айтишларича, 12 миллион киши яшайдиган Токиода 5 миллион автомобиль бор экан. Унга метро ва электрчиқа хизматларини қўшсак, аҳоли учун яратилган транспорт қулайликлари қанчалик юксаклигини билсак бўлади.

Японияда йўл ҳаракатлари бизникидан бошқачароқ эканини кўпчилик билса керак. Автомобиль ҳайдовчиси ўнг томонда ўтиради. Автобусга олд эшигидан чиқилади, пул ўлаб, орқа эшикдан чиқиб кетилади. Таксиларда ёниб турган қизил чироқ унинг бўш эканини, яшил чироқ бандлигини билдиради. Таксида орқа-ўнг эшик очилмайди, чап-орқа эшикни ҳайдовчи кнопка орқали ўзи очади. Автобус ёки таксида хоҳласангиз 8 та проگرامмада телекўрсатувларни кўриб кетишингиз, зарур бўлса телефон орқали истаган жойингиз билан гаплашиб (фақат 3 минутдан ошмаслиги керак ва албатта пулли) олишингиз мумкин.

Командировкамиз тугай деб қолди, энди йўл тараддудини қилсак ҳам бўлади деб турган эдик: мезбонлар бизни бир неча кун Японияни томоша қилдириш режасини тўзиб қўйишган экан.

Шу боисдан биз Нарадан ташқари Киото, Осака, Кобе, Кашивара, Исэ, Никко ва охирида Токио шаҳарларини кўришга муяссар бўлдик. Токио ниҳоятда катталиги учун унга 4 кун ажратилди. Йўл-йўлакай учун археологлар, тарихчилар, этнографлари ва музей ходимлари билан учрашдик.

Японияда узоқроқ бўлган киши, у ердаги ҳаёт ниҳоятда мураккаб эканлигини сезади, ҳар қадамдаги ажойиботлар кишини таажжублантиради: японлар XX асрда яшайтиларми ёки XXI асрдами?

Уйлаб кўринг, Токио марказий вокзалида 1995 йилда ишга тушадиган янги поездни намойиш қилишяпти. Ҳозирча у 120 та пассажирга мўлжалланган. У соатига 500 километр юрар эмиш. Салон ичида барча қулайликлар яратилган.

2000 йил арафасида японлар Токиодан АҚШ га 12 соат ўрнига 3—5 соатда бориш имкониятига эга бўлар эканлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишларни 20 та компания бошлаб юборган. Унга кетадиган харажатларни ҳисоблаб кўрсалар 42 миллиард иен бўлар эмиш.

Ҳозирнинг ўзида Японияда 75 миллион видеомагнитофон бор (таққослаб кўринг: СССРда ҳозирча 1 миллион). Битта «Сони» фирмаси тез кунда баландлиги 23, эни эса 8 сантиметр келадиган телевизор ва видеомагнитофонларни ишлаб чиқармоқчи.

Бир йилнинг ўзида дунё иккита ажойиб иншоот ишга тушганлигининг гувоҳи бўлди. Биринчиси, 1988 й. 14 мартда очилган Сайкан тоннели бўлиб, у Хоккайдо билан Хонсю ороллари бирлаштирган, сув сатҳидан 240 метр чуқурликда ўтказилган, узунлиги 53 километру 800 метрлик темир йўл. Иккинчиси — апрелда очилган Хонсю ва Сикоку ороллари бирлаштирган икки қаватли (юқориси автомобиль учун, пасткиси поезд учун) Сэто-Охаси кўпригидир. Унинг умумий узунлиги 37 километру 300 метр келади (қурилиш 10 йил давом этди, 7,5 миллион иен сарф қилинган). Бу кўприкни қуриш учун жами 250 миллион тонна цемент кетган.

Осака шаҳрида техника марказидаги виставкада бизни робот кутиб олди; японча саломлашди ва менинг расмиمنى бир неча секундда чизиб берди.

Маълумки, Япония ҳамма томондан денгиз ва океан билан ўралган. Демак, чет давлатлар билан алоқа қилиш, хомашё олиб келиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш учун, биринчилар, улар кемасозликни ривожлантирдилар. 1970 йилда Япония кемасозлиги бутун капиталистик давлатларни ортда қолдирди. 14 минг тонналик кемани тайёрлаш учун АҚШда 450 минг соат, Францияда 500 минг соат сарфланса, Японияда унга беш ой киноф эди. 8000 та автомобиль ташийдиган улкан кема қурилди.

Энди асосий масалага ўтамиз. Эришилган бу ютуқлар заминачи японларнинг миллий хусусияти сифатида уларнинг чидамлилиги, оғир вазиятда ҳам ўзини тутта билиши, вазминлиги, сиполиги ётади! Ҳар онда шу ҳол сезилиб туради.

Баъзан биз кишиларнинг кўполлигини, кўрслигини уларнинг яшаш шароитларининг ёмонлигидан деб биламиз. Асли шундай эмас-ку! Агарда ўртача ҳаёт кечираётган япон оиласини олсак, уларнинг кундалик ҳаётларида, оилаларида камчилик йўқми? Албатта, бор. Масалан, катта шаҳарлардан салгина четга чиқсангиз уйлар темир йўлнинг ёки кўчаларнинг тагида жойлашган (ер қиммат-да!). Транспорт ўтиб кетаётганида уйлар худди қаттиқ зилзиладан титраётгандек туюлади. Қолаверса, кийим-кечаклар ва озик-овқатларнинг баҳоси қиммат. Ишга келиш ва кетишда транспорт қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Лекин шунга қарамадан бирорта одамнинг нолиши, кимнидир ҳақорат қилганини эшитмайсиз.

Японча ахлоқ кўп қиррали. Кўча-кўйда ҳисобсиз таъзим бериб саломлашишлар, бирор нарсани сўрасангиз, жону дили билан сизнинг хожатингизни чиқаришга интилиш, меҳмонга борганда ўзини тутта билиш, хайрлашаётганда уй эгасига ўгирилиб, анчагача шу таразда табассум билан хайрлашиш ва шунга ўхшаш беҳисоб мулозаматлар японларда кичиклигидан қонига сингиб кетар экан.

Яна бир хусусият шуки, улар ўз иззат-обрўларини сақлашга ҳаракат қилдилар. Шу боисдан кўча-кўйда бир-бирларига овозларини кўтарганларини ёки бўлмаса, ҳақоратли муомала қилганларини кузатмайсиз. 50 кун мобайнида биз бирорта кимсаннинг маст-аласт ҳолда кўчада юрганини ё ётганини учратганими йўқ. Ҳолубики, магазинлар хилма-хил спиртли ичимликлар билан лиқ тўла.

Японча сервис — аҳолига хизмат қилиш юқори даражада эканлигига ўзимиз тан бердик. Буни исбот қилиш учун бир мисол келтирмоқчиман. Биз Кобе шаҳрида (Токиодан салкам минг километр узоқликда) ҳар хил радио ва телеаппаратура харид қилганимизда сотувчи: «Буюмларингизни олиб кетасизми ёки бирорта жойга етказиб берайликми?» деб сўраб қолди. Биз ҳам пинагимизни бузмай: «20 кундан кейин Токиода бўламиз, у ердан ватанимизга учиб кетамиз. Мумкин бўлса, ўша ердаги меҳмонхонага элтиб берилса», деб адресни қолдирдик. Пулни тўлаб, Нарага жўнаб кетдик. Айтган вақтимизда Токиодаги меҳмонхонага келсак, биз харид қилган нарсалар регистратор хонасида бир неча кундан бери эгасини кутаётган экан. Биз шундай бўлишига ҳеч шубҳа қилмаган эдик.

Японларнинг яна бир ажойиб миллий хусусияти ҳақида гапирадиган бўлсак — бу уларнинг меҳнатсеварлигидир.

Шолипоярларда соатлаб, кези келганда ёмғир ёғиб турганда шоли кўчатини режа билан экаётганлари, ҳар бир қулпнай тупини қоғоз билан ўраб қўйиши, энди қаддини кўтариб келаётган мева дарахтига ёғоч панжара ясаб муҳофаза қилиш ва ҳоказолар уларнинг ниҳоятда заҳматкашлигини, ўз меҳнатини қадрлашини кўрсатиб турарди.

Юқорида мен санаб ўтган япон мил-

лий хусусиятларига яна бир нарсани қўшишни истар эдим: уларнинг тадбиркорлиги ўсиб келаётган авлодга — ёшларга бўлган муносабатида, унинг тарбиясида намоён бўлади.

Паркларда, музейларда, ёдгорлик эҳромларда болакайларнинг тўда-тўда бўлиб юришлари Япония шаҳарлари учун хос манзарадир. Улар қаерда бўлмасин, ўзларини эркин сезадилар. Уларга қараб туриб мен, япон ота-оналари болаларга нисбатан «мумкин эмас» деган сўзни ишлатмасалар керак деб ўйладим.

Авалло бунга таажжубланасан киши, аммо кейинчалик бу ҳам тарбиянинг бир тури бўлса керак, деб ўйлайсан. Айтишларича, ота-оналар боласини урмас эканлар, лекин айб иш қилиб қўйсалар уларга вақти-вақти билан жазо бериб туришади, дейишди.

Дарвоқе, япон қизлари ота-оналарининг доимий назоратида. Улар ёшлигидан бичиш-тикишни, тўқишни, гулдаста яшаш санъатини, чиройли қадам ташлашни, чаққонлиқни ўрганар эканлар. Спортга катта эътибор берад эканлар. Болага ота-онаси: «Дўстларинг билан иноқ бўлгин», деб насиҳат қиларкан. Бундай насиҳат мактабда, олий ўқув юртида, ишга борганда, хуллас, умр бўйи берилар экан.

Матбуотда кейинги пайтларда берилган хабарлар японларни бир оз ташвишлантириб қўйди. Айтишларича, 2020 йилга бориб ҳар тўрт кишининг биттаси 65 ёшдан зиёд бўлар экан. Бу дегани — 32 миллион киши бекорчи-пенсионер.

2009 йилгача японлар 132 миллионга етиб, кейин аҳоли сони камаяверади. Ҳозир ўртача япон оиласи 3-4 кишидан иборат.

Шунга қарамай, ҳозирча японлар умр кўриш бўйича дунёда энг олдинда ҳисобланади. Хуллас, бу борада ҳам японлардан бирор янгиликни кутиш мумкин, чунки улар нималарга қодир эканликларини бутун дунёга кўрсатиб қўйдилар.

Пировардида яна бир нарсани айтмоқчиман. Япония олимлари ҳозир Ўрта Осиё халқларининг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан қизиқаётдилар. Улар чоп этган япон-ўзбек луғатини ҳам кўрдим!

Ҳатто айрим таниқли япон археологлари профессор Като Кюдзо раҳбарлигида Далварзиптепага келиб ўзбек олимлари билан биргалликда қазишма ишларида қатнашиш иштиёқида эканликларини изҳор қилдилар.

Муҳаммад Очилов

Гап халтадан ҳангомалар

Хат

Танготар бобо сабзи ўранинг оғзини шибалаётган эди, дарча томондан кимнингдир шанғи овози эшитилди:

— Ҳў-ў, бова! Тирикмисиз?

Бобо чўчиб ортига ўгирилди. Колхоз почтачиси Шойимбой, қўлида аллақандай қоғоз, йўртиб келарди.

— Арздангизни хатини опкел-япман... Бизар энни шуннай — бечора, ҳаммага хизмат қип ўрганиб қолган-да, биров раҳмат айтмасаям... Суюнчисига сўлақойдан чўзсангиз бўлди...

«Шу шанғи кўп қўпол, оғзи бепаллаки одам-да,— хаёлидан ўтказди Танготар бобо, ўрнидан тураркан.— На саломни билади, на алиқни. Гапирган гапидан гуп этиб таппининг ҳиди келади. Яна шанғиллагани ортиқча! Хизмат қилган бўлсанг касбинг-да, хумпар. Моянасини мен олмайман-ку!»

Бобо ичидагини ташига чиқармаслик учун зўрма-зўраки илжайган бўлди.

— Э-э, барака топинг, Шойимбой! Мўминбойди хатини обкелдингизма? Уккағарди ули охири қоғоз қоралабди-да... Ўзиям ярим йилдан бери сувга тушган мушқдай жимиб кетганди. Кўп яхши иш қипсиз-да, шанғ-ғ... Шойимбой! Қаранг, шу бугун чап қовоғим пирпир этиб учаётганди-я. Ишқилиб, яхшиликка бўлсин.

Шойимбой суюнчидан умидвор бўлгандек чолга тикилиб турди, оғзини катта очиб эснади, сўнг ерга

шапалоқдек қилиб туфлади-да, кетиш учун орқасига қайрилди.

— Э-э, Шойимбой,— Танготар бобо почтачининг енгидан тутди.— Энди, бу қоғозди ўқиб бериб кетасиз, ука. Қурғур кўз ўтсаякан, ўзим ўқисам. Бачалар қачон мактабдан қайтадию қачон бунни ўқиб беришади. Шуйтиб кетинг, ука. Қарсингизни тўлдириб савзи солиб бераман. Балким, бача пақир хатида бирон зарилроқ...

Шойимбой ижирғангандек афтини буриштира-да, лекин савзининг дарагини эшитибми ёки чолнинг мунғайиб турганига кўнгли юмшадими, ҳар қалай, кўнди. Конвертни бир юлқишда очиб, шанғиллади:

— Биз энди, бечора одам... Биров ўқи деса, ўқийверамиз. Лекин бу фарзандингизни бирор маънили гап ёзишига фаҳмим етмайди-да! Мони эшитинг...

Шойимбой гапиришдан бир нафас тўхтаб, бурнини қанқиллатиб қоқиб олгач, бор овозда хатни ўқишга тушди:

— Тез ва соз этиб ма-а-ълум... маълум рўл... бўлсинки... Одам деган ҳам шунақа майда ёзадими?! Отангга ўхшаб қурумсоқ бўлмай ўл... Етиб маълум бўлсинки, ул гўзал Қораравот қишлоғида... Гўзал эмиш. Гўристон дегин, баччағар! Ана, уч кундан буён свет йўқ. Ҳаммаёқ зимистон... Гўзал Қораравот қишлоғида ўйнаб-кулиб юрган отамиз Танготар... Уйнаб-кулиб-а! Эсон-омон грипидан қутилиб олдям. Қолардинг отамлаб... Ихм-

ихм... Менга қаранг, бова, шу хатни ўқиш шартми, а? Мони, манави жойида...

Шойимбой тўхташ олдидан қаттиқ сигнал берган паровоздек овозини яна бир поғона юқори олди.— Ота! Қийналиб кетдим. Озроқ пул жўнатинг... Тамом, псё!..

— Э-э, баққа ол-э! — Танготар бобо хатни почтачининг қўлидан юлқиб олди.— Бу бача нега менга муннай дўғириб хат ёзибди, а? Отага ҳурмат ҳали шуми? Яна уялмай пул сўрайди! Олиб бўпсан! Шимилдириқни ҳам ололмайсан! Мен унга ҳали...

Шойимбой чолнинг ияги титраётганини кўриб «бир қарс сабзи»дан умидини узди. Бурилиб жўнаркан, аламидан пўнғиллади.

— Бу фарзандингиз ўқийман деб, ҳамманинг кўзини бойлаб... Ким билади, қартавозлик қип юрибдими? Эрка бўлгандан кейин гўр бўлармиди!.. Энди, бова, кафанликнинг бир бурчидан ушата-сиз!..

Дарча эшиги тарақлаб ёпилди. Танготар бобо соқолини тутамлаб, оғир ўйга ботди: «Мўминбой унинг супрақоқдиси, элликка кирганда, беш қиздан кейин топгани шу фарзанд. Елкасини обкаш, кўксини баркаш қилиб ўстирганди. Қариганимда бошимга болиш, белимга белбоғ бўлади деб ўйлаганди. Умид қилган боласи мана энди бундай... Бобонинг юраги сиқилиб ўттиз сотихлик ҳовлига сиғмай қолди. Кўчага чиқиб, дарвоза олдидаги бузоқоёқ курсига чўкканча яна соқолини тутамлади.

— Шу шанғи Шойимбойнинг гапида ҳам жон бор-ов! Бекорга шаҳар кўрган эчкидан кўрқ дейишмайди-я. Тағин бу бача бемаза хулиганларга қўшилиб... Уф-ф, эй, фалак!

— Ас-салому... Уҳ-ҳ... вой-вой-ай. Оқсоқол, бардаммисиз? — Бедармон, ҳазин овозини эшитиб Ҷобо бошини илкис кўтарди. Рўпарасида ҳассага таяниб турган Чори чавандозни кўриб нари сурилди.

— Ва-алайк... Утиринг. Бу нима, эликка кирмай кунингиз ҳассага қопти?

— Э-э, сўраманг оқсоқол, маза йўқ! Вой-ай... — Чавандоз инқиллаб-синқиллаб ўтираркан, оғир сў-

Қўшниллар

лиш олди.— Уф-ф! Бир кўн отни кўйиб, матасекл мингандим... Ана-ана... яна буради... Вой-ай, майиб бўлиб қолаёздим... Уҳ-х, ўзингиз нимага бундай, вой жоним-эй... Ғул-ғул товуқнинг хўрозидай қо-воқ-тумшук қилиб...

Тонготар бобо тўлиб турмаган-миди, бирдан ғазаби тошди.

— Мўминбой укангиз таъбимни кўп хира қилди, ука... Бача шаҳарга бориб бодиланиб кетибди. Дўқ уриб бир хат ёзибди денг... Ҳали Шойим шанфининг олдида уятдан ер ёрилмади, ерга кирмадим! Энағарди боласини қариганимда биқинимга тиргак бўладими, деса-сам, тирсак бўлиб чиқибди. Қаватимда бўлганда-ку, қулоғининг кирини қоқиб туширдим-а!

Чори чавандоз ҳайрон бўлдими, инқиллашни ҳам эсдан чиқариб сўради.

— Шу Мўминтой-а?! Қўйсангизчи... Олдини кумурсқа кесиб ўтса йўл берадиган бола-ку! Жониворларни яхши кўришини айтинг. Айниқса, отни... Вой-ай, уф-ф!

Тонготар бобо қўлтиғидан конвертни чиқазди.

— Ишонмайсиз-да. Мана, ўқингиз мумкин... Мўминтой-а!

Чавандоз таёғини қўлтиғига қисиб хатни қўлига олди.

— Уф-ф, дармон етармикин. Шу тойчоқдай болани бундай хат ёзишига ҳечам... Вой-ай...— Чавандоз инқиллаганча афти-башарасини буриштириб олгач, минғиллаб хатни ўқишга тутинди.

— Тез кунлар ичида етиб...— Уҳ-х... етиб маълум бўлсинки... Вой, ул гўзал Қораравот қишлоғида, вой-ай, отахоним-ай! Қаранг, қандай тили шакар... Худди ўзингиз-а, оқсоқол? Ул гўзал қишлоқда ўйнаб-кулиб юрган отамиз, уф-ф, Тонготар... Ота, соғлигингиз яхшима? Соғлиқда гап кўплигини билганини қаранг бу тойчоқнинг... Уф-ф, энажоним-ай! Энам, опа-сингил, қавм-қариндош, ҳамқишлоқлар... Вой-ай... Бизни ҳам эсга олибди-я! Уҳ-х... Ота узр, озроқ пул зарур бўлиб қолди. Сабабини уйга борганда айтаман. Уҳ-ҳ кейин хурсанд бўласиз... Вой-ай, яна бир бор кечирим сўраб... Қандай боада бола-я! Насиб бўлса шу Мўминтойнингиз... Ие, нега йиғ-ляяписиз, о-оқсоқол?..

Тонготар бобо кипригига қалққан ёшни чопонининг бари билан артиб оҳиста ўрнидан қўзғалди.

— Болагинамнинг мазаси бўлмай қолган кўринади... Мен бориб савзини кавлай... эртагаёқ сотиб пулини жўнатмасам...

Шаҳарнинг бир кунжагида икки қўшни яшарди. Қўшнилларнинг кичиги ҳали уйланмаган, каттаси эса аллақачон етти бор уйланиб, етти маротаба ажралишга улгурган бева эди. Бўйдоқ сутдан қолган бузоқдек нимжон, бева эса буханка нонга боқилган буқадек бақувват эди. Бўйдоқ қўшни нимжонлигининг олстига соддароқ, бева қўшни эса бақувватлигидан ташқари инжиқтоб эди. Икки қўшни оламдаги кўпчилик қўшниллар каби тез-тез жиққамушт бўлиб туришарди. Жанжалга ҳамиша бўйдоқнинг соддалигию беванинг инжиқлиги сабаб бўларди.

Кўнларнинг бирида бўйдоқ қўшни бекорчиликдан кўра эрмакка деб серка сотиб олмоқчи бўлибди. Содда-да! Содда бўлмаса, шаҳар жойда жонлиқ боқишни хаёл қилармиди? Яна денг, бозорда чашшоғгача танлаб-танлаб ахийри сотиб олгани серка эмас, бобовтака бўлиб чиқибди. Бобовтаканинг бобовлагани турган гап, инжиқ беванинг кўнглига ўтирмабди. Инжиқда! Инжиқлиги кўзиб, борасолиб содда бўйдоқнинг ёқасидан олибди:

— Бу маҳаллада ё сен турасан, ёки ўша...

Озғин бузоқдек бўйдоқ бақувват буқадек беванинг қаршисида нима ҳам қила оларди? Нажот истаб чоратрофга боқибди, аммо қўшнилари тирқиш мўралашдан нарига ўтишмабди. Бўйдоқ содда эмасми, шайтонга ҳай берибди. Бобовтаканинг боши қозонга кирибдию ловуллаб турган жанжал олови ҳам сув сепилгандай дарҳол ўчибди.

Иккинчи сафар бўйдоқнинг кўнгли қўшиқ эшитишга сушт кетибди. Истагини амалга ошириш учун япон магнитофони ва унга қўшиб икки-уч кассета сотиб олибди. Содда-да! Содда бўлмаса, ҳамма зикр тушиладиган куй-қўшиқларга ихлосманд бўлганда, у бориб-бориб «Шошмақом»га кўнгил кўярмиди? Турган гап, юракни эзувчи ҳазин оҳандан инжиқ қўшнининг ҳаловати бузилибди. Инжиқ-да! Инжиқлиги боис товонидан ўт, бошидан ҳовур кўкка ўрлабдию бора солиб бўйдоқнинг бўйнига чанг солибди.

Бўйдоқ нажот истаб ён-атрофга аланглабди, аммо қўшнилари бу сафар ҳам тирқиш мўралашдан нарига ўтишмабди. Бузоқдек бўйдоқ буқасавлат беванинг қаршисида ни-

ма ҳам қила оларди? Чор-ночор бўйнини қисиб бевага ён берибди. Қўшиқ битилган кассеталар биринкетин ўчоққа кирибдию ловуллабман деб турган жанжал чўғи ҳам дарҳол кулга айланибди.

Янаги сафар, нима хаёлга борибдию бўйдоқ қўшнининг машина ҳайдагиси келиб қолибди. Содда-да! Содда бўлмаса кимнингдир алмисоқдан қолган машинасини сотиб оладими? Машинанинг ҳамма қисмлари қўлбула бўлганлигидан дудбурунидан тутун ўрнига ғалати ҳид ва антиқа овоз чиқараркан... Турган гап, бундан инжиқ беванинг уйқуси ўчибди. Инжиқ-да! Инжиқлиги боис бурнининг учи, қулоғининг ичи, кафтининг ўртаси қичишиб бўйдоққа бургутдек ташланибди:

— Бу маҳаллада ё сен турасан, ёки ўша...

Бўйдоқ кўмак истаб теварак-атрофга боқибди. Қўшнилари ҳаргалгидек тирқиш мўралашдан нарига ўтишмабди. Бузоқдек бўйдоқ буқақелбат беванинг рўпарасида нима ҳам қила оларди. Ноилжигидан бу сафар ҳам паст келибди. Бузуқ машина арзон-гаровга сотилибдию жанжал ҳовури ҳам тезда босилибди.

Бироз фурсат ўтгач, қари-қарангларнинг маслаҳатига учиб бўйдоқ қўшнининг уйлангиси келиб қолибди. Соддалиги қурсин, уни бу сафар ҳам чув туширишибди. «Юпқадек юмшоқ мўнадек майин, ўнта ўйлаб битта гапиради», деб тавсия қиладиган келиннинг тили ўқлоқ, тиши сўйлоқ: жаҳли ўттиз қопга, ийдаоси қирқ туяга юк бўлгулик экан. Келин гапирганда такалар тил тишлаб, куй авжида узилиб, машиналар тақа-тақ тўхтаб қолишаркан. Бундан, албатта, инжиқ беванинг... кечирасиз, бу сафар юрак олдириб қўйган эмасми, собиқ содда бўйдоқнинг ичига ўт тушибди. Икки кўзи эшиқда бўлиб, инжиқ беванинг ҳовлига бостириб келишини кутиб ўтираверибди. Йўқ, хотини овозини неча газ юқори олиб шанғилласа ҳам, инжиқ қўшни қорасини кўрсатмабди. Ҳайратга тушган собиқ бўйдоқ оҳиста деразадан мўраласа, инжиқ бева кўч-кўронини машинага ортиб кетаётган, қолган қўшнилари эса ҳар сафаргидек тирқишларидан мўралаб эмас, дарвозалари олдида белларига қўл тираб туришган эмиш.



НАСР

Раҳимжон ОТАЕВ. Сурнай наволари. Қисса . . .	3
Сулаймон ОБЛОҚУЛ. Зиддиятлар дунёси. Ҳикоялар	33
Мамадали МАҲМУДОВ. Қора дўлана. Қисса . . .	40



НАЗМ

Баҳром РУЗИМУҲАММАД. Шеърлар	30
Севара ВАФО	37
Нусрат КАРИМ	55
Абдулхай НОСИРОВ	63



ТАНИШУВ

Салима ҚЛИЧЕВА	32
--------------------------	----



АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ. Шеърлар	49
Омондурди АННАДУРДИЕВ	57



ПУБЛИЦИСТИКА

Қудрат Дўстмухамедов. Гўзалликнинг иккинчи олами	51
Луқмон БОЙМАТОВ. Маҳмуд Торобий кўзғолони	60
И. ФОЛЬКИН. Йиллар шамоли	70
Баҳодир ТУРҒУНОВ. Кунчиқар мамлакатда . . .	73



НАВОИЙХОНЛИК

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ. Шеърят жозибаси	64
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ. «Фақр йўлида гани, имонга бой»	66



НИГОҲ

Миржалол ҚОСИМОВ	58—59
ТИЛ САНДИҒИ	54



ЕЛПИҒИЧ

Муҳаммад ОЧИЛОВ. Гап халтадан ҳангомалар	78
--	----



ЎШЛИК

[«Молодость»]
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник редактор: О. РАҲИМОВ
Корректор: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси,
60-уй.

Т е л е ф о н л а р:
Бош редактор: — 78-94-05
Бош редактор ўринбосари: — 78-49-83
Масъул котиб — 78-97-07
Проза бўлими — 78-97-58
Поэзия бўлими — 78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва
санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар
авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз
тавсиясига кўра амалга оширилган
таржима асарлар қўлёзмасинигина
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан
олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 23.12.88 й. да туширилди.
Босишга 13.02.89 й. рухсат берилди.
Р-1157. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
Шартли босма листи 8,40. Нашриёт ҳисоб
листи 12,6. Шартли бўёқли босмада
нашр ҳажми 11,76. Тиражи 300000 нусха.
Буюртма № 4885. Баҳоси 50 тийин.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.

Узбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени босмаҳонаси.

© «Ешлик» № 2, 1989.